

АЛ ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

ОШИҚНОМА

7 - КИТОБ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:
профессор С.Р.РЎЗИМБОЕВ

УРГАНЧ -2018

«Ошиқнома» рукни остида 7-китоб бўлиб чиқаётган ушбу мажмуага “Давлатёрбек” ва “Гул ва Булбул” достонлари киритилди. Мазкур достонлар ҳам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади деган умиддамиз.

Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Ш.Рахимова, М.Матқулиева,
Д.Худайберганова.

Тақризчи: Д.Ғайипов, И.Ҳажиева

Ушбу мажмуа УрДУ илмий-услубий кенгашининг 2019 йил _____ ойида бўлиб ўтган мажлиси қарори билан ўзбек филологияси бўлими талаблари учун услубий қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган. (Баённома №)

УрДУ нашриёти – 2019
С.Р.Рўзимбоев, Ш.Рахимова, М.Матқулиева, Д.Худайберганова.

«ОШИҚНОМА»

ХАЛҚ ДИЛИДАН ЖОЙ ОЛГАН ДОСТОНЛАР

Хоразм воҳасида яшаб келаётган ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қисман қозоқ халқлари орасида қадимданоқ қиссаҳонлик анъанаси кенг тарқалган.

Қиссаларнинг катта кўпчилиги халқ достонларининг саводхон шоирлар, бахшилар, котиблар томонидан қайта ишланган вариантилари.

Таниқли туркман олими Б.А.Қарриев қиссаҳонлик анъаналарига ижобий баҳо бериб, шундай ёзади: “Қиссаҳонлар аудиторияси унчалик катта бўлмасада, қисса тинглашга бахшилар ҳам келишган. Саводсиз бахшилар қисса матнларини ёдлаб, уларни қайта ишлаб кенг аудиторияга ёйганлар”¹.

Қисса-достонларнинг рўёбга чиқишида Андалиб, Маъруфий, Толибий Мулланафас каби ўзбек ва туркман шоирларининг роли катта бўлган. Андалибининг “Юсуф ва Зулайҳо”, Маъруфийнинг “Юсуф ва Аҳмад”, “Давлатёрбек”, Толибийнинг “Доробнома” Мулла Нафаснинг “Тоҳир ва Зухра” каби асарлари ҳозиргача Хоразмда яшаётган турли миллатлар орасида ўз машҳуригини сақлаб келмоқда.

Биз мазкур мажмууга иккита достонни киритдик уларнинг биринчиси “Давлатёрбек” достонидир. Туркман олимлари ушбу достоннинг муаллифи сифатида XVIII асрда Хива ва Урганчда яшаб ижод қилган² Қурбонали Маъруфийни белгилайдилар. Туркман олимларининг кўрсатишларича, Маъруфий Махтумқули, Ғойибий, Шобанда, Шайдойи каби шоирлар билан Хивадаги Шерғозихон мадрасасида бирга ўқиган. У шоир бўлиш билан бирга машҳур чавандоз ва сипоҳий бўлган. Достоннинг бош қаҳрамони Давлатёрбек ҳам Шерғозихон мадрасасида шоир билан бирга ўқиган ва ўз навбатида чавандоз, сипоҳий бўлган³. Маъруфий Давлатёрбек билан ўқишида ва турли жангларда бирга бўлган. Мазкур достонни ҳам ўз дўстининг жангавор ҳаётига бағишилаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда асар тарихий достон сифатида баҳоланади.

Дарҳақиқат, XVIII аср воқеаларини тасвирловчи тарихий асар бўлган “Фирдавс ул-иқбол”да Давлатёрбекнинг исми икки –уч жойда тилга олиб ўтилади. “Ва явмут билан Орол Қўнғирот истило топиб, мулк ихтиёри явмут қўлида бўлди ва Мискин меҳтарни Хонгалди иноқ Эшмурод Қўнғиротнинг ўғли Давлатёрбекка буюриб ўлтуртди ва Абдураҳмон меҳтарга вазоратни муфавваз қилди”⁴, деб ёзади “Фирдавс ул-иқбол” муаллифлари.

Достон қорақалпоқларда Муса бахши ва Нарбай бахшилар репертуарида куйлаб келинган бўлиб, асар “Амударё” журналида “Давлатёрбек” номи остида чоп этилган⁵. Кейинчалик достон 2010 йилда Қорақалпоқ фольклорининг кўптомлилигига киритилган. (“Давлатярбек” // Қарақалпақ фольклоры Нөкис, “Илим”, 2010, көп томлық, 14-26-томлар 293-312-бетлар).

¹ Қарриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. –М.: Вост. Лит. 1968. –С.128.

² Мередов А., Ахалы С. Туркмен классык эдебиятының сөзлуги. Ашгабат, «Туркменистан», 1988. –С.202.

³ Дурдиев Қ. Магрупы ве онун «Дөвлетяр» дессаны. // Довлетяр. Ашгабат, «Туркменистан», 1978. –С.9.

⁴ Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадизо Оғаҳий “Фирдавс ул-иқбол”. –Т.: “Ўқитувчи”, 2010. –Б.65.

⁵ “Амударё”, Нөкис, 1970, №7.

Қарақалпоқ олимларининг фикрича, достоннинг пайдо бўлган худуди Кўнғирот туманидир. Унинг бош қаҳрамони Давлатёрбек болғали уруғидан чиққан Эшмурот нойибнинг ўғлидир. Бу асар 1930 йиллардаёқ ёзиб олинган⁶.

Туркман ва қарақалпоқ олимларининг асарнинг пайдо бўлган минтақаси ҳақидаги фикрлари бир-бирига жуда яқин.

Бу достон Хоразм бахшиларининг оғзаки репертуарларида учрамайди. Чунки достон ҳажм жиҳатидан жуда кўламдор бўлиб, асосан қиссаҳонлар томонидан ўқилган. Бизнинг фикримизча, Маъруфий “Давлатёрбек” достонини дабдурустдан ёзмаган. Дастваб ушбу тарихий шахс фаолияти ҳақида турли ривоятлар тўқилиб, эл орасида тарқалган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, тарихий шахс Эдиго ҳақида ҳам дастлаб кўпгина афсона ва ривоятлар тўқилиб, Маъруфий ўша сюжетлар асосида “Тулумхўжа” достонини ёзган.

Давлатёрбек ҳақида ҳам ўз эли бўлган Кўнғирот атрофларида ривоятлар, афсоналар пайдо бўлганлигига шубҳа қилмаса бўлади.

Қарақалпоқ олимларининг достон Кўнғиротда пайдо бўлган деган тахминлари ҳам ўша омиллар билан боғлиқдир. “Фирдавс ул-иқбол”даги қайдлар ҳам ушбу фикрга мос келади.

Бундан ташқари, достоннинг муқаддимасидаги макон (экспозиция) Кўнғирот эли тарзida берилади.

Хуллас, достон Хоразм минтақасида пайдо бўлган ва оғзаки ривоятлар, афсоналардан эпос томон силжиган. Маъруфий уларни ижодий қайта ишлаб ўз асарини рўёбга чиқарган бўлиши мумкин. Шундан кейин асарнинг қўлёзма нусхалари пайдо бўлиб, қиссаҳонлар репертуарига ўтган. Бизнинг қўлимиизда достоннинг иккита нусхаси мавжуд бўлиб, ҳажман 200 саҳифага яқин. Унинг композицион тузилиши қўйидагича:

1. Эл катхудоси Эшмурод Кўнғиротнинг вафот қилиши, Хива хонининг бундан хабар топиши ва унинг яқин кишиларига тазъийик ўтказиши.
2. Унинг ўғли Давлатёрбекнинг хонга қарши элни қўзғамоқчи бўлгани, аммо элнинг обрўли кишилари уни бу йўлдан қайтариши.
3. Натижада хон тазъийқидан химояланиш учун Давлатёрбекнинг отаси тарафдорлари бўлмиш туркманлар элига кетиши.
4. Манғишлоқдан бошпаноҳ топгач, унинг Астробод хонининг қизлари ҳақида хабар топиши, хон билан учрашиб, Эрон босқинчиларига қарши жангга кириши ва ғалабага эришиши.
5. Унинг ғалаба арафасида ярадор бўлиши ва у ҳақда ўлди, хабарининг хон қизларига етиб келиши, Давлатёрбекка ошиқ бўлган тўнгич қизнинг бу хабарни эшитиб, ўзини ҳалок қилиши.
6. Давлатёрбекнинг хушига келгач, йигитлари билан хон хузурига келиши, ёлғон хабар тарқалган Ёқуббек лашкарбошининг дорга осилиши.
7. Давлатёрбекнинг Манғишлоқча қайтиши, уни мактуб орқали хоннинг қайтариб келтириши, иккинчи қизи Хумойхонга уйлантириши.

⁶ Мақсетов К., Тожимуратов А. Қарақалпақ фольклоры. Нөкис, “Қарақалпак”, 1979. –Б.301.

8. Давлатёрбекнинг Ҳумойхонни олиб Манғишлоқقا етиб келиши, унинг олдига ғойибдан пайдо бўлган чолнинг келиши ва Қўнғиротга қайтишни маслаҳат бериши.
9. Бош қаҳрамоннинг Қўнғиротга келиши, хон қўшинлари билан тўқнашиб, ғалаба қилиши, оиласини элида қолдириб яна туркманлар олдига қайтиши.
- 10.Давлатёрбекнинг яна қизилбошларга қарши жанг қилиши, хийла билан унинг асирга тушиши ва зиндонбанд қилиниши.
- 11.Тез ўтмай унинг дўстларининг Эрон шохи олдига элчи бўлиб келишлари, Давлатёрбекнинг Эрон бахшилари билан айтишиб, ғолиб келиши ва асирикдан озод этилиши.
- 12.Бош қаҳрамоннинг ўз элига қайтиб келиши, онаси қабрини зиёрат қилиши ва вафот этиши.

Ушбу воқеалар тизими билан достон ниҳоясига етади. Достон финалида Давлатёрбекнинг Қўнғиротга келиб етгандан кейинги тақдири ҳақида сўз юритилмайди. Унинг ўз хотини Ҳумойхон билан учрашгани ёки фарзанди бор, йўқлиги ҳақида ҳам асарда бирор маълумот кўзга ташланмайди.

Шу нарса эътиборни тортадики, достон образлари орасида Маъруфий ҳам Давлатёрбекнинг пири сифатида иштирок этади. Бироқ, Хоразмдаги қўлёzmани Маъруфий ижодига нисбат бериш унчалик ҳақиқатга мос келмайди. Достон воқеалари, шеърий парчалар, асарнинг финали анча қайта ишланган. Достоннинг айрим воқеалари “Юсуф ва Аҳмад”даги лавҳаларни эслатади. Давлатёрбекнинг хийла билан асир олиниши, унинг эроний шоирлар билан айтишувда енгиб чиқиши каби воқеалар фикримизга исбот бўла олади.

Достон ҳажман анча катта бўлиб, таркибида 1775 шеърий мисра ишлатилган. Шулардан 432 таси мураббаъ, биттаси мухаммасдир. Шеърлар бадиий жиҳатдан юксак даражада бўлиб, поэтик талабларга тўла жавоб бера олади.

Қошлинг камондур, кўзларинг жаллод,
Сўзларинг асалдур, лабларинг новвот,
Латофат бобида ой куяр бот-бот,
Йўқдур бу сўзимда ёлғон, севдигим.

Достон таркибидаги шеърларда Хоразм воҳасида яшовчи халқлар тез-тез тилга олинади:

Ола куйлак, тўни балли,
Сочи қора, узун талли,
Баланд бўйли, сужи тилли,
Мулойимлар ўзбекдадур.
“Алай-шулай” дейиб сўзлар,
Йўрға миниб, йилқи кўзлар,
Сағриси беш қарич қизлар,
Қозоқ билан қалпоқдадур.
Давлатёрбек дер, сўймали,
Ёқаси қўша туймали,

Боши тиллодан эймали,
Чин гўзаллар туркмандадир.

Ушбу ифодалар достоннинг ҳақиқатан ҳам Хоразм тупроғида шаклланганини тўла исботлайди.

Достонда анъанавий ифодалар, сажъ тузилмалари кўплаб учрайди: “Ой десанг-оғзи бор, кун десанг-кўзи бор, қулар юзли, ширин сўзли, булбул овозли, шунқорли-бозли, оғзи ғунча, лаби лаъл, кўзлари маston, қошлари камон, сочи сиёҳ, қадди зебо, тишлари садаф, киприклари саф-саф, қучоқлари жаннат, ўзи хуш талъат оводон бир қиз: Гулчаманинг ушбу қиёфаси асардаги бадиий нутққа зеб бериб, унинг эстетик таъсиричанлигини янада юксалтиради.

Хуллас, “Давлатёрбек” достони Хоразмда XVIII асрда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўша даврда яшаб ўтган айrim тарихий шахслар иштирокида бадиий-тарихий фонда тасвирловчи асардир. Достонда эртакларга хос фантастик тасвирлар ҳам ўрин олган.

“Давлатёрбек” достони илгари таъкидлаганимиз каби аввало кичик ривоятлар, афсоналар шаклида пайдо бўлиб, кейинчалик Маъруфийнинг назарига тушган. Достоннинг дастлаб айrim –айrim сюжетлар асосида тарқалганлиги туркман фольклорида мавжуд бўлган. “Давлатёрбекнинг зинданга тушиши”, “Давлатёрбекнинг сафари” каби турқум достонларнинг баҳшилар репертуарида борлиги ушбу фикрни яна бир маротаба тасдиқлайди.

Маъруфий дўсти Давлатёрбек билан бирга савашларда қатнашган. Шу сабабдан ҳам достонга ўз образини киритган.

“Давлатёрбек” тарихий достон деб тан олинса-да, у том маънода бадиий асар томонга силжиган. Бу достон сюжети Маъруфий томонидан бир тизимга солиниб, ёзувга кўчгандан кейин унинг турли вариантлари қўллёзма тарзида оммалашган ва дастлабки вариантидан анча фарқланадиган даражада баҳшиларнинг оғзаки репертуарига ўтиб янада кенг доирага ёйилган.

Хоразмда эса унинг турли қўллёзма нусхалари қиссанхонлар томонидан маҳсус аудиторияларда ўқиб келинган.

“Давлатёрбек” достонидаги “Ёшнома” жанри алоҳида эътиборни тортади. У кенг кўламли бўлиб эпик қаҳрамоннинг туғилганидан то 100 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади.

“Ёшнома” жанрининг ilk намуналари ҳалқ оғзаки ижодининг қўшиқ жанрида намоён бўлади. Хоразм минтақасида бундай қўшиқларнинг болалар репертуаридаги қўшиқ топишмоқ шакли алоҳида қизиқиш туғдиради.

“Давлатёрбек” достонида бу жанр янада такомиллашган ва бадиий жиҳатдан мукаммаллашган. 17 банддан иборат шеърий парчада эпик қаҳрамоннинг 100 йиллик ҳаёт йўли тасвирланади. Аммо бу давр шартли бўлиб, ундаги тасвир бадиий характерга эга. Бу жанр асарнинг туркман версиясида ҳам 13 бандлик шеърда ўз ифодасини топган.

Достон таркибидаги мазкур жанр унинг сюжетида ўзига хос ўрин эгаллайди. Эпик қаҳрамон биографиясини гавдалантиришда муҳим бадиий-естетик рол ўйнайди. Уни тадқиқ қилиш фольклоршунослигимизга муайян янгиликларни бера олади.

Қорақалпоқ версиясининг бошқа туркий версиялардан устуворлик касб этадиган бир нұктаси мавжудки, унинг таркибида иккита “Ёшнома” келтирилған бўлиб, биттаси аёлларнинг ёш хусусиятлари билан алоқадордир. Мазкур шеър 8 банддан иборат. Унинг муқаддимаси 14 ёшдан бошланиб, 100 ёшда ниҳояланади. “Ёшнома” даги 14 ёш умумий анъана доирасида бўлиб, балоғат ёши сифатида қайд қилинади. Қирқ ёш кайвонилик даври, 50 ёш кексаликнинг бошланиши, 60-70 ёшлар эса таназзул даври сифатида баҳоланади. Сўнгги ёшлар умумий тарзда яқунланади. Аёллар ҳаётини васф этувчи “Ёшнома”лар Ўрта Осиё туркий халқлар эпосида деярлик учрамайди. Аммо турқ, озарбайжон эпосида бу тоифа шеърлар фаол тарқалган.

Мазкур жанрнинг қадими илдизлари жуда теран эканлигини ҳисобга олсак, бир вақтлари мазкур жанр туркий эпосда (айниқса ўғуз эпосида) жуда кенг тарқалган бўлса керакки, уларнинг акссадоси ҳозиргача етиб келган.

Мазкур достон ўзбек тилида илк маротаба чоп этилаётир. Асарни нашрга тайёрлашда хонқалик Сўна халфа қўлидаги қўлёзма нусха асос қилиб олинди. Унда Маъруфий ҳақида бирорта қайд учрамайди. Қўлёzmанинг охирида: Тамматул китоб, баавни маликул ваҳҳоб. 1254 ҳижрий (1844 милодий) ёзуви қайд қилинган.

“Гул ва Булбул” достони. XVIII-XIX асрларда Хоразм воҳасида қиссаҳонлик ўзининг ривожланиш босқичига қадам қўйган. Ўша даврларда бу воҳада яшаган қўплаб шоирлар халқ ижодиётида қадимдан келаётган афсона ва ривоятлар асосида қисса-достон ёзишади. Ёки баҳшилар репертуарида илгаридан куйланиб келаётган достонларни қайта ишлашда ўз қаламини синааб кўрган.

Хоразм воҳасида тарқалган “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Саёд ва Ҳамро”, “Ҳурлиқ ва Ҳамро”, “Шахриёр”, “Гул ва Санобар”, “Асил ва Карам” каби кўплаб достонлар қайсиидир ижодкор томонидан қайта ишланган асарлардир.

1862 йилда Хоразмга келган Ҳерман Вамбери мадраса мударриси Мулла Исҳоқ билан юриб қўплаб қўлёзма достонларни тўплаган ва ўз элига олиб кетган. Мулла Исҳоқ бу воқеани бир шеърида шундай ёзади:

Сафарда йўлдошим бул Рашид ҳожи, (Ҳ.Вамбери)

Анинг Қўнғиротда битди муҳтожи,

Пайтонга юқ бўлди китоблар, важи,

Қисса-достон совға қилганлар, хўш энди⁷.

Мулла Исҳоқнинг ёзишига қараганда битта Қўнғиротнинг ўзидан бир файтон (арава) китоб тўпланган. Биз сўз юритмоқчи бўлган “Гул ва Булбул” достони ҳам ўша даврлардаёқ қўлёзма ҳолда қўлдан-қўлга ўтиб юрган.

Аксарият қисса-достонларнинг муаллифи унutilган. Аммо “Гул ва Булбул” достонининг муаллифи бизга маълум. Чунки, муаллиф достон охирида ўзи ва асари ҳақида маълумот беради:

Кўриб билган борми Шомда, Ирокда,

Кўриб нусха олдим форсий варақда,

⁷ Рўзимбоев С. Мулла Исҳоқ. Урганч, “Университет”, 2005. –Б.8.

Минг икки юз ўн тўрт бўлди тарихда,
Бежин йили туздим қиссани, беклар!
Демангиз Шобанда ўзиндин демиш,
Дардли жона дармон сўзиндин демиш,
Май ичибдур ишқнинг кўзиндин демиш,
Ҳақ беридир ганжи-бу кони, беклар⁸.

Ушбу маълумотдан қўринадики, Шобанда асар сюжетини форсий манбалардан олиб, хижрий 1214 йилда қиссани ёзиб тугаллаган. Бу сана мелодий ҳисобда 1799 йил бўлади. Дарҳақиқат, ушбу сюжет асосида илк бора “Гул ва Булбул” достонини XV асрда яшаган форсийгўй шоир Манучехр Тожирий Табризий ёзган. Кейинчалик Вафо отли яна бир форс шоири ҳам 1847 йилда мазкур сюжет асосида достон ижод қилган. Шу тариқа бу достон сюжетни форсий ва туркий адабиётда кенг тарқалган. Туркий адабиётга бу сюжетни биринчи маротаба Шобанда олиб кирган.

Шобанданинг исми Абдулла бўлиб, у Тошовуз ва Кўхна Урганч атрофларида яшаган. 1720 йилда туғилиб, 1800 йилда вафот этган⁹. Шоир Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олган. У “Гул ва Булбул”дан ташқари “Шобахром”, “Хўжамбердихон” достонларини ҳам ижод қилган. Айrim манбаларда “Саёд ва Ҳамро” достони ҳам унинг ижодига нисбат берилади. Ҳатто бу достон 1945 йилда унинг номи остида рус тилида нашр этилган¹⁰. Аммо туркман олимлари бу фикрни рад қилишади.

“Гул ва Булбул” достони ишқий –саргузашт характеридаги асар бўлиб, унда фантастика анча устувор бўлиб, персонажлар қаторида девлар, парилар иштирок этишади.

Туркман олими Б.А.Қарриев бу асарни халқ афсона, эртак ва ривоятлари асосида қайта ишланган китобий достонлар қаторига кўшади¹¹.

Достон таркибида 1 ғазал, 15 мухаммас бор бўлиб, қолган шеърлар мураббаъ жанрига мансубдир. Уларнинг барчаси 2190 мисрани ташкил этади.

Достон яратилганидан бери кўп марталаб кўчирилган ва унинг кўплаб варианлари юзага келган.

Бизнинг қўлимиизда достоннинг XIX аср охирларида кўчирилган араб алифбосида битилган қўлёзмаси бор бўлиб, уни биз 1984 йилда Хонқа туманида яшовчи Сўна халфа Эшматова бисотидан олганмиз.

Матн саводхон хаттот томонидан кўчирилган. Китоб яхши сақланган. Матнни табдил қилишда асарнинг 1982 йилда босилган туркман нашрига солишириб чиқдик. Бу икки матн сюжет жиҳатидан бир хил бўлсалар-да, матнларда айrim фарқлар мавжуд. Бизнинг қўлимиздаги матнда шеърий мисралар салмоғи анча катта.

Туркманча нашрда юборилган айrim хатолар биздаги вариантда тўғри берилган. Улардан айrimларини қараб чиқамиз.

⁸ Дессанлар. Ашгабат, “Туркменистан”, 1982. –Б.253.

⁹ Мередов А., Ахаллы С. Туркмен классыкы эдебиятиниң сөзлуги. Ашгабат, «Туркменистан», 1988. –Б.454. .

¹⁰ Жирмунский В.М.Тюркский героический эпос. –Л.: Наука, 1974. –С.693.

¹¹ Қарриев Б.А. Эпос и дессаны (к вопросу об их взаимосвязи). // Известия АН Туркменистана, серия общественных наук. Ашхабад, 1973, №6. –С.50.

Туркманча нашрда:

Истесем, гитсем герек **мушки**-хотандан айрылыб...

Сўна халфа вариантида:

Излаюб кетсем керак **мулки** Хўтандин айрилиб...

Ушбу мисраларда гап Хўтан мушки эмас, балки Хўтан мулки (эли) хақида кетаётир. Шу сабабли биздаги вариант мантиқан воқеалар оқимиға мос келади.

Туркманча нашрда:

Бу парагат, **галласыз** дарел-аманы нейлерем...

Сўна халфа вариантида:

Бул фароғат, **ғалвасиз** дорул омонни найларам...

Туркманча нашрдаги “галла” сўзини ғалла деб олсак ҳам, калла деб олсак ҳам мисрадаги фикр оқимиға мос тушмайди. Сўна халфа вариантидаги ғалва сўзи мисра маъносига мос келади.

Туркманча нашрда: Кадды шемшат зерур, серви мисалы...

Сўна халфа вариантида:

Қадди шамшод **эрур**, сарви мисоли...

Мисрадаги фикр оқимиға **зерур** сўзига қараганда эрур сўзи жуда мос келади. Айрим мисраларда туркманча нашрдаги форсий сўзлар биздаги вариантда туркий тилга, айрим сўзлар эса унинг синонимига алмаштирилган:

Гиже-гун учун перилар, ёлны **көтә** қылдылар...

Куну тун учуб парилар йўлни **осон** қилдилар...

Бу мисраларда **кўтоҳ** сўзи **осонга** алмаштирилган, ўз навбатида қофиявий жипслик ҳам таъминланган.

Туркманча нашрда айрим имловий хатоларга йўл қўйилган. Биздаги вариантда унинг тўғри шакли берилган:

Чықдың ал безенип гулгун **кабадач**...

Чиқдинг ол безаниб гулгун **қабодин**...

Туркманча нашрда айрим мисраларда баъзи сўзлар тушиб қолган, натижада вазн номутаносиблиги юзага келган:

Элтди Сала бизи, барды гул бостанына...

Мухаммаснинг бошқа мисралари 15 бўғиндан тузилган. Ушбу мисра эса 13 бўғиндан иборат бўлиб қолган. Сўна халфа вариантида бу мисра тўла келтирилган:

Элтди Сала бизни борди Гул **пари** бўйтонига...

Кўйидаги мисралар қиёсида ҳам Сўна халфа вариантидаги қатор мукаммаллик касб этади:

Долган он төртдигиже махи-табаним герек

Тўлған ул ўн тўрт кечалик моҳи тобоним керак...

Ушбу мисраларда ҳам вазн номутаносиблиги Сўна халфа вариантида меъёрига етказилган.

Бинобарин, қўлёзма асарларни нашрга тайёрлашда уларни турли нусхаларга солишириш кўплаб хатоларни тузатишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Достон сюжети марказида Булбул турат. У тилаб олинган фарзанд, тушида паризод авлодидан бўлмиш Гулга ошиқ бўлади ва жуда кўп саргузаштлардан кейин унинг висолига етади.

“Ошиқ” достонларида одатда бош қаҳрамоннинг яқин дўсти ҳам саргузаштларда бирга иштирок этишади. Бу достонда Булбулнинг уч дўсти бирга юради ва асар финалида уларнинг барчаси ўз қаллиғига эга бўлиб, Булбул ва Гул билан биргаликда мурод-мақсадларига этишади. Шобанда достон сюжетини анъанавий “Ошиқ” достонларига хос мотивлардан танлаган. Достон шеърияти анча мукаммал ишланган. Айрим мухаммасларда баъзи сакталиклар мавжуд бўлса-да, мураббаълар мукаммаллиги билан эътиборни тортади.

Шуни таъкидлаш керакки, шеърларнинг аксарияти воқеабандлик хусусиятига эга. Асар қаҳрамонлари кўп ҳолларда ўз саргузаштларини шеърий нутқда баён қилишади. Шу сабабли достон таркибидаги шеърларда лирик кечинмалар ҳам баёний характерга эга.

Достондаги анчагина шеърлар туркманча нашрдан вариант берадиган даражада фарқ қиласди:

Гелдинг яшыл гейип, безанип гулгун,
Бакышың карчыгай, олтуршың, тугун,
Жемалың барк ураг баг ичре бу гун,
Гөзлерин гөвхердир, дишин дур имди!

Сўна халфа вариантида:

Келдинг яшил кийиб, безаниб гулгун,
Боқишинг қарчигай, ўзинг нар сулгун,
Жамолинг барк ураг, боғ ичра бу гун
Кўзларинг гавҳардур, тишиңг дур эмди!

Асарнинг тилида форсий, арабий лексикага оид сўзлар анча кўп. Шобанда мадраса таълим мини олганлиги сабабли ўша даврдаги туркий адабий тилга хос бадиий нутқ билан иш кўрган. Шу сабабли достон тили Хоразм воҳасида яшовчи барча халқларга тушунарли бўлиб, уларга teng хизмат қилган. Достон қиссанахонлар воситасида кенг оммалашиб халқ мулкига айланиб кетган.

Асар қаҳрамонларининг мардлиги, садоқатлилиги, ватанпарварлиги, дўстликни қадрлашлари бугунги кун учун ҳам муҳимдир.

Шобанда достон сюжетини форсий манбалардан олиб, ҳижрий 1214 йилда қиссани ёзиб тугаллаган. Бу сана мелодий ҳисобда 1799 йил бўлади.

Шу нарсани ҳам қайд қилиш керакки, “Гул ва Булбул” достонининг 1740 йилда Салоҳий деган шоир томонидан ёзилган варианти ҳам бўлиб, у 1913 йилда Тошкентда босилган. Достоннинг яна 7 та нашри бўлиб 1906 -1908 йилларда Бухорода, 1912 –йилда Тошкентда чоп этилган. Бу достоннинг кўпгина қўллэзма нусхалари мавжуд бўлиб, унинг битта нусхаси хонқалик Сўна халфа бисотида сақланади. Асарни нашрга тайёрлашда ўша нусха асос қилиб олинди.

Профессор: С.Р.Рўзимбоев

ДАВЛАТЁРБЕК

Аммо ровиёни ахбор, нокилони осор, хўшачинони достони бўстон, андоғ ривоят қилурларким, Кўнғирот элинда Эшмуродбей деган бир бузруквор чол бор эрди. Анинг обрўси баланд бўлиб, хон олдида ҳам эътибори кучли эрди. Аммо ой-қун ўтиб, бир куни анинг қазоси етиб, фоний оламдин боқийға сафар қилди. Бул хабар **кулли** Хоразмга овоза бўлиб, хоннинг қулоғига ҳам бориб етди. Хоннинг бирдан ҳирси қўтарилиб, эски яраси қўзғаб, қаҳрга минди. Шул замонда ул Эшмуродбейнинг улуғ ўғилларини қатл қилдирди. Кўнғирот бейига эса олий фармон қилиб, қўрқитиб айтдики, агарда кимда ким бош қўтариб, менинг фармонимга қарши чиқса, анинг бошига Кўнғиротни зиндан этиб, эл-улус юрадиган қалъа ўртасида уч ёғочдин остиурмен, деди. Кулли Кўнғирот улуси: Худоё бизга ўзинг мадад бергайсен, деб кўзларида ёш бағирларида тош бирлан армонда қолабердилар.

Фалакнинг гардиши бирлан дунё айланиб навбат Эшмуродбийнинг ўғли Давлатёрбекка етди. Давлатёрбек буни эшишиб, эл-улусға деди:

-Эй халойиқлар, “Қасос қиёматга қолмас”, деганлар. Эр-пирлар, халойиқлар оқ фотиха берсалар, эл-юрт қўлдасалар, йигитларнинг бир **тӯпори** бирлан қўшилиб бориб Хива таҳтига қилич урсак. Агар Оллоҳ ёр бўлуб, бизга обрў ёр бўлуб, эл қўлдаса, балки оғамизнинг қонини олурмиз. Йўқ агар толеъимиз терс келиб, қазомиз етиб ўлсак, ул ҳам бўлмайдиган нарса эрмас, ул қисматдур.

Эл-улус йиғилиб маслаҳат-кенгаш этабердилар. Охири айтдиларким, бул ишни маъқул кўрмаймиз, дедилар. Андин сўнг Давлатёрбек ғамгин бўлуб, **ўпкалаb**, еридин туриб ўта кетди. Эл бейлари, катхудолари, қози калонлари бирлашиб ақллашдиларким: -Эй Давлатётбек, “Ор кетди, иймон кетди” деганлар”. Аммо биз сизларга рухсат берабилмаймиз. Бугун биз рухсат бермасак, эртага ўзинг ҳам ўйлаб кўруб, билурсен, ҳар ишда сабрли бўлмоқ даркордур. Бул ишга ҳам сабр-тоқат қилмоқ яхши бўлур. Иншоолло оқибати хайрли бўлур, дедилар. Анда Давлатёрбек айтди:

-Эрса не маслаҳат берурсизлар?

-Маслаҳат шул, сенинг хон одамлари бирлан ўйининг teng келмас. Биз ҳам ҳали хон ҳазратларини ёқтириб турганимиз йўқ. Шул сабабли сенинг ҳозирда Кўнғирот элидин чиқиб кетмагинг ғаниматдур, дедилар.

Эрса, эртаси **тонг соз** берган вақтда кулли Кўнғиротнинг улуғидиничиги Давлатёрбекни узатмоққа чиқдилар. Булар шу равишда икки манзил йўл юриб, то Эграмча деган жойгача бордилар. Шул ерда онасининг ҳоли қочиб ўтириб қолди. Дарҳол Давлатёрбек онаси ёниға келиб, қўлидин тутуб ўлтурди. Онаси фақир зор-зор йиғлаб, ўғлиға қараб:

-Эй ўғлум, Олло ёринг бўлсун, аммо бизни ҳаргиз унутма. То қайтиб келгунчанг, йўлинга қараб ўлтиурмен, деди. Шул ерда Давлатёрбек онаси бирлан хўшлашиб, онага кўнгиллик бериб бир сўз айтар бўлди. Кўр, боқ не деди:

Фалак бизни ҳижрон сари бошлади,
Йиғлама, жон онам, каъbam, қол эмди.

Насибамиз бизни мундоғ ташлади,
Йиғлама, жон онам, қаъbam, қол эмди.

Түккиз ой күттардинг, түлганиб мани,
Қурбон қиласам санго бул шириң жони,
Йиғлатиб бу йўлда кетманам сани,
Йиғлама, жон онам, қаъbam, қол эмди.

Кўзим чиқсан, йиғлаганинг кўрмасун,
Ҳеч бир қулға тирик ҳижрон бермасун,
Дўстлар билиб, душманларим билмасун,
Йиғлама, жон онам, қаъbam, қол эмди.

Юртнинг маслаҳати, хоннинг ёрлиғи,
Бошима тушубдур жаҳон торлиғи,
Насиба ишидур, Ҳақнинг буйруғи,
Йиғлама, жон онам, қаъbam, хўш эмди.

Давлатёрбек айтур, ёлғизинг менам,
Мен Ғариб, соҳиби мисли Шоҳсанам,
Иншоолло, кетсам, яна келарам,
Йиғлама, жон онам, қаъbam, қол эмди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди, бориб отиға минди. Шул замон йигитлар ҳам отлариға миндилар. Улар эл-улус бирлан хайр-хўшлишиб, оллоёрлашиб, йўлға равона бўлдилар. Давлатёрбек олдинда бораётir. Сарқуш бедови бошини осмонга тиклаб, тоғларнинг бошиға **сар этиб** бораётir. Давлатёрбек от устида кетиб бораётib, ота юрти, кезган ерлари, боғу боқчалар бирлан хўшлишиб, бир нома айтар бўлди. Кўр, боқ не деди:

Етди айролиқ айёми,
Чоғлар, қол эмди, қол эмди.
Совуқ сувли, сарчаманли,
Тоғлар қол эмди, қол эмди.

Булбул фифон этиб зоринг,
Кеча-кундуз ихтиёринг,
Чўх едик олма-аноринг,
Боғлар, қол эмди, қол эмди.

От чопдириб даврон этдик,
Майдонда ғанимни тутдик,
Сени кўп босқилаб ўтдик,
Йўллар, қол эмди, қол эмди.

Хар доим сувинг ичардик,
Чизғаниб, сувга тушардик,
Устингдин отлаб кечардик,
Чоҳлар, қол эмди, қол эмди.

Дунё турсин, дўстлар турсин,
Жафо чекмай, сафо сурсин,
Давлатёрға обрў берсин,
Баринг, қол эмди, қол эмди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Ул йигитлари бирлан қўшилиб, юзини қиблаға тутуб, нердасан, Манғишлоқ эллари, деб кетаберди.

Йўл узок, гап қисқа деганларидай, Давлатёрбек шул кетишда от суриб, Манғишлоқ ютига етиб борди. Манғишлоқнинг барча эл-улуси Давлатёрбекнинг атрофиға жам бўлди ва алар бир неча кун тўй-томушалар этиб, от бўқдириб, олтин қовоқ отдириб, ховуз-ховуз шароб ичишиб, масту мастона бўлуб кўп вақти хушлик этдилар. Давлатёрбек Тангри таолонинг райига бўйсуниб, шул юртда оқ уй тикиб ёта берди.

Кунлардин бир кун Давлатёрбекнинг қулоғига бир гап келиб етди. Астробод вилоятининг хони Оллаёрхоннинг уч нафар қизи бор эрмиш, аларнинг ҳар бирининг оти-овозаси эл-юртга яйраб кетган, отарман-чопарман гўч йигитларга муносиб қизлар эркан. Аммо, Оллаёрхоннинг уч шарти бор эрмиш, уларнинг бирортасига ҳам инсон зотининг кучи етмас эрмиш. Аларнинг уддасидин келганлар қизларни олар эрмиш, агар уddaрай олмаса, бир умр хоннинг зинданда қолиб қиёмат охиргачали чиқобилмай ётур эрмиш.

Давлатёрбек айтди: узок йўлнинг хабаридур, ҳали кўрасан, ёлғон бўлуб чиқиши ҳам мумкиндур. Ул соғдин-сўлдин, ўтгандин-кечгандин сўраб кўрди. Аммо, аниқ бир маълумотға эга бўла билмади. Аммо ўзининг ўй-фикрида ҳам осойишталик бўлмади. Эрса, Давлатёрбек ов-шикорни баҳона қилиб, отга минди, шул тариқа бул гапни сўраб-суриштириб аниқиға етмак истади. Аммо бир куни Астробод шаҳридин келган бир карвон бул хабарни ой туққан янглиғ ошкор қилди. Хабар рост бўлуб чиқди. Бай-бай, Давлатёрбек ҳам шердай **чирпиниб** турғон бир мастона ўғлон эмасми, бул хабарни эшитиб, тинч туро билмади. Ул ишнинг ўнги-чапига қарамай йигитларини жам этиб қайдасан, Астробод деб кета бермоқчи бўлди. Аммо, ўйладики, бул гапни йигитларим бирлан бир маслаҳатлашиб кўрайин, деган ўйга келди. Ул йигитларини йиғнаб айтди:

-Эй йигитлар, бул ёшда, бул сифатда бизнинг бул ётишимиз бўлмаяжак. Агарда аниқ хабар эшитмасак, бошқача гап эрди. Аммо эмди, аниқ хабар эшитдик, кетмасак бўлмас. Эрта-индин ҳалқ орасида гап-сўз қўзғалар.

-Пай, зангарларей, агар бир ерда қуч бирлан олинадиган нарса бўлса, ўрнидин қўзғалажак эрмаслар, магарам уларнинг қўйниға олиб келиб берсанг, шунгача қарашиб ётажаклар, бошингизға тўз-тупроқ-ей, сизларнинг, деярлар. Бул гап бизга оғир тушар. Отилған ўқ тошдин қайтмас, деганлар. Эмди кетайлик, иншоолло бир иложи топилар, баҳтимизни Оллоҳ очсин!

Йигитларига, отланайлик, деди, аммо Давлатёрбекнинг кўнглида барибир қўркув бор эрди. Оллаёрхоннинг қалъасиға борсак, шартларини битира билмай, қўлимиздин ҳеч бир иш келмай масхара бўлуб қайтиб келмасак яхши эди, деб ўйланур эрди. Таваккал нар бўлса, андиша моя бўлур, деган гап бор. Эмди кетсак кетдик, деб отни **чишлоп** эгарлаб йўл шайини маҳкам тутиб, қиличини қинга солиб, созини ҳам эгарнинг қошиға боғлаб, йигитларининг олдиға тушуб, қайдасан Астробод шахри, деб Манғишлоқдин чиқиб, йўлға равона бўлди.

Ботирнинг ўзидин олдин хабари борур, деганларидек, булар олдида Астрободга уч кунлик йўл қолганда бир тўзон пайдо бўлди. Йигитлар аста бора бердилар. Бориб кўрсалар, Оллаёрхон вазир-вузаролари бирлан, қози калонлари бирлан Давлатёрбекнинг олдиға пешвоз чиқдилар. Давлатёрбек йигитлари бирлан отларидин гурра тушуб, одоб-икром бирлан кўришиб, соғлик-омонлик сўрашиб, сўнгра яна қалъа тарафга бирга кўшилиб отларини сурабердилар. Оллаёрхон туркман сипоҳларини беш кун едириб-ичириб сийлади, олтинчи кун деганда кўшкина чақириб, хабар сўради.

-Хов, Давлатёрбек, хўш келдинг, сафо келдинг, сен бизнинг элларга, сайру томоша учун чиқдингму ё бозиргонлик учунму ё ов-шикора чиқиш учунму ё-да бирорта маслаҳат учун келдингму? Не мақсадда келган бўлсанг тортинмай айтабер, қулоғимиз сенда деди.

Оллаёрхоннинг ҳашаматли тоҷу тахти, кенгдин қурилган мажлиси, хизматкорларининг сергаклик бирлан хизматда туришлари, сипоҳийларининг, бекларининг ўзларининг тутишлари, хоннинг ҳам ҳайқириб гапиришлари Давлатёрбекка таъсир қилди, **сусти** келди, хуши бошидин учди. Аммо Давлатёрбек сир бермади. Ул деди: -Эй подшоҳи олам, Султони бокарам, бизда хабарни сўралганда бер, деган гап бор.

-Хова, бор. Мен уни чўх яхши билурмен.

-Билсангиз, сўрадингиз, яхши этдингиз. Эмди хабаримизни айтсак, биз бир бўлак туркман сипоҳийлари, оқсоқолларимиз бирлан кенгашиб, сабаб бирлан зиёратлашали, ҳам кўҳна қариндошимиз, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб қайтсак, алҳол бир неча шартларни эълон этган эркансиз шуларни ҳам билайлик, агар кучимиз етса бажарсак, йўқса изимизга қайтиб кетаберсак, деб келдик, қиблай олам, деб жавоб берди. Давлатёрбек.

Оллаёрхон айтди: **Чўх ажаб**, чўх ажаб. Хов, Давлатёрбек, эрса келдинг, ақлли иш этдинг. Келганингдин бизнинг бошимиз кўкка етди. Ҳар қачон ёдимизга тушганда сени бир кўришни орзу этар эрдик. Бир Давлатёрбек деган йигит дўрабдур отармонликда –чопармонликда анинг баробари бўлмас, деб эшитур эрдик. Мана ўз оёғинг бирлан келдинг, кўрдинг, жуда яхши бўлди, деди.

Давлатёрбек хурмат учун ўрнидин туриб қуллуқ қилди: -Эрса қуллуқ, қиблай олам, деб ўлтурди. Оллаёрхон айтди: Ботирлиғинга, эпчиллигинга ҳамда мени сийлаб келганига уч шартимнинг бирини ўтиб, сўнгги иккисини айтайин, деб ўйлаган эдим. Аммо менинг яна бир шартим ҳам бор. Агар шуни битирсанг қолган шартларимнинг барини ўтиб юборурмен. Рози бўлсанг айтурмен, йўқса йўқ, Давлатёрбек!

Давлатёрбек айтди:

-Мангишлоқ деган ердин келибдурмиз, айтаберинг, эшитайлик, қиблайи олам:

-Хов, Давлатёрбек, қызилбош деган бир баломиз бор. Мана, шул келиб қалъамизни ўраб ўлтурибдур. Не бозиргонларимни, не сипоҳийларимни чиқарур, чўлда чорвамизни талайди, йўлда карвонимизни. Олтин-кумуш молдунё, қул-қорабош, саруполар бериб туурмиз, аммо буларни писанд ҳам этмайди. Давлатёрбек, 40 йилнинг умр-закоти-бу кетди, 7 йилги хазина-бу кетди, алғараз, нетайин, каллангни оғритиб, қалъада зот қолмади. Эмди эса, оёғимиз остидаги тилла тахтни, бошимиздаги жигамизни, яна уч қизимизни талаб этаётир. Берсанг, бердинг, бермасанг, қалъангни бошинга зиндон этиб, юртингни ер бирлан яксон этурмен, деб туур. Охири вазир-вакиллар бирлан маслаҳатлашиб шул фикрга келдик ким, ким бизни қызилбош зулмидин қутқарса бўйи баробар зар берурмиз, Гургон вилоятимиз, боз устига уч қизимиздин суйганини берурмиз. Аммо бу ишни битиравчи одам топилмай туур, Давлатёрбек, отланиб кетиб, балони даф этиб келсанг, 40 кеча-кундуз тўйнинг харажати менинг бўйнимда, деди. Давлатёрбек одоб бирлан туриб, деди:

-Қиблайи олам, бир шартингизни эшитдик, эмди қолганларини ҳам эшитайлик.

Оллаёрхон айтди: аввал шу шартни бажар, қоламасини яна айтurmиз, деди.

Давлатёрбек, синов нигоҳи бирлан йигитларига сар солди, булар розими, норозими, деб хавотирга тушди. Аммо бир йигити:

-Уруш гўч йигит учун байрам бўлур, деди. Яна бири:

-Уруш учун кенгаш керак эрмас, юринг, отланайлик, деди. Учинчи бири:

-Отлансак, отланайлик, деди. Тўртингчиси:

-Шу кунлар аъзои андомимиз буришиб, азоб бериб турибди, шуни бир ёзайлик, жуда зўр бўлди, маслаҳатни йўлда этаверамиз, эртага қолмай, шу бугун отланайлик, деди.

Давлатёрбек йигитларининг кайфиятини кўриб, хушвақт бўлди ва подшога деди:

-Эй қиблайи олам, эрса биз шу хизматга тайёрмиз, деди. Аммо бугун қўшиннинг эрк-ихтиёри менинг йигитларим қўлида бўлсин, маъқул топсангиз эртага кетурмиз, топмасангиз яна кайфингиз каллангизда.

Теварак-атрофини қызилбош ўраб ётган Оллаёрхон, бу гапга йўқ, деб айтур эрдими, ул суюнганидин ўрнидин туриб айтди: -Агар иш битириб билсанг сен не десанг маъқул, қўшиннинг ихтиёри ҳам сенинг қўлингда, деди. Шул вақт Ёқуб сардорни чақириб, деди: -Хов, сардор, қызилбош атрофимизни қуршаб олгандин бери аёлингнинг **йўрганидан** чиқмай иситма тутгандай бўлиб ётдинг. Эмди Давлатёрбек келди, сенинг кўзинг кўрсин, қулоғинг эшитсин, аммо билиб қўй, тилинг лол бўлсин, деди. Ёқуб сардор ул-бул зотларни айтажак бўлди, эмдигина оғиз жуфтлаганда Оллаёрхон:

-Кўй сўзлама, яна бир сўз айтсанг тилингдин ип боғлаб, дарвозадин осурмен. Ҳали ҳам жаҳлимни босиб турибмен. Бу сўзни эшитиб, Ёқуб сардор қотиб қолди.

Эртаси куни Астрободнинг барча эл-улуси қалъадин ташқариға чиқиб, Давлатёрбек бирлан Ёқуббекни улкан қўшинға бош этиб, оқ фотиха бериб, йўлға солиб юбардилар.

Эмди хабарни кимдин ол, қизилбошларнинг йифинидин ол. Қизилбошлар яrim йил тайёргарлик кўриб, **ошоғи-юқорисини** жамлаб, зўр тайёргарлик бирлан келмиш эрдилар. Уларнинг бир ойда-икки ойда қайтажак **ёғдойлари** йўқ эрди. Уларнинг отлиқ савашчилари, **шамхолчилари**, забаракчи, тўпчи-тўпхонлари ҳам кўп эрди. Ҳар вақтдин тўпини ерга кўмиб, бир гумбурлатиб юборар, бул сас Астробод қальясини сарсдириб, устидин ориға ўтиб кетар, қалъанинг одамлари юрагини ҳовучлаб, титратмага тушар, икки-уч кунгача, ўзига келмай юрар эрдилар.

Алғараз, гапнинг қисқаси қизилбош лашкари қора думон янглиғ бўлиб, Астрободнинг қибласини тутиб ётур эрди.

Давлатёрбек изига йигитларини тиркаб, чошгоҳ пайти Кўҳиболо тоғининг бошиға чиқиб, изига қаради. Манғишлоқ элининг боғлари элас-элас кўзига чалинди. Бул ёнина боқиб кўрса, қизилбошнинг йифини чодир-чаманини тикиб ётибдур, ўқ отсанг бири ерга тушмайди. Чўпда-чорда сон бор буларнинг сонсаноғи йўқ эрди. Йигитлар ҳам аларга боқиб, кўзлари қаҳрдин қисилиб, қон тўлиб, хирси кўтарилиб, шерсифат қаддини тутиб, ерга урсанг, осмонға сапчийман, деб турубдирлар.

Давлатёрбек айтди: Худо берса қулина, чиқариб қўяр йўлина, деганлар. Ҳов, йигитлар, ғайратга миниб бир от қўяйлик, иншоолло бу ўлжа, ғаниматлар бизники бўлғай, деди.

Йигитлар дарҳол яроғ-асбобларини тузатиб, отларининг қуйукларини тутмак бирлан машғул бўлдилар. Ким найзасини, ким ханжарини чархлар, кимдир таноб-арқонини тахлар, кимдир қиличини қояларга уриб кўрар эрди.

Давлатёрбек айтди:

-Ҳов йигитлар, ҳар бир ишнинг ўз қоидаси бор, бизнинг бек отимиз бор, Астрободдек улуғ бир юрт қўшинининг сардоримиз. Аввал бошлаб қизилбош сultonиға бир арзнома юборайлик, анинг майлини билайлик. Сўнг улар биз тайёргарлик кўрмай ғофил қолдик демасинлар.

Унда йигитларидин бири айтди:

-Эй Давлатёрбек, шунча мол-ўлжа кўлға тушажак бўлиб турганда бул не сўфичилик?

Бошқа бири айтди:

-Йўқ, ота-бобо расмини баржой этмак керак, ҳов Ёқуббек мирзабошини чақирайлик мунда, деди. Мирзабоши шул дамда югуриб етиб келди.

Давлатёрбек айтди:

-Ҳов мирзабоши, сен ўрнашиб ўтир-да бир нома ёз. Аларга айтғилки, келибдурлар, агарда ярашиб, эл бўлуб кетсалар, тезда йўқ бўлуб кетсинлар, йўқ эрса, лак-лак қўшинининг бири ҳам омон чиқиб кетмас, беги, сultonи, сипоҳиси-бари қиличдин ўтур. Уларнинг элига факат ўлди, хабари кетур, деди. Паҳ-паҳ, мирзабоши деганинг ҳам бир маймун янглиғ, ушоқ бир одам оёқларини чармаб, тагига босиб, ўрнашиб ўтириб, бир қисм бўлиб, зангар қаламини қийқилдатиб бир хат ёзмоққа тушди, дам ўтмай қоғозни тўлдирди.

Ани Давлатёрбекка берди. Ул номани ўқиб кўрди, сипоҳийларга ҳам ўқитди, маъкул, деганларидин сўнг, жигали муҳрини, қофознинг ошоғина бир урди, муҳрнинг эгриси эгри, тўғриси тўғри тушди турди. Чопар ҳам тез етиб келди.

Давлатёрбек номани берди. Биздин ҳам кўп дуойи салом де, аммо кетишингдин, келишинг тез бўлсин, деб қистаб қўйди. Чопар отлардин югурик бирини танлаб олди, чиплоқ эгарлаб, қўйруғини тугиб, номани телпаги ичига қўйиб, қизил бошлар томон зип берди.

Чопар кетди, аммо бир кун ўтди, икки кун ўтди, андин хабар бўлмади. Учинчи кун деганда чопарнинг ўзи йўқ, аммо оти қайтиб келди. Эгари учига бир нома тугилган эркан. Номани олиб ўқиб кўрсалар, қизилбошнинг сардори шундай бир саломнома кўндарибдур, ҳар сўзидин ўт сачур. Қизил бош сардори номанинг сўнгида Оллаёрхондин шул етиб келган қўшиннинг бутун от яроғ-асбобини, аларнинг ёнига қўшиб, шоҳ тахтини ва заррин жигасини юбармагини ёзибдур. Уч нафар қизини ҳам ёnlариға қўшмоқни сўраб дурлар.

Бул гаплардин сўнг Давлатёрбекнинг қаҳри келиб, қони бошиға урди, кўзлари пиёла янглиғ оқариб, ичи қон қўйма бўлди, гўё аъзои андомиға ўт тушгандай бир силкинди, ер зилзила бергандай бўлди. Йигитлар ани бул сифатда кўриб, уруш анжомини тутмок бирлан бўла бердилар.

Эртаси куни саҳар вақти Давлатёрбекнинг отликлари тўрт бўлак бўлиб, қизил бошнинг устига от қўйдилар. Шундай бир уруш қўпдиким, гўё қиёмат қойим бўлиб, ер-кўк айлангандай бўлди. Тоғлар пора-пора бўлиб, от дамидин осмон юзи қорайиб, олам-жаҳон қоронғу бўлди, кўкда юлдузлар кўринмай қолди. Одам қони сел каби шариллаб оқди, майдонда қолған мослиқлардин кичик-кичик тепалар пайдо бўлди. Шул тариқа жанг уч кун давом этди. Давлатёрбекнинг йигитларининг боши омон қолди, аммо қизилбош лашкарларининг лошлари қоришиб ётса-да, адo бўлгани йўқ. Давлатёрбек йигитларини жамлаб бир ён қоптола чиқди. Отдин тушиб, дам-тинчларини олиб ўлтиридилар. Шул вақтда Давлатёрбек Хўжанафас сардорнинг йигинида бўлиб, дўниб –дўниб санчишлари ёдиға келиб, ани таъриф этиб бир нома айтар бўлди, кўр боқ не, деди:

Гўч йигитнинг таърифини мен айтсам,
Достони тугамас-охири бўлмас.
Магар таърифимда ҳақ йўлин тутсам,
Бундай инсонларнинг довруғи сўнмас.

Илоҳо бир йигит дўрабдур мунда,
Не тасаввур молда, не ширин жонда,
Яхши келиб-кетган кўпдур жаҳонда,
Мунингдай бир йигит жаҳона келмас.

Кимсага от берур, кимсага тўнин,
Кимсага беш берур, кимсага ўнин,
Бир кимса сарф этса дунёнинг молин,
Яхшиман деганлар андин зўр ўлмас.

Тасадуққа лойиқ айтган сўзлари,
Шарофатли мудом кулар юзлари,
Шариат, тариқат, Ҳақнинг излари,
Шарофатда магар фаришта ўлмас.

Бир мардни дўст тутдим дашти сахрода,
Не манзури молда, не ширин жонда,
Давлатёрнинг дўсти чўхдур жаҳонда,
Жаҳонда ҳеч бири мундай жон ўлмас.

Давлатёрбек бул сўзини тамом қилди. Сўнгра давра олиб ўлтурғон йигитларина қараб деди:

-Ҳов йигитлар. Бул қўшинни қириб адо қилиб бўлмас. Буларни Худо қарғагандур. Биз мунча ноҳақ қонға қолмағайлик. Келинг, бошқа бир илож этайлик. Анда бири айтди: -Хориган бўлсанг, сен четда турабер, ўзим қириб ташлайман. Яна бири:

-Кўшиннинг орқасидин бориб, барини асир олсак, бўлмасми, деди. Алғараз ҳар ким ҳар нарса деди. Аммо Давлатёрбек аларнинг ҳеч бирини маъқулламади ва деди: -Йигитлар, сизларнинг айтганларингизнинг ҳеч бири ақлга сиғмас нарса, менинг бир маслаҳатим бор. Эндиғи савашимизда қизилбошларнинг тўғри туғига қараб, ҳужум ясаймиз, туг йиқилса қўшин ўз-ўзидин доғиб кетадур. Йўқ эрса, буларнинг бариси ўлса-да, туг йиқилмаса, бирортаси ҳам изига қайтмажақдур, деди.

Давлатёрбекнинг айтгани рост бўлиб чиқди. Эрталабги савашда Давлатёрбекнинг бир бўлак йигитлари тўғри тугни назарлаб кетаберди. Анда Давлатёрбекнинг оти қорасувга ботиб, ўзи ҳам қора терга ботиб, телпагини босиб, кийиб, душман қўшини ичидин қиличини соғу сўлға уриб, хонага кўра торроқ, даҳлизга кўра кенгроқ йўл очиб бораётир. Алар шу кетишда пешинга яқин түғ олдиға етиб бордилар. Давлатёрбек узангига таяниб, отдин қалқиб, бир қилич урганда түғни йиқди.

Түғ йиқилгандин сўнг қизилбош қўшини ўз-ўзидин доғиб бошлади. Турган қоч-турган қоч, эртаси туриб қарасалар, майдонда ҳеч ким қолмабдур. Давлатёрбек бул аҳволни кўриб, хушвақт бўлиб бир нома айтди:

Саваш куни ғўч йигитга,
Оллоҳим ўзи бош бўлур.
Ғўччоқлар қириб савашга
Ярасиз чиқса ғаш бўлур.

Ғўч йигит аямас жонни.
Кесар бошни, тўкар қонни,
Жавлон этар бул майдонни,
Кесар қилич, **хуруш** бўлур.

Муханнас майдона келмас,
Ғозий бўлиб, шаҳид ўлмас,

Дунё фоний, боқий қолмас,
Анинг вафоси дош бўлур.

Номард ҳеч тутмас ўгити,
Сийнасининг бўлмас ўти,
Мард йигит майдон бургуги,
Мудомо боша бош бўлур.

Келар йиллар, кечар ойлар,
Йигит киши отур ёйлар,
Жангчи учун байрам, тўйлар,
Саваш бўлур, довуш бўлур.

Давлатёр дер, хар ким билса,
Хақ амрина рози бўлса,
Қазо етиб, шахид ўлса,
Обрў анга йўлдош бўлур.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди, шул замон қизилбош қўшини қибла томондин яна пайдо бўлди. Давлатёрбек айтди:

-Хов, Хўжанафас сардор, шул келаётирганлар қизилбошми, ё менинг кўзимга шундай қўринурми. Хўжанафас деди:

-Қизилбошлар!

-Эрса унда отланайлик, йигитлар, ўйин бир, маза икки, деганлар. Худо ёр бўлса шу сафар аларга бир ўйин-томуша қўрсатайлик, етти пуштигача ёдинда турсин.

Йигитлар шундин сўнг олло, деб от солдилар. Улар қизилбош қўшинини тоғ-дараларнинг ичи бирлан қувиб қирабердилар. Қизилбошлар ҳам тўп, замбараклардин ота бердилар.

Аммо, сал ўтмай алар тўпу тўпхонасини ташлаб қочишга тушдилар. Йигитлар урҳо ур, сурҳо сурда Давлатёрбекни қўриб юриб, бирдан ани кўздин йўқотдилар. Ани ахтариб-ахтариб, эртаси куни бир дарадин топдилар. Ул қизил қонига булғашиб ётибдур. Оти бўлса, анинг бош учисида кўзидин ёш тўкиб турибдур. Бир вақт Давлатёрбек ўзига келиб, деди:

-Йигитлар, агар менинг деганимни этсангиз, тўғри Манғишлоқقا қайтайлик: Йигитлардан бири айтди: -Хов, Давлатёрбек, бул не гап бўлди? Шунча урушиб, қизилбош қўшинини даф этиб, эмди хон олдиға ҳам бормай кетаверамизми. Давлатёрбек айтди:

-Йўқ йигитлар, кетайлик, кўнглим бир нарсани сезгандай бўлиб турибди?
-Не нарсани сезадур?

-Сезадургани шулки, кечаги уруш-савашда энгсамдин бир ўқ учиб келди, бул ўқ қизилбош ўқиға ўҳшамайдур. Яна ул ўқ олдимииздин эрмас, орқамииздин учиб келди. Шул ерда бир сир-синоат борга ўҳшайди. Ёки ичимизда бир ёмон фикрли одам бор, ёки қизилбошнинг бир айгоқчиси орамизга кириб олгандур. Бир ярмимиз шахид бўлмасдин бурун орқамиизга қайтайлик.

-Бай-бай! Бу **ола тосирди** урушда бул йигитнинг ўқ таниганига қара! Бул бегим вос-вос бўлғанға ўхшайдур, миясига ел урганими, не бало? Бул гапинг бўлмас, Давлатёрбек, ҳар ҳолда қалъага хон олдиға борайлик, Оллаёрхон сарпой берса кияйлик, от берса минайлик, яна не берса уни ҳам кўрайлик. Шундин сўнг ҳам кетиб билармиз.

Давлатёрбек шундин сўнг қайтиб гапламади.

Эмди хабарни Ёқуббекдин эшитинг. Ёқуббек урушнинг илк қунлари оқ отда у ёқ бу ёкка ўтиб, қийқириб, айланиб юрди. Йигитларни саваша қўшиб, ўзи чодирига қайтиб келди. Шул ётишида қизилбош қўшини даф бўлибдур, деган хабар етиб келгунча ётди. Бу хабарни эшитиб ериндин турди, тезда кийиниб, чодирдин **бўкиб**, чиқди. Чиқиши бирлан шовқин кўтариб, қийқириб, йигитларни теварагига йифиб, лашкарларига сарпой-сийлов тарқата бошлади. Йигитларининг бирига тўн, бирига, қилич, бирига от, бирига танга-пул, кимга асир-қулларни тарқата бошлади. Бунга ҳайрон бўлган йигитлар: -Эй Ёқуббек, бу не гап берганинг яхши, аммо эртага ҳисоб-китоб қилмасанг, деб кўркиб турибмиз, дедилар. Анда Ёқуббек айтди:

-Эй йигитлар, берган нарсани олаберинг, сизлар олганингиз бирлан бул ўлжалар туканмас. Аммо, ҳали Давлатёрбекнинг йигитлари бари ўлжани олиб Манфишлоққа тортиб кетса не қиласиз? Берилган зотни олиб қолинг, деди.

Ёқуббек шул кеча ўз одамларидин бирини Оллаёрхонга чопар этиб юбарди:

-Тез бориб, хонга суюнчила, Оллаёрхоннинг у дунё-бу дунё қўли очилажак бўлса, шу бугун очилар, сен туканмас бир давлатга эга бўлурсен. Аммо, ялиниб сўрама, Ёқуббекнинг қиличи дамидин қизилбош беклари фарёда келди, деб айтғил. Давлатёрбек бўлса, илк саваш куни ўқ еб шахид бўлди, деб етказ. Аммо бу сўзни маҳкамлаб айт, агар ишимиз битса, сенга бир қиз олиб бериб, бир оқ уй тикиб, бир ўвбонинг катхудоси этурмен, агар ишни битирмасанг додингни Оллоға айтурсен, деди.

Чопар шул замони отга қамчи босди.

Эртаси бўлса, Ёқуббек Давлатёрбек бирла катта қўшинға бош бўлиб, карнай-сурнай чалдириб, даф қоқдириб, нерда сан, Астробод деб, булат сушгандай бўлиб қайтабердилар. Ёқуббек ўйланиб қолди: Ё Олло, бу не ҳол бўлди. Оллаёрхонга неча-неча таваллолар этдик Гулчаман қизини бермади. Бир ердин бу Давлатёрбек дегани пайдо бўлди. Не олиб-келиб бул биздин сарафroz бўлиб қолди. Аввалги ниятим ўлдириш эди, бўлмай қолди, эмди не бўлса, Худодин кўурмиз. Қўшин қалъага яқин борган сайин Ёқуббекнинг ичи ҳавлга тўлиб борди.

Чопар бўлса, шул кетишда тонг сахарда қалъага кириб, бор овози билан қийқириб келаберди: -Эй Оллаёрхон, суюнчи бер-ҳо суюнчи бер, қизилбош қўшини даф бўлди, нечаси қиличдин кечди, нечаси қочди. Сенинг йигитларингнинг боши омон. Ёқуббек майдон очди, аммо Давлатёрбек ўқдин учди.

Оллаёрхоннинг уч нафар қизи бор эрди. Аларнинг энг каттасини Гулчаман дер эрдилар. Аммо қизлар ичидагавҳари эрди. Ой десанг оғзи бор, кун десанг кўзи бор, кулар юзли, ширин сўзли, булбул овозли, шунқорли-бозли,

оғзи ғунча, лаби лаъл, кўзлари мастон, қошлари камон, сочи сиёҳ, қадди зебо, тишлари садаф, киприклари саф-саф, қучоқлари жаннат, ўзи хуштальят, инжа белли, **шомор талли, хут** ўн тўрт кечалик ойдай, сар этганинг икки дунёсини мунааввар этиб туур эрди.

Тонг ёлқини бирлан суюнчи-суюнчи, деган чопарнинг қийқириғи қизлар ётган баланд иморатларнинг панжараларидин кириб кела берди. Ярим уйқуда ётган қиз иргиб туриб, канизлари ёнига келди. Канизларини олиб, баланд кўшкнинг болохонасиға чиқиб, қараб турдилар. Суюнчи саси яқин –яқиндин эшитила берди. Чопарнинг Давлатёрбек ўқдин учди, деган сўзи Гулчаманинг қулоғига чалинди. Ул оҳ чекиб, бехуш йиқилди. Гўё ой, кун тутилиб, ер ларзона келди. Канизлар гулоб суви олиб келиб, анинг изига сепдилар, ани ўзига келтириб яна болохонага олиб чиқдилар. Гулчаман айтди: -Қизлар, боринг аниқланг, бул хабар росму ёлғонму ё рақибнинг сўзиму, йўқса юрагим пора-пора бўлур, тез боринг, деди. Аммо қизлар зиналардин тушгунча, чопарнинг ўзи ҳам етиб келди, кўшк тагида от жиловини тортиб, деди: -Хов, Гулчаманжон, суюнчимни бер, қизилбош лашкари даф бўлди, Ёқуббек шундай саваш қилдики, қизилбошга бўри доригандай бўлди. Қизлар сўради:

- Давлатёрбек тирикму? Чопар айтди: Ул илк савашда ўқдин учди, деди. Гулчаман бул хабарни эшитиб, яна бехуш йиқилди. Бир неча замон ётиб, ҳушиға келганидин сўнг, қуйлакларини чок-чок этиб, сочини юлиб, жонига ўт тушиб, панжарага интилди, уни тутдилар. Гулчаман айтди: -Вой-вой, сенга келиб теккан ўқ менга тегса бўлмасми эрди, сенга келган ажал менга келса эрди, деб бетоқат бўлиб зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, икки тиззасини қучоқлаб ўлтуриб: Эмди сенсиз бул дунё менга ҳаром бўлсин, сенсиз юриш менга не фойда, сенсиз бул дунё вайрон бўлсин, коинот тугасин, деб бир банд шеър айтар бўлди:

Фалак ситам қилди, қаро юзинга,
Рахм этмадинг Оллоёрнинг қизига.
Агар жоним қолса менинг танамда,
Бориб қурбон қилай сенинг изинга.

Бул сўздин сўнг Гулчаман мен ҳам омонатни берайин, деб пинҳона отаси берган ханжарни олиб, даҳлиз бирла кетаберди. Ул қалъа деворининг канориға чиқиб, пастга қаради:

Миршаблар у ён – бу ёнга кезиб юурур эрдилар. Ул не қиласини билмай баланд кўшкнинг болохонасида бир жой топиб, ўзига ханжар урмоқчи бўлди. Аммо югуриб келган чўрилар ани тутиб қолдилар, ханжарни илгидин олдилар. Эрса Гулчаман қизлар қўлидин **сийпиб** чиқиб, ўзини кўшкнинг **арганагига** етирди: -Эй Худоё биру-борим, манго Давлатёрбексиз бул давру даврон керак эрмас, ол, мендин бул омонатингни, деб шул баландлиқдин ўзини пастга отди, дақиқа ўтмай тош устига тушиб, жони жаннатга **восил** бўлди.

Қизлар шул ердин Оллаёрхоннинг ҳузуриға қараб югурдилар. Бориб айтдилар:

-Эй шоҳим, бизни Худо урди, қизинг Гулчаман кўшк бошдин ўзини ташлаб, рухи равони сайрони жаннат қилди.

Бул сўздин сўнг Оллаёрхон ҳайрон-саросима бўлиб, ички эшикдин кўшк тарафга югуриб кетди. Бориб сар солса қизи ипак тўшак устида заъфарондек сарғайиб дам –сассиз ётиби. Қизларнинг бари соchlарини ёйиб йиғлаб ўлтирублурлар. Бул аҳволга чидай олмаган Оллаёрхон бехуш йиқилди. Такдири илохий офтоб юзига парда тортди, жаҳон юзи юз ҳисса қоронғу бўлди. Қалъя ичида ғавғо ва ғулғула кўтарили. Оллаёрхон бир сониядин сўнг ўзига келди, бошини қизининг тўшагига қўйиб, бир афсус надомат бирла бул шеърни ўқиди:

Болам, санго келган манго келсайди,
Санго қайдин қазо-етди мадорим.
Кошки сени қўйиб, мени олсайди,
Кетди ақлу хушим, сабру қарорим.

Хиромон бўйларинг, жоду кўзларинг,
Занаҳдон яноқли хушрўй юзларинг,
Қиёмат тоғидур ҳар бир сўзларинг,
Лайли-Мажнун каби бўлган, нигорим.

Ой парда чекарди юзингдин қочиб,
Ҳуснинг тажалласи кунга талашиб,
Ўрим-ўрим сочинг тупроққа тушиб,
Жоним, шона бирла ҳар дам тарорим.

Бемахал эсибдур хазоннинг ели,
Умрим боқчасидин узибдур гулим,
Алифдек қомати, сочи сунбули,
Қани менинг гулли фасли баҳорим.

Оллаёрнинг фалак ёқди жонини,
Олди Гулчамандай меҳрибонини,
Жоним риштасидин бичиб тўнини,
Олло билгай бул дунёда турорим.

Оллаёрхон сўзини тамом этди. Шул замон Гулчаманнинг онаси югуриб келиб, қон қақшаб йиғлаб, бўзлаб ўзини қизининг устига отди. Ул шул йиғлаб ётишида қизининг юз-кўзларидин ўпиб, бир сўз айтар бўлди, ул сўз бул туур:

Аё беклар, фифон айлай,
Ёнди жигарим, жонгинам,
Бул дардимни кимга сўйлай,
Қани Гулчаманим, жоним?

Ўқ тегибдур ширин жона,
Ўт тушибдур хону мона,
Алифдек қадди хуноба,
Не ситам қилди, қизгинам.

Бир соат қараб турайин,
Юзингни очиб күрайин,
Жонимни қурбон берайин,
Бўлсин садаға қизгинам.

Дилингда кетди юз армон,
Дардинга топилмай дармон,
Эмди бир кўришга зорман,
Сен нурли дийдам қизгинам.

Қиёматдур, охир замон,
Кун тутилиб бўлди думон,
Ўлурмен **волло** бегумон,
Жоним, ҳаётим қизгинам.

Кўзимнинг оқу қораси,
Юрак-бағримнинг пораси,
Ўғил-қизимнинг сараси,
Сенсан мадорим, қизгинам.

Келинглар, қиз-жувон бугун,
Кўйди фалак доғи тугун,
Айлайлик юз афғон бугун,
Қани, Гулчаман қизгинам.

Алқисса, Гулчаманнинг онаси сўзини тамом этди. Қалъани мотам босди.

Гулчаманнинг отаси, онаси охири қазоға рози бўлиб, чора топмай атрофдаги одамларга айтдилар:

Ҳайф, номуродлиғнинг уйига ўт тушсин!

Гулчаманни дағн этиш учун эл-улусни огоҳ этинг, гулдин кафан, сарв оғочидин тобут ясанг, деб зор-зор йиғладилар.

Эмди хабарни кимдин ол, Давлатёрбек бирлан Ёкуб сардордин ол.

Қалъада шовқин кўтарила берди. Кун пешинга оққанда ярадор Давлатёрбек бирлан Ёқуббек сардор катта қўшин бирлан қалъага кирдилар. Оллаёрхон вазир-вакиллари бирлан аларга пешвоз чиқдилар. Бориб кўрсалар Давлатёрбек оғир ярадор, аммо тирик келибдур. Оллаёрхон бул ёғдойдин хушвақт бўлиб, Давлатёрбекка хайри дуолар ўқиб, ўз навкарларига буюрди:

-Менинг тасарруфимдаги бари ўлкаларни ахтариб неки табиб бўлса жам қилинг ва Давлатёрбекнинг дардига даво топсинлар. Топсалар топди, топмасалар барини ўзим қиличдин ўткараман, деди. Навбат Ёқуббекка етди. Оллаёрхон айтди:

-Хов Ёқуббек, Давлатёрбек ўқдин учди, деб шум хабар ўйлаб топган ким бўлди, деди. Ёқуббекнинг турган жойида жони чиқди. Ердин сас чиқди, аммо ундин чиқмади. Оллаёрхон айтди:

-Эрса, барингиз биргалашиб бул хабарни топгансизлар ўхшайди, ундаи бўлса сипоҳийларнинг бир учдин тутиб қиличдин ўткариш керак, деди. Қўрқокроқ бир сипоҳи айтди:

-Валлоҳи олам, бизнинг бул ишлардин хабаримиз йўқдур. Оллаёрхон:

-**Пошишоб**, деб чақирди. Пошишблар етиб келди. Оллаёрхон Ёқуббекка айтди:

-Ёқуббек, бул ишни балки сен билурсен?

Ёқуббекнинг юзидин қони қочди, ҳуши бошидин учди. Ул **занғар** эгарнинг устида ҳам тўғри ўлтира билмай икки ёнға ўзини ташлай берди. Оллаёрхон гап ундин чикқанини сезди, дарҳол пошишбларга буюрди:

-Ёқуббекни тутиб, қўл-оёғини боғланг, деди. Жонина ҳавл тушган Ёқуббек бирдан отиға қамчи уриб даврадин чиқиб ўта кетди. Аммо шунча **ғўччоқ** йигитлар турганда қочиб қутилиб билурми эрди. Оллаёрхон айтди: -Тезда тутиб олиб келинг, қўрганга кўз, эшитганга қулоқ бўлсин, **топ** майдон ўртасинда, тилини тешиб, то эртагача осиб қўйинг, ўлмаса қолғанини яна қўурмиз, деди. Шул ерда Оллаёрхон дарғазаб бўлиб, Ёқуббекка қараб бир сўз айтди:

Не деган гап бўлди, не деган ҳийла,
Ўлдиринг шум **морни**, кўзим кўрмасун.
Думли душдин писиб, кўз ташлаб эла,
Ўлдиринг беорни, кўзим кўрмасун.

Уринг калласига, қўлларин боғлаб,
Обод ерин қўйманг, ўт бирлан боғлаб,
Ёмоннинг ёрони, қўй, қолсин йиглаб,
Ўлдиринг мурдорни, кўзим кўрмасун.

Бошқа-бошқа қўйинг оёқ-алини,
Энсасидин тортинг ханжар тилини,
Бемахал сўлдирди умрим гулини,
Ўлдиринг мурдорни, кўзим кўрмасун.

Жангархон бош бўлиб, бор эмди тутинг,
Дарҳол тиф кўтармай бир амал этинг,
Кўр, не дардга қўйди бир сўзи итнинг,
Ўлдиринг шум морни, кўзим кўрмасин.

Оллаёрхон бугун олтмиш ёшинда,
Дунёнинг қайғуси бордур бошимда,
Гулчаман жонгинам йўқдур қошимда,
Ўлдиринг айёрни, кўзим кўрмасин.

Алқисса, Оллаёрбек сўзини тамом қилди. Хон буюрди, Худо буюрди, бунга илож йўқ. Тезда Ёқуббекни тутиб, тилини чиқариб, найза бирлан тешиб, инжа арқон бирлан боғлаб, уч оғочдин майдон ўртасида осиб қўйдилар, ул солланиб тура берди. Оллаёрхон айтди: -Билинг ва огоҳ бўлинглар, кимда ким ёлғон сўзласа, охирда бўлажаги шулдур:

Эл-улус Ёқуббекнинг жазоланишидин рози бўлдилар.

Йигитлар Давлатёрбекни отдин амаллаб тушириб, саккиз қанот оқ уйнинг тўрида ётириб қўйиб эрдилар. Гулчаманнинг канизлари кўзларида ёш бағрида тош, уяла-уяла Давлатёрбекнинг ётган уй теварагида айланиша бердилар. Хеч гапдин хабари йўқ Давлатёрбек йигитларига айтди:

-Хов, йигитлар, не гап бўлди, қизлар қаро кийинибдур, деди. Анда йигитлар айтдилар:

-Эй Давлатёрбек, жуда ёмон бўлди. Гулчаман Ёқуббекнинг иғвосига инониб, ўзини қалъа дарвозаси устидин ташлаб ҳалок бўлибдур, дедилар.

Давлатёрбек ётган жойида бир ох урди, оқ уй кўтарилиб тушгандай бўлди. Ул бир дақиқадин сўнг ўзига келди. Гулчаманнинг қалъа девори устида канизлари бирлан унга қўл булғаб тургани ёдига келиб, хос хафа бўлди, кўрпа остида тўлғанди. Кўзини бир юмди. Кўзларидин селдек ёш келди.

Бутун эл-улус Гулчаманнинг хотираси учун қора кийиб ёс тутди. Осмон ёш ўрнига ёмғир юбарди, дарёлар бўлиниб, тўлғониб каноридин чиқди, тоғлар пора-пора бўлди. Бир сониядин сўнг қизлар Гулчаманнинг қизил-ол бирлан ёпилган тобутини кўтариб аста-секин ўта бердилар. Давлатёрбек ўлим ҳолатида тирсакларига таяниб:-эмди юрт бизга ҳаром бўлди, деб бир калима сўз айтур бўлди:

Ҳаром бўлди эмди мунда турмоғим,
Мендин рози бўлғил, Гулчаман, жоним.
Адо бўлди эмди юзинг кўрмоғим,
Мендин рози бўлғил, Гучаман, жоним.

Сенсиз бу ерларда қола билманам,
Не хайрим, **не шарим** било билманам,
Изингда сарғайиб ўло билманам,
Мендин рози бўлғил, Гулчаман, жоним.

Қалбим тоқат этмас, қолсам гумонда,
Йўлимни **йитирдим**, қолдим туманда,
Кўзим ёшга тўлди айни замонда,
Мендин рози бўлғил, Гулчаман, жоним.

Рақиб сабаб бўлди фалак ўйинига,
Алдандинг, найлайнин, ҳалак ўйинига,
Оқибат сен кирдинг ернинг қўйнига,
Мендин рози бўлғил, Гулчаман, жоним.

Давлатёрға қўйдинг доғи-фироғи,
Ғамга ботди буткул яқин-йироғи,
Рафиқинг-иймонинг нури чироғинг,
Мендин рози бўлғил, Гулчаман, ёрим.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Қизлар зоригирён йиглашиб Гулчаманнинг тобутин олиб кетдилар.

Давлатёрбек шул ётишда бир ою етти кун деганда ғаниматлашди, ўрнидин турди. Ул шул кунларнинг бирида йигитлари бирлан маслаҳат этиб, уларга суюнишиб аста-секин Оллаёрхоннинг қабулиға кетдилар, анинг олдиға бориб, қўл қовшириб, салом бериб турдилар.

Оллаёрхон айтди:

-Эй Давлатёрбек, ҳали ҳануз тўла **очилишиб** кетмасдин бурун бизнинг хузуримизга келибдурсиз, **эгиликми**?

Давлатёрбек айтди:

-Рухсат бўлса, бир-икки оғиз гапим бор, тақсир.

-Гапинг бўлса, қани айт, эшитайлик.

-Гапим шулки, рухсат этсангиз биз ҳам эл-улусимизға бориб қовушсак.

Бул сўзни эшитиб, Оллаёрхоннинг бирдан кайфи учиб, ғам остида букилиб қолди. Ул шул ўтиришида кўп индамай ўтириб, бироздин сўнг бошини кўтарди.

-Ох, Давлатёрбек, бундай сўзни айтурсен деб ўйламаган эрдим. Аммо сен уни айтдинг. Сўз йўқ, сен эр йигит ишини қилдинг. Юртимнинг паноҳи бўлдинг. Гулчаман қизимнинг ҳам кўнгли сенда эрди, ўзим ҳам уни сидқи ихлосим бирлан сенга бағишламоқчи эрдим. Аммо бўлмади, рақиб орага тушди, толеъимиз қора бўлди. Не қилурмиз тақдири азал шундай ёзилгандур. Эмди менинг ҳам санго айтажак гапим бор. Гулчамандин бошқа менинг Хумойхон, Жумойхон деган яна икки қизим бор. Шуларнинг қайси бирисини десанг сенга **сидқи** ихлосим бирлан баҳш этурмен, сен менинг бул сўзимни рад қилма. Ёқуббек ўлиб кетди, катта қўшин бошсиз қолди. Сен қолиб, анга бош бўл, деди. Давлатёрбек:-йўқ мен кетаверай, деди. –Йўқ, кетма, не десанг берайин, аммо кетаман сўзини айтма, деб Оллаёрхон бир калима сўз айтур бўлди. Кўр, боқ не деди:

Кел, болам кўй дастинг менинг дастима,

Кетма, хоним, нима десанг берайин.

Қадамларинг қўйғил дийдам устина,

Хар не десанг ганжи коним берайин.

Бахтимиздур сенинг мунда юрганинг,
Қўшинга бош бўлиб, бедов сурганинг,
Шоду хуррам кечсин эмди ҳар кунинг,
Қошингда сарафroz тўйлар қурайин.

Тўққиз ўғлим бўлсин доим қўлдошинг,
Ул бир қизим бўлсин юрак сирдошинг,
Гулчаманжон **маҳшар** куни йўлдошинг,
Қуллуғингда қўл қовшириб турайин.

Оллаёрхон, олти қардош, мен ўзим,
Кулли Курдистона ўткурам сўзим,
Сен ҳам бир ўғлим бўл нури азизим,
Кетма, хоним, мен асиринг бўлайин.

Оллаёрхон бул сўзини тамом қилди Давлатёрбек Оллаёрхоннинг бул илтимосларини эшитгач, не яхши, не ёмон ҳеч бир сўз демади. Йигилган жамоа айтди:

- Давлатёрбек, Оллаёрхондай улуғ бир хоннинг шарифи илтижоларини қайтарма. Аниг сўзларига яхши қулоқ солган бўлсанг, анда ҳикмат бор эрур, дедилар. Шул вақтда аниг йигитлари ҳам жам бўлиб тавалло этдилар.

-Давлатёрбек, шул ерда қолғил. Бундай хурмат-иззат, мансаб ҳар йигитга ҳам насиб этавермас. Инишоолло соғлиқ хабарингни биз ўзимиз элга еткарурмиз. Манғишлоқ, Кўнғиротдаги элдошларга айтurmиз. Сен бул ерда кўп яхшилик кўрдинг, аммо ёмонлик кўрмадинг, Худо ҳаки қолғил, дедилар. Аммо Давлатёрбекда қолиши истаги йўқ эрди. Аниг юрти, эл-улуси, ёшлиқда ўйнаб-кулиб ўсган ерлари, дўст-ёрлари, онаси, синглиси, эл катхудолари, оқсоқоллари, ёдиға тушиб, қўнгли бузилиб, ичидин ўйлади: -Бай-бай, нафси шайтоннинг қуллари, буларга мансаб, иззату икром, от, мол-дунё керак. Аммо ҳеч бири эл-юрт, ота-онадин азиз нарса йўқлиги ҳақида ўйламайди.

Давлатёрбек айтди: -Эй аҳли жамоат, сўзингизни тингладим, насиҳатингизни эшитдим. Аммо сиз ҳам мени бир тинглаб кўринг, шундан кейин ҳам бул ишни ҳал қилиб бўлур, деб бир сўз айтди:

Ҳавас этманг, беклар, биза,
Эмди мен қола билманам.
Оллаёрхоннинг ул қизин,
Беклар, мен ола билманам.

Неча йиллар қон йифлади,
Онам бағрини доғлади,
Синглим ёс, мотам боғлади,
Мен мунда бўла билманам.

Иззат истамам дунёда,
Ҳавасим йўқ улуғ ота,
Хоннинг давлати зиёда,
Бўлсин, мен бўла билманам.

Етищди хослик думони,
Кетибдур жонимнинг жони,
Хоннинг қизи Ҳумойхонни,
Йўқ, беклар, ола билманам.

Анда қолди ҳарна борим,
Мен чекарам ёрнинг зорин,
Етишмас эмди қарорим,
Беклар, мен қола билманам.

Давлатёрга рухсат беринг,
Сизлар қолиб, мунда юринг,

Соғлик бирлан даврон суринг,
Аммо мен қола билманам.

Давлатёрбек сўзини тамом қилди, созини эгнидин осиб, қуллуқ қилди. Давлатёрбекдин бундай сўзларни эшитган Оллаёрхон, анинг вазир-вакиллари, аҳли жамоа ғамнок бўлдилар, бошини ерга эгиб турдилар. Жаҳонгир шаҳзода ҳам жуда хафа бўлиб ўлтуриб эрди, ҳеч кимга билдиримай орқадин кетиб, Гулчаманнинг онаси Олмахол биби ёнига бориб: -Эй она, Давлатёрбек ҳеч кимнинг маслахатини олмай, турибдур. Кошки Гулчаман тирик бўлса, бул ерда қолур эрди. Ул ўлиб кетди, эмди Давлатёрбек мунда қолмас. Ҳар ҳолда сен бориб, бир-икки оғиз мулоқот эт, балки қулоқ осур, деди. Олмахол биби тезда етиб келди, дарҳол Давлатёрбекнинг олдиға ўтиб айтди:

-Болам, Давлатёрбек, сут берган онанг бўлмасам ҳам жон бир онангдурмен. Сен менинг сўзимни ерга урма. Агарда сен бизни тарқ этиб кетсанг, Худо ҳам ўз онанг ҳам буни хушламас, ўғлим. Сенсиз бизнинг кунимиз оғир кечур, дунёмиз қоронғу бўлур. Агар бизнинг хурматимизни қолмасанг, Гулчаманнинг хурмати учун қолгайсен, деб зор-зор, чун абри навбаҳор йиглаб, бир сўз айтар бўлди:

Бугун мунда қўйиб дўсту ёрингни,
Жон болам, қолмайин, қанда борурсен?
Қари ота-онанг оҳу зорингни,
Аламга тўлдириб қанда борурсен?

Отанг қулинг бўлсин, онанг қирноғинг,
Жаннати фирдавс боғи чорбоғинг,
Қиёмат бўлғунча чиқмағай доғинг,
Бизни ғамда қўйиб қанда борурсен?

Садағанг бўлайин биз санго банда,
Азалда Гулчаманд дард қўйди манда,
Биз сендин айрилсак йиғлармиз кунда,
Бизларни йиғлатиб қанда борурсен?

Кел, Ҳумойхонни ол, соз-суҳбат қуриб,
Ҳар сабо борайин ёнига туриб,
Худоға шукр этиб, жамолинг кўриб,
Олдингдин ўтурдим, қанда борурсен?

Олтин-кумуш-йиққан дунё-молингни,
Қурбонинг этайин ширин жонимни,
Офтоб талъатли Ҳумойхонимни,
Олмайин жон болам, қанди борурсен?

Олмахол дер, балли иқрор қилиб кет,
Бўлмаса ҳар маҳал мунда қолиб кет,
Ёда ани ўзинг бирлан олиб кет,

Ҳажрингда ўлдириб, қанда борурсен?

Олмахол биби сўзини тамом этди. Давлатёрбекнинг юраги ўйнаб кетди. Аммо ўзини босик тутиб, Оллаёрхон ва Олмахол бибига қараб:

-Эй, отам-онам ўрнидаги олийжаноб бандалар. Мен сиздин мингда бир розидурмен. Аммо сиз ҳам мендин рози бўлгайсиз. “Товшанга тугилган тепаси”, “Эр туқкан жойига” деган нақллар бор. Бизга оқ кўнгиллик бирлан руҳсат беринглар, деди.

Оллаёрхон таъкиқ билдики, Давлатёрбек ҳаргиз қолишга рози бўлмаяжак. Андин сўнг Оллаёрхон Давлатёрбек ва анинг йигитларини сийламоқ бирлан бўла берди, уларга кўп мол-дунё берди, ҳисобини Худо билади. Сўнгра ўзи элга бош бўлиб, эл-улус Давлатёрбекни узатишга ташқари чиқдилар. Бир неча манзил йўл юргандин сўнг Оллаёрхон айтди: -Давлатёрбек, шунча таваллолар этдик, бирини ҳам маъқул кўрмадинг. Эмди бир гап бор, агар рози бўлсанг, оқ кўнгил бирлан йўлга солурмен. Йўқ эрса, мен сендин то қиёмат охир дилгир бўлиб қолурмен.

Давлатёрбек: Айтинг, эшитайлик, деди.

-Айтсам шулки, мен сени бул ерга ҳаргиз чақирмайман, магар чақирсам, бир хабарда етиб келгайсен, деди. Оллаёрхон.

-Ажаб бўлгай, қиблайи олам, деди, Давлатёрбек. Оллаёрхон хушвақт бўлиб, руҳсат берди. Давлатёрбек айтди:

-Эй қиблайи олам, бир сай-сабаб бирлан келиб сиз бирлан ҳамдам бўлиб қолдик. “Ошно бўлмоқ осон, айрилишмоқ ёмон” деганлар. Буларнинг бари тақдири азалдур. Келмоқ, кетмоқ бизнинг иродамизгагина боғлиқ эрмас. Оталар демишлар: “Мисрда подшо бўлғондин Канъонда гадо бўлған афзал”. Кетиш тақдири азалдан пешонамизга ёғилғондур. Ҳар ҳолда иншоолло мен ҳар вақт ҳузурингизга саломға дўлнурмен, деди. Давлатёрбек. Чунки “Бир кур туз еган жойга 40 кун салом” деганлар. Эл-кунимни кўриб, билиб, от устида бир келиб кетурмен, деб ахли жамоаға тасалли бериб созини қўлиға олиб бир калима сўз айтди:

Йифламанг, жонларим таҳаммул айланг,

Омон бўлсам, кетсам, яна келурмен.

Яратган Каримдур, сақлар, сабр айланг,

Иншоолло, ўлмасам, яна келурмен.

Анча вақт кездим мен мунда туриб,

Хизматлар қилдингиз тўй-мажлис қуриб,

Онам интизордур йўлима қараб,

Омон бўлсам, кетсам яна келурмен.

Демишлар: дўст ёри савашда тани,

Саваш куни топдим дўст-ёрнинг кони,

Юсуфхон, Гулмардон, Ҳайдар, Норхони,

Кўрмай тоқат топмам, яна келурмен.

Гул мангзи гүё бир ойнинг нишони,
Унутмам Гулчаман-ул мард жувони,
Оллоҳим омонат қўйса бу жони,
Омон бўлсам, кетсам яна келурмен.

Давлатёрбек, кетсам келурмен яна,
Отаға ота деб, онага она,
Қолинг, қардошларим, дилларда сано,
Омон бўлсам, кетсам яна келурмен.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Шул замон тўп отилиб, даф қоқилиб, сурнай чалинди. Давлатёрбек туз-намак бўлган барча таниш-билиш, дўст-ёрлари бирлан хўшлашиб, ўзи йигитлари бирла отга миниб Манғишлоқقا қараб равона бўлди.

Давлатёрбек йигитлари бирлан неча манзил йўлларни тай қилиб борур эрди. Ногоҳонда тоғнинг дарбандида бир тўпор қизилбош лашкари бирла дучлашди. Икки тарафи тоғ, ўртаси бўлса бир тор жилға, икки қўшин жангга кириб кетди. Қиличлар порлаб-эниб, найзалар юлдуздек сунди. Охирида қизилбошлар бир бўлак лашкарни қолдириб, ожиз келганини билиб, анча қурол-яроғ ва ўлжаларни ташлаб орқага қараб қочди. Давлатёрбекнинг йигитлари бул ўлжаларни йифиб олиб бориб бир баланд тоғ қўлтиғида пинҳон қилиб қайтдилар ва ўлтуриб дам-тинчини олдилар. Фалакнинг гардиши бирлан ул кеча осмоннинг юзи гүё рақибнинг қалби каби қорайди. Буғродек булутлар кукраб келиб, шул қадар ёмғир ёғдики, гүё олам сув-селга тўлиб, ҳазрати Нуҳнинг тўфонидек бўлди. Сел Давлатёрбекнинг бутун ўлжалари, ғаниматларини бир фаслда нобуд қилди. Факат йигитларнинг ўзи омон қилди. Отлари бўлса хуркиб кетиб, тоғ камарининг узоқ жойлариға чиқиб кетубдирлар. Давлатёрбек бул балойи ногоҳонни томоша қилиб, йигитларина тасалли бериб бир абёт айтди:

Қодир Олло қудратингдин,
Не баланд тоға учрашдик.
Уруш-савашнинг дардидин,
Бир тошқин села учрашдик.

Кўкни юзи бўлди қора,
Оқди селлар тоғлар аро,
Дарё бўлди бора-бора,
Бир бало –села учрашдик.

Оқди кетди дунё моли,
Хароб этди хушнуд ҳоли,
Сувга ботди кўнгил соли,
Не бало-села учрашдик.

Тоғ бошида сайрон этиб,
Қизилбошни ҳайрон этиб,

Саваш чекиб вайрон этиб,
Бул бало-села учрашдик.

Йигит боши омон ўлсун,
Даврон дўниб замон ўлсун,
Бойлик, беглик ҳамон ўлсун,
Бир бало-села учрашдик.

Қилич кесмас, найза ўтмас,
Хайбат ураг, боди ётмас,
Давлатёрбекка кучи етмас,
Бир тошқин села учрашдик.

Алқисса, Давлатёрбек, сўзини тамом этди. Аммо йигитлари бошининг ғам-ғубори ҳаргиз айрилмади. Анда Давлатёрбек:

-Хов ғўчкоқлар, не бало қош-қабоғингизни читиб, кайфингиз бузуқ кўринади, деди. Йигитлар айтдилар:-Воҳ Давлатёрбек, азобимизнинг бари бекорга кетди. Бутун молу дунё, ўлжак-ҳаммасини сел олиб кетди. Бизнинг кайфимиз бузилмай яна кимники бузилсин. Сиз бўлсангиз бир ёнда туриб бизга нақл ўқийсиз, дедилар.

Анда Давлатёрбек айтди: -Эй йигитлар, унчалик қаттиқ кетманлар, мол-дунё учун шунча ғамнок бўлиш йигитга ёт нарса, ўзингиз, отингиз омон қолдингиз, шунга шукронга айтинг, деб йигитларига қараб бир абёт айтур бўлди. Кўр, бок, нима деди:

Келур эрдик, кўп хазина, мол бирлан,
Фофилликда келиб, бизни сел олди.
Ҳар кимса юз ўйда, минг хаёл бирлан,
Беклар, бундай этманг, доди, сол олди.

Беклар ғамнок бўлсанг, дунё-мол учун,
Олтин-кумуш, ипак, парча шол учун,
Дунёни йифарлар бир аъмол учун,
Беклар, бундай этманг, доди, сел олди.

Номарда иш тушса, тенгин англамас,
Мардлар шерга дўнар, жангин англамас,
Карга товуш берсанг, ҳангинг англамас,
Мард бўлинг сиз, барча зоти, сел олди.

Ҳар кимнинг қисмати ёрдур азали,
Бойлик бир меҳмондур, мардон кезали,
Ногоҳ келган тилсиз ёвга дузали,
Фофилликда барча зоти, сел олди.

Давлатёрнинг дўсти ёри, келинглар,
Хайри шари бир Оллодин, билинглар,

Бул дамни хуш кўриб, ўйнаб-кулинглар,
Ўлса душман ўлди, олса сел олди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Ул айтди: -Эй йигитлар, нафси шайтоннинг макрига инонманг, магарам инонсангиз, осий-гуноҳкор қилур, деди. Йигитлар ўйланишиб ўлтуриб, охири бул насиҳатга икрор бўлдилар. Йигитлар андин сўнг, тезда отланиб, йўлга равона бўлдилар. Улар эрта сахарда тоғдин ўтиб, пастга тушганда изларидин бир отлиқ келиб етди. Қарасалар, бул одам Астробаддаги Оллаёрхоннинг элчиси бўлиб чиқди. Ул бирлан соғлик-омонлик сўрашганларидин сўнг чопар Давлатёрбекка Оллаёрхоннинг ёзган муҳрли саломномасини топширди. Давлатёрбек номани очиб, ўқиб кўрди, мактуб мазмуни шундай эрди: “Сиз жаноби олийлариға арзи каломим бул туур. Эй, Давлатёрбек, сиз келдингиз, кенг дунёмиз обод бўлиб қолди, аммо кетдингиз, ёхти жаҳонимиз зимиstonға дўнди. Гулчаман қизим сизга ўз сидқи ихлоси бирлан вафодор қолиб, боқийға сафар қилди. Аммо бизнинг Ҳумойхон қизимиз кўп бекарор бўлуб эрди. Қизимиз камолға келибдур, деб биз аларни ўз асилзода ва бекзодаларимизға жуфт яшагайлар, деб бермоқ истадик. Аммо бизни Худо урди. Икки маротаба ул жонига қасд қилди. Агар дунёда жуфт бўлиш фарзим бўлса, анда Давлатёрбек бирлан жуфт бўлурмен, йўқса, то қиёматғача қиз бўлуб қолурмен. Магарам рақибдин таъна ва сўз етса, ўзимни ҳалок этурмен, деб ўлтурибдур. Шул сабаб, тезда орқаға дўниб, этиб келиб ё Ҳумойхонимни олиб, бизларни хушнуд қилиб кетинг, йўқса ўз қўлингиз бирлан ўлдуриб, дафн этиб кетинг. Худои таоло сиз ва мени, барча мусулмонларни ўз паноҳида асрагай. Васаллом”.

Давлатёрбек мактубни ўқиб кўриб, йигитларига берди ва кўп ўй-хаёлга ғарқ бўлди. Шул вақт пайтида топиб, чопар Давлатёрбекни бир чеккага имлаб, телпагининг тепасидин яна бир номани олиб, Давлатёрбекка узатди. Давлатёрбек ул номани олиб ўқиб кўрса, бул хат Оллаёрхоннинг қизи Ҳумойхондин эркан. Ул хатнинг мазмуни бул туур:

Муборак бўлсин, йўлларинг,
Хуш бор Манғишлоқقا, қардош!
Элчидин олғил хабарим,
Бир дўн, бизнинг жоя, қардош!

Айроликдур, мундин кетдинг,
Ошиқлик дардин бор этдинг,
Мен шикастани унутдинг,
Кел яна бул ёна, қардош!

Кўшку айвону саройим,
Ҳар сабо зулфим таройим,
Чиқибам йўллар қаройим,
Кел дўниб, майдона, қардош!

Ол ҳожатинг бўлса, биздин,
Сурма чекур Ҳумой кўздин,

Занахдонли кулар юздин,
Кўй лабинг даҳона, қардош!

Рухсатим бердим мен бошдин,
Нома кўндардим қардошдин,
Кел, сўзлашма йироқ-дошдин,
Дўн мунда меҳмона, қардош!

Ҳумойхон ёна келурсен,
Ёлғоним – чиним билурсен,
Сен мени йиқсанг олурсен,
Йўқса кет ул ёна, қардош!

Алқисса, Давлатёрбек бул номани ўқиб кўриб:

-Эй йигитлар, Ҳумойхон бизни келгил, агар курашиб йиқиб билсанг олурсен, йўқса кетавер деб ёзибдур. Сиз не маслаҳат берурсиз, деди. Анда йигитлар: -Сен аввал бизга бошқа бир нарсадин хабар бер, бу дунёда мен деган ғўч йигитнинг муроди не бўлур, дедилар. Давлатёрбек айтди:

-Бай-бай, йигитлар сиз мени қизиқ бир ҳолга солиб қўйдингиз. Келтиринг, менинг шул қора дуторимни, мен қўнглимдагини сизга сўз бирлан эмас, соз бирлан айтиб берайин, деб созини қўлига олиб, ани баланд пардаларда созлаб бир нома айтди. Кўр, боқ, нима айтди:

Аввал бошда бул дунёга келибмен,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала.
Шаҳд этибон оламга сар солибмен,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала.

Дешда олғир бедов ер тепиб турса,
Оқ уйда бир гўзал, товланиб турса,
Оллоҳим иккисин бир ерда берса,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала.

Қўйиб берсанг қуён изин излаган,
Қантарганда тоғ бошини кўзлаган,
Ибришим кокилли ўғлон гизлаган,
Бир отга ошиғам, бир-да гўзала.

Кунда кўрсам ўн тўрт яшар қиз каби,
Буни кўриб, кўнглим тошар ёз каби,
Гах, деганда тоғу тошлар дуз **каби**,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала.

Бир тор кокилини минг туман дерман,
Ифор иси келган юз қиза бермам,
Кўриб қувонурман, миниб юурман,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала.

Сочлари саридин тушур юзина,
Саваш куни қон тўлишар қўзина,
Дунё моли ҳеч той келмас ўзина,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала.

Давлатёрбек деяр, кўрдим эртани,
Ҳақ яхши яратмиш мен учун сани,
Суймишам дунёда икки нарсани,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Йигитлар айтдилар: -
Давлатёрбек, номани жуда яхши айтдинг, аммо бир бўлмас ери бор.

-Бўлмас ери нимадур?

-Бўлмас ери шулки, Ҳумойхондай бир аёлнинг эътиқодига лойик бўла билмадинг. Давлатёрбек, сен ўйлаб кўр. Ақл-фаросатда, зийракликда, соҳибжамолликда, қадду қоматда Ҳумойхонга баробар келажак бошқа бир қизни кўрганмисан. Ул хут Гулчаманнинг ўзи. Аммо сен унинг барча ихлосини ерга урдинг. Аввал тавалломизни олмадинг. Бор яхши олмаган эркансан, бул тавалломизнинг иккинчи тамони бор. Агарда ҳозир қайтиб бориб, Ҳумойхонни курашда йиқиб билсанг бул бир обрў! Иккинчидан хоннинг ҳам, Ҳумойхоннинг ҳам кўнглини тоғдай кўтарасан. Йўқ эрса, Давлатёрбек бир ночор бирлан кураш тутишдан қўрқиб келиб билмади деган носоққа қолурсен. Алғараз йигитларнинг ҳар бири ҳар хил гап айтиб, Давлатёрбекни иккилантириб қўйдилар. Давлатёрбек айтди: -Эй йигитлар, сиз бул сўзларни чиндан айтаётисизларми ёки гапнинг келишиги деб қуруқ сўз сўзлаётисизми, деди.

-Чин айтаётимиз, Давлатёрбек.

-Эрса изимизга қайтайлик, йигитлар!

Андин сўнг Давлатёрбек чопардин Ҳумойхонимга салом йўллаб, созини қўлиға олиб, бир нома айтар бўлди:

Қардош, дуойи саломни,
Етир зулфи тора бугун.
Менинг бул ўтли ноламни,
Шарҳ эт интизора бугун.

Боқманам ахли замона,
Тушмасин ҳаргиз гумона,
Келмишам эмди омона,
Курбонам мен ёра бугун.

Ширин, Фарҳод, Лайли ўлан,
Ишқ ичра омона келан,
Баҳром Дилороми билан,
Менингча йўқ ёра бугун.

Тоҳиржоннинг ул Зухроси,
Ҳамронинг Ҳурилиқоси,

Саётхон пари Ҳамроси,
Мени отмиш нора бугун.

Шоҳаббоснинг Шоҳсанами,
Ғарини ёқди алами,
Дилбарнинг ширин каломи,
Қилди бағрим пора бугун.

Мўъжизадир хоннинг қизи,
Курашга чорлади бизи,
Ҳумойхоннинг айтган сўзи,
Етди Давлатёра бугун.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Чопар сизнинг дуои саломингизни тезда еткарурмен, деб отга қамчини босди. Тез орада кўздин ғойиб бўлди. Хушхабар бирлан қайтган одам тез юради, дегандай чопар эртаси пешинга Оллаёрхоннинг қалъасига кириб, Шул келишига:

-Хой Оллаёрхон, суюнчи бер, Давлатёрбек қайтиб келаётир, деб **суранг** сола берди. Бул гап Ҳумойхоннинг ҳам қулоғига етиб, ўзига оро бериб, йўл қарай берди.

Давлатёрбек шул куннинг эртаси ўз йигитлари бирлан етиб келди. Кулли Астробод эли йиғилиб, йигитлар олдидин пешвоз чиқиб, Давлатёрбек бирлан Ҳумойхоннинг кураш томошосига йиғилдилар. Бир тарафда Ҳумойхон ўз канизлари бирлан саф тортиб турибдур. Бул ёқда Давлатёрбек йигитлари бирлан турибдур. Бир от чопдирим майдонни эгаллаб ҳалойиқлар қарашиб турибдилар. Давлатёрбек: Ёзгитдин чиқиб бўлмас эркан. Мен Ҳумойхонни никоҳимға олар бўлдим. Ночордин йиқилмоқ ёмон, йиқсанг ул-да бир ярашиқсиз нарса”. Ҳар холда бул иккиси майдонға чиқиб бел тутишиб курашга киришиб кетдилар. Давлатёрбек қараса, қиз анойи эрмас. Тўладан келган, пишиқ кураш амалларини яхши билади. Давлатёрбек ёнбош олар, иччилмак урап, кўтариб олажак бўлар, қайриб босмоқчи бўлар, аммо қиз маҳкам, қўзгатиш қийин. Шунда Давлатёрбек қизни даст кўтариб, бошидин айлантириб ерга урмоқчи бўлди, яна қўлидин ёздирилиб кетди. Яна курашга тушиб кетдилар. Ночор дегани барибир ночор, ул бундай чакалашма, тортишмага чидармади, қора терга ботиб, куйлаклари ғилч эзилиб, танасига ботди, юзи анордай қизарди, нафас олиши тезлашиб **ҳолиқлаф** бошлади. Давлатёрбек бўлса ани йиқиши истаги бирлан овора. Сал **ахмал** бўлса, кўтариб уражак. Охири ўнғай келиб, Ҳумойхонни боши устига кўтарди, тик осмонга чиқариб, ерга уражак бўлиб, қизга қаради, қиз хотиржам йилтиллаб қараб туриди. Охир оқибат яна ерга ура олмади, сип-тирилиб кетди. Катхудолар икки курашчини тенг-баробар, деб баҳоладилар. Алардин бири айтди:

-Хов, ҳалойиқ шул иккисининг ҳам бўйи, кўрки, кучи, кураши тенг келиб турур, бир –бирига муносиб эрканлар. Бугун буларнинг юлдузлари дуч келган кун, эмди тўй анжомини тутаверинг, деди.

Астрободнинг кулли эл-улуси бул гапга кўп шод бўлдилар. Оллаёрхон 40 кеча-кундуз тўй этиб, от чопдирив, олтин қабоқ отдириб, очга нон, яланғочга

тўн бериб, Ҳумойхонни Давлатёрбекка никоҳлаб берди. Оллаёрхон айтди: -Эй Давлатёрбек, мен эмди муродимға етдим. Санго қолсанг мана эл, кетсанг йўл муборак бўлсин. Қаерга борсанг сени Худоға, Ҳумойхонни санго топширдим, деди.

Шул куннинг эртаси буткул Астробод эллари, Оллаёрхон вазир-вакиллари бирлан Давлатёрбек ва Ҳумойхонларни узатишга чиқдилар. Қалъадин чиқиб, неча манзиллар ошиб, охири аллаёрлашиб, Оллаёрхон, эл-улус Астрободға қайтди. Давлатёрбек бўлса, нердасан, Манғишлоқ деб, йўлға равона бўлди. Йўл узоқ, гап қисқа, алар от сура-сура Манғишлоққа етиб келдилар. Давлатёрбек келин келтирибди, деб етти ёшдин етмиш ёшгача эл-улус йиғилиб олдиға чиқдилар. Манғишлоқнинг катхудо кайвонилари ўн икки қанотли оқ уй тикиб, келин-куёвни киритдилар. 40 кеча-кундуз тўйни бошлаб юбардилар. Икки ошиқ-маъшуқ айш-ишратга машғул бўлди.

Кунлардин бир кун элда бир чол пайдо бўлди. Ул айтди:

-Эй Давлатёрбек, неча вақтлар бўлди, ўз элинг Қўнғиротни тарқ этиб, айшу ишратга машғул бўлиб юрибсан. Эмди ўз элинг Қўнғиротга **дўланиб**, эл-улусга қўшилсанг, онанг хизматиға борсанг. Эл катхудоларининг маслаҳатини олсанг. Хон Қўнғирот элига омонлик бермас. Сен эл-элатингни қариндоштуқсанларингни, онангни ўз ҳимоянгга олмай, ўз айшингни суриб ётибсан, бу ишинг инсофдин эрмас. Шул сўзларни айтиб, чол кўздин ғойиб бўлди.

Давлатёрбек ўйлаб қараса, Қўнғиротдин чиққанига хийла вақт бўлибдур. Ўз-ўзига деди: тўғриси айб иш бўлибдур, эмди ўз эл-улусимга кетайнин, онамга, дўст-ёрларимга қовушай. Қисматда ёзилганидин чиқиб бўлмас. Ўлим бул ерда ҳам четлаб ўтмас. Яна эл ичида ўлган яхшироқ, деб Қўнғиротға қайтиш тадорикини кўра бошлади.

Давлатёрбек ва йигитлари, Ҳумойхон эрта сахар туриб йўлга равона бўлдилар. Манғишлоқнинг бари эл-улуси Давлатёрбек, Ҳумойхон ва йигитлар бирлан аллаёрлашиб, йўлга солиб фотиҳа бериб юбардилар.

Эмди хабарни кимдин ол, Қўнғиротнинг катхудоларидин ол. Алар Давлатёрбекнинг келганини эшитиб тўй анжомини тута бошладилар. Давлатёрбекнинг олдига келаётганини суюнчиласин, деб чопар жўнатдилар. Орадан икки кун ўтиб, чопар қайтиб келди. Чопар йўл бўйи: -Хов, жамоат, халойиқ, кўзингиз ойдин, Давлатёрбек оғам, покиза бир қиз бирлан келаётириб, деб қичқириб келаётириб.

Қўнғиротнинг буткул эл-улуси Давлатёрбекнинг олдиға пешвоз чиқдилар, аларни қалъадин дешда кутиб олдилар.

Давлатёрбек бир манзилдин отдин тушиб, пиёдалаб, Қўнғирот катхудолари, беклари, тўралари, саркардалари бирлан бир-бир қўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб турди. Шул вақт Давлатёрбекнинг онаси, синглиси ҳам етишиб келдилар. Буткул эл-улус Давлатёрбек бирлан соғлик-омонлик сўрашиб, кутавериб, икки кўзимиз тўрт бўлди, деб муборакбод қилдилар. Шовқин-сурон осмонға чиқди. Сўйилган қўйлар беҳисоб бўлди. Осилган қозонларнинг боши бул ерда бўлса, уни кўринмас бўлди. Беш минг **инарга** юклangan ўтин зўрға етди. Ароқ-шароб дарёдай кечди. Қизлар Ҳумойхонни ўртага олиб, соллонишиб ўтдилар.

Давлатёрбек айтди: -Эй катхудолар, эл оғалари, түй даврасини кенгдин тутиңг, Эшмурод құнғиротнинг хотираси учун ҳеч зотни қизғанманг.

Түй етти кеча-қундузга белгиланиб, баҳшими, полвонми, масхарабозми, созанда-гүяндами, чавандозми, мерган алғараз бариси ўз даврасида **хазатаверди**.

Бул гап бул жойда қолсин, энди гапни кимдин ол, хон жанобларидин ол. Ул Давлатёрбекнинг Манғишлоқдин қайтиб келганини эшишиб, дарғазаб бўлиб, лашкарбоши сига буюрди:

-Шул кеча бориб, ғофилликда устидин бос, қўл-оёғини боғлаб олиб кел. Келтирган қизини ҳам олиб кел, қопимизда супса-кашлик қилсан. Агар ишни битказмай, куруқ қўл бирлан келсанг, додингни Оллоға айтабер, теринга сомон тиқдириб, дарвозадин осдиурмен, деди.

Лашкарбоши қўшинни жамлаб, эрта сахарда нердасан, Қўнғирот эли деб йўлга тушди. Давлатёрбек бул воқеалардин бехабар тўй-томоша бирлан бўла берди. Баҳши айттирди, соз чалдирди, от чопдирди, кураш туттирди, олтин қабоқ оттирди. Ногоҳ кеча ярмидин оққанда анинг дарвозасидин бир одам кириб келаберди. Давлатёрбек яқин келганда қараса, Манғишлоқда дуч келган чол турибди. Давлатёрбек:

-Ассалому алайкум, бобо, деди.

-Ваалейкум ассалом, деб чол алик олди ва: -Эй ўғлим, сенинг ҳеч нарсадин хабаринг йўқ ўхшайди, деди.

-Ҳа, бобо не хабар?

-Қалъангнинг атрофини хон лашкарлари қуршаб олди: Чўпда-чорда сон бор, буларда сон йўқ, эмди бул ёғини, нажот топишни ўзинг ўйла, деб чол кўздин ғойиб бўлди.

Давлатёрбек сал ўтмай бир тўпор йигитлари бирлан қалъадин чиқиб от сурди. Бир баланд тоғ устига чиқиб қарасалар, улкан қўшин келиб тушубдур. На боши, на охири кўринади. Давлатёрбек йигитлари бирлан маслаҳат қурди. Ул турган жойидин буткул Қўнғирот элидин ёрдам сўраб бошлади. Ундин нарига ҳам чопар йўллади. Така-туркман, Манғишлоқ, Астрободга ҳам одам йўллади. Тез етиб келинг, хон қўшини устимизга келди, деган хабар жўнатдилар. Давлатёрбек уруш анжомини шайлаб, қалъадин чиқиб, сафини тузатиб турди. Уруш табили қоқилди, йигитлар қўшиннинг ахмолроқ жойларидин “Олло”, деб от қўйдилар. Қўшиннинг бир қисми босқида қолди, қўйларга бўри доригандай бўлди. Баҳайбат қўшин ўз-ўзидин **сайпала** борди. Шул вақт така-туркман, Манғишлоқ, Астробод қўшини ҳам етишиб, саваш янада қизиди. Хон қўшини қочган қутилар, турган тутилар, деб қоча бошлади. Лашкарбоши ҳам ноилож орқасига қараб от сурди. Давлатёрбек лашкарлар қочгандин сўнг бир четга чиқиб қаради. Кўрса лашкарлар орқасига қараб қочаётир. Давлатёрбек мол-ўлжаларни олиб, катта қўшинни енганидин шод бўлиб, қайтадин тўйни бошлаб юборди. Катхудолар ўлтириб маслаҳат этдилар. Алар:

-Эй Давлатёрбек, эски душман дўст бўлмас. Қора қозон оқ бўлмас, деганлар, хоннинг кеки ҳеч қачон босилмас, дедилар.

Давлатёрбек айтди: -Эрса маслаҳатингизни беринг:

-Маслаҳатимизни берсак, хон қўлида ҳисобсиз лашкар бор, бирда енгса, бирда енгилиб, тинч турмас, охир-оқибат ахволимиз танг бўлур. Яххиси сен Кўнғиротдин чиқиб кет. Давлатёрбек қалъада йўқ деган хабарни эшитса, хон бизнинг устимизга лашкар йўлламас, бул гапни қандай кўрсасизлар, одамлар, деб сўрадилар. Анда бир оқсоқол айтди:

-Эй Давлатёрбек, бул душманчилик фақат бугун эмас. Эшмурод қўнғирот сени мадрасага берди, хужра олиб берди, мулла, охун қилмоқчи бўлди. Худонинг қудрати бирлан саводинг очилиб кетди, аммо охири бўлмади. Хон – бекларнинг жазаваси тутиб, ур-қир бошланди, бир-бировга ўчлик қўзғалди. Сизни Худо тутди. Сиз Мискин меҳтарни ўлдирдингиз, хон бўлса оғангизни олиб кетиб қатл қилди. Неча вақтлар ўтди. Хоннинг ғазаби ўчмас. Кўрасиз ул эрта-индин яна қўшин бирлан келиб қалъани қуршаб олади. Бир ўнғайида сени ҳам қўлимиздин олиб кетади. Андин сўнг бизнинг кунимизга ит йиғлади. Давлатёрбек “Ёғидин ёй бўйи”, деганлар. Биз хон билан ўйнашиб билмаймиз. Сен бизнинг тавалломизни олиб, бир ёққа ўзингни ол. Қолган ишларни эл оғалари, катхудолар ҳал қилишар, деди.

Давлатёрга бошқа гап қолмади. Ул айтди: Эй оғалар, сизлардин ёмонлик кўрган еrim йўқдур. Бул воқеалар магарам тақдири азалдур, бандасини анга чораси бўлмас. Иззатимни ўрнига қўйганингиз учун қуллук! деб одоб бирлан туриб кетди. Ул кетиш саранжомини шай қилишга тутунди. Дарров отасбобини, йўл озигини тайёр этдилар.

Давлатёрбекнинг кетиш хабари бир зумда буткул Кўнғиротга тарқалди. Юртнинг тўрт **кунжидин** эл-улус кела берди. Давлатёрбекнинг онаси, синглиси айниқса ёниб-куйиб, доди фарёд қилдилар. Ҳумойхон ҳам кўзида ёш, бағрида тош, соchlарини ёйиб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлади. Бул ёғдойға Давлатёрбекнинг кўнгли бузилиб, Ҳумойхоннинг бошини кўксига босиб, бир абёт ўқиди:

Бўйнинг буриб маълул, маълул йиғлама,
Орзу армон бирла олғон севдигим.
Бул ёнғон жигарни яна доғлама,
Ишқ ўтини жона салон севдигим.

Гўзаллар ичида сарви хиромон,
Кўрган орзу этур, кўрмаган армон,

Фироқинг ўтиға висолинг дармон,
Лайли-Мажнун каби бўлон севдигим.

Рақиблар бизларни жудо айласа,
Ошиқ маъшуқ бирла сафо айласа,
Ҳар ким севдигига вафо айласа,
Сенсиз менинг бирла бўлғон севдигим.

Фалакнинг жабридин ҳолим харобдур,
Ёлғизликдин қаро бағрим кабобдур,

Ширин –Фарҳод дерлар бариси лофтур,
Бариси ёнида ёлғон, севдигим.

Булбулнинг савдоси қизил гул била,
Одамнинг қуввати улус-эл била,
Эл-кун дейиб оқса ёшинг сел била,
Бағрим пора-пора тилан севдигим.

Давлатёр қолмишам бир оғир йўлда,
Қисмата ёзилмиш хижрон азалда,
Кеч қолсам ўн йилда, йўқса беш йилда,
Келурмен, қадрдон ўлон севдигим.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Бул сўзни эшитган Ҳумойхон олдингисидин ҳам кучлироқ саросимага тушди, йифиси сира тугамади, хушидин кетди. Қизлар келиб, юзига гулоб сепиб, хушина келтирдилар. Ани ўртага олиб суяб турдилар.

Бу ахволни кўриб, Давлатёрбек яна бир абёт ўқиди:
Гўзаллар султони, севгили ёрим,
Сарингдин айрилмас думон, севдигим.
Фироқнинг ўтиға кўйди бул жоним,
Айрилиқ ўлимдин ёмон, севдигим.

Мен сабабли қўнглинг маълул бўлмасин,
Қайғу ғамда қизил мангзинг сўлмасин,
Ул чашми сиёҳинг ёшдин тўлмасин,
Келгаймиз, кўргаймиз омон, севдигим.

Сендин ўзга маҳбуб илмас кўзима,
Дунё молин бермам ҳар бир сўзинга,
Занаҳдонли қора холли юзинга,
Зулфларинг солмасин, думон севдигим.

Қошлиаринг камондур, кўзларинг жаллод,
Сўзларинг асалдур, лабларинг новвот,
Латофат бобида ой куяр бот-бот,
Йўқдур бул сўзимда ёлғон, севдигим.

Ширин-Фарҳод дерлар, Вомиқу Узро,
Бахромгўр, Дијором, Юсуф-Зулайҳо,
Ғарибу Шоҳсанам, ошиқ Мағиҳо,
Сен Лайли мен Мажнун ҳамон, севдигим.

Асли-Карам дерлар, Орзула Қамбар,
Гул-Булбул бўлолмас ишқинга камар,

Зухра бирлан Тоҳир мен-ла **мұкаррап**,
Маълум бўлма, қоши камон, севдигим.

Давлатёр тоб бермас чеккан оҳинга,
Гўё кўкда булат чўкар моҳима,
Кел, эмди кирмагил, мотам чоҳина,
Келурмен, кетмас-да, омон, севдигим.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Эрса бул сўзни эшитиб, Ҳумойхон бир зум йифидин тўхтаб турди. Шул замон Давлатёрбекнинг онаси келиб, зор-зор йиглаб, бағрини ўтга доғлаб, ўғлини қучогига олди. Анда Давлатёрбек айтди: -Эй меҳрибон онам, бироз **тағофил** этинг, иншоолло барча ишлар ўрнига тушур, мушкуллар осон бўлур, сиз манго оқ фотиҳангизни беринг, йўлға узатиб юбаринг, деди. Шул вақтда Давлатёрбекнинг онаси қўлларини осмонға кўтариб, ўғлиға оқ фотиҳа бериб, эр-пирлардин мадад тилаб, дуолар қилиб, ёлғизимни Худоға топширдим, деб бир абёт айтур бўлди:

Ёлғизнинг ёри Худойим,
Боламни санго топширдим.
Сен бўлғил пушту паноҳим,
Ёлғизим санго топширдим.

Ночор манам, эшит, зорим,
Қолмади сабру қарорим,
Ёлғиз ўғлим Давлатёрим,
Ғўччоғим санго топширдим.

Қўзгалди кўнглим яроси,
Кетди жигарим пораси,
Кўзимнинг оқу қораси,
Кўшагим санго топширдим.

Қариганда суюнч этган,
Ниҳолим камола етган,
Боғимиза **самар** битган,
Кўчкорим санго топширдим.

Кеча туриб уйғонардим,
Саринжоқа суюнардим,
Ўзин кўриб таянардим,
Ёлғизим санго топширдим.

Мен онаман, бағрим бирён,
Кўзда ёшим чашми гирён,
Бул жоним болама қурбон,
Боламни санго топширдим.

Алқисса, онаси сўзини тамом этди. Ҳумойхон кекса онасининг бўйнига осилиб, шум фалакнинг қилмишидин шикоят этиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиглаб, нолаю фарёдлар бирлан бир ғазал айтди:

Қозондек қоралсин фалакнинг юзи,
Фурқати, ҳижрони манго буюрди.
Гўё думон олди доғ бирла дузи,
Булбулим учирди, гулдин айирди.

Баҳор айёмими, фасли ёзими,
Лочиним, шунқорим, олғир бозими,
Севар ёrim, вафодорим, ғозими,
Кувалаб-кувалаб кўлдин айирди.

Гул очған боғларим бўлибдур хазон,
Дунё манго бўлди **оташу сўзон**,
Ғам бозори бўлмиш мен учун арzon,
Шириним, шакарим болдин айирди.

Ҳумойхон дер, гули сўлмиш боғимни,
Шум фалак ёс этди хушнуд чоғимни,
Ер кўтармас қайғу-ғусса доғимни,
Бугун Давлатёрни мендин айирди.

Алқисса, Ҳумойхон сўзини тамом этди. Шул замонда Давлатёрбекнинг онаси бир қўлида Ҳумойхоннинг қўли, иккинчи қўлида Давлатёрбекнинг отининг жилови бирлан бирга юраберди. Шул боришда насиҳат этиб борди: Болам: Давлатёр, кетар бўлсанг, соғ бориб, омон келгайсан, санго менинг айтажак бир-икки панд-насиҳатларим бор, ҳаргиз ёдингда тут, деб, шул боришига бир абёт айтур бўлди:

Панду насиҳатим, ёлғизим, санго,
Ҳар етган номарда сиринг бермагил.
Бехуда иш тутиб, булғашма санга,
Яхши-ла бўл, ёмон бирла бўлмағил.

Мундин кетар бўлсанг, болам Давлатёр,
Эранлар қўлдайиб бўлсин мададкор,
Итолмаснинг ўғли Мамаджон сардор,
Дўстинг бўлсин, ўзга ёна бормағил.

Мудом мардлар ўлсин ёру йўлдошинг,
Ёвуз кунда **дўған** каби қўлдошинг,
Сен-да алар учун аяма, бошинг,
Ноҳақ, жаҳл бирлан саваш қурмағил.

Ҳар жойда омон бўл, қўлинг боғлатма,
Тез қайт, ҳижронингда бағрим доғлама,
Эл-куна паноҳ бўл, ҳаргиз йиғлатма,
Ғариф, бечораға қилич урмағил.

Уят бўлмас номардларнинг юзинда,
Муханнаснинг сўзи недур, ўзи на,
Онт ичарлар инонмағил сўзина,
Алар бирлан ўтирмағил, турмағил.

Сенсан менинг бор умидим, мадорим,
Суянчим, таянчим, қувончим, шодим,
Овозанг олама тўлсин, шаҳзодим,
Умрингда ҳеч ғамли кунлар кўрмагил.

Бир ғариф онангман олтмиш уч яшар,
Эр йигит бошига кўп ишлар тушар,
Иншоолло юзинг юзима тушар,
Ҳижрон чекиб болам, узоқ юрмагил.

Алқисса, Давлатёрбекнинг онаси сўзини тамом этди. Ул кўзида қонли ёш бирлан ўғлиға оқ фотиҳа бериб, узатди. Давлатёрбек ҳам барча одамлар бирлан яна бир хўшлашиб, йигитларига қўшилиб, отини сакратиб йўлға равона бўлди. Она деганинг юраги нозик бўлур, ул яна ҳижрон азобига чидай олмай, ўғлининг отининг изи бирлан юриб бора берди. Давлатёрбек изига бир қараса, бечора онаси икки кавушини қўлиға олиб, изидин келаётир. Давлатёрбек шул ерда отининг бошини буриб, тўхтатиб, изига қайтиб, онасига кўнгил бериб, созини қўлиға олиб, бир абёт айтур бўлди:

Эй она, тақдирим шундай битибдур,
Йиғлама, жон онам, каъбам, хўш эмди.
Ҳар биримиз бир макона отибдур,
Йиғлама, жон онам, каъбам, хўш эмди.

Кунба кундин ортар хоннинг зўрлиги,
Бошимга бурилди дунё торлиги,
Чекмагил ўртаниб, бундай хорлиги,
Йиғлама, жон онам, каъбам, хўш эмди.

Боди хазон боғ мевасин юлмасин,
Мўмин қулга тирик ўлим бўлмасин,
Дўстим билиб, душманларим қулмасин,
Йиғлама, жон онам, каъбам, хўш эмди.

Давлатёрбек айтур, йўловчи манам,
Мард бўлиб узатгил, ўғлингни сен ҳам,

Қайтиб ҳузуринга келурмен **янам**,
Йиғлама, жон онам, каъбам, хўш эмди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Онаси бирлан хўшлашиб, йўлиға равона бўлди. Йўлнинг ён томонида бир баланд тепа бор эрди. Йигитлар от қамчилаб шул тепанинг устига чиқдилар. Орқасига қарадилар. Кўрсалар Кўнғиротнинг барча эл-улуси, Урганч, така-туркман, Астробод, Манғишлоқдин келган ёр-дўстлар хўшлашиш учун йиғилиб турган эканлар. Давлатёрбек шул ерда буткул беклар, эл-улус, дўстлар бирла хўшлашиб, бирга ўсган тенгтушлари, ўйнаб улғайган жойларига қараб, бир абёт айтур бўлди:

Тавоб этай, жондин азиз тупроғим,
Ота-бобом ўтган жойлар, хўш эмди.
Тушга дўнди униб-усган чорбоғим,
Ёшлиқ даврим кечган жойлар, хўш эмди.

Хижрон оташига куйган онасан,
Мени истаб бағри бирён ёнасан,
Ўғлингнинг меҳрига қачон қонасан,
Онам бирлан кечган жойлар, хўш эмди.

Сен ҳам бир онасан жигари куйган,
Балою батардин қутқариб суйган,
Сут ўрнига шакар, бол бирлан тўйган,
Униб-ўсган азиз жойлар, хўш эмди.

Армон бирла қолди Кўнғирот элларим,
Булбуллар сайрашган ғунча гулларим,
Боғланибдур тўти каби тилларим,
Айтим-созим кечан жойлар, хўш эмди.

Давлатёрбек юртидин айро тушанда,
Юрак тоқат қилмай қайнаб-жўшанда,
Охир олис йўла отин қўшанда,
Биздин аро очан жойлар, хўш эмди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Сўнг ул йигитлари бирла шул тепадин нари тарафа тушиб, отга қамчи босиб ўта кетдилар. Кўнғирот саросима ичидаги қолди. Ҳар ким турғон жойида минг хил ўй-андиша бирлан **дуниб** қолди. Аммо онаси факир йўл устида қолгач, фалакнинг жабридин, рақибнинг ситамидин, ёлғиз ўғли Давлатёрбекдин айрилганидин ўзига кела олмай ғам гирдобига ғарқ бўлиб, куйиб-пишиб бир абёт айтди:

Бул нечук зўрликдур, бул нечук ситам,
Давлатёрим яйраб юра олмади.
Урушда Рустамдур, беришда Хотам,
Рақиблар қўзимни кўра билмади.

Кезди улуғ элга ўзин олдириб,
Кина –адолатни ҳамин қолдириб,
Табли жанг қоқдириб, сурнай чалдириб,
Шунқор-лочинларин учира билмади.

Муханнаснинг иши бало-дард била,
Мудом сўзи **чапроз** тушар мард била,
Қачон дўст бўлибдур қўйлар гурт била,
Анинг учун болам тура билмади.

Рақиблар ситами кона етибдур,
Суяқдин ўтибон жона етибдур,
Дунё бир бевафо, баҳтим ётибдур,
Ёлғизим хуш бўлиб юра билмади.

Арслоним, қоплоним, шерим айрилди,
Қатордин бир асрак нарим айрилди,
Онасиндин Давлатёрим айрилди,
Она тоқат қилиб тура билмади.

Алқисса, Давлатёрбекнинг онаси сўзини тамом этди. Шул вақт машриқ тарафдин бир тўзон турди. Турган халойиқлар: Олло жоним, бул не эркан, елми ёмғирми, ёки ғайри бир юрт лашкари устимизга эндими, деб кўп маҳтал бўлдилар, баланд тепага чиқиб қараб турдилар. Тўзон тобора яқинлашиб, ундин бир тўпор отлик ва бир кажава ажралиб келаберди. Сар солиб қарасалар, бул Давлатёрбекнинг синглиси эркан. Алар Давлатёрбекнинг кетар хабарини эшитиб юз минг ғам-алам бирлан келаётган эрканлар. Давлатёрбекнинг онаси югуриб бориб қучоқлашиб кўришди. Сўнгра она воқеаларни бир-бир баён қилди. Шул ерда Оқилажон оҳ уриб, бир абёт айтур бўлди:

Ҳазор дурду алам қолди жонимда,
Дўғаним, азизим кўра билмадим.
Йўқ эмди ҳимоят орқа ёнимда,
Дўғаним, азизим кўра билмадим.

Оҳ чекмақдин қора бағрим ўт ўлди,
Дўстлар ғамгин бўлиб, душман шод ўлди.
Боғим ҳазон бўлиб, гулларим сўлди,
Дўғаним, азизим кўра билмадим.

Анга келмай, манга келгай балоси,
Ул кўзим равшани, тилим саноси,
Мардларнинг бошидур, кўпнинг паноси
Дўғаним, азизим кўра билмадим.

Шум фалак оғамдин айро солибсан,
Жисмимни **эндариб** ерга чалибсан,

Оқиланинг ақлу ҳүшин олибсан,
Дўғаним, азизим кўра билмадим.

Алқисса, Оқилажон сўзини тамом қилди. Сўнгра бутун эл-кун қаъага кириб, тарқаб уйларига кетди. Булар мунда қолаберсин, эмди хабарни кимдин ол, Давлатёрбекдин ол. Давлатёрбек йигитлари бирлан от суриб боришларига бир неча манзилларни тай қилиб, охири қадимги Шоҳсанам қалъасига келиб тушдилар. Йигитлар ўтган ошикларни эслаб, қўнгиллари тўлиб-тошиб, кенг бир мажлис қурдилар, бир фасл шоду хуррамлик қилдилар. Давлатёрбек шул вақтда кўлига созини олиб, бир нома айтур бўлди. Кўр, бок, нама деди:

Боқинг дегра-доша, синланг ҳар ённи,
Ошиқ-маъшуқларнинг ўтган ерлари.
Ғариф чиндан суйиб Шоҳсанам жонни,
Бир-бирига меҳрин қотган ерлари.

Бошидин оёғи тамом анойи,
Санамжон санаминг мудом кун, ойи,
Ишқдин ғайри недур анинг гунойи,
Отанинг ғазаби тутган ерлари.

Ғарибжон ёт элда мотам боғлайиб,
Ҳижрон ўти бирлан бағрин доғлайиб,
Шоҳсанам изида қанча йиглайиб,
Қайғу-ғам кўлига ботган ерлари.

Юсуфбек бозорда ўзин сотдириб,
Шоҳсанам ёрина оқ уй тутдириб,
От чопдириб, олтин қабоқ отдириб,
Мурод-мақсадина етган ерлари.

Олма кўз бедовни ғўччоқлар суриб,
Не яхши ошиклар-маъшуқлар юриб,
Золимлар қўлида жафолар кўриб,
Кўпларнинг **гум бўлиб** ётган ерлари.

Не оғир замона, фалак гардиши,
Чека билмай фарёд этар ҳар киши,
Давлатёрнинг дўсту ёри, teng-tushi,
Сизга қараб сўзин отган ерлари.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Йигитлар отланиб Шоҳсанам қалъасидин чиқиб, яна йўлға равона бўлдилар. Қалъа изда қолиб кетди. Алар бир майдон отларини сурдилар, йигитлар фалакнинг ўйинларига хайрон қолиб, ўйланиб, индамасдан от суриб, борар эрканлар, Давлатёрбек жимликни бузиб: - Эй, йигитлар, минг қайғу бир иш битирмас”, деганлар. Бул тақдирға хафа бўлманг, йўл ошайлик, деди. Йигитлар:

-Эх, Давлатёрбек, бизда гурунг, гап не қилсин, “Яхшидин шарофат, ёмондин касофат”, деганлар. Сен бизга панд-насиҳатдин гапир, дедилар. Давлатёрбек от устида боришида йигитларга далда бериб, мардларнинг таърифин айтиб, бир абёт айтди:

Ғүч йигит донишманд бўлур,
Агар савод, хати бўлса,
Саваш бўлса хуруж олур,
Агар қурол-зоти бўлса.

Йигитлар бўлса обрўли,
Ҳар асбоби бўлса шайли,
Кескир қилич, ўқли-ёйли,
Туганмас ғайрати бўлса.

Отдур йигитнинг йўлдоши,
Бир жонон-маҳбуб сирдоши,
Ёнида беш-ўн қардоши,
Эр дўған, зурёди бўлса.

Йигитнинг кўп бўлса дўсти,
Сезилмайдур ками кўсти,
Ғанимнинг шилинар пўсти,
Шижаоти, **боди** бўлса.

Давлатёр дер, бул дунёнинг,
Ҳануз вафоси йўқ анинг,
Агар бегинг, агар хонинг
Ғолибдур, кудрати бўлса.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Йигитлар яна фароғат йўл ошиб борабердилар. Ногоҳ олдиларидин бир тўпор кийик чиқиб, қиялаб юрабердилар. Давлатёрбекнинг кўзи тушиб, айтди: -Эй йигитлар, “Худо берса қулига, чиқариб қўюр йўлига, деганларидек, Худо бизга кулиб боқди?

-Ха не бўлибдур?

-Хов, жониворларни кўрдингизму? Йигитлар кўрдики, бир тўпор кийиклар булутдай сузиб бораётир. Давлатёрбек айтди:

-От оёқдин **балли**, эр қилиқдин”, дебурлар отларимиз оёғини бир синаб кўрамизму, йигитлар, деди. Йигитлар:

-Кўрсак, кўрайлик, дедилар.

Давлатёрбекнинг бир неча оти бор эрди. Миниб келаётган отига “Сарқуш” дер эрдилар. Давлатёрбек ўшал отини таъриф этиб, йигитларига караб, қайнаб-жўшиб, созини баланд пардалардин тузиб, бир ғазал айтар бўлди, кўр, боқ, нима деди:

Ҳақ азалда халқ айламиш,
Бир ажойиб зотдур бедов.

Жаннатда бурук от демиш,
Ёлғончидა оттур бедов.

Берса хонлар юз минг туман,
Сота билмас сени минган,
Оқ йўл каби ғиру саман,
Битилган бир хатдур бедов.

Қоқдириб налин кумушдин,
Емаки турли емишдин,
Елиши ортиқдур қушдин,
Баҳор эсган боддур бедов.

Ғўч йигит минса устина,
Найзасин олса дастина,
Даст берса мавлон дўстина,
Йигитга ғайратдур бедов.

Давлатёрга йўлдош бўлди,
Мунгли куни сирдош бўлди,
Манго ҳамдам Сарқуш бўлди,
Ёлиғзға зурёддур бедов.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Йигитлар отлари устида ўрнашиб ўлтиридилар. Давлатёрбек:-Ҳар кимга бирдан, босинг қамчини, деб қичкирди. Йигитлар шул замон отга қамчи босдилар. Бирор кийикларнинг сўлидин, бирорлар соғидин, бирорлар тўғри устидин от сурдилар. Давлатёрбек ҳам от сурди. Сарқуш от бир зингди, кийикларнинг ичига аралашиб кетди. Шул замон Давлатёрбек найзани олиб, бир кийикни анга илдириб оти бирлан четга чиқиб кетди ва йигитларни томоша қилиб турди. Йигитларни бирори каманд, бирори ёй, бирори милтиқ бирлан ов қилур эрди. Сал ўтмай барчаси овани от устига босиб келдилар. Йигитлардин бири айтди:

-Эй Давлатёрбек, сен бошда кийикларга аралашиб кетдинг, кейин четга чиқдинг, ё сен бизнинг овимизни томоша қилдингму, деди. Давлатёрбек кулимсираб қўйди. Йигитлар сар солсалар Давлатёрбекнинг найзаси учиди бир кийик осилиб турибди. Йигитлардин бири уни олиб, томоғидин сўйди. Андин сўнг йигитлар ўтни баланддин қалаб, бири кабоб, бири яхна тайёрламоқ бирлан бўла бердилар. Кайфлари кўкка чиқсан йигитлар анча вақт вақти хушлик қилдилар. Давлатёрбек йигитлари бирлан қувонишиб, тўлиб-тошиб бир сўз айтур бўлди:

Булут босган ғамли кунни,
Келинг, беклар чош этали.
Гўё зимистондек тунни,
Ғам лашкарин лош этали.

Олис эрмас Ўрта қуи,
Бир дам мунда тулинг түйи,
Тоза кабоб, гулгун майи,
Ичиб, жона нўш этали.

Шодиёна базм қуриб,
Овимиз кайфини суреб,
Ғаним қалбиға тиф уриб,
Дўст кўнглини хўш этали.

Ҳамма тенг-туш, барча ҳамдам,
Коса олинглар дамбадам,
На қайғу қолсин, на бир ғам,
Кўнгилларни жўш этали.

Давлатёр дер, келди тила,
Хеч кимдин этмангиз гила,
Ёлғончидаги обрў била,
Мардларни йўлдош этали.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Йигитлардин бири айтди: -Эй Давлатёрбек, ҳозир бир омадли фурсат, ўтган-кечгандин сўз очиб, панд-насиҳат этсанг ҳам дуруст бўлур, қулоқда сақланиб қолур. Бошқа бир вақтда гап-сўзга фурсат топилмас, деди. Давлатёрбек шул ерда кўп ерлардин тимсол келтириб, йигитларга насиҳат бериб, бир абёт айтур бўлди, кўр боқ, неларни деди:

Ғўч йигитлар, суринг беш кун давронни,
Бул ёлғон дунёдур, дод била кечур.
Номард фойдасига бериб молини
Емас-ичмас куни суд била кечур.

Бул ширин дунёнинг ўтарин билинг,
Олмакўз бедовни эгарлаб мининг,
Шоду хуррам бўлиб, ўйнанг ва кулинг,
Дунёдин алданган мот била кечур.

Номард каснинг яқини йўқ, ёди йўқ,
Муханнаснинг сийнасида ўти йўқ,
Ул ханноснинг обрўси йўқ, оти йўқ,
Иши фийбат бўлур, ўт била кечур.

Кўзинга дўндингим бедов қабоқли,
Юзи хол-хол менгли, олма яноқли,
Лаъли, маржон тақсан, ақиқ дудоқли,
Қўйни жаннат паризод била кечур.

Бедов кезур, беклар марднинг шаънинда,
Дунё моли недур анинг ёнинда,
Давлатёрнинг армони йўқ жонинда,
Келибдур дунёга от била кечур.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Анда йигитларнинг бири айтди:
-Эй, Давлатёрбек, номардлар ҳолидин ҳам бир сўз айт, ким яхши, ким ёмон билайлик, деди. Давлатёрбек айтди:

-Икки дунё номарднинг юзи қаро бўлгай, деб яна бир нома айтур бўлди:
Шарҳ айласам, беклар номард сўзини,
Бир жўмарднинг ҳимматига қасд этур.
Муханнаснинг ҳаргиз кўрма юзини,
Ғўч йигитнинг ғайратига қасд этур.

Ўзиндин кўп ортар наҳори-оши,
Бир кимса оч бўлса, этмас койиши,
Кеча-кундуз ўйи-бир қора боши,
Бир сўз айтсанг юзин-кўзин **сус** этур.

Тўрти-беши йиғналишса бир ера,
Ҳар қайси хотамдур, ҳар қайси тўра,
Айтган сўзи ўрин тутмас ҳеч сира,
Ўз-ўзидин ел олишиб сас этур.

Ғийбат бирлан бузар инсон ўйини,
Ҳеч кимга бермасин анинг **хуйини**,
Ё эчкиси ўлса, ё бир қўйини,
Яқини ўлгандин бадтар **сас** этур.

Давлатёрбек деяр, бўлмангиз осий,
Беклар ғийбат эмас сўзимнинг роси,
Хотини, **қибласи**, барча дунёси,
Биргалашиб ўз-ўзини пес этур.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Сўнгра йигитлар аста-секин отланмоқ бирлан бўлабердилар. Шу юришда уч кундин сўнг Ўрта қуий манзилига дохил бўлдилар. Йигитлардан бири айтди:

-Ажаб сафоли, **овлоқли** бир жой эркан!

Давлатёрбек айтди:

-Арқач эллари бирла ора майдон турур.

-Ё раб, Давлатёрбек, ҳали Арқачгacha кўп йўл бор эрканму?

-Яна етти кунлик йўлимиз бор эрур.

Йигитлар Ўрта қуий карвонсаройига тушдилар. Бир-икки кун шул ерда дами-тинчини олдилар. Яхши одамларга йўлиқишиб, дўст-биродар орттиридилар. Арқач элларининг омонлиги, дўст-ёрларининг аҳволини суриштиридилар. Эртаси куни булар Хоразмдин Хуросонга бораётган **бозиргонларга** йўлиқдилар. Уларга қўшилиб, Арқач элига равона бўлдилар. От

оёғи остида манзил-манзил йўллар қолиб, қанча манзилларни тай этиб Арқач элига дохил бўлдилар. Сал ўтмай Арқач элининг боғроғлари кўзга чалиниб бошлади. Йигитлар бир ўvboga келиб тушдилар. Ўвба четида саккиз қанотли бир оқ уй кўринди. Давлатёрбек отни тўғри шул уй олдига ҳайдаб бориб, чақирди:

-Уйда киши борму?

Уйдан бир сас келди: -Отдин тушиб келиб хабарлашсангиз бўлмайдурми?

Давлатёрбек яхши бир инсон устидин келганини сезди. Йигитлар дурас—дурас отдин тушиб бўлгунча уй эгаси аларга пешвоз чиқди. Бул киши Хўжакелди сардор деган киши эрди. Кўрсанг бир битгин одам, бошида силкма телпак, эгнида чекман, белида қўшоға, оёғида оқ этик, фариштали бир зот, юзининг нурига бир ўвба тўйса бўлур.

Давлатёрбек салом берди. Хўжакелди сардор алик олди ва деди:

-Эй яхши йигит, отармонмисан, чопармонмисан, қайси хоннинг ўғлисан, қайси элнинг тўрасисан, нердин бориб, нердин келурсан, накора бирлан бизнинг элларда пайдо бўлдинг, деди.

Давлатёрбек мақсадини икки оғиз сўз бирлан баён қилди:

-Хов сардор, мен йўловчи, рухсат берсанг отимизни емлаб, ўзимиз дамтингчимизни олиб бир кеча қўниб кетажакмиз. Анда Хўжа келди сардор:

-Келган давлат, кетган меҳнат”, дебдурлар, хуш келдингиз, сафо келдингиз. Яна яхши йигит, ўзимизда, ғайрида, мағрибда, машриқда, отармон, чопармон бир йигит бўлса, алардин танимаганим оздур. Аммо, мен сени танимай турибдурман, аларнинг ҳеч бирига мангзатмадим, сенга ким дерлар, деди. Давлатёрбек узоқ ўйлаб турмай:

-Бизга Эшмурод Кўнғиротнинг ўғли Давлатёрбек, дерлар, деди.

Бул иқлимда ошоқда-юқорида мағрибда-машриқда Давлатёрбекнинг довруғини эшитмаган одам борму, Хўжакелди сардор ҳам анинг отини эшитганидин қулоч ёйиб олдиға келди.

-Бай-бай-бай, неча вақт отингизга ошно бўлиб юрур эрдик, бугун ўз оёғингиз бирлан келдингиз, яхши бўлди, деб Хўжа келди сардор Давлатёрбекни қўлидин тутиб, ичкарига етаклади. Шу борища хизматкорларга:

-Тезда, мунинг отини таблахонага элтиб, ўт-сув беринг, ўзина ҳам бир оқ уй тикинг, йигитларнинг ҳам ҳар қайсисига бир хизматкор қўйинг. Уларнинг иззатини ҳам кам этманг, деб тайинлаб бораёттир.

Сўнгра Хўжакелди сардор:- Давлатёрбек, нердин-келиб, нера борурсизлар, оломона чиқдингизму ё қуш-ишкораму, не сай-сабаб бирлан бизнинг элларга тушдингиз, деб сўради. Давлатёрбек айтди:

-Хов, сардор Кўнғирот элларини Худо урди. Хон аввал бизнинг отамиз бирлан ўч бўлди, эмди бизга осилишиб турур, оғамни ҳам қатл қилди. Эл-улус шул сабабдин манго оз муддат, ғайри юртларга чиқиб кетишни маслаҳат берди. Эмди Арқач элларига, Маматжон сардор хузурига бораётирмиз, деди ва бошидин ўтганларни бир-бир баён этди.

Андин сўнг Хўжакелди сардор Давлатёрбекнинг хизмати бирлан бўла берди. Тезда Маматжон сардорга ҳам чопар юбариб: тайёр турсин, Кўнғирот элидин Давлатёрбек келаётир, пешвоз чиқсин, деб тайинлади. Оқ уй тикилиб,

ичига ғоли-палослар қат-қат түшалди. Қўйлар сўйилиб юз хил таомлар тайёр этилди. Чойми, новвотми барча ўртада уюлиб қолди. Арқач элининг барча оқсоқоллари, катхудолари, сардорлари жам бўлдилар. Шул вақт Арқачнинг йигитлари жам бўлиб, Давлатёрбекни оқ уйга олиб кирдилар. Давлатёрбек қопудин кириб қараса уй дастурхонида юз турлук таом тайёр турибдур, созанда-гўяндалар ҳам жам бўлиб ўлтибдур. Давлатёрбек шул куни йигитлар бирлан бирга ўлтириб, еб-ичиб, маству мастона бўлиб, қўшиқ куйлаб, соз чертиб бирга ҳазмда-базмда бўла берди.

Эртаси куни Давлатёрбек Хўжакелди сардор олдиға бориб айтди:

-Эй, Хўжакелди сардор, бизни даргоҳингизга қабул қилиб, мунча иззат этиб, кутиб олганингиз учун сизни Тангри ярлақасин.

Эмди бўлса, рухсат этсангиз “Йўл ўғли йўлда яхши”, дебдурлар, биз Маматжон сардор олдиға отланмоқчимиз, деди.

Хўжакелди сардор ани сира юбаражакми, аксига бир оға-инисини уйлантириш учун тўй бошлаш саранжомини тута бошлади. Хўжакелди сардор айтди:

-Йўқ, Давлатёрбек, рухсат берилмайдур.

-Нечун, сардор?

-“Яхши йигит тўй устина”, деб дурлар, бул бизда кўҳна масала, бир яхши йигитсиз, сайи-сабаб бирлан келибсиз, ўзингиз ҳам тўй устига келдингиз. Тўйни куни эртага белгилаганмиз. Сиз эмди бизнинг элларнинг тўйини-томошасини, сози-суҳбатини, тўй қоидасини кўрмай ҳеч қаёққа кетмайсиз, деди.

Гап тамом бўлди. Давлатёрбек йигитлари бирлан Хўжакелди сардорнида қолаберди. Тўй куни ҳам келиб етди. Кўрсалар Арқач элининг барча эл-улуси, улли-киччиси, менман деган йигитлари кийинганича кийиниб, тақинганича тақиниб тўйга келибдурлар **кеса** боғнинг олди одам дамидин қизиб кетибдур. Чошгоҳда келинни нор тuya устидаги кажавага ўлтириб олиб келдилар. Келин олдиға чиқиш учун оломон селдек оқиб бордилар. Хўжакелди сардор бўлса, нон деганга нон, танга деганга танга, сарпой деганга сарпой бериб, изидин от чопдириб, олтин қабоқ отдириб, баҳши айттириб, кураш туттириб жўшиб хизмат этаберди. **Байроқ** учун отми, туями, кўшакми, алғараз қул-қирноқ, тўн-телпак, тилла пичоқ, кумуш коса тарқатаберди.

Кун ботар вақти жарчи қичқираберди:

-Хой, халойиқ, навбат отларга етди, илки бирлан улуғ отлар қўйилади, отлар етти манзилдин қайтади, оти ўзганга 500 туман тилло, бир тўн, бир телпак, бир **сагри** этиқ, байроқ берилади, ҳов...

Хўжакелди сардор Давлатёрбекнинг отини синлаб қўриб айтди: -Эй, Давлатёрбек, агар мен от танийдиган бўлсам, байроқ сеники бўлур!

Оtingни улокқа юбармайсанми?

Аммо Давлатёрбек бул таклифни маъқул топмади: -Йўқ, сардор, отни улокқа қўймайман.

-Ҳа нечун?

-Отни **яриш** хароб этар, деганлар, сардор:

Аммо теваракдаги кишилар Давлатёрбекни ҳоли-жонига қўймадилар. Ҳов, меҳмон, отни қўймаганинг яхши, отинг пойгага енгилгандин, уни юбармаганинг яхшироқ.

Бошқа бирор: от ўзиники эмасга ўхшайди, омонат отни пойгага қўйишга андиша қилаётир, деди. Яна бирор:-буларнинг элида от чопиш айб саналса керак, деди.

Алгараз, ҳар ким бир сўз айтди, Давлатёрбекни қизгандин қиздирдилар. Ул айтди:

-Ҳов, йигитлар, кўп ҳангома этдингиз, ҳеч ихтиёrimизга қўймадингиз. Келинг, отни бир синаб кўрсак кўрдик-да. Бул от узок йўлдин чарчаб келган, шул сабабли бир енгилроқ чобуксувор топиб беринглар, отни олиб келсин, деди. Шул замон бир йигит таблахонага югуриб кетди. Тезда Сарқушнинг қўйруғини туғиб, юпқа эгарлаб етаклаб олиб келди. Усти чавандозсиз кўринган бул гўзал отни четдан томоша қилиб пойга боши: -Ҳов, бул чавандозсиз от кимникур, деб сўради.

-Меҳмоннинг отидур, дедилар.

-Эй бўлди, шундин ўзганга байроқ йўқ, деди ва Давлатёрбекка қараб:- Ҳов, меҳмон, ўзингни танит, деди, кимсан, нердансен, коринг не, аслинг ким?

Шул вақт Давлатёрбек яхши, бўлади, деб бир нома айтар бўлди:

Тақдир бизни айролиққа солибдур,

Бир кун изтиробсиз қула билмадим.

Иқболим, толеим забун бўлибдур,

Ўлик-тириклигим било билмадим.

Оғир кун ёнингда муханнас қолмас,
Саваша ярамас, майдона келмас,
Марддин йўлдош тутсанг ҳеч ками бўлмас,
Номарднинг тарафин чала билмадим.

Майдон ичра Рустам каби ҳайбатли,
Кезур эрдим номус-орла ғайратли,
Қариндоша, эл-улуса хурматли,
Бўлай дедим, аммо бўло билмадим.

Юур эрдик қўл тутишиб бир-бира,
Нечалар айрилиб кетдилар нера,
Айрилиқ ўтидин қалб бўлиб яра,
Номарднинг қилиғин қило билмадим.

Тушдум ушбу йўла ўзим от учун,
Қилич урдим, дўсту ёр, уят учун,
Давлатёр дер, олтин-кумуш-зот учун,
Шунқорим шикора сало билмадим.

Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Анда пойга боши айтди: Эй йигит, эр-пирлар назар этган йигит эркансен, аммо бошинг балодин чиқмаган ўхшайдур,

бунга хафа бўлма эр боши ғавғосиз бўлмас. “Ғавғосиз бош гўрда яхши”, деганлар. Ана, сўзингни эшитдик, ўзингни танидик. Қани энди отингни ҳам бир танит, деди.

Давлатёрбек Сарқушнинг атрофидин бир айланиб, анинг хосиятларини таъриф этиб, Арқачнинг бекларига қараб, созини баланд пардаларда тузиб, бир абёт айтур бўлди. Кўр, бок, неларни деди:

Оға-беклар, таъриф этсам Сарқуши,
Баҳо бериб, бунга чиқишлоқ бўлмас.
Бир ғўч йигит миниб кирса саваша,
Ғаним қаршисида туришмоқ бўлмас.

Юз минг қўшин ўртасида баллидур,
Елмоя дудоқли, боши **таллидур**,
Кўзи тоғ бошида, бурни энлидур,
Юз минг туман бериб танишмоқ бўлмас

Нишони бор манглайида хол каби,
Ўйнаганда, илғаганда ел каби,

Гаҳ деганда, тоғлар, тошлар йўл каби
Кўкда учган қушдур етишмоқ бўлмас.

Ҳақ яхши яратмиш азал кунинда,
Туққан эли гўкланг, Геркез элинда,
Атракда, Гургонда, Чамлибелинда,
На хили от бўлса ёришмоқ бўлмас.

Йўрғаси, юриши, текис, ҳаволи,
Ёли ярашиқли, бўйни дуоли,
Ўн тўрт яшар қиздин одоб-хаёли,
Таърифини айтиб етишмак бўлмас.

Гўрўғлида Ғирот, Юсуфда моргир,
Ҳар бири ўзича бўлди жаҳонгир,
Бўлса бир ғожа-ғож, бўлса қирҳо-қир,
Анингла қўшилиб сурушмак бўлмас.

Давлатёрнинг Сарқуши чин йўлдоши,
Рафиқи, ҳамрохи, доим қўлдоши,
От бирлан омондур йигитнинг боши,
Дунё молин бериб олишмоқ бўлмас.

Давлатёрбек сўзини тамом этди. Анда пойга боши айтди: -Эй, меҳмон, отингни балли баҳоси йўқ эркан. Бундин бошқа қиликлари ҳам бор ўхшайди. Сен аларни ҳам айт, деди. Бу гап Давлатёрнинг кўнглини ўстириб юборди. Давлатёр бундай хушомадларни эшитиб ўрганган. Шул сабаб пойга бошига

айтди: -Хов, пойга боши, Сарқушнинг таърифи сал баридин қайтди. Мен анинг барча хосиятларини айтмаганимни ўзим ҳам билурмен. Бул отнинг таърифи айтаверсам бир китобга сифмаяжак, деб яна бир абёт айтур бўлди:

Беклар, яна таъриф этсам Сарқуши,
Илфори бор фасли баҳор ёз била.
Боди осмон ели, ҳаволи боши,
Юриши, йўргаси ажиб ноз била.

Ҳақ эзгу яратган, тальяти бошқа,
Қилиқ, каромати, ғайрати бошқа,
Сийрати бедовдир, хосияти бошқа,
Давоси бор ўн беш яшар қиз била.

Сарқуши мингандан саваш қурилса,
Томоша қилурга қора қўз бўлса,
Эллиси, олтмиши, етмиши келса,
Довушурмен ҳеч дўндармай юз била.

Қалбим виждонидур, юрагим ўскин,
Иқболим йироқдур, толеъим таскин,
Отадин яккайам, бул қўнглим мискин,
Кўпнинг иши тенг келмайди оз била.

Ипак ёлин сийпаб, Сарқуши хушлаб,
Илғаса юбарсам, танобин ушлаб,
Давлатёр пойгада от чопса бошлаб,
Бедовим олишар олғир боз била.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Анда пойгабоши айтди: -Эй меҳмон, отингнинг табиати нозик эркан, суворийни ҳам ўзинг танлаб ол, сўнг орада гап-сўз бўлмасин, деди. Давлатёрбек бул таклифдин сўнг чобук сувор йигитларни кўздин кечирди. Буларнинг орасидин бирортаси Давлатёрбекка хуш келмади. Бирининг қадди қомати яхши бўлса, оғзи шалокроқ. Бирининг гавдаси кичик, кўриниши зийрак, бири дуппа дуруст, аммо оғзида нон кавшаб турур. Шунда Давлатёрбек ўйланди: -Эй фалак, ўғлим бўлганда отни шунга мингизардим, изидин фахр бирлан қараб туардим. Шундин сўнг Давлатёрбек кўнглидагини тилига чиқариб, орзу-ўйларини баён этиб, бир абёт айтди:

Орзуим, тилагим, мурод-мақсадим,
Эл ичида болам-баҳтим бўлсайди.
Бўйига қувониб, отин боқсайдим,
Эл ичида болам-баҳтим бўлсайди.

Бир отадин бўлса олтмиш қардошим,
Олтмиш ўвбадошим, олтмиш сирдошим,

Олтмиш ғўч йигитдин бўлса тенг-тушим,
Алар бирла болам-бахтим бўлсайди.

Олтмиш мерган овчим шикора чикса,
Олтмиш табилбозим табилин қоқса,
Олтмиш югрук отлим отини чопса,
Алар бирла болам-бахтим бўлсайди.

Олтмишларим эл дардина яраса,
Ёмон-яхши фахр этса, қараса,
Давлатёр сўз бирла мажлис қураса,
Чобуксувор болам-бахтим бўлсайди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Халойиқлар ани якка-ёлғиз йигит эрканини билиб, кўп ғамгин бўлдилар. Эрса шул вақт марака ичидин бир nochар мўлдираб қараб-қараб турди. Ул Арқочда кўп вақт тул ўлтирган бир nochор эрди. Аммо ул ғўч йигитга муносиб бир заифа эрди. Ул ўсиб бораётган ўғлининг қўлидин тутиб, Давлатёрбекнинг ёнига олиб борди ва деди:

-Эй, меҳмон йигит, хафа бўлманг, ўғлим Сайдмусони чобуксуворликка ол. Мунга отингни бер, иншоолло обрў олиб келгай, деди.

Давлатёрбек қайрилиб қараса, улғайиб бораётган, боши кокилли, покиза бир ўғлон, кўзлари ёниб турган, оёғи остидин ўт сачрайди. Магарам, бул бўйда шул чобук-сувордин яххиси ё бўлур, ё бўлмас, деб ўйлаб, ўғлонни қўтариб олиб, Сарқушнинг устига миндирди. Сўнгра отини сийлаб-сийпаб, шугун сенинг бир обрўй топар қунингдур, **сара софли** бўл, деб турли ўгит-насиҳатлар айтиб, ани таърифлаб, қайнаб-жўшиб бир нома айтар бўлди:

Отлар чопса пойга қураб,
Сарқуш сени бош этурмен.
То келгунчам йўлинг қараб,
Икки кўзим ёш этурмен.

Гўё қушдай қайиб кетсанг,
Энг олдинда келиб етсанг,
Шул тўйда бир ғайрат этсанг,
Неча қунлар бўш этурмен.

Керак эрмас, байроқ-бари,
Моя, пул дейиб чекман зори,
Доғиб кетсин бойлик-бори
Ўзи мандин **дош** этурмен.

Пойгада ўзиб келмасанг,
Шамолдай учиб елмасанг,
Менинг кўнглимни сезмасанг,
Бугун кўзда ёш этурмен.

Кузатурмен йўлга солиб,
Омон келгил, обрў олиб,
Давлатёр дер бир **газ** қолиб,
Ғариф кўнглим хўш этурмен.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Пойгабоши сўнгра отларни олиб пойгани бошлади. Кун пешиндин ўтди. Одамлар: -Отларнинг олдига чиқиб, кўриш учун бир баланд тепага чиқиб қараб турдилар. Бироздин сўнг икки отнинг қўша тўзони кўзга чалинди. Ҳамма эътибор бирлан қараб туур эрдилар, одамлар **тимтирс** бўлиб, олдинга имзаниб, қалқиб борур эрдилар. Бирор бу отларни тўқсабоники, бирор Кўчқорбекники, яна бирор бошқа бир бекники деб тахмин қилур эрди. Давлатёрбек бу икки отнинг бири Сарқуш эканини ички туйғу бирлан сезди ва ҳеч нарса билмагандек бўлиб тураберди. Сал ўтмай одамлар:

-Эй ҳов, меҳмон бу отларнинг бири сеникига ўхшайди, деб қичқира бошладилар ва:

-Хут шунинг ўзи.

-Устидаги Сайдмуса!

-Меҳмон, кўзинг ойдин! деб бири олиб, бири қўйди.

Давлатёрбек бўлса, ўзини билмаганга солиб, гумонсирагандай этиб:

-Эй йигитлар, **дейишма** этманглар, буларнинг орасида бизнинг от йўқقا ўхшайди. Бизнинг от бул отлар орасида ёбича йўқ, деди. Сўнгра Давлатёрбек бир тепага чиқиб, отларга сар солиб тураберди. Қараса Сарқуш бир оқ от бирла ёнашиб келаётир, ундин ўтмайди ҳам, қолмайди ҳам. Давлатёрбек Сайдмусанинг фикрига тушунди. Аммо юраги беданадек потирдаб турибди. Ора қисқариб бораётир, оқ от ҳам анойи эмас, яқинлашган сайин **зингиб** бораётир. Давлатёрбек чидай олмади, телпагини алина олиб, осмонга кўтариб:

-Кел-ҳо, Сарқушим, деб бор овози бирлан наъра чекди, овози тоғтошларда акс садо берди. Бул овоз отнинг қулоғига ҳам етди. Бечора от эгасининг овозини сезди, шул замони ҳайқириб бир зингди, шул дамда оқ отдин уч газ ўтиб тушди. Бул ҳодисага бутун эл онг-тонг бўлиб, оғзини очиб қолди. Давлатёрбекнинг юраги тўлиб-тошиб, эгнидин созини қоқиб олиб бир абёт айтди:

Кўринг беклар, ора очар,
Балки Сарқушмидур, недур!
Гоҳи кўниб, гоҳи учар,
Гўёки қушмидур, недур!

Айтинг беклар, **бўйин суниб**,
Келур юлдуз каби **суниб**,
Бейик чиқиб, пастга эниб,
Ё усти бўшмидур, недур!

Тепалар анга йўл каби,
Ўзи бир эсган ел каби,

Тоғлардин энган сел каби,
Бир тошқин жүшмидур, недур!

От устида бўла билмай,
Кўлга қамчи ола билмай,
Ўғлон тоқат қило билмай,
Кўзида ёшмидур, недур!

Сарқуш десанг Сарқуш ўзи,
Зухрога мангзайди кўзи,
Туёғидин чиқар тўзи,
Отилган тошмидур, недур!

Илғаб олур айтган сўзни,
Қомати қувнатар кўзни,
Қувонтирди бугун бизни,
Ўнгимми, тушмидур, недур!

Давлатёрнинг Ҳақ йўлдоши,
Жони от-қавму қардоши,
Ёмон кунида йўлдоши,
Келган Сарқушмидур, недур!

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Унгача Сарқуш оқ отдин зингиб ўтиб, **паллахона** чизифидин ўтиб кетди. Йигилган халойик қийқириб юборди:

-Хов меҳмон, кўзинг ойдин!
-Эй йигит, отинг ўзинга лойиқ эркан!

Давлатёрнинг боши кўкка етди. Ул байроқ деб берилган 500 туман тиллони, тўни, телпаги, сафри этиги бирлан Сайдмусога бағишлади.

Шул орада бир тўпор одам ўзаро маслаҳатлаша берди. Охири алардин бири келиб айтди:

-Эй меҳмон, агар хафа бўлмасанг санго бир сўзимиз бор, хафа бўлсанг ҳаргиз айтмасмиз.

-Хеч хафа бўлмаймен, айтаверинг, гапингизни, деди Давлатёрбек.
-Айтадиган бўлсак, отингни бизга сот.

Давлатёрбекнинг қони бошига тепди, жони ёниб кетди. Аммо ўзини босди, ҳазил аралаш деди:

-Сотсак сотоверамиз.
-Сотсанг баҳосини айт!

Шул вақт Давлатёрбек отининг баҳосини айтиб бир абёт ўқиди:
Йигитлар айланг томоша,
Бедовнинг баҳоси борму?
Мард миниб кирса саваша,
Субхи шом, сабоси борму?

Ғүч йигитга керак бир от,
Ёли гажақ, ажиб ғир от,
Үзи асрек, таҳсин **сирот**,
Айтинглар, баҳоси борму?

Қувсанг еткарур замонда,
Қочсанг қутқарур омонда,
Қиличдин қонлар томғонда,
Сира ҳам баҳоси борму?

Қамчи урмай **зинғар** кўкка,
Шундай от керакдур бекка,
Отим қанот, ўзим якка,
Буни ҳеч баҳоси борму?

Давлатёр дер, отсиз бўлманг,
Отлиғ ўлуб, сўзга қолманг,
Айтинг, йигитлар, уялманг,
Бедовнинг баҳоси борму?

Давлатёрбек сўзини тамом этди. Харидор йигитлар гапнинг нимада эрканини тушуниб, тарқала бошладилар. Давлатёрбек ҳам бошқа ортиқмоч гап айтмади, ўз йигитларига қўшилиб изига қайта берди. Ногоҳонда қўзи Сарқушни у ёқ-бу ёққа кездириб юрган Сайдмусога тушди. Анинг сал **орисида** онаси кўзидин ёш тўкиб ўлтирубдур. Аёлни кўриб, Давлатёрбекнинг қўнгли бузилди ва деди:

-Эй бибим, ғам емагил. Биз Сайдмусо бирлан туғишган оға-ини бўлурмиз.
Иншооллоҳ мен тирик бўлсам, санго завол бўлмас!

Андин сўнг Давлатёрбек бул ночорга далда бериб, заифанинг қўнглини кўтариб, бир абёт айтди:

Саваш куни ўз жуфтини йитирган,
Ғарип ночор, сен дўғаним бўлғайсен,
Аёл бўлиб эр ишини битирган,
Ғарип ночор, сен дўғаним бўлғайсен.
Яхшилик маҳак тош тупроқда ётмас,
Яхшилик кўрганда одам унутмас,
Ёмонга жон берсанг бир пулга тутмас,
Ғарип ночор, сен дўғаним бўлғайсен.

Ёлғиз ўғлинг Сарқушима миндиридинг,
Бошим узра обрў қушин қўндиридинг,
Душманим йиғлатиб, дўстим кулдиридинг,
Ғарип ночор, сен дўғаним бўлғайсен.

Суйган боланг каби мен ҳам бир якка,
Кезарам ёлғизлик жабрини чека,

Давлатёрбек деяр тизина чўка,
Ғариф ночор, сен дўғаним бўлғайсен.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Сўнгра ул бул ғариф заифа бирлан қиёматлик оға-ини тутишиб, ани сидқи ихлос бирлан сингилликка қабул қилди.

Шундай қилиб, Давлатёрбек Хўжакелди сардор уйида тўйни ҳам ўтказди. Тўйдин уч кун ўтказиб йигитларини олиб сардорнинг олдига келди ва қуллук қилиб турди. Сардор айтди:

-Хов Давлатёрбек, нима гап, хизмат кам бўлдими, ё бирор кўнглинга тегдими, бирор инжитдими, хабарингни бер!

-Камчилик жойимиз йўқ, сардор!

-Ундан бўлса не гап?

-Рухсат берсангиз, биз эмди қайтсак.

-Эй Давлатёрбек, келиб кўнглимизни тоғдай кўтардинг, хушвақт бўлдик, қол, дедим, қолдинг, тўй дастуримизни қўрдинг. Аммо ўлтириб бир орқайнин сўзлашиб, сухбатлашиб билмадик, яхши йигит. Ҳар ҳолда табиати нозик, гап-сўзга тушунадиган, асиш бир йигит эркансен. Сен ҳақда эшитганман, аммо кам билур эрканман. Эмди кетар бўлсангиз, хуш боринг, аммо бизни унутманг, нерда кезсанг, омон кез, сени Оллоҳ ўз паноҳида асрасин. Қаерда бўлсангиз ҳам соғлик хабарингни бериб тур, вақти бирлан ўзинг ҳам айлан! Алғараз, гапнинг қисқаси Хўжакелди сардор Давлатёрбекнинг иззат-хурматини жойига қўйиб, сарупо кийгизиб, ҳар йигитга ҳам покиза тўн бериб, эл қуни бирлан қалъадин чиқариб, оқ фотиха бериб, йўлга солиб юборди. Ёниға Сайдмусо бирлан бир тўпор йигитни ҳам қўшиб жўнатди. Аларга йигитларнинг хизматида бўлғайсизлар, деб тайинлади.

Йигитлар анча манзилни тай қилдилар. Бир манзилга етганда Давлатёрбек йигитларини атрофига жамлаб, кенгаш қилди:

-Эй йигитлар, эмдиги маслаҳатни қилайлик.

-Не маслаҳат?

-Кўнғиротдин чиққанимизга ҳам анча вақт бўлибдур. Аммо эл-кун, қавм-қариндош бизнинг ўлик-тиригимизни билмайдур. Шу ҳам иш бўлдиму?

Улар ўтган –кечгандин биз ҳақда хабар-атар сўраб юрса, биз бунда масти мастанов бўлиб, тўй-базмда бўлиб, дунёдин бехабар юрсак. Бул аҳвол бўлмас. Қани бир маслаҳатлашиб маълум қарорга келайлик.

Йигитлар маслаҳатлашиб кўриб айтдилар:

-Бир нома битиб Кўнғиротга жўнатсак.

-Йўқ бўлмайди. Номани бориб етиш-етмаслиги гумона нарса. Андин сўнг номани биримиз олиб кетишимиз керак. Бизнинг халқ номага эътибор ҳам этмас.

-Эй йигитлар, йўл хатарли, бир-икки отлик манзилга етиб боролмас. Бир қалтамон олдиндин чиқиб, отингни олиб, каллангни **пизловуқ** кадидай узиб ташлар. Ана андин сўнг хабарингни берабер.

Давлатёрбек айтди: -Йигитлар амалга ошадиган бир маслаҳат қилайлик. Бул алғов-далғов замонда бир-икки одам бўлиб йўлга чиқиб бўлмас. Сиз 10-15

одам бўлиб, от-яроғни маҳкамлаб кетинг. Эртагача муҳлат. Ким бориши-ким қолишини ўзингиз ҳал қилинг.

Йигитлар кечаси бирлан баҳслашиб, эртагача гапни бир ерга қўйиб, 15 йигит от-яроғини шайлаб, Давлатёрбекнинг ёнига келдилар:

-Хов Давлатёрбек, айтжак, қўйжак зотинг бўлса айт, дедилар.

-Эй йигитлар, мен сизларга не айтур эрдим, ўз кўрган-кечирганларингизни тўғри айтиб билсангиз, шул етур. Қолған гапларни йўл узоқ, ўзингиз, ўйлаб топаверасиз.

-Эрса, биз кетдик.

-Соф бориб, омон қайting, йигитлар. Буткул эл-улуса, улли-киччи-хаммага дуойи салом айтинг, Олло ёрингиз бўлсин, деб Давлатёрбек йигитларга оқ фотиҳа бериб, узатиб қолди. Ўзи бўлса қолган йигитлари бирлан Маматжон сардор ўвбосига қараб равона бўлди. Давлатёрбек йигитлари бирлан манзилманзил ов-шикор этиб, аста-аста бора бердилар.

Арман деган қалъа бул ердин тўрт манзиллик йўл эрди. Хўжа келди сардор Маматжон сардорга чопар йўллаб, “Иншоолло эртага чошгоҳ етиб борур, тездин пешвоз чиқ”, деб хабар йўллади. Анинг айтгани рост бўлиб чиқди. Давлатёрбек йигитлари бирлан ов-шикор этиб боришларида **тонг соз берди**. Арман қалъасининг гумбазлари боғ-роғлари кўрина бошлади. Ҳали қалъага етмай Маматжон сардор бутун эл-улусни қози-калони, отарман-чопарман йигитлари-барчаси жам бўлиб, Давлатёрбекнинг олдиға пешвоз чиқиб келдилар. Чўпда-чорда сон бор, бул келганларда сон йўқ.

Йигитлар шарафига қалъа тепасидин 44 тўпни бирдан отдила, тоғлар акс садо бериб, ер-кўк ларзона келди. Андин сўнг Давлатёрбек, йигитлари, Сайдмусо барчалари отлардин тушиб, пиёда юрий бердилар. Сал юрмай Маматжон сардор кўринди. Давлатёрбек суюниб, югуриб бориб, Маматжон сардор бирлан қучоқлашиб кўришди. Йигитлар ҳам навбатма навбат кўришиб чиқдилар. Сўнгра барчаси булат суйшгандай орқага дўниб қалъага қараб равона бўлдилар.

Тўй дабдабаси бошланиб кетди. Аммо не бало бўлди, бирдан қибла томондин бир **имири-думон** пайдо бўлди.

Тўпларнинг наърасию шамхолларнинг сасидин тўс-тўполон кўтариб куннинг юзи кўринмай қолди. Қалъа четларида нотаниш отлиқлар пайдо бўлди. Ҳар тарафдин ҳовлиқиб хабарчилар келиб:-фалон ўвбони ёғи чопди, фалон чўпоннинг молини таладилар, деган хабарларни айта бошладилар.

Маматжон сардор юз бошини чақириб:

-Хов, юзбоши, бул имир-думон эгиликли аҳвол эрмас. Сен тезда йигитларни олиб, ов-шикор баҳонаси бирлан шул тарафларга бир сар солиб кел, бул келганлар ким, нега келган, мақсадлари нима, ёмон ният бирлан келган бўлса, ўчакишма, унгача мен ҳам қўшин жамлайман.

Юзбоши йигитларини изига солиб, тездин отни суриб кетди. Маматжон сардор бўлса, Гургон, Дурун, Мари, Хоразм, Қошғаргача бўлган жойларга “Тез келсинлар, қизилбошлар хуружи бошланди”, деб чопар йўллади. Сўнгра сардор айтди:

-Эй Эшмурод Кўнғиротнинг ўғли, ғаним лашкарларининг бу сафарга келиши олдингилардай эрмас. Аҳвол уларнинг узоқдин туриб тўп, шам хол, замбараклар отишидин маълумдур. Бул сафар булар маҳкам-мустаҳкам бўлиб келибдурлар. Ўғил-ўлжа, қиз-асир қиласаклар, бож-хирож, солиқ-товоң бирлан кетажак эрмас. Эмди буларни бир ёқлик қиласак бўлмас. Агар индамасак, булар ўвбама-ўвба, уйма-уй юриб молини суур, уйларига ўт қўюр, экинтикинни вайрон этур, аргумоқдин бошлаб, товоқ-чаноққача олиб кетур. Агар маъқул топсанг менинг сенга бир маслаҳатим бор.

-Ул не маслаҳат, сардор!

-Маслаҳат шул. Сен Арқач элининг алина яроғ тутиб билганини ўзинга эргаштириб Хўжакелди сардор тарафга равона бўл. Бул келган қўшин бизга совға-салома келган қўшин эрмас, аларнинг биз бирлан борди келдиси-кудаандачилиги ҳам йўқ. Уруш кенгашли бўлмас. Олдингдин чиқсалар иш яхшилик бирлан амалга ошса яхши. Бўлмаса, қирғин уруш бўлур, бу йўлда сени отабобомнинг руҳи қўлласин, деди. Сўнгра энасига қараб:-Хов энажон, бул Эшмурод Кўнғиротнинг ўғли, сен бунга бир оқ фотиҳа бер, деди.

Маматжон сардорнинг онаси 100 ёшга борган кампир, қўлида асо, қўлини пешонасига пана қилиб келиб:

-Болам, Давлатёрбек, йигитларни санго, сени Худога топширдим, деб, оқ фотиҳа бериб, бир абёт айтур бўлди. Кўр, боқ нелар деди:

Боламнинг дўстисен, сен ҳам бир болам,
Боргайсен, келгайсен, омон йўлларинг,
Санго оқ йўлини очсин, бу олам,
Яхши бўлғай кўрар кунинг, ҳолларинг.

Бекларга бош бўлиб, қўшинлар тортиб,
Душманлар устига палангдай йўртиб,
Олама ёйилгай шухратинг ортиб,
Оғримасин қилич солган қўлларинг.

Гоғил ўлма, болам, борган ерингда,
Элга озор берма турган ерингда,
Ғаним бирлан саваш қурган ерингда
Ўқ-яроға амр айласин алларинг.

Бошингдин кетмагай давлатинг мудом,
Дуойи хайрини қилсам субҳи шом,
Сен ҳам қиёматлик ўғлимсан, болам,
Хазона тушмасин ҳаргиз гулларинг.

Хўжакелди яна Маматжон сардор,
Аларни сен бирлан тутдим баробар,
Оллоға топширдим, сени Давлатёр,
Йўлдошинг ҳақ бўлғай, оқдур йўлларинг.

Алқисса, Маматжон сардорнинг онаси сўзини тамом этди. Эрса, Давлатёрбек кулли Арқач элларининг йигитларига бош бўлиб, қўшин олдида тўлиб-тошиб, маст бўлган нордек қукраб йигитларга таълим бериб бир нома айтур бўлди:

Отланинг, беклар, юринглар,
Халойик **субҳона** келсин.
Эл учун қилич уринглар,
Давронли замона келсин.

Ёй чекилиб, ўқ урилиб,
Бедов терласин югуриб,
Ер-осмон тўза қорилиб,
Тоғ-тошлар думона келсин.

Бош кетиб, лошдин айрилиб,
Гавдаси бошдин айрилиб,
Қиёмат куни қайрилиб,
Душманлар омона келсин.

Кўлдин берманг ҳеч обрўйи,
Отинг ўқи, тортинг ёйи,
Кескир қиличу **жизойи**,
Урганлар майдона келсин.

Худо берсин сиза дови,
Муханнасадин **арват ғови**,
Ўлдиринглар, қиринг ёви,
Бир яхши замона келсин.

Давлатёр дер, дали, маствен,
Ҳақнинг даргоҳида ростмен,
Уруш-саваша ҳавасмен,
Жон-жасад жавлона келсин.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Эрса йигитлар катта қўшин бўлиб, туғ-**байдоқ** кўтариб, саф-саф, санжоқ-санжоқ, байдоқ-байдоқ бўлиб, қизилбош устига отландилар. Уларни узатишга кулли занону мардон майдонга чиқди. Давлатёрбекнинг белинда табризий қилич, қўлида **чор парра** олмос суви берилган найза, эгнида совут-қалқони, Сарқуш отини ўйнатиб бораётир. Изинда бўлса, бир бедов устида Сайдмусо шунқор қушдай бўлиб ўлтирибдур. Давлатёрбекнинг йигитлари эмдигина қалъадин чиққандан аларнинг олдидин юзида алам ва ғазаб бирлан бир отлик чопар чиқди. Сўраб кўрсалар ани Хўжакелди сардор йўллаган эркан. Давлатёрбек айтди: -Хов, яхши йигит, келишинг, важохатинг ёмонроқ, не гап, **эгиликми**?

-Эгилик қайдা, оға, не гаплигина сал орроқ борсанг кўрасан.
-Ха, не бўлибдур?

-Бундин бадтар яна не бўлиши мумкин?
Шарифхон бир ёнда, Жаъфархон бир ёнда, қизилбош қўшини оқли-
қизилли чодирларни тикибдур, боши-оёқ кўринмайдур.

Давлатёрбек айтди:

-Вой, сени-ей, ваҳимачи бир йигит эркансен, не қўрқадурсен, эл ичида
биров шундай деса, валлоҳ ишонмас эрдим, эмди қаршимда туриб айтаётисан,
ишонмасам бўлмас, эй ўғлон васвас эр йигитларга уятдур, мард бўлиб, мардона
тур, сенинг жонинг ҳам айрим бир нарсадин ишланмагандур, деб сал койиниб
гапирди.

Андин сўнг Давлатёрбек чопар йигитни ҳам ёнига олиб, отни
сурабердилар. Бир сониядин сўнг йигитлар саваш қурилаётган жойга келдилар.
Давлатёрбек баланд бир тоғ тепасига чиқиб қараса, Хўжакелди сардор савашга
кирибдур, шер-палангдек наъра тортиб, қилич-чекиб турур, найзасига дуч
келганни тик бўйига кўтариб уриб турур. Қиличига дуч келганинг калласи
пизловуқ кадидай юмаланиб турур. Ана буни кўриб Давлатёрбекнинг ҳам қони
жўш урди, шугун бир томоша қурай деб, йигитларига қараб қичқирди:

-Хов йигитлар, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўладур. Бизга бундай
фурсат ё тушар, ё тушмас, марднинг жойи майдонда, от суринг, беклар, деб ўзи
отни сурди. Шул боришида қилични сармаб бир нома айтди:

Мард бирла номарднинг иши teng келмас,

Номард туро билмас майдон ичинда.

Муханнас қон кўрса майдона кирмас,

Мардга қайгу келмас майдон ичинда.

Олма кўз бедовлар ўмрови терлаб,
Дам-дамина етмас, товуши харлаб,
Тоғлар садо берсин, кўк юзи гурлаб,
Довушинглар бугун майдон ичинда.

Савашчилар бир-бирига дучлашур,
Чопқилашиб тилим-тилим тўғрашур,
Сар бериб, сар олмоқ марда ярашур,
Муханнас ҳеч турмас майдон ичинда.

Давлатёр дер, пирим Али йўлдошим,
Андиша заҳмсиз, қайғусиз бошим,
Ё жон бергум, ёки сарилсин лошим,
Валлоҳ мен дўнманам майдон ичинда.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Арқач йигитлари қизилбош
лашкарлари бирлан аралашиб ўта кетдилар. Андоғ жанги муқобала бўлдиким,
отларнинг ҳайқириғидин, тўпларнинг гулдуросидин тоғу-тошлар ларзона
келди. Давлатёрбек ҳам телпагини босиб кийиб тушиб кетди савашга, қиличини
ҳар сермаганда каллалар учиб кетиб турибди, найза урганида ғаним лоши отдин
сарилиб тушиб турибди. Бул ёғдойни кўриб қизилбошлар хонининг қони
қайнаб кетди. Аларнинг бир йигити тўғри Давлатёрбекнинг устига от қўйди.

Давлатёрбекнинг аҳмолроқ ерини кўзлаб бошлади. От узангисига таяниб, найзасини анинг устига отди. Аммо найза бориб ерга санчилди. Давлатёрбекнинг қоқ орқасига яна бир найза отди. Анинг эгнидаги **чоройнаси** найзага бош бермади. Андин сўнг қизилбош Давлатёрбекнинг қаршиисига от бирлан келиб, ҳужумга ўтди. Давлатёрбек қалқон тутди. Давлатёрбек қилич солган эди ғаним ҳам қалқон тутди. Давлатёрбек энди ҳийлага ўтди, қиличини кўтарди, қизилбош қалқон тутди, аммо қилич тегмади, шунда қалқонни туширди, шу бодда Давлатёр қилич бирлан бир урди, ғаним икки пора бўлди. Давлатёрбек, яна савашни давом эттириди. Бир қараса, Сайдмусо ҳам жангда оч бўридек талашиб ётур. Кими найза бирлан, кими қилич бирлан уриб турур.

Давлатёрбек йигитларининг бундай хуруж бирлан савашга киргандаридин вақти хуш бўлиб, кайфи чоғ бўлиб, ғаним бошини узишда давом этди, ҳам шул оралиқда бир номани Сайдмусога бағишлади:

Сайдмусобекни кўрдим,
Бугун қуқраб чиққан яли.
Урушин кўриб тан бердим,
Олғир шунқор боққан яли.

Ғажа-ғаж кирап уруша,
Тан бердим кўриб довуша,

Эмди кириб ўн тўрт ёша,
Ой ўнтўртга чиққан яли.

Бедовга ўлтириб ўзи,
Осмонга чиқариб тўзи,
Запахдонли гулгун юзи,
Мушку анбар **сўққан** яли.

Ёвуз душманни оралаб,
Қилич ураг босоралаб,
Ўлдириб, кириб, яралаб,
Қон кетур сув оққан яли.

Шер каби анинг хурожи,
Лошга тўла думли души,
Сайдмусонинг уруши,
Булут чақмоқ чаққан яли.

Қўшиннинг хони-султони,
Гўёки Рустами соний,
Давлатёрнинг Сайджони,
Шоҳ ғазабга чиққан яли.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Шул урҳо-урда қизилбош қўшини бир бода, ўгирилиб қоча бошлади. Аммо манзилгоҳига бориб дам-

тинчини олиб, қайта савашга тайёргарлик кўра бошлади. Хўжакелди сардор бирлан Давлатёрбек ҳам йигитларини олиб бир ёкка чиқдилар. Баландроқ бир ерга чиқиб ўтни баланддин қалаб, еб-ичишга машғул бўлдилар. Шул вақт Давлатёрбек Сайдмусони ёнига чақириб, бош-оёқ сарупо армуғон этди. Хўжакелди сардор айтди:

-Хов Сайдмусо! Сен асрак нар эркансен. Мен сени юз боши қилиб белгиладим, деб анга юзбошилик мансабини берди. Сайдмусо бул совға-салом, иззат-ҳурмат, баланд мансаб учун ўрнидин туриб қуллук қилди. Хўжакелди сардор айтди:

-Хов, Давлатёрбек бул ёғий бугун эрта кетажак эрмас, маслаҳатингни бер. Давлатёрбек айтди:

-Сиз ўзингиз маслаҳат беринг сардор!

-Маслаҳатни биз берсак, бул қўшинни қириб тугатиб бўлмас. Муни тонг сахарда ғофилликда босиб, туғу туғдорини йиқмоқ зарур, ғайри чораси йўқ эрур. Бул қўшин шунда кетмаса, бул олти ойда кетмас, Давлатёр.

Давлатёрбек ҳам шуни маъқул топди.

Тонг сахарда Хўжакелди сардор бир қоптолдин, Давлатёрбек бир **қоптолдин**, Сайдмусо қоқ манглайдин от суреб сужи уйқуда ётган қизилбошлар устига тўкилдилар. Он қадар уруш бўлдиким, тоғу дара **мослиқларға** тўлиб кетди. Аммо шул бодда бир камандбоз Сайдмусоға каманд ташлаб олиб ўта кетди. Давлатёрбекнинг юраги узилгандек бўлди. Шул заҳоти Сарқушга қамчи босди, от бургутдай порлаб, нардай ҳорлаб хут каманбознинг устига ўзини отди, камандбоз йиқилди, боши тошга урилиб жойи жаҳаннам бозорига исвант сотмоқа кетди. Давлатёрбек эрса каманд арқонига қилич урди, Сайдмусо андин чиқиб ўта кетди. Уруш-саваш пешингача давом этди. Қизилбош яна ўз чодир –чаманига бориб қарор топди. Аммо яна кетиш тараддудига тушмади. Давлатёрбек ҳам йигитлари бирлан дам олишга ўлтириди. Шул вақтда Сайдмусони таъриф этиб бир нома айтар бўлди:

Сайдмусобегим бугун,

Яна ажаб от айлади.

Ёв дилига қўйиб тугун,

Тоғу тошни ўт айлади.

Очиб мардликнинг қописин,
Ўлдириб ғаним ёбисин,
Қирди душманнинг кўписин,
Ўзини озод айлади.

Найза санчар тезоб бирла,
Қилич урар ғазаб бирла,
Душман ўлар азоб бирла,
Қизилбошни мот айлади.

Туфанг отиб, саваш қуриб,
Ғанима юзма юз туриб,

Гўё шердай ўнга суреб,
Қалбимизни шод айлади.

Ғанимларни тутдай тўкаб,
Гоҳи сакраб, гоҳи бўкиб,
Ёв кўксини чокдай сўкиб,
Лашкарга **иршод** айлади.

Ёғий сўради омони,
Билмади яхши-ёмони,
Бориб йиқди Шарифхони,
Жаъфархон ҳам дод айлади.

Қизилбошга қўйди доми,
Илгинда ғолибнинг жоми,
Давлатёр дер, бул айёми,
Сайджон обод айлади.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Сар этиб қараса, йигитлар ҳорғинлаб қолибдур. Давлатёрбек ўйлади: бул йигитлар дами-тинчини олмасалар бўлмас, ҳар нарсанинг вақти бор. Сўнгра Хўжакелди сардорга айтди:

-Хов, сардор! Неча қундур ур-йиқитда юурмиз. Сиз бизга қўп иззат-хурмат этдингиз. Бул ерда ҳам яхна, кабоб, ароқ-шаробни пуроб этиб ташласак, не бўлур? Шукур Худога, Арқач элининг мол-дунёси бир –икки зиёфатда тугаб қолмас. Хўжакелди сардор ҳам жўшқин одам, ул ҳам Давлатёрбекка айтди: -Эй Давлатёрбек, сен бор эркансен, бул зотлар мен учун не бўлибдур, хоҳлаганингча мажлисни туз, мен тайёр, деди. Ана эмди йигитлар ўтни баланддин қалаб, бошлаб юбордилар базми жамшидни то тонг отгунча! Шул вақт Давлатёрбек мард бирлан номарддин сўз очиб, созини қўлига олиб бир нома айтур бўлди.

Саваш бир тўйдир, байрамдур,
Ул кимса сариндин кечур.
Йигитлик беш кун даврондур,
Муддатли ериндин кечур.

Саваш майдоннинг шайини,
Тенг тутур фақир –бойини,
Туфанг топур ўз жойини,
Сас чиққан ериндин кечур.

Майдонда ўйин қурганда,
Маст бедов тобга кирганда,
Ғўч йигит ғаним кўрганда,
Ғайрати юз чандон кечур.

Бедов учиб кечур тошдин,
От солишур думли душдин,
Муханнаснинг ақли бошдин,
Ҳар ён доғиб хуши қочур.

Номардга юзингни бурма,
Анинг бирла мажлис қурма,
Саваш куни бирга юрма,
Ажал санго оғзин очур.

Давлатёр дер, номард йўлдош,
Ҳаром бўлсин, анга нон-ош,
Гўрда керак ғавғосиз бош,
Бегайрат савашдин қочур.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Йигитлар бул сўзни эшитиб, дадиллашдилар, кўнгли ювош йигитлар ҳам ғайратга миниб қурол-яроғларини олиб, жангга ҳозирланиб бошладилар. Давлатёрбек йигитларидағи бу важоҳатни кўриб, кайфи чоғ, вақти хуш бўлиб, аларга боқиб, яна бир нома айтур бўлди:

Мард бирлан номарднинг иши тенг келмас,
Муханнас ярамас ҳеч иша, беклар.
Номард ғўч йигитнинг қадрини билмас,
Номард кира билмас саваша беклар.

Ғўч йигитнинг зарра бўлмас армони,
Саваш бўлур марднинг дарди дармони,
Муханнаснинг йўқдур ўлса имони,
Ўлганда айламанг кўз ёши, беклар.

Кимса туфанг-отар, кимса ёй отар,
Муханнас хавф этиб қайғуга ботар,
Ғўч йигитлар одам ииқиб, от тутар,
Курбонам савашган йўлдоша, беклар.

Марднинг ҳеч номарда иши тушмасин,
Жўмарднинг обрўси сира қочмасин,
Муханнаснинг куни кечсин-кечмасин,
Ғўч йигитга денглар, “Юз яша”, беклар.

Давлатёр дер, юртим дея бош беринг,
Ёлғончидаги супра ёйиб, ош беринг,
Йигитлик мавсумин беш кун хуш кўринг,
Бўлурсиз бир кун бош-боша, беклар.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Шул вақт узокдин, қизилбош лашкарининг орқасидин бир тўпор отлиқ кўринди. Йигитлар буни кўриб

ўйладилар: ё Худоё қизилбошнинг биздин бошқа ҳам ёғиси борга ўхшайди, ёки уларнинг изидин кўмакчилар келдимикин? Аммо сал ўтмай ул отлиқлар қизилбошларга қараб уруш бошлаб юбора бердилар. Қизилбошлар эса орқайин ётибдурлар. Изida ҳеч ким йўқ деб ўйлаб ўз ишлари бирлан машғул: бири овқат еётири, бири милтиқини тозалаётчири. Аммо қизилбошлар қўшини орасида тўс-тўполон пайдо бўла берди. Буни кўриб турган Давлатёрбек:

-Эй, йигитлар, бир бало қўпди. Ё қизилбошнинг ўз ичидин чиқди, ё бир бошқа уларнинг ғаними бор туур. Фурсатдин фойдаланиб, биз ҳам от сурайлик, балки ишимиз ўнгидин келиб, душман йўқ бўлиб кетур. Уруш-саваш қизиб кетди. Давлатёрбекнинг йигитлари ҳам Олло, деб от қўйдилар. Қиличлар чақмоқ чаққандай ялтиллади, найзалар қалқонга тегиб, акссадо берди. Йигитлар овга дуч келган арслондай кукраб ғанимга ташландилар. Ҳамма жой қизилбош мослиқига тўлиб кетди. Бул ҳолатга чидай олмаган қизилбош лашкарлари яrim кечада орқага дўниб қочмоққа шайланди. Жаъфархон аста қочган номард, деб ўзини тоғ-тош панасиға уриб кўздин йўқолди. Душман қочиб майдонни тарқ этгандин кейин Давлатёрбек дикқат бирлан қараса, ёнгоғи йигитлар, ўзининг Кўнғиротга жўнатган хабарчи йигитлари эркан. Давлатёрбек йигитлар бирлан қучоқлашиб, омонлашиб, юраги жўшиб, қайнаб-пишиб, дутор ипини таранг тортиб бир нома айтур бўлди:

Кун ботгунча ёғий бирла,
Йигитлар урушди бугун,
Сўли бирла, соғи бирла,
Дўнмайин дўувушди бугун.

Тер оқиб отнинг тизидин,
Қон оқиб ернинг юзидин,
Кун тушмай отнинг тўзидин,
Фалакка чирмашди бугун.

Ақли қочди қизил боши,
Кўздин оқиб қонли ёши,
Қочиб қолди қўшин боши,
Душман ора очди бугун.

Ур –йиқит саваш майдони,
Ғўччоқлар аямай жони,
Қизилбошнинг Жаъфархони,
Лоловлашиб қочди бугун.

Ёвнинг бошиға етдилар,
Устини босиб ўтдилар,
Туро билмайин кетдилар,
Бош-бошиға чошли бугун.

Ғүччоқлар баробар бўлиб,
Душманга бирдан от солиб,
Давлатёрбек ўйнаб-кулиб,
Ўз ҳаддидин ошди бугун.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Аммо бундай шиддатли урушдин омон чиқсан Давлатёрбек бир-икки нома бирлан тўхтайдурму. Ул йигитларнинг марду майдонлигига тан бериб, тўлиб-тошиб, дуторини қўлига олиб, йигитларига қараб яна бир нома айтур бўлди:

Келса меҳмон йирок ердин англамас,
Жўмард недур, номард недур-тингламас.
Мардлар кулиб чиқур сўнгин ўйламас,
Номард юз андиша, қайғудор бўлур.

Олур дуторини, этур созини,
Иzzат-икром бирла, кулар юзини,
Юз минг алвон бирла ширин сўзини,
Бериб ош-нонини жиловдор бўлур.

Эл-улусга очур дастурхонини,
Саваш деб тикадур жисму жонини,
Аямас ҳеч қачон хону монини,
Обрў топиб, элига сардор бўлур.

Қазога розидур, сабри балога,
Эътибор этмагай молу дунёга,
Таваккал Тангрига пушти панога,
Ул йигитнинг дўсти Давлатёр бўлур.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Хўжакелди сардор айтди:
-Кизилбош қўшини **бир бода** енгилиб кетди. Иншоолло, анча вақтгача ўзига келмас. Йигитлар, эмди қалъаға қайтайлик. Тўй-томуша этиб, эл-куна ош-нон бериб, бир вақти хушлик этайлик. Аммо шул маҳал қибла томондин яна бир тўзон кўринди. Бул не эркан деб қарасалар қизилбош хони Иброҳимхон тўп-тўп хонаси бирлан отларини терлатиб келиб, чодир-чаманини тикиб ўлтира берди. Ул вақт Давлатёрбек йигитларини қайтадин савашга чорлаб, бир нома айтур бўлди. Кўр, боқ, неларни айтди:

Йўқотинг Иброҳимбеги-хонини,
Ёқаси тугмали сариқ тўнини,
Бир танобга чатиб беши-ўнини,
Юринг жонлар, талашмоққа кетайлик!

Йигитлар душманга юзма юз туриб,
Ғўччоқлар “Олло”, деб савашни қуриб,
Бедовни ҳорлатиб, илғорлар уриб,
Келинг, дўстлар савашмоққа кетайлик!
Олайлик туясин сарбони бирла,

Қатор-қатор юкли карвони бирла,
Суриңг Хўжанд, Бужнурд, Ширвони бирла,
Келинг, дўстлар савашмоққа кетайлик!

Давлатёр дер, қўйманг бундай иллатни,
Тўздириб, талагай барча миллатни,
Маҳкам тутиңг қўлда шону шухратни,
Келинг, дўстлар, савашмоққа кетайлик!

Алқисса Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Алҳосил ул калом, ғўччиоқлар отга миндилар. “Олло”, деб турган еридин от қўйдилар. Алар шул боришга қизилбош қўшинига аралашиб кетдилар. Ур-йиқ, санч-ағдар, ол-бос, алғараз қўйга бўри доригандай бўлди. Иброҳимхоннинг қўшини юкини туширмай қочмоқ бирлан бўлди. Давлатёрбекнинг йигитлари қизилбошларнинг изда қолганларини калласини олиб, белини майриб қува бердилар. Шу борища Миёнзов деган дарбандин ҳам ўтдилар. Охири ул оқибат кокилли йигитлари, зулфдор қизларини ўлжа қилиб танғиб олиб қайтдилар. Яна келиб манзилгоҳга тушдилар.

Хўжакелди сардор он қадар хурсанд бўлиб, Давлатёрбекка қўп-қўп хушомад сўзлар айтди. Шул кеча ҳам бул ерда ётдилар. Булар бул жойда турсин, эмди хабарни кимдин ол, қизилбош қўшинидин ол. Қизилбош қўшини тоғ жилғалари оралаб яна Арқач томон қайта бердилар. Бул сафар шул қадар лашкар йиғиб келдиларки, юлдузларда сон бор, аммо аларнинг сони йўқ эрди. Лашкарлар байдоқ-байдоқ, санжоқ-санжоқ, ал-ала тутишиб азми жам бўлиб келдилар. Одам гавдасидин пастида ер кўринмас эрди. Давлатёрбек йигитлари бирлан яна омадли бир ерга бориб, жам бўлиб турдилар. Фурсат пойлай бердилар. Давлатёрбек айтди:

-Бул сафар қўшин тоғ ичидин келди, яхши бўлди. Бул газик қўп йигит ҳам керак эрмас. Найзабозлардин бир жам йигит бўлса, дарбандинг оғзида туриб ағдариб ураберса бўлур, деб йигитларга қараб бир сўз айтар бўлди:

Мининг ғўччиоқларим, бедов белина,
Борайлик кунимиз ботмасдин бурун.
Душманлар тўкилмиш туркман элина,
Ўлдиринг, ўзингиз ўлмасдин бурун.

Ўтириңг бедовга, суриңг ғироти,
Юринг ғўч йигитлар, этинг ғайрати,
Душманлар кўрганда ошсин ҳайрати,
Титрашсин ўқимиз отмасдин бурун.

Мардларнинг ишидур чин саваш қурмок,
Душман қаршисида тўш кериб турмок,
Мерганга орзудир қўзидин урмок,
Душманлар ғазабга тутмасдин бурун.

Қочарга жой топмай қизилбош хони,
Жаҳаннам қаъриға гум бўлсин жони,
Давлатёр, кўп бўлса душманнинг сони,
Дофитинг бошларин **чотмасдин** бурун.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Шундин сўнг йигитлар пастдин **буқиб** бориб дарбанднинг оғзида писиб ётдилар. Иброҳимхоннинг қўшини дара ичи бирлан **суша берди**. Дарбанддин чиқиши олдида йигитлар аларга ҳавола бўлдилар. Иброҳимхон қўшини на изга, на олдинга юра олмай қолди. Олдинга одим отганинг калласи **зомчадай** юмалана берди. То чошгоҳгача саваш бўлиб, қизилбош қўшини **сон** бўлди. Иброҳимхоннинг бир ўзи қолди. Охир оқибат ул ҳам тоғ ичкарисига гизланиб, кўздин ғойиб бўлди.

Давлатёрбек йигитларининг ишига шод бўлиб, аларни таъриф этиб бир нома айтур бўлди:

Бугун ажаб саваш бўлди,
Жонлар беганди-беганди.
Ғанимнинг туғи йиқилди,
Кўзлар қувонди-қувонди.

Ғайрат этди, асрик нарлар,
Қон қотишиб оқди терлар,
От зарбидин қаро ерлар,
Тоғлар ингранди-ингранди.

Ғўччоқларим жилға сўқиб,
Қоплон каби сакраб-бўкиб,
Қилич уриб, қонлар тўкиб,
Ерлар бўянди-бўянди.

Қилич сармаб ёв сарина,
Қоқишириб бир-бирина,
Душман урина-суриниа,
Қочиб дўланди-дўланди.

Найза уриб ёв тўшина,
Той келиб туман қўшина,
Лош қўшиб анинг лошина,
Ерга чўланди-чўланди.

Йигитларим каманд отиб,
Элликдин –олтмишдин чотиб,
Хонларин-бекларин тутиб,
Бари боғланди-боғланди.

Ер юзини тутди думон,
Қизилбош тилади омон,

Давлатёрбек, дўнди замон,
Даврон дўланди-дўланди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Йигитлар дедилар: -Эй Давлатёрбек, қизилбош қўшини доғиб кетди, обрў эгаси бўлдик, мартабамиз баланд бўлди. Эмди айт, дунёда сенинг яна не муродинг бор?

-Эй, йигитлар, манго не мурод керак! Манго мол-дунё керак эрмас. Минмага от, турмоққа макон бўлса, бўлди, йигитлар, деб жўшиб кетиб, яна бир абёт айтди:

Ҳар замон истармен соғ бўлиб жоним,
Эл-куним ишига ярасам, беклар.
Муҳаббат майдин кўтарсам жоми,
Маст бўлиб жаҳона қарасам, беклар.

Тепада, дузларда, тоғ бирла тошда,
Ўт чиқар туёқдин, хаёлот бошда,
Қоплондек маст бўлиб минсам савашда,
Бедовим ёлини тарасам, беклар.

Йигитларим доим бирга бор бўлса,
Ҳар бир ишда Худо мададкор бўлса,
Ғанимларга бул кенг жаҳон тор бўлса,
Қувончимга сифмай яйрасам, беклар.

Бедов от ўрни бор йигит шаънида,
Хидир –Илёс раҳбар, кезур ёнида,
Давлатёрбек бўлиб одам сонида,
Оллоҳдин обрўни сўрасам, беклар.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Анда йигитлар айтдилар: Эй, Давлатёрбек, сенинг истагингни эшитдик, эмди бизларга ҳам бир панд-насиҳат бергайсан. Давлатёрбек хўп бўлғай, йигитлар, деб созини қўлиға олиб, йигитларга яхши панд-насиҳатлар бериб, бир абёт айтди:

Пандим-насиҳатим сизга қардошлар,
Номард бирла дўст бўлмангиз сон учун.
Ғаниматдур дийдор азиз сирдошлар,
Муханнасга сўз солмангиз нон учун.

Бошим қурбон ғўч йигитнинг сарина,
Эллик-олтмиш номард тегмас бирина,
Муханнас ўтмасин уйнинг тўрина,
Ани сақланг қадрдон меҳмон учун.

Илинманг номарднинг қилу қолина,
Алданманг ҳеч қачон макру олина,
Кулмангиз кишининг ғариб ҳолина,
Фидо қилиб жонлар беринг жон учун.

Хожатинг битказур мардларга берсанг,
Ғайратинг жүш урур ҳимматин күрсанды,
Қон түкиб, гар үзинг баш эгиб борсанг,
Үлдирмас мард сени оққан қон учун.

Гүзалларни севинг, бодом қабоқли,
Юзи занахдонли, олма янокли,
Лаъли-маржон ақиқ янглиғ дудокли,
Дунё –молинг харж эт бир хўбон учун.

Давлатёрбек, ёшинг қирққа улашди,
Ҳасбиҳолинг фалак бирла чўлашди,
Йигитлик мавсуми сарингдин ошди,
Жонингни фидо қил, меҳрибон учун.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Сўнг ул йигитлардин сўради:

-Хов йигитлар, номанинг маъноси аёнму?

-Аёндур, Давлатёрбек.

-Эрса насиҳатларни баржой тутурмисиз?

-Гувоҳ Оллоҳи Каримдур, баржой тутурмиз, бундин хотиржам бўлгайсиз.

-Эрса йигитлар, то қиёматгача мен сизларнинг обрўнгизга шерик бўлурмэн. Аммо тингланг, яна сизга бир насиҳатим бор, деб Давлатёрбек бир абёт айтди:

Ғўччоқларим, суринг беш кун давронни,
Ўтиринг дунёни сухбат соз бирла.

Бул шум ажал келса, яхши-ёмонни,
Олур навбатида қишу ёз бирла.

Неча вақтлар мардлар бирлан илғашдим,
От терлатиб, баланд тоғлардин ошдим,
Ярадор қоплондек туриб савашдим,
Эллик-олтмиш бирла, саксон-юз бирла.

Хурмат айланг, қариндошинг-қардошинг,
Шикор айлаб чўллар ошинг, тоғ ошинг,
Яхши сўзланг, яхшиларга ёндошинг,
Илон инга киур яхши сўз бирла.

Ҳар кимсага бир нарсадин от қолур,
Кўплар кечур, бизга кўҳна юрт қолур,
Давлатёрга ёлғизлиқдин дард қолур,
Кўпнинг иши teng келмайдур оз бирла.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Сўнг ул йигитларга қараб: -Эй йигитлар, бул сўзниң ҳам маъносини англадингизму, деб сўради.

-Англадик, деди йигитлар.

-Эрса ортиқча сўзга не ҳожат. Ўзингиз кўрдингиз, ғаним ўз-ўзидин босилиб кетди. “Қирқ йил қирон келса ажали етган ўлур” деганлар. Ҳар кимнинг қисматига ёзилгани бордур. “Минг қўрқув бир иш битирмас”, йигитлар. Жон жасаддин ажралажак бўлса ани тўхтатиб бўлмас. Беш кунлик умрни шоду-хуррамлиқда ўтказмоқ, мард бўлиб мардона юрмоқ йигитга кифоятдур.

-Бале, бале, деди йигитлар.

Шул вақтда йигитлар орасидин бири чиқиб:

-Эй Давлатёрбек, сен бизга жуда керак йигитдурсен, биз сен не десанг қиласиз, агар рухсат этсанг сенга бир гапимиз бор, деди.

-Айт, сўзинг бўлса эшиштамиз.

-Айтсак, Давлатёрбек, мард ҳам, номард ҳам Оллоҳнинг яратган бандаси. Бизга уларнинг иқболи аён эрмас. Аммо уларнинг толеъи ҳам бир хил эрмас, тафовутга эга. Аммо сен айт, аларнинг бул дунёдаги қисмати не бўлғай, билсак яхши бўлур. Давлатёрбек айтди:

-Эй йигитлар, сўғичиликка ўтиб кетдингиз. Мард бирлан номарднинг қилиқ ва қилмишлари ҳар хилидур, деб яна бир нома айтур бўлди:

Қодир Олло берса мадад,
Мард йигит мардон кўринур.
Оқ жувон, олма кўз бедов,
Ўтовда меҳмон кўринур.

Номарднинг моли ўзина,
Кўп бўлса, оздур кўзина,
Боқмас обрўнинг юзина,
Бир **дирҳам** чўх сон кўринур.

Мард бирла номард teng ўлмас,
Муханнас меҳмона келмас,
От-яроғи кўзга илмас,
Анга қайғу жон кўринур.

Мард мудом айтур юзинга,
Илло тупурмас тузинга,
Розидур кўпу озинга,
Элга меҳрибон кўринур.

Тафовут марду номардда,
Кескир қилич араб отда,
Ғўччоқ бир йигит ёт юртда,
Ҳоли паришон кўринур.

Давлатёр, марднинг сўзина,
Химоят беринг ўзина,

Кўрқоқ, номарднинг кўзина,
Беш-ўн киши **кон** кўринур.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Хўжакелди сардор айтди:-
Хов, йигитлар, ғаним даф бўлиб кетди, эмди қалъага бориб бир тўй-томуша
этайлик, эл-улусни йигайлик, шоҳ-андозликни шул-ёқда қиласлийик. Андин сўнг
Хўжакелди сардор, Давлатёрбек, Сайдмусо, қайтиб келган йигитлар сардори,
оқсоқол катхудоларнинг барчаси жам бўлиб, Арқач қалъасига равона бўлдилар.
Қалъага тўрт манзил қолганда Арқачнинг барча эл-улуси бул қўшиннинг
олдиға пешвоз чиқиб, кўз ойдин, этиб, бирга қўшилишиб, қалъага бордилар.
Хўжакелди сардор Маматжон сардорга бутун бўлган воқеаларни бир-бир баён
қилди. Маматжон сардор қўшин келтирган мол-ўлжаларни эл-улусга бўлиб
берди. Сўнгра 7 кеча-кундуз тўй-томуша бўлди, нон дегана нон, танга дегана
танга бериб, от чопдириб, кураш тутдириб, бахши айттириб, олтин қабоқ
оттириб, соз чалдириб, шоду хуррамлик қилдилар.

Эмди хабарни кимдин ол, Хотам сардордин ол. Давлатёрбекнинг бирга
ўқишган, қиёматлик бир қариндоши бор эрди. Анга Хотам сардор дер эрдилар.
Ой ўтди, йил ўтди, Мангишлоқ элларига Давлатёрбек хақида не яхши, не ёмон
хабар келиб етмади. Бундин Хотам сардор кўп маълул бўлди. Ўткан-
кечганлардин сўраб кўрди, бозиргонлардин суриштириди, не Худо урдики,
Давлатёрбекдин хабар топмади. Бир куни Мангишлоқда бир оқсоқол чол пайдо
бўлиб, Хотам сардорнинг уйини сўраб топди. Хотам сардор чолнинг олдидин
пешвоз чиқиб, тўрга ўтқизиб, соғлик-омонлик сўрашди:

-Эй бобо, сен билурсен, бобо!
-Нени билурмен?
- Давлатёрбек, деб эшитганмисен?
-Эшитганмен, ўғлим.
-Эрса бобо, менга андин хабар бер.

-Хабар берсам, Давлатёрбек Кўнғиротға бориб хабар топди. Хон билурмен
хабарни эшитиб, барча **раиятларга** хабар чектириди: -кимки Давлатёрбекни
тутиб, қошимча келтирса, бир ёп бўйига **мушриф** этурмен, 40 йиллик
харажатини ҳам берурмен, деб. Кўп одамлар бул йўлда ҳалок бўлиб кетди.
Охир-оқибат хоннинг ўзи катта қўшин бирлан Кўнғиротнинг устига юриш
қилди. Шундин сўнг Давлатёрбекдин хабар йўқ, ўғлим, деб бобо сўзини
тамомлади.

Хотам ўлтуриб ўйлади: Бизнинг сардорлигимизга қара, оға-ини, дўст-
ёронларни излашимизга қара. Давлатёрбек қаерларда кўчиб-кўниб, ўзга элларда
овораю сарсон. Сен бўлсанг иссиқ уйда юмшоқ гўштни еб **ҳазатиб** ётибсан! Эй,
 зангар, оға-иничилик қасамингни оқла, деб ўрнидин турди. Ул оқсоқол чолнинг
кетиб қолганини ҳам билмай қолди. Оббо, мен бободин ҳеч бўлмаса
Давлатёрбекнинг тахминан қаердалигини ҳам сўрамабмен. Эмди не бўлса,

қисматдин күурмиз, деб ёнига йигитларини чақириб, маслаҳат этиб, отланмоқ бирлан бўла берди. Хотам сардор нердасан, Давлатёрбек, деб отни сураберди. Аммо Давлатёрбек қайда, зот қайда, қаерга бориб суриштирсалар, ҳеч ким дарагини билмайди, отини эшитамиз, ўзини кўрмадик, деярлар. Хотам сардор шу кетишда қанча тоғу чўл ошиб, 360 қалъалик Дарайгез жилғасиға бориб етди. Магарам хабар топсам шул ердин топурмен, деб хони олдиға чопар юбарди. Азалдин туркман деса иситмаси чиқадиган хон, Давлатёрбек дегандин қалтиратма тутиб, пошшобларига буюрди:

-Боринг, бул чопарнинг қулоқ-бурнини кесиб, отифа терс миндириб узатинг, кўрган-эшитгани шул бўлсин. Биридин қуттилдикми десак, иккинчиси пайдо бўлади бул занғарларнинг тез изидин қараб бориб, анинг эгасини ҳам тутиб келтиринг ва зиндонга солинг. Аммо огоҳ бўлиб, қоровул қўйинг, бўлмаса, зиндондин чиқса баримизни қирадур, деди. Хон отлиқлари чопарнинг изидин борабердилар. Доғ кетиб, туз кетиб, охири бир сой жойга етишдилар.

Кўрсалар, Хотам сардор ўз йигитлари бирлан тоғ жилғасида совуқ чашма бўйида, еб-ичиб, маст бўлиб ўлтирибдурлар. **Пошшоблардин** бири шерикларига айтди:

-Хов, **мардумлар**, тўхтанглар!

-Ха не гап?

-Бир сухбат айлайлик.

-Этсак этайлик.

-Булар бирлан юзма-юз туриб, обрў қозона олмасмиз.

-Не учун?

-Алар бизни ғажиб ташларлар.

-Нега

-Биз бир **ол-йўл** ишлатайлик.

-Айт, ол-йўлингни.

-Биз айтайлик: Хон ҳазратлари сизларни меҳмонга чақирди, аввало узр айтмоқчи, қолаберса иззат-хурмат кўрсатмоқчи, яна анинг сизга хуфия сўзи бор, боргандин кейин айтур. Биз ул хизматлар учун келдик. Борсангиз олиб кетурмиз, ихтиёр ўзингизда соҳиб, деяйлик.

Анинг шериклари: чўх яхши-чўх яхшига тушдилар. Алар маслаҳатни пишишиб яна аста юрабердилар. Хотам сардорга овоз етгулик жойда от бошини чекиб турдилар.

-Хов соҳиблар!

-Хотам сардор буларни кўрди. Аларнинг эзгу иш бирлан келмаганликларини англади, аммо ҳеч нарса билмагандек:

-Хов, шаҳзодалар, келаберинг, деди.

-Эшитсангиз бир-икки оғиз сўзимиз бор эрди.

-Сўзингиз бўлса, яқинроқ келиб айтсангиз бўлмайдурму?

-Айб қилманг, оға, шул ердин сўзлашурмиз.

-Ундан бўлса, айтинг не сўзингиз бор?

-Сўзимиз шулки, бизнинг бир **бадрак** навкаримиз чопарингизни шул ҳолга солибдур.

Бундин хонимиз кўп ҳижолат чекибдур. Ўзи ҳам қаттиқ хасталик кечирди. Бизни сизнинг ҳузурингизга юборишидин мақсади, ҳузуриға чақириб, иззат-хурмат қилиш, бош-оёқ сарупо қўйиш, танҳо ўзингиз бирлан сұхбат қуришдур. Эмди соҳиблар, рози бўлсангиз олиб кетсак, йўқса изимизга қайтсак, деб олазарак бўлиб, қочиш йўлини кўзлай бердилар, занғарлар.

Хотам сардор аларнинг мақсадини эйём сезиб, бир фикрга келган эрди. Ул аста ўлтирган ерида уч-тўрт йигитга имлаб, дара олдига чиқишини тушунтириди. Ўзи эса гапни чўза берди.

-Ҳов, шаҳзодалар, хон ҳазратларининг манзили узоқдурму?

-Йўқ, соҳиб, бул тоғдин ўтган ерда.

-Хонингизнинг оти кимдур?

-Ҳазрати Музаффарбей бин Фатҳ Али бин Иброҳим, бин Мушарраф хони хонон, кулли Эрон, дерлар отиға Насл силсиласи Ҳисров Нўширавонга, андин олдин ўтиб Қаюмарсга етадур.

-Кичик хон эмаслиги, отидин ҳам маълумдур.

Эрса унга қуруқ қўл бирлан борсак бўлмас. Яхши-яхши саруполар, қимматбаҳо совғалар олиб борайлик, яна ул бизнинг тилимизга тушунармикан? Пошшоб:

-Бале, бале, ул Одам отадин беридағи бари тилларни билур, 132 тилни билган хон сизнинг тилни билмасму, деди.

-Эрса, бир хуржун тилло олсак не бўлур?

-Чўх ажаб бўлур, соҳиб!

--Яна 40 тўн, 40 этиқ, 40 қўшоға олурмиз.

-Марҳабо, марҳабо.

-Тўрт нор, тўрт моя...

-Соф бўл, соҳиб!

-Бир бедов от ҳам олсак...

-Гўзал ўлжоқ, гўзал ўлжоқ, соҳиб!

Хотамнинг олажак зоти йўқ, фақат гапни чўзиш керак эрди. Бир сар этиб қараса, йигитлари дара оғзини эгаллаб олибдурлар.

-Ҳов, шаҳзодалар, яна неларни олсак эркан?

-Ҳов, соҳиб, басди, басди, тез отлан, кетайлик!

-Ит-кучугингиз йўқму, балки...

-Пошшоб ва навкарлар бир-бирига кўз ташладилар.

-Ҳов, соҳиб, уни не учун сўрадинг?

-Ит-кучук бўлса, бул нарсани ҳам олажак эрдим, деб эгри қиличини суғурди.

Буни кўриб пошшоб йигитлари орқага қараб отга қамчи урдилар. Аммо қочиб бўлур эрдиму, дарбанднинг оғзида пойлаб турган йигитлар аларни тутиб, узун арқонға боғлаб олиб келдилар. Хотам сардор деди:

-Йигитлар, буларни ўлдирманг, қулоқ-бурунларини кесиб, изига қайтаринг. Хонларига шундин ортиқ совға-салом бўлмас.

Хотам сардор андин сўнг йигитлари бирлан яна от суриб кета берди. Ногоҳ аларнинг олдидин бир тўзон кўринди. Диққат бирлан қарасалар, қизилбош қўшини босқи топиб қочиб келаётир.

Хотам сардор ҳам йигитлари бирлан аларга қарши от сурди, ўз-ўзидин саваш бошланиб кетди. Аммо қизилбош қўшинининг боши-охири йўқ эрди. Хотам сардор тўғри туғ томон бораберди. Иброҳимхон Давлатёрбекдин енгилиб жони чиқиб келаётирган одам, буларни қўриб, қаҳри келиб шамхолчиларни жам қилиб, қирқ бир тўпдин ўқ оттирди. Ўқдин бири Хотам сардорни олиб кетди. Йигитлар кеч пешингача урушдилар. Охири бир чеккага чиқиб маслаҳатлашдилар. Йигитлардин бири айтди:

-Эмди не маслаҳат?

-Маслаҳат шулки, Хотам сардорни дағн этайлик, сўнг яна кўурмиз. Яна бири деди:

-Хотам сардор дўсти Давлатёрбекни излаб чиқди. Биз эмди уни топиб воқеани айтмасак бўлмас. Хотам сардорнинг руҳи ҳам тинч ётмас. Йигитлар Хотам сардорни дағн этиб, кейин Давлатёрбекни излашга келишиб, майитни олиб, Манғишлоқقا йўл олдилар. Эмди хабарни кимдин ол, Давлатёрбекдин ол. “Ёмон гапнинг қамчиси ўзида” деганлариdek, Хотам сардорнинг ўлган хабари Арқач элларигача келиб етди. Давлатёрбек бул хабарни эшитиб, устига тоғ йиқилгандай бўлди, бир наъра чекди, гўё дараларда шер-паланглар наъра чеккандай бўлди, тоғлар акссадо берди, дарёлар қирғоғидин чиқди. Ул бир сониядин сўнг ўзига келиб, анча ўйлаб ўлтириди. Сўнг йигитларига айтди:

-Йигитлар, сиз ўткан-кечганлардин сўраб бул хабарнинг тўғринотўғрилигини аниқланг. Агар шу гап чин бўлса, қасам ичаманки, Оғамуҳаммадхон шоҳнинг минг жонидин бирини қўймасмен, то етти яшардин етмиш яшаригача қиличдин ўтказурмен, деди.

Йигитлар неча кунлар суриштириб, хабарнинг тагига етдилар. Хотам сардорнинг ўлгани хақ бўлиб, ани Оғамуҳаммад шоҳнинг бекларидин бўлган Иброҳим сардор ўлдирган эркан. Давлатёрбек шул замон қиличини олдига қўйиб қасам ичди: Эй, бори Худоё, Хотам дўстимнинг хунини олмоқقا менга ҳиммат бер, ёки мен қулингни ҳам боқийға юбар. Мени бул номуслар остида мубтало қилма!

Андин сўнг ул еридин туриб, йигитларини марди майдонликка чақириб бир нома айтур бўлди. Кўр, боқ, нелар деди:

Илғор этайлик, ор учун,
Оғамуҳаммадхон устина.
Ғўччоқларим эр қиличин,
Чалайлик душман устина.

Хотам сардорнинг қонини,
Шаҳид топширган жонини,
Чатиб, бегу султонини,
Суринг хону мон устина.

Ғўч йигит бўлса ҳамроҳинг,
Не қайғу бор, не парвойинг,
Садоқда ўқ, тортиб ёйинг,
Тўкинг, ани кон устина.

Ғаним устига от солиб,
Қиз-жувонин асир олиб,
Жанг-жадалда бўлиб ғолиб,
Мининг шавкат-шон устинан.

Олғир шунқор, бозим, сизлар,
Ҳам баҳорим, ёзим, сизлар,
Сирдошим, ҳамрозим, сизлар
Қон тўкинглар қон устинан.

Давлатёрбек **ҳақ** дилинда,
Қон томар қилич белинда,
Майдонда, саваш кунинда,
Қолманглар армон устинан.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Андин сўнг Давлатёрбек бутун элларга, ном кўтарган йигитларга, сардорларга чопар юборди. Ўзи бўлса, эл-улус бирлан аллаёрлашиб бизни Оғамуҳаммадхоннинг элидин топасизлар, деб йигитлари бирлан йўлга равона бўлди. Давлатёрбек уч кун деганда излаган манзилига етди. Оғамуҳаммадхон ҳам ҳамма нарсадин бехабар эмас эрди.

Тайёргарлигини кўриб қўйган эрди. Чунки, Хотам сардор бирлан Давлатёрбекнинг қиёматлик дўстлигини билур эрди.

Хотам сардорнинг ўлган хабари бугунми, эртами Давлатёрбекка бориб етишини сезар эрди. Давлатёрбек бу гапни эшитса ўлса ўлар, аммо тек ётмас, деб ўйналиб ўйининг охирига ета олмади. Ўз-ўзига айтур эрди. Бул Давлатёр деганини не қилиб тўхтатсан эркан. Ёки тўрт бедов от, тўрт **тўқли**, уч қирноқ, исфаҳоний мис қилич берсан, Хотамни қонини ўт, десам ўтмасмикан. Яна билмадим, бул одам бизга кун бермас. Яхшиси ул келмас бурун ўзим катта қўшин бирлан бориб ани ер-яксон этиб қайтсан не бўлур, деб Оғамуҳаммадхон хузурига барча хонларни йиғди: Иброҳимхон, Амир Кўҳнахон, Мусоқулихон, Мұхаббатхон, Юсуфхон, Жаҳонгирхонлар келдилар. Булар 900 минг лашкар тўплаб келган эрканлар. Магарам, у узокдин сар этсанг ерга чигиртка доригандай кўринур эрди. Лашкарлар байдоқ-байдоқ, санжоқ-санжоқ, **мавж-мавж**, **товул-товул**, алам-алам бўлиб, бир-бирига занжирдай қуралиб ётур эрди, юлдузларда сон бор, аммо буларда сон йўқ эрди. Шул тариқа йўлга равона бўлдилар. Алғараз, икки қўшин бир-бирига дуч бўлди. Бул ёғдойни кўриб Давлатёрбекнинг вақти хуш бўлиб, қўлига созини олиб, йигитларига ҳиммат, қудрат тилаб бир нома айтур бўлди:

Ахмал қолмас бурун, туриңгиз ердин,
Бугун ор қиличин чалинг, **ғўчchoқлар**,
Тиш тушиб оғиздин, мўйсафид сардин,
Йигитлик давронин билинг, **ғўчchoқлар**.

Ғўч йигитлар қилич уриб, от тутиб,
Ғанимлар ёс тутсин ой, куни ботиб,

Хонларин ўлдириңг, бекларин чотиб,
Аямасдин саваш қилинг, ғүччоқлар.

Қизилбошнинг элларига ўт қўйиб,
Кўлга тушганини тириклай сўйиб,
Калласини узиб, кўзини ўйиб,
Лашкарига қирғин солинг ғўччоқлар.

Давлатёр дер, хақ ишларга толибман,
Саваш куни майдон ичра ғолибмен,
Мен ҳамона туққан куним ўлибмен,
Мард бўлиб ғайратда қолинг, ғўччоқлар.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Андин сўнг йигитлар уч тўп бўлиб бўлинib, бири соғдин, бири сўлдин, бири ғаним қўшини орқасидин чиқиши учун от сурди. Шундай бир уруш бўлдиким, бундай уруш Одам атодин бери бўлған эрмас, кўз кўриб, қулоқ эшитган эрмас. Йигитлар мардана туриб, отни суриб, ғанимни қириб душман кўнглини вайрон, ақлини ҳайрон, бағрини бирён қилиб, бир ёқقا чекилдилар. Мослик-мослиқа қоқилишди. Кўп йигитлар шаҳид бўлиб, жаннатга восил бўлдилар. Душман лашкари ҳам бир четга чиқди. Шул замон Давлатёрбек йигитларидин вақти хуш бўлиб, аларни таъриф этиб, бир нома айтур бўлди:

То сабога **chanli** таҳсин жанг бўлиб,
Икки лашкар саваш қурди **ғожа-ғож**.
Арқачнинг беклари тамом жам бўлиб,
Ғанимга юзма-юз турди ғожа-ғож.

Бедов кўкка учиб, бўлиб ел каби,
Билмай тоғу дара, дошни йўл каби,
Бош кесилиб, қон тўкилиб сел каби,
Тиззадин қон кечиб юрди ғожа-ғож.

Тўз тўза қоришиб, чанга улашди,
Гавдаси лош бўлиб, сариндин тушди,
Ёғи босқи топиб, тоға йилишди,
Етиб Хўжакелди сурди ғожа-ғож.

Саваш куни ҳайит, байрам, тўй дейиб,
Ё бош олғил, ёки бошинг қўй дейиб,
Жанг қилганда ғазаб тўнинг кий дейиб,
Давлатёрбек қилич урди ғожа-ғож.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Сўнгра йигитларига сар солди, йигитлар бардам, тетик, бироқ юзларига ора-сира яра тушган. Кейин ўлжа, от-асбоб ва асирларга боқди. Қараса, қизилбошнинг беклари Машҳаднинг эшаклари каби терс қараб, ерга боқиб туурлар, зангарлар. Яроғ, от-асбоб шул

қадар уюлиб қолибдики, илло Ҳисорнинг бир бўллагидай гавдасини тиклаб турур. Давлатёрбек йигитларга қараб:

-Хов, йигитлар ёғий босилиб кетди. Бул мол-дунё, от-асбоб, **корабош**, барча ғаниматлар сизники бўлсин. Эмди қальага қайтайлик, деди.

Йигитлар шаҳидлар хотирасига оят ўқилгандин сўнг туғ-байроқларини кўтариб йўлга равона бўлдилар. Ногоҳ шул вақтда қибла тарафдин бир отлик кўринди. Давлатёрбек йигитлари бирлан анга қараб турди. Кўрсалар бул Оғамуҳаммадхоннинг чопар элчиси эркан. Ул келиб айтди. Ҳазрати Оғамуҳаммад шоҳ сизга маълум қиласиди, сизлар кетмайсиз, уруш давом этур эркан. Дарҳол йигитлар уруш анжомларини шайлаб турдилар. Шул вақт кун ботар томондин ҳам бир думон кўринди. Давлатёрбек ўйлади.

-Бу тўзон яна не эркан? Баланд тепага чиқиб қараб турдилар. Сал вақтдин сўнг кўрдиларки, улар Давлатёрбекка ёрдамга келган катта қўшин эркан. Анинг ичида Дурун, Бовард, Мари, Хоразм, Хўтан, Қошғар, Балхбадаҳшон, Ҳиндистон, Афғон, Рум, Арабистондин келган одамлар бор эркан. Ўтамиш ва Тўхтамиш беклари якка уйлининг хўрозидай оёқларининг учи бирлан босиб келаётирлар. Сардорлардин: Отаназар, Хонан, Омон, Элтой, Суяв сардор, Кулоға, Анна Аваз, Хўжа Менгликардор, Аннаменгли сардор, Эсон Тогон, Ҳасан ўғлон, Эсон мерганлар етиб келибдурлар. Давлатёрбек аларни иззатикром бирла кутиб олди, келганларига кўп-кўп миннатдорчилик изҳор этди, уларни меҳмон қила бошлади. Бул аҳволдин кўнгли жўшган Давлатёрбек шоду хуррам бўлиб, йигитларига қараб бир нома айтур бўлди:

Савашарам, урушарам ҳали мен,
Қизилбош саридин бирор сўз бўлса.
Майдонда гўёки мастмен **далимен**,
Юрагим жўш урар юзма-юз бўлса.

Мен онадин туғилган кун ўлибмен,
Таваккал тўнини кийиб келибмен,
Дўсту ёрни пушти паноҳ билибмен,
Юз дўндарам элли, олтмиш, юз бўлса.

Бугунги ишимни эртага қўймам,
Муханнаснинг айтган сўзига уймам,
Мен ғанимнинг кўпу озини саймам,
Уруш ери тоғу дара, дуз бўлса.

Бедов терга кирса сакрар, тўғрашур,
Ғўч йигитнинг ақли сариндин ошур,
Муханнас жонининг ваҳмига тушур,
Агар уруш-саваш ҳақда сўз бўлса.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Йигитлар кечаси бирлан уруш анжомини шай этди. Эртаси эрта сахар бирлан тўп-тўп, байдоқ-байдоқ бўлиб майдонга равона бўлдилар. Давлатёрбек сўнгра йигитларга тасалли бериб, олдинда туриб бир нома айтди:

Ҳар киши бутун майдонда,
Турмаган, муханнас ўлсун.
Ор учун кескир қилични,
Урмаган, муханнас ўлсун.

Қарашиб қардош, тенг-туша,
Билмам, не иш тушар боша,
Оти йиқилган йўлдоша,
Бермаган, муханнас ўлсун.

Чақириб Шоҳимардонни,
Ғўччоқлар, аяманг жонни,
Саваш синайди инсонни,
Сурмаган, муханнас ўлсун.

Чалғитманг фикрни, ўйни,
Сарғайтирганг рангу рўйни,
Бугунги байрамни, тўйни,
Кўрмаган, муханнас ўлсун.

Давлатёрнинг жон йўлдоши,
Бугун қуиринг зўр саваши,
Хотам бўлиб азиз боши,
Бермаган, муханнас ўлсун.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Ул йигитларига соғлик-омонлик тилаб, уруш таблини кутиб турдилар. Сал ўтмай табл қоқилди. Давлатёрбек Олло, деб йигитлари бирла от суриб, 70 минг кишилик қўшинга қарши савашга киришдилар. Беш бир, ўн бир бўлиб, қизилбошларни қиришга тушдилар. Тўп, милтиқ, шамхол, замбарак сасидин ер сарсиб, олам ларзона келди. От тўзидин ой, кун тутилди, қилич-қалқоннинг зарбидин тоғ-тошлар пора-пора бўлди. Лош –лошнинг устига тушди. Бул саросимаға чидай билмай неча қизилбош орқага дўнди, нечаси омонлик сўради, нечаси асир тушди. Ғанимнинг қолган қисми ҳам қилич зарбидин урушга тоб бера олмай қочиб бошлади. Сипоҳийлар ўз шерикларининг қочишини кўриб, аста-аста изига қараб қоча бошладилар. Шул тариқа қочган қутилар, турган тутилар, аста қочган номард, деб қизилбошлар майдонни тарк эта бошладилар. Қатор-қатор чодирлар, харгоҳ-боргоҳлар бўш қолди. Қўшиннинг қолган қисми босқи остида қолиб ҳалок бўлди. Уруш пешин намозига бориб тамом бўлди.

Давлатёрбекка бу галги уруш оғир кечди. Ул етти еридин яраланди. Ани Салланчоққа солиб икки от ўртасида майдондин олиб чиқдилар. Буни сезган қизилбошлар қайтадин уруш бошладилар. Йигитлар ҳам уруш қилиб, ҳам Давлатёрбекни олиб чиқишга уриндилар. Уруш авжига чиқди, қон селдек оқди. **Искин**-мадори қолмаган Давлатёрбек қизил қонга бўялиб, бир нома айтар бўлди:

Ёронлар, оҳиста юринг,
Юрарга жоним қолмади.

Таҳмил-таҳмил йўлни юринг,
Танимда қоним қолмади.

Боғладим душман йўлини,
Чўх сўқдим майдон-чўлини,
Лош этиб соғу сўлини,
Сурдим, армоним қолмади.

Тўзон айлаб тоғ бошини,
Қон айлаб тоғнинг тошини,
Дарё этиб кўз ёшини,
Тўқдим армоним қолмади.

От суриб майдонга кирдим,
Қизилбошга найза урдим,
Лашкарин бир-бирдин қирдим,
Қирдим, армоним қолмади.

Соз-сухбатли тўйлар тўйлаб,
Бекларима ўлжа пойлаб,
От-яроғ, асбобим шайлаб,
Бердим, армоним қолмади.

Давлатёр дунёга тўлиб,
Майдон ичра сармасст бўлиб,
Дўстлар бирла ўйнаб-кулиб,
Юрдим, армоним қолмади.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Сўнгра бул ётишина ўйлаб кетди: Олло, жоним бехосият кунга дуч келдикми, ёки бошқа бир хато қилдикму... Давлатёрбек ўзининг аҳволига **борҳо** ачиниб, якка-ёлғизлиги ёдига тушиб, ғамга ботиб, ўз-ўзига: -Эй ёлғончи дунё, мен сендин не вафо кўрдим, юртим, эл-кунимдин жудо қилдинг, барча дўст-ёрларимдин ажратдинг. Бугун эрса, йигитларга **мўт** бўлиб, салланчоқда ётибдурмен. Туф сенинг юзинга! Юзинг қаро бўлсин, деди. Аммо жон ширин нарса. Эл-юрт, дўст-ёронлардин ҳам азиз-нарса. Шул боис ул яна ўйланди. –Эй Худо, менга така-ёвмут беклари бирлан ўтириб-туриш яна насиб этурмикан, Қўнғирот, Урганч, Хива элларига бориб, кўрмак насиб бўлурмикан?

Шул боришда йўл тоғдин пастга тушди. Давлатёрбек от суриб ўтган бул тоғу дузларни кўриб яна хафа бўлди. Бошини қиялаб қараса, ёнида Сарқуш оти ҳам келаётir. Жониворнинг икки кўзи ёш, оёқларини ғамғин-ғамгин босиб келаётir. Йигитларнинг ҳам боши ошоқ тушган, сас-самарсиз келаётирлар.

Давлатёрбекни ваҳима боса бошлади: -менинг ўлимим поёнига етдимикан, жон жасаддин ажралиш вакти етдиму, эй бундин умр бўлдими, эй қуратли Тангрим, Сарқушим устига яна бир минмай оламдин ўтсам, икки қўзим очиқ кетур, сендин ҳеч рози бўлмасмен! Шул замон бирдан ғойибдин қуч келгандек Давлатёрбек у ёқ, бу ёққа ағдарилди. Йигитлариға айтди: -Хов йигитлар, мени тик ўлтиртинглар. Йигитлар унинг айтганини бажардилар. Давлатёрбек бутун кучини тўплаб деди: -Эй йигитлар, мен ҳали ўлганим йўқ, сиз хафа бўлиб ўлтирманг. Ўлмоқ-тирилмоқ ота-бободин меросдур. Агар паймона тўлган бўлса, анга чора йўқ. Аммо қазо етмаса, “Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлур”. Сизларнинг бул юришингиз менга ёқмай турибдур.

Агар ажал етган бўлса анга айб йўқдур. Савашда қон тўкиб ўлиш йигитга шухратдур. Мен муродимға етдим, ҳеч кўз ёши қилмангиз. Йигитлардин бири:

-Эй Давлатёрбек, сен не деб айтурсен, ўларсен, кетурсен, кейин бизга қийин, кимга додимизни айтurmиз, деди.

-Ул не деганингиз?

-Деганимиз шулки, Давлатёрбек ўлибдур, деб кулли қизилбош тўйга чиқажак. Бул бир томони, иккинчиси Қўнғирот катхудолари, оқсоқоллари бизга-эй йигитлар биз сизга Давлатёрни ишониб топширдик, сиз уни нетдингиз, урушда уриштириб, уриштириб, охири шахид қилиб қайтдингиз, демайдими? Давлатёрбек айтди:

-Эй йигитлар, сизлар бўлмағур гапларни айтиб турибурсизлар. Мен ўлсам сизларнинг ҳар бирингиз бир Давлатёр ўрнида бўлишга лойиқсиз. Аннаменгли сардор, Саидмусо, Омон, Элтой ботир, Хўжакелди сардор, Маматжон сардорларнинг ҳар бири бир ўлкага хон бўлгудай инсонлардур, деб Давлатёрбек бошини салланчоққа ташлади, шул ётишига ўт бўлиб ёниб, алаҳлаб, дўст-ёрлари бирлан хайрлашиб, бир нома айтди:

Магар ўлсам ғўччоқларим, келинглар,
Бирга юрган қардошларим, хўш эмди.
Маҳшар куни мендин рози бўлинглар,
Майдон ичра сирдошларим, хўш эмди.

Ажал келса йўқдур қолар гумоним,
Бекларим, бошимдин кетмас думоним,
Ярам бадтар бўлиб, ёнар бул жоним,
Бирга юрган йўлдошларим, хўш эмди.

Саваш куни беклар бирлан ёришиб,
Найза уриб, ғаним бирлан қоришиб,
Гўё оч бўридай қўйга доришиб,
Майдон ичра сирдошларим, хўш эмди.

Аннаменгли, Саидмусо жонларим,
Омон, Элтой, Хўжакелди хонларим,
Маматжону яна кондур сонларим,
Бирга юрган қардошларим, хўш эмди.

Давлатёр дер, менинг қисматим **шўйла**,
Саваша кирмишам, бормадим **сайла**,
Бузулган кўнглимни сен обод айла,
Майдон ичра қардошларим, хўш эмди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Ул шундин сўнг ўзидин кетди, дам-сассиз ётаберди. Ул шул ётишда уч кеча-кундуз сарсмай ётди. Йигитлар Давлатёрбекни Арчмон ота деган қадамжога келтирдилар. Шул ерда икки кун ётгандин сўнг Давлатёрбек кўзини очди. Йигитларнинг вақти хўш бўлиб, даврани кенгдин олиб, таом тайёрлаб, худойи қилиб шоду хуррамлик этабердилар.

Эмди хабарни Оғамуҳаммад шоҳдин эшитинг:

Оғамуҳаммад шоҳ: Давлатёрбек ўлди, ундин олдин Хотам сардор ҳам ер қучган эрди, деб қайтадин туркман элига қўшин тўплаб келди. Катта қўшинга бош бўлиб, Аҳалнинг қибла тарафига келиб ётаберди.

Арқач беклари ўлтуриб маслаҳат этдилар. Бири айтди:- Давлатёрбекнинг ахволи нохуш. Ул қалъада қолсин. Биз Сайдмусо бирлан Хўжакелди сардорни бош этиб, отлансан, иншоолло ишимиз ўнгидин келгай, деди.

Аммо, Давлатёрбек бул сўзларни эшитиб ётган эрди. Бир куни Маматжон сардор олдиға бориб айтди:

-Эй сардор, бир маслаҳат бўлди ўхшайдур, ул ненинг маслаҳати?

-Эй, Давлатёрбек, не маслаҳат бўлур эрди, Оғамуҳаммад шоҳнинг маслаҳати.

-Эрса биз ундин бехабар қолмайлик! -Ёки эмди биз бул маслаҳатлардин четда қолдикму?

-Эй, Давлатёрбек, сен кўнглинга малол келтирма. Биз сени сал бўлсада, соғайсин, ўзига келсин, деб юрумиз.

Соғлигинг **тандуруслашса**, Оғамуҳаммадхон қўшинлари ҳам келса, санго хабар берумиз. Мана кўрдим, яраларинг битибдур. Исқин-мадоринг ҳам яхши. Уруш-саваш иши сенинг ихтиёрингда.

Бу гапларни эшитиб, Давлатёрбекнинг **ўқчаси** енгил тортди, ўрнидин турди. Давлатёрбек чор атрофа чопар юбариб уруш анжомларини тузаберди. Ўзи ҳам ёв-яроғини тузиб, Сарқушни **чиплокроқ** эгарлаб, минди. Нердасан, Оғамуҳаммадхон деб кета берди, келиб Дурунга тушди. Уч-тўрт отлиқни изига эгартиб, ғаним қўшинларига сар солиб келди. Йигитларига айтди: -Иншоолло, бу гал ишимиз ўнгидин келур, мол-ўлжага эга бўлурмиз.

Эртаси куни Давлатёрбек йигитларига:

-Эй, йигитлар, бугун ғайрат кунидур, деб бир нома айтур бўлди:

Келди ёғий устимизга от солиб,

Бедовни эгарлаб, юринг, йигитлар.

Қайғу чекманг ғам уйида сарғайиб,

Беажал ўлим йўқ, суринг, йигитлар.

Кўзларим қувонур майдон тўз бўлса,
Карчиғай, бўз тарлон, қув ва ғоз бўлса,

Ғаним тўрт юз, беш юз, ёки оз бўлса,
Дўнмайин майдонда туинг, йигитлар.

Бедов илгор этиб, майдон сўклиби,
Ғанима от қўйсак, бирдан тўклиби,
Қиличдин қон томиб, найза чекилиби,
Ҳар боша бир **жизо** уринг, йигитлар.

Ёлғондин йиғлаюр, боқманг зорина,
Мангзаюр тоғларнинг аждар –морина,
Ҳеч нажот бермайин ғаним борина,
Бугун томошасин кўринг, йигитлар.

Давлатёр ҳақ йўлда жондин кечилур,
Каромат қиличда, яра очилур,
Майдон ичра қирмизи қон сочилур,
Даста-даста этиб қиринг, йигитлар.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Йигитлар отларга миниб, тайёр бўлиб турдилар. Қарасалар, Оғамуҳаммадхон оқли-қизилли чодирларини тикиб, тўп-тўп, санжоқ-санжоқ, байдоқ-байдоқ катта қўшинни келтириб, ётибдурларки, бир ўқ отсанг, ерга тушмас.

Давлатёрбек айтди:

Эй, йигитлар, урушнинг кенгаши бўлмас, бошлаб, қизилбошнинг туғини ийқинг, ани Худо тутиб, пайғамбар қарғаб, ўз-ўзидин доғиб кетур, деди.

Йигитлар ғанимга қарши от сурдилар. Майдонда уруш қизиб, қамишға ўт қўйғандай бўлди. Лош-лошга қоқилишади, кими жонсиз, кими чалажон. Охири қиличбозликка ўтди. Қилич-қиличга урилиб, гўё қиёмат қўпди. На омона боқилди, на замона. Майдон қондин лолазор бўлди. Йигитларнинг зарбига тоб бераолмай қизилбошлар ортга тортилдилар. Шул вақт аларнинг туғи ҳам ийқилди. Қизилбошнинг уйига ўт тушди. Алар хоргоҳ, боргоҳ, чодир-чаманини ташлаб қочишга юз тутди. Қизилбошнинг кўп-кўп хонларини, сипойиларини тутиб олдилар. Мол-ўлжалар бисёр бўлди. Давлатёрбек йигитлари ишидин кўнгли тўлиб, вақти хуш бўлиб, сар хушнинг эгариға боғланган дуторини кўлига олиб, от устида йигитларига қараб бир нома айтар бўлди:

Мард йигитлар бугун нардай савашди,
Ғўччоқлар ўқини тошдин ўтирди.
Икки лашкар бир-бирига тўқишиди,
Душман тўза олмай бошдин ўтирди.

Тўпин-тўпхонасин, хоргоҳ-баргоҳин,
Ташлаб қочди сардорио ҳамроҳин,
От-яроғ, асбобин, совут-садоқин,
Йигитлар йифишиб, мунда келтирди.

Ҳар бири элликдин-олтмишдин йиқиб,
Отдин каманд отиб, таноблар тақиб,
Қизилбошнинг хону-бекларин чатиб,
Хўжакелди сардор ишин битирди.
Ёд этиб Оллоҳни, шоҳимардонни,
Ғўччоқлар майдонда аямай жонни,
Шибирғоннинг хони Аҳмад султонни,
Жаҳонгирхон бошларини келтириди.

Қамишга ўт тушди, қўйга гурт дориб,
Жавлон урди бугун кўзи қон кўриб,
Давлатёрбек сизга **пешкаш** деб бериб,
Мирмуҳаммад шоҳнинг бошин келтириди.

Эмди хабарни Оғамуҳаммад шоҳдин ол. Ул катта лашкар бирлан келиб, Давлатёрбекни, унинг йигитларини асир олиб, ўз юргита олиб кетмоқчи эрди. Арқач элларини тор-мор қилиб, ўғлини ўлжа, қизини асир этмоқчи эрди. Туқанмас бойликларни олиб кетишни, от, туя, йилқи, қўйларни суриб кетишни кўзлаган эрди. Аммо бирорта иш ҳам битмади. Ул масхара бўлиб, келганига пушаймон бўлиб, ҳафталаб чодирига кириб, ичидин **таммалаб**, бўридек тўлғониб ётди. Шул ётган ерида ҳам ўйлаб ётур эрди: “Бул эшак ўғрисига не чора кўрсак бўлур, биз буни катта лашкар бирлан келиб ола билмадик. Сийлов-саруполар, яхши сўз бирлан ола билмадик, мақр-ҳийла бирлан ҳам ола билмадик. Бул сафар ҳам лак-лак қўшинимизни қирғинга бериб қайтди, **тос** ўзимиз ўлишга сал қолдик. Эй Худойим-её, бул кўппак ўғлина на чора топсак эркан?”

Эртаси куни Оғамуҳаммад шоҳ шоҳона кийимларини кийиб, тахтга чиқиб ўлтириди. Аммо ғазабдин кўзлари косадек бўлиб, оқарур, муртлари пир-пир учур эрди. Ул тездин ўз аёнларини жам этиб маслаҳат қилишга тушди. Ул айтди:

-Эй сипоҳийилар, шул эшак ўғриси Давлатёрбекни йўқотиш учун бир чора топсангиз топдингиз, йўқса ўзим сизларни қиличдин ўтказурмен. Хут эрта оқшомгача фурсат бор, агар ундин ўтса, тамом, деб ўрнидин туриб кетди. Шоҳ сипойилари ва бекларининг жони бўғзига келди. Кимининг ранги бўздек оқарди, кимини тер босиб кетди, кимининг тили айланмай қолди, кимининг ўтирган ерида иситмаси тутди, кимиdir не ўлик, не тирик. Сарой хизматчилари орасида Шовалад деган бир бек бор эрди. Ул айёр киши эрди. Четда ўлтириб ўйланур эрди:

“Ё раб, эмди фурсат келмадимикан, мен шоҳдин рухсат тилаб, Давлатёрбекни ҳийла бирлан икки қўлини орқасига чатиб олиб келсам яхши, агар иш битмаса, ул уйида йўқ эркан деб бир баҳона топсам ким билиб ўлтирибдур. Шу тариқа бир баҳтимни синам кўрайин, балки ишим ўнгидин келур”. Бул бадрак шул ўйлар бирлан банд бўлди.

Оқшом тушди. Шоҳ тахтига келиб ўлтириди. Чодир ичи сув сепилгандай жим. Шоҳ айтди:

-Эй сипойилар, ким не ўй ўйлаб топди? Сипойилардин садо чиқмади.
Шоҳ ғазабга минди.

-Жаллод, деб қичқирди.

Шовалад ўрнидин дик этиб турди.

-Эй қиблайи олам, рухсат берсангиз бир арзим бор, деди.

-Айт арзингни!

-Менинг от-яроғимни тузатиб, айтган одамларимни берсангиз, шул ишга кетурмен.

-Нера кетажаксен?

-Давлатёрбекни тутишга, қиблайи олам!

-Эй ақли чошган занғар, Давлатёрбек сенинг лак-лак қўшининга бош бермади, эмди бориб уни олти навкар бирлан олиб қайтажакмисан, ўтири, қайтиб гапирма.

-Бундай деманг, қиблайи олам! Менинг айтганимнинг бир аммоси ҳам бор

-Не аммоси бор?

-Аммоси шул. Давлатёрбекни курашиб, урушиб, сарупо бериб, пора бериб олиб бўлмас, бул ҳақиқат.

-Эрса ани не йўл билан олурсен?

-Ани танҳо ҳийла, ол-йўл бирла олса бўлур.

-Масалан?

-Анинг ўз одамларини йўлдин оздириб, аларнинг қўли бирлан бир иш битирса бўлур. Оғамуҳаммадхон шул гапдин сўнг бироз ишониб, тинглаб ўлтурди. Яна бир муаммо туғилмасин, деб теварагидагиларга маслаҳат солди: - Эй, сипоҳийлар, бул гапга сизлар қандай қарайсизлар. Аёнлар ўз жонини сақласалар бўлди-да, шул боис, дедилар:

-Ажаб яхши маслаҳат, тақсир.

-Шайтон алайҳи лаъна ҳам бундай ҳийлани топа билмас.

-Ҳийла деганинг бўлса, шул бўлур.

-Баракалла Шовалад сардорнинг фаросатига!

Оғамуҳаммад шоҳ айтди:

-Эрса гувоҳлик берурмисиз?

-Берурмиз, тақсир. Иншоолло Давлатёрбекни зиндонингизда деб билаверинг.

-Бор, ана Шовалад сардор, сенга рухсат. Не олсанг ол, кайфинг каллангда. Шоваланд шу куннинг эртаси йўлга равона бўлди.

Инсон шундай зотки, ул тақдиридин четга чиқиб кета олмайдур. Пешонага ёзилган ёзғит бир куни ўзини кўрсатади.

Шовалад отланиб чиқсан куни Давлатёрбек ҳам йигитлари бирлан овшикорга чиқсан эрди. Сарқуш отини ҳам бокувга бериб, бир ёбини миниб олган эрди.

Йигитлари бирлан ови барорига келмай икки-уч кун юриб, охири бир тоғнинг қўлтиғига бориб тушдилар. Алар шул ерда ўлтириб, еб-ичиб, маст бўлиб шоҳандозлик эта бердилар. Ейимлик тугаса, бориб каклик, сулгун, кийик

овлаб келиб, чашма бўйида давра қуриб, мажлис тузиб, соз-сухбат қилиб ўлтира бердилар.

Бир куни чошгоҳ пайти узоқдин бир тўпор отлик кўринди. Йигитлар аларга қараб турдилар. Булар ким бўлди, ов-шикорга чиққан одамларму, деб ўйладилар. Аммо уларнинг ўйлаганича бўлиб чиқмади. Шул боис йигитлар дархол уруш анжомини кийдилар. Келаётганлар 12 милтиқдин бир йўла ўқ отдилар, тоғдара акссадо бериб, ларзона келди. Уруш бошланиб кетди. Давлатёрбек йигитлари орасида Юсуфбек деган бир отарман-чопарман йигит бор эрди, қўлиға узун хода олиб, от устидаги ғанимларни уриб, ағдара берди. Шул тариқа ул бир қанча ғанимни отдин ағдарди. Давлатёрбек бир баландга чиқиб қараса Шоваладхон навкарларини изига ияртиб, тоғ эграмчаси бирла бораётир. Давлатёрбек бул аҳволни кўриб, созини қўлина олиб, бир нома айтур бўлди:

Қизилбош менинг қасдимда,
Ўтга тушди Шоваладхон.
Сарқушим йўқдур остимда,
Ҳайф, қочди Шоваладхон.

Бирикиб бош-боша чатиб,
Лоловлашиб, туфанг отиб,
Ошимизга оғу қотиб,
Ҳаддин ошди Шоваладхон.

Шовалад бўлди бадхумор,
Навкар йўқотди бешумор,
Бир зарбада бўлиб тор-мор,
Ора очди Шоваладхон.

Юсуфбегим хода чалди,
Беш йигитим отин солди,
Ул бирини асир олди,
Оғзин очди Шоваладхон.

Бекларимнинг бари мерган,
Қилич солиб, ёйин керган,
Давлатёрбек таълим берган,
Турмай қочди Шоваладхон.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Йигитлар эса қайтиб келиб, яна шоду хуррамликини давом эттиридилар. Шул вақтда ўликлар орасидин, мослиқлар остидин бир одам чиқиб буларга қараб келабери. Қарасалар, одамга сиёқи ўхшамаган бир маҳлуқ, неча еридин яраланиб, қон оқизур, инс-жинслигини билиб бўлмас, ани кутиб турдилар. Аммо ул овоз етар жойда туриб деди:

-Эй, Оғалар, агар ўлдирмасангиз бир-икки оғиз гапим бор эрди.
-Не гапинг бор?

-Гапим шулки, йигитларнинг сардори бўлса, фақат шунга айтурмен, йўқса ўлдирсангиз ҳам воллоҳи аълам бир сўз айтмасмен. Давлатёрбек бул сўзларни эшитиб туур эрди. Ул ётган ерида бул гапда бир ҳикмат бор, деб, йигитларига имлаб, ул кишини ўзининг олдига чақирди. Йигитлари ани олиб келдилар. Давлатёрбек:

-Қани айт, не гапинг бор, деди.

-Бир қошиқ қонимдин кечсангиз айтурмен, бўлмаса йўқ.

-Бор, ўтдик, деди Давлатёрбек:

-Бояги одам орқасида осилган тўрвани олиб ошоқа силкий берди, андин олтин, кумуш, лаъл-жавоҳирлар тўкилди.

Давлатёрбек айтди:

-Булар не?

-Билмайсизми?

-Йўқ.

-Билмасангиз буни олтин-кумуш дерлар.

-Бул зотларни сен қайдин топдинг?

-Мен қайдин топур эрдим, бозиргон бўлмасам, шохнинг хазинадори бўлмасам, манга бул зотларни Худо берди, оға!

-Худо берса, санга берибдур, бизга эрмас. Сен ани нечун бизга олиб келдинг!

Бояги одам **хомсиқиб**, кўз ёши тўкиб юраберди:

-Воҳ, жон оға, бундай бойликни умримда кўрмаган, бир чўпонмен. Сизни савашга кирганингизни кўриб, кўркиб бир тоғнинг кавагига кирдим. Қарасам ёғишиндин қочиб, томчиға учрабмен. Ул ерда икки қизилбош бир маслаҳатни қилиб туур. Шовалад Оғамуҳаммадхоннинг борлиқ хазинасини олиб, Давлатёрбекни тутиш баҳонаси бирлан қочиб келибдур. Аларга сиз дуч келибсиз. Шовалад қочди. Ёнгоғи икки навкар мени ўлдига чиқариб, қочиб қолди. Бўлгани шу. Мен бунчалик бойликни не этажакмен, оға, деб яна йифлаб бошлади. Давлатёрбек айтди:

-Боринг, бунинг деганларини текшириб кўринг, рост бўлса ўлим йўқ, ёлғон бўлса, додини Олло берсин, деди.

Йигитлар ёнгоғи одамни олиб равона бўлдилар. Давлатёрбек якка ўзи кутиб ўтирди. Ногоҳ шул бода бир каманд келиб бўйнига урилди, ани олиб ўта кетди. Гапнинг қисқаси, сал ўтмай Давлатёрбек Шоваладнинг олдидага тупроққа булғашиб ётур эрди. Ул ўзига келиб, атрофига қараса, қизилбошнинг бадраклари ани қуршаб турибдур. Давлатёрбек айтди:

Соҳиблар, мени ўрнимдин турғизинглар! Шул замон бошига тўққиз қамчи тушди. Давлатёрбек шул ўлтиришда Шоваладга ғазаб бирлан қараб бир нома айтди:

Шоваладхон ғофил ҳолда,

Мен тушдим ҳайрона бугун.

Эмди кимдин кутай далда,

Армон қўйдинг жона бугун.

Алданиб ахмолда қолдим,
Чексиз дардни сотиб олдим,
Үзимни ўт ичра солдим,
Қолдим кўп армона бугун.

Учрадинг бир ёмон чокда,
Ўқларим қолди садоқда,
Дуч келмадим кенг яйлоқда,
Бўлмадинг нишона бугун.

Қани бедовим-Сарқушим,
Сийнамда ёнур оташим,
Сизлар сонсиз, мен бир ўзим,
Дўнинглар ҳар ёна бугун.

Бошга тушган иллат каби,
Бўлсайдинг сен ҳам мард каби.
Давлатёрбек оч гурт каби,

Келурди жавлона бугун,
Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Анда Шоваладхон айтди:

-Боринг, қаранг, туркман сардори не тилаб туур, нонми, сувми, билинг!

Давлатёрбек бул сўзни эшитиб, ичидин зил кетди, ҳақоратлангани, хўрлангани жуда қаттиқ ботди. Шовалад айтди:

-Хов, эшак ўғриси Давлатёрбек, сен ҳеч қўлга тушмаймен, деб ўйлаган эрдингму, сен бизнинг қанча бекларимиз, сипойиларимизни қирдинг. От-яроқ, ўлжаларимизни олдинг, неча йигитларимизни асир этдинг, не деб ўйлаюрсен, бунинг ҳисоб-китоби бўлмас, деганми эрдинг. Сўнг ул йигитларига буюрди: - То Оғамуҳаммадхон шоҳ кўшкигача пиёда ҳайдаб боринг.

Шовалад тезда йўлга тушди. Ул йўл бўйи:

-Тез ҳайданг, бунинг изидин келишлари ҳам, эҳтимолдин холи эрмас, деди.

Давлатёрбек қизилбошлар қўлида, қўли боғлиқ-пиёда бораётиб, юз минг армон ичиди бир нома айтур бўлди:

Дўсту ёрдин ёлғиз қолиб,
Бир феъли ёмона тушдим.
Тутди ғаним каманд солиб,
Фофилликда кона тушдим.

Қарадим дегра –дошима,
Ғанимлар келди қошима,
Ҳаросат қўнди бошима,
Билмайин ҳайрона тушдим.

Дўст десам-айғоқчи бўлди,
Йўлдошларим анда қолди,

Чор атрофим душман олди,
Туганмас зиёна тушдим.

Ғанимларга қарши юрдим,
От йиқилди, дарҳол турдим,
Соғу сўла қилич урдим,
Кесмади, армона тушдим.

Саксон-тўқсон, келди юза,
Тутиб банди этди биза,
Давлатёрнинг сўнгги сўзи,
Шер эдим қопқона тушдим.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Бул сўзлар бирлан юраги совимади. Қизилбошлар олдида юриб, ҳар дам елкасига қамчи тушиб, койиш эшитиб, боришида баланд тоғларга, кенг яйловларга, қуш-қумурскаларга маълул боқиб, тақдирига тан бериб кета берди. Бошқа не илож қилур эрди. Кўли орқасига боғланган, бошида қамчи, гарданида таёқ, бул ҳолатдин яна ортиқ хўрлик борму. Қизилбошлар ани тез-тез қистаб, қувиб, ҳайдаб, бора бердилар. Давлатёрбек эмди ҳеч кимсадин ҳимоят йўқлигини билиб, ўзининг терс келган толеъина-икболина қайғуриб, ёниб-куйиб, бир нома айтур бўлди:

Фалакнинг фурқати, ҳижрон яраси,
Тақдири азалдин манго ёр бўлди.
Тилка-тилка бўлди бағрим пораси,
Шатранж ўйнаб ўтди фалак зўр бўлди.

Билобилмам, недур Ҳақнинг қудрати,
Ҳар кимнинг йўлдоши бўлсин нияти,
Қоруна бахш этди давлат-зийнати,
Мусонинг мадори якка хор бўлди.

Яхшининг –ёмоннинг фарқин билмадим,
Бул ёлғон дунёни кўзга илмадим,
Ҳаётимда бир дам ўйнаб-кулмадим,
Иқболим, толеъим бутун шўр бўлди.

Бало каби энди фалак гардиши,
Қўлга тушиб хор бўлмасин ҳар киши,
Ҳеч топмадим, бир жонқуяр мард киши,
Дўст деганим заҳри қотил, мор бўлди.

Ҳақ севар дўстларим кетдим тарқ этиб,
Душманлар ҳайдарлар дошим берк этиб,
Давлатёр, ўз-ўзим ғамга ғарқ этиб,
Ишим эмди оху фигон, зор бўлди.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Шоваладнинг навкарлари унинг бошига ура-ура: -Хов, туркманинг кazzоби, кўп ғалмағал этма, тез юр, деб олиб кетабердилар. Давлатёрбек қизилбошнинг олдиға тушиб кетаберсин, эмди хабарни кимдин эшит, Давлатёрбекнинг йигитларидин эшит. Давлатёрбекнинг йигитлари тоғ кавагига етдилар. Кўрсалар олтин қайда-кумуш қайда, ҳеч зот йўқ. Шул ерда бир кимсадин сўрадилар:

-Хов, Тангри бандаси, сенинг отинг не ?

-Оғалар, отима Кўшақ дерлар, аммо мени ўлдирманг. Ёнгофина етти халта олтин-кумуш шул ерда эрди, Шоваладнинг йигитлари олиб кетган чиқар, алар тоғнинг бир кавагида ётгандирлар. Йигитлардин Юсуфбек айтди:

-Йигитлар шул ерда бир гап борга ўхшайди. Бул бандини ҳам олиб бориб, Давлатёрбекка топширайлик, не жазо берса берур, деб изга қайтдилар. Кўшақни ҳам бошига икки-уч юрмуқ уриб олдиға суриб қайтдилар. Келсалар Давлатёрбек қайда, бошқа қайда. Манзилгоҳ остин-устин. Унинг дутори тўнтарилиб ётибдур. Теварак от излари бирлан тўлиб, парчикиб ётибдур. Юсуфбек бул ҳодисани дарҳол сезди, ул айтди:

-Йигитлар, Давлатёрбекни ғофилликда босиб, банди қилиб олиб кетибдурлар. Бул бандининг гапи ҳам ёлғон, дарҳол отланайлик, деди. Юсуфбек Кўшаққа қараб:

-Сенинг уйинг қайда, деб сўради.

-Кўктепа қалъасида, оға.

-Эрса, санга рухсат, деб Юсуфбек уни йигитларина қўшиб юбарди ва деди: -Буни тўғри Кўктепа қалъаси хони олдиға олиб боринг. Этган ишини бир-бир баён қилинг. Сўнг айтингки, Давлатёрни юбормагунча уни жазолашда давом этумиз, деб тайинланг.

Юсуфбек кейин Давлатёрбекни излаб кетаберди. Уч кун деганда Болокўхи деган тоққа дуч келиб, анинг устига чиқиб, қарадилар. Кўрсалар, қизилбош қалъасининг дараҳтлари кўзга ташланиб турибди, аммо инсон зоти кўринмайдур. Юсуфбек айтди:

-Эй йигитлар. Эмди бир маслаҳат бор. Давлатёрбек бирдан орамиздин чиқди. Бул тақдири азалдур. Ҳозир биз қизилбош қалъасини боссак, ўзимизни ҳалок қилурмиз. Яххиси юртимизга бориб, эл катхудо, оқсоқоллари бирлан маслаҳатлашайлик. Хўжакелди сардор, Маматжон сардорлар не дер эрканлар, бир билайлик, деди. Йигитлар маъқул кўришди.

Шул тариқа изига қайтиб равона бўлдилар. Эмди сўзни Давлатёрбекдин эшигининг, Юсуфбек йигитлар бирлан Болокўхи тоғига чиққанда Давлатёрбекни от олдиға солиб, туртқилаб ҳайдаб, қалъанинг кунботар дарвозасидин киритиб келаётган эрдилар. Давлатёрбек ўлдим-ўлдим деганда Оғамуҳаммад шоҳ олдиға келиб етди. Уни ура-ура, қўли боғли ҳолда киритдилар. Оғамуҳаммад шоҳ бу ҳолни кўриб, мосҳаралаб деди:

-Поҳ-поҳ, туркманинг беги, бунчалар ясанибсен, тўйга ёки ов-шикорга чиқкан эрдингму, деди. Сўнг бирдан бақириб:

-Хов, Давлатёрбек, бир вақтлар даминг тоғ ёрарди, бугун не бул ҳолга тушдинг, жуда суст кўринурсен, ёки менинг бекларим кўнглинга тегиб инжилтдиму. Бундай ситам сенга кимдин етди, бек деди.

Давлатёрбек:-Хов, Мұхаммадшоҳ! Мен шугун билдимки, ҳамма нарса азалдин тақдирга битилур эркан. Одам тақдирдин қутилиб билмас эркан. Нече вақт ҳузурингизга келмак хаёлимизда бор эрди. Аммо ул бўлди, бул бўлди, иш кўп бўлди, бир баҳона чиқди ҳеч келобилмадик. Мана бугун сипоҳийларингиз бориб олиб келишди, хизматингизга қуллуқ, тақсир, деди. Оғамуҳаммадхон бул киноя гапга тушуниб, қутурган молдек талпинди, кўзи косасидин чиқиб:

-Кўзимдин йўқотинг, бул эшак ўғрисини, зинданда чиритинг, то қиёмат охиргача шул ерда ўтириб, ириб-чириб кетсин. Аммо ким шул эшак ўғриси бирлан алоқада бўлса, бошини танасидин жудо қилурмен, деди. Давлатёрбекни кўй судрагандек судраб, олиб бориб, зиндан ичкарисига отиб юбордилар. Шул юмаланиб боришида боши тош деворга урилиб, хушидин кетди. Ясовуллар зиндан оғзини маҳкам бекитиб ўта кетдилар.

Давлатёрбек шул ётишича уч кун ўзига келмасдин ётди. Тўртинчи куни уйғониб, кўзини очди. Қараса, қоронғу зиндан ичида ётибдур. Ул ўйланди: “Бул жой қаер, тушимму ёки ўнгим, ғалат бўлиб чиқди. Бари ўнгимда кечаётган воқеалар эркан”. Уёқ-буёққа қаради, ҳеч ким йўқ. Ул қичқирди: -Хов, бул жойда бирор киши борму. Сас-самар йўқ. Давлатёрбек ўзича ўйлади: -Биз Оғамуҳаммадхон шоҳга жуда керакли одам эрканмиз-да. “Ўрнидин туриб, у ёқ-бу ёққа юрди. Зинданнинг кунчиқар томонида бир дарча бор эркан. Ул шулдарчанинг ошоқиға бориб ётаберди. Кунлардин бир кун дарча олдига бир турна келиб қўнди. Давлатёрбек уни кўриб, бошидин ўтган кечмишлари, дўст-ёрлари, эл-улуси, от миниб, қилич уриб юрган даврлари эсига келиб қўнгли бузилди. Турна ҳар кун шул ерга келиб қўнди. Учинчи куни, учиб кетар бўлди. Давлатёрбек унинг бошқа элларга кетишини, сезиб Арқач юртлари устидин, Кўнғирот эллари устидин ўтсанг жумлаи қариндошларимға салом айт, деб бир нома айтар бўлди, кўр, бок, неларни деди:

Борурсен, келурсен, бундин ҳар қанда,
Турнам, салом етири, бизнинг эллара.
Сайр этиби, борурсен магар бир кунда,
Турнам, салом етири, бизнинг эллара.

Анда нечук эрур онамнинг ҳоли,
Ҳумойхон ёримнинг нечук аҳволи,
Барча тенгу тушим омонму ҳали,
Турнам, салом етири бизнинг эллара.

Оҳ чекурмен мунда мен бечораям,
Анда қадрдоним, таянчим, қоям,
Борурсен, кўурурсен, магар шул айём,
Турнам, салом етири бизнинг эллара.

Рақибга қолдиму ватаним, ерим,
Қайтганим билмади ул асрар нарим,
Етишмайин қолди Маъруфий пиrim,
Турнам салом етири бизнинг эллара.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Турна жонивор Давлатёрбекнинг арзи ҳолини тушунган каби ҳавога қўтарилимоқчи бўлаберди. Турна бир-икки марта зиндан устига чиқиб яна ошоққа тушди, дарча орқали зиндан ичига кирди. Ул Давлатёрбекка таъзим қилгандек бошини ошоқ солиб турди. Давлатёрбек: Худога шукур якка эрдим, икки бўлдик, деди. Сўнг қўзи иркилиб уйқуга кетди.

Ёнгоғи қуш бирдан яшил тўнли, қўли хосали бир одамга дўнди. Сар этиб караса, пири эркан.

Пири анга далда бериб, кўнглини қўтариб:-Ҳов Давлатёрбек сен хафа бўлиб, ўлтирма, бул ҳам Оллоҳнинг бир синовидир, сабр қил, иншоолло сен бул жойдин халос бўлурсен, деб бир ғазал айтди:

Эр йигит бошига чўх ишлар тушур,
Нечун ғусса чекиб, ғамга тўлурсен.
Ногоҳонда бошга ташвишлар тушур,
Омон бўлсанг, тезда юртда бўлурсен.

Кел турғил, ерингдин ғуссага ботма,
Бир нокас олдида ожизлик этма,
Бул ёлғон дунёнинг ёини тутма,
Марднинг дуосига восил бўлурсен.

Отсизга от бериб, тўнсизга тўнинг,
Яна супра ёйиб, аяма нонинг,
Доимо обрў топ омондур жонинг,
Мурод ҳосил, мақсад комил бўлурсен.

Давлатёрбек, бул дунёнинг муроди,
Ўғил бўлур мудом кўнгилнинг шоди,
Пиринг дер, ёд эт, пири-устоди,
Овозанг олама тўлуғ бўлурсен.

Алқисса, Пири сўзини тамом этди. Шул замон босинқираб уйқудин ўйғонди. Кўрса, теварагида турна ҳам, Пири ҳам йўқ. Анга боқиб ўлтирган зинданбон Давлатёрбекнинг аҳволига ачинди. Ўзи бир отармон-чопармон йигитга ўхшайдур. Кел, мен ҳам бунга сал ёрдам берай, деб ани ёлғиз қолдириб, эшикни банд этиб уйига кетди. Давлатёрбек дарчага боқса, қоронғу тушибдур. Шул вакт зинданбон ҳам уйидин анга ош-нон, сув олиб келди. Алар ўзаро дўст бўлдилар. Давлатёрбек еб-ичиб, сал ўзига келди.

Кунлардин бир кун Давлатёрбек ўз бошидин кечирғанларини эслаб, келажакдаги орзуларини ўйлаб, дунё-фалакдин шикоят қилиб, ўзига –ўзи далда бериб, бир нома айтур бўлди:

Олтин-кумуш, хазинани нетурсен,
Молу мулк деб ёмон йўлга кетурсен,
Бугун турсанг, тонг-ла сафар этурсен,
Умр келар-ўтиб кетар, бер хабар.

Ифор исли келин, нозанин қизлар,
Дунё тўлиб-тошар, айласа нозлар,
Сурма қош, ҳумой кўз олмадай юзлар,
Яксон бўлур, ўтиб кетар, бер хабар.

Олмакўз бедовни ғўччоқлар сурар,
Қиз-жувон ёнида мард ошиқ қезар,
Беш кунлик дунёдин ким вафо кўрар,
Умр келар, ўтиб кетар, бер хабар.

Бир кимса минг ғамда, дарду меҳнатда,
Бир кимса беҳисоб айшу ишратда,
Давлатёр бўлмайин бир дам роҳатда,
Умр келар, ўтиб кетар, бер хабар.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Ул ўз-ўзига далда бериб, астасекин кунини ўтказаберди.

Эмди хабарни Арқач элларидағи Давлатёрбекнинг йигитларидин ол. Юсуфбек йигитлари бирлан бориб, эл катхудоларига воқеани баён қилди. Хўжакелди сардор, Маматжон сардор, Сайдмусо, эл-улус жуда ғамгин бўлдилар. Сўнгра маслаҳат қилдилар:

-Биз яхши кунларда Давлатёрбек бирлан дўст бўлдик. Эмди анинг ёмон кунида маломатга қолмайлик. Магарам ани отмоқ-чопмоқ бирлан озод қила билмасак, сўроқ айлаб қизилбошлар фикрини билайлик, шартлари, талабарини аниқлайлик. Ҳамма нарсанинг ҳам бир чораси бор, дедилар. Арқачнинг беклари неча марта Оғамуҳаммадхоннинг элига келиб, савол-сўроғ этдилар. Балли жавоб бўлмади. Бир газик уни қулиб сотдик десалар, яна бир газикда ул зинданбонни ўлдириб, қочиб қолибдур, дедилар. Алғараз маълум бир жавоб олиб бўлмади.

Кунлардин бир кун бир қаландар келиб, Арқач элига тушиб, Давлатёрбекнинг Оғамуҳаммадхоннинг зинданидин хабар берди. Бул хабар Маматжон сардорнинг қулоғига бориб етганда ул дарғазаб бўлиб, Арқач элининг йигитларини чақириб, айтди: -Давлатёрбек, ул жойда зинданда ётибдур, сиз бул жойда ўз ҳаз-ҳузурингизда юрибсиз. Бул айб эрмасму, буни бир йўлаб кўрдингизму. Йигитлар бошини ердин уза билмай қолдилар. Яна сардор айтди:

-Шу ердин, дарҳол барчангиз отланинг, ё Давлатёрбекни топиб олиб келинг, ёки барчангиз Оғамуҳаммадхон ҳузурига бориб, ўлдирса ҳам Давлатёрбекни озод қилиши ғамини емагингиз керак:

Дарҳол кенгаш чақирдилар, барча оқсоқол, катхудолар, уламолар, келиб жим ўлтиридилар, сас-самар йўқ. Охири Хўжакелди сардор айтди:

-Эрса Маматжон сардор, маслаҳат бер. Биз не хили иш этсак, яхши бўлур? Уруш анжоми бирла кетсакми, ёки мол, дунё, сарупо олиб кетайликум? Маматжон сардор айтди: -Хов, Хўжакелди, бу нарсани ўзинг билмасмусен, агар кўлдин келса, уруш-саваш доимо топилур, сиз ҳозир тавалло учун боринг, мол-дунёдин ҳам, саруподин ҳам кўз юмманг, шай-шаймонингиз дуруст бўлсин.

Оғамуҳаммадхон шоҳнинг ҳам жони икки эрмасдур, тушунур. Гап тамом бўлди. Йигитлар мол-дунё, гарак-гадикни юклаб, карвон бўлиб, Арқачдин чиқиб, Оғамуҳаммадхон қалъаси томон равона бўлдилар.

Оз-юриб-кўп юриб, Оғамуҳаммадхон қалъасига уч манзил қолганда яна маслаҳатга ўлтиридилар. Охири четда туриб, қалъадин бир хабар олишни маъқул топдилар. Саидмусо ёнига бир неча йигитни олиб бозиргон либосида кеч пешинда қалъага кирди. Кўча-кўча бўлиб ётган қалъанинг ора-учи қўринмади. Алар катта йўлдин юриб, карвон саройга бордилар. Борсалар турли эллардин келган савдогарлар ўртага ўт ёқиб, сұхбат қуриб ўлтирибдурлар. Кўпларининг гурунги Давлатёрбек ҳакида кетаётир. Саидмусо диққат бирлан гап тинглаётир. Бир араб бозиргони сўзлаётир: “Така элларида, Кўнғирот атрофларида нар, моя кўп бўлур эрмиш. Давлатёрбек каби бир киши ҳамсоялик этганда бозоримиз ўнгидин келурмиди. Яна бири: Давлатёрбек кулли Туркистон хонининг ўғли эрмиш. Ани зинданбанд қилибдурмишлар, деди. Хуллас, Саидмусо устозини зинданда эрканини аниқ билди. Аста-секин зинданнинг урини сўраб туриб кетаберди. Саидмусо зиндан олдига келганда зинданбон эндиғина ош-нон олиб келиб турган эрди. Саидмусо анга айтди:

-Хов, бобо ассалому алайкум!

-Ваалайкум ассалом, ўғлим!

-Бобожон, қулоқ қўйсанг бир сўз айтурмен.

-Не гап ўғлим?

Саидмусо чолнинг этагига бир ҳовуч тилло танга ташлади. Бобо айтди:

-Ҳай-ҳай болам, бул не этганинг бўлди?

-Олабер, бобо бозиргонларда бундай зотлар кўп бўлур.

-Эрса, хабарингни бер, ўғлим!

-Хабаримни берсам, зинданингизда Давлатёрбек деган бир одам бор турур, деган гап қулоғимизга тегди.

-Хова, бор ўғлим!

-Бор бўлса, биз ўткинчи бир бозиргон, Кўнғирот элларига савдо-сотиқقا йўл олдик. Аммо, ул элларда бизнинг танишимиз йўқ. Ким яхши-ким ёмон билмаймиз. Шул сабаб Давлатёрбек бирла икки оғиз сўз сўзлашиб олайлик, деб ўйландик. Агар рухсат берсангиз сұхбатлашиб оламиз, йўқ десангиз кетаверамиз.

-Поҳ, ўғлим, иложим бўлса, Кўнғиротдин танишларини чақириб олсам эрди, деб ўйланур эрдим. Ўз элидин узилиб қолганига Давлатёрбек ўта ғамгин бўлиб юрибдур. Келиб яхши қилдингиз, юринг кўрсатурмен, деб йигитларни эргаштириб кетди. Борсалар Давлатёрбек шам ёруғида бир нарса ўқиб ётибдур. Давлатёрбек буларни қўриб, онг-тонг бўлиб, сичраб ёридин туриб, йигитлар бирлан қучоқлашиб қўриша кетди, бобо эса буларни қўйиб, ўз жойига бориб, ҳар эҳтимолга қарши пойлаб ўтириди.

Давлатёрбек айтди:

-Эй, Маъруфий устоз, сиз не қилиб юурсиз, кимлар келди, эл-улус омонму, эмдиги ният недур?

Маъруфий Давлатёрбекни тирик кўрганига қувониб, ани қучоқлаб, ўпиб, бир нома айтур бўлди:

Суюнчим бер, Давлатёрбек,
Дўсту ёринг кон келгандур.
Қаддинг қўттар, Давлатёрбек,
Барча сонма-сон келгандур.

Келибдур сени кўрмоққа,
Банди ҳолингни сўрмоққа,
Ғанимга қилич урмоққа,
Сайдмусожон келгандур.

Ўтамишдин, Тўхтамишдин,
Йигитлари балли бошдин,
Қочмайин ҳеч бир савашдин,
Ул Ҳулоғҳу хон келгандур.

Аннаменгли кўп зот бирла,
Хўжакелди ҳайбат бирла,
Маматжондин ҳурмат бирла,
Сорихон полвон келгандур.

Давлатёр, ўрнингдин турғил,
Пиринга суюнчи бергил,
Дўсту ёра қучоқ кергил,
Абдибек мардон келгандур.

Алқисса, Давлатёрнинг қўл берган пири сўзини тамом этди. Абдибек иззат-икром бирла туриб ўлтириди. Сўнгра Арқач беклари маслаҳат-машварат бирлан бўла бердилар.

Маъруфий айтди:

-Хов, Давлатёрбек, бизнинг илк мақсадимиз Оғамуҳаммадхон шоҳнинг ҳузурига бормоқ. Анинг бирла сухбат этмак. Шоҳнинг фикри недур, сипойилари не дейдур, шуни билмак. Агар тавалломизни қабул этиб, саруполаримизни кийиб, эл бўлсак, бу бир йўл. Йўқ агар деганимиз бўлмаса, анда иншоолло буларга бир томоша кўрсатмак. Бундай томошани шоҳ онадин туғилиб кўрган эрмас. Давлатёрбек, бизнинг мақсадимиз шулдур. “Кенгашли тўй тарқамас”, деганлар, Сен бунга не дейсан?

Давлатёрбек одоб бирлан туриб:

-Оҳ, Маъруфий устоз менда кенгаш ҳам йўқ, маслаҳат ҳам қолмади. Сиз нени хоҳласангиз шуни қиласберинг, деди.

Йигитлар Давлатёрбек бирлан хайрлашиб, эрта сахарда карvonсаройга келдилар. Ул ердин нарсаларини олиб, қалъа дарвозаси очилган замони карvonларга қўшилиб, чиқиб кетдилар. Эртаси куни Хўжакелди сардор оқсоқол-катхудоларни, йигитларини олиб, яхши бедовлар, ноёб совға-саломлар, саруполарни олиб, Оғамуҳаммадхон шоҳнинг ҳузурига келдилар. Кўрсалар Оғамуҳаммадхон шоҳ тилло тахтнинг устида ўлтирибдур. Бошида тилло

жиғоси, ёнида вазир-вакил, уламолар, пир-эшонлар давра қуриб турибдурлар. Шох:

-Йўл бўлсин, беклар, деб кўйди.

Хўжакелди сардор: -Эй қиблай олам, неча йилдирки, қардошимиз Давлатёрбек сизнинг қўлингизда банди зинданга гирифтдордур. Эмди биздин талабингиз бўлса бажарсак, Давлатёрбекни бизга қайтарсангиз, тақсир. Бул дунёда сиздин бир яхши от қолса. Йўқса бизни ҳам зинданбанд қиласизми, ўлдирасизми, ихтиёр ўзингизда, қиблай олам, деб хурмат бирлан таъзим қилиб турди.

Давлатёрбек отини эшитса, шохнинг тепа сочи тик бўлади. Шул боис жавоби баландроқ оҳангда бўлаберди: -Сиз ани деб келган бўлсангиз, обрўнгиз борида изингизга қайтинг.

-Нечук, қиблай олам!

-Нечуки шулки, мен ул бадбахтни юз мининг туманга сўрасалар-да бермайман. Мен ани бугун сизга берсам, мен учун ёмон бўлур. Ул менинг қанчалаб йигитларимни, бекларимни, сипоҳийларимни, саркардаларимни қиличдин ўтказди. Қанча навкарларимни асирга олиб, Хива, Бухоро, Марв бозорларида сотиб еди. Йўқ мен ани сизга асло бериб билмайдурмен.

-Эрса не маслаҳат берурсиз?

-Мендин сизга не маслаҳат лозимдур!

-Эй, қиблай олам, сultonи бокарам!

Биз ҳам катта бир элнинг элчиларимиз, қайтиб борсак, бирор хабар олиб боришимиз керакдур.

-Бориб менинг айтганларимни айтурсиз.

-Ундай бўлса биз шул ерда қолурмиз, тақсир,

-Нечун ахир?

-Ул хабар бирлан борсак, бизнинг баримизнинг бошимиз ўлимда, молимиз талонда. Ундин кўра бизни ўзингиз ўлдириб қўяқолинг, тақсир.

Оғамуҳаммадхон шоҳ бу сўздин сўнг бир сония юзини буриштириб, қовоғини ўюб ўлтириди. Аммо кўз остидин Хўжакелди сардор олиб келган отлар устидаги совға-саломларга син солди. Ўзича ўйлади: “Ё раб, бул бадбахтни олиб келинган куни ўлдирганим маъқул эрди”. Эмди бўлса, буни талаб қилиб келишнинг изи узилмас, охир-оқибат уруш-саваш бошланиб, молингни боқтирумас, карвонингни юритмас. Шул боис энг яхшиси, булар келтирган бойликни олиб, ул бадбахтни ҳам бериб, қутилиб қўя қолайин. Оғамуҳаммадхон шу ўйлардин сўнг бошини кўтариб:

-Кўп ўйландим, аммо сизларга ёрдам бергудай ёғдойим йўқ, деди.

-Эй тақсир бир одам учун шунча ўйланишнинг кераги йўқ.

-Нега кераги йўқ. Ул бадбахт менинг лашкарларимни қириб қанчадин-канча заар берди. Шул заарларни қоплаймиз, харажатларни тўлаймиз, десангиз мен сипоҳий ва бекларим бирлан бир маслаҳат қилайин, бўлса бўлар, бўлмаса, им-сим қайтиб кетаберурсизлар.

Хўжакелди сардор бул тагдор гапни тушунди.

-Хов, тақсир иш агар олтин-кумуш бирлан битадиган бўлса, хавф этманг. Ул неча деса топилур. Бул сафар биз муроса-мадораға келайлик, ярашайлик,

деб келдик, кўхна душманчиликни орадин кўтарилик, деб келдик. Давлатёрбек турганда олтин-кумуш бизга не керак. Иншоолло бул сафар келишиб олсақ, тавалломиз қабул бўлса, бизга юборган карвонларингиз олтин-кумушга ботиб келур, тақсир, деди.

Оғамуҳаммад шоҳ айтди:

-Мен ул бадбахтни ҳеч бериш истагим йўқ эрди. Аммо “Юз ўтдин иссиқ” деганлар.

-Рост айтдингиз, тақсир.

-Аммо менинг шартларим ҳам бор, йигитлар.

-Қандай шарт эркан улар?

-Шартим аввало от пойгаси.

-Яхши, бўлур, иккинчиси?

-Иккинчиси шартим, эшишишмча Давлатёрбек чўх шоир эрмиш, сўзи, сози бирлан осмондаги қушларни ҳам ерга туширурмиш. Эрта-индин мен овшикорға чиқурмен, келганимдин сўнг менинг ҳам икки оти чиққан шоирим бор. Бирига Исо, бирига Мусо дерлар. Шулар бирлан айтишиб кўрса, агар аларни енга олса...

-Жуда зўр, учинчи шартни айтинг.

-Учинчи шартим кураш тутишиш, йиқиши.

-Яхши, тақсир, биз рози.

Оғамуҳаммад шоҳ айтди:

-Хов, меҳмонлар, олдиндин айтиб қўяйин, агар ул бадбахт шу шартларни бажарса, хўқмон озод этурмен. Йўқ агар бажара билмаса, терисига сомон тиқиб, дарвозадин остиурмен. Сўзим-сўз!

Хўжакелди сардор шоҳнинг барча шартларига рози бўлиб, Давлатёрбекнинг ёнига қайтдилар. Ани ҳам олиб, карвон саройга қайтдилар. Шул кундин Давлатёрбекни шоҳ шартларини бажаришга тайёrlаб бошладилар?

Келишилган кун ҳам етиб келди. Қалъанинг бари халқи от чопиш майдонига йиғилди.

Оғамуҳаммадхон ҳам олтин тахтини келтириб, чиқиб ўлтирди. Чопиш майдонида кўплаб отлар тўпланди. Шоҳ рухсатидин сўнг, отларни сафга қўйиб, тайёр турдилар. Пойгабоши телпагини кўтариб, қичқиргандин сўнг отлар юлдуздай суниб кетдилар. Пойгабоши ҳам от суриб, алар изидин кетди.

Эмди хабарни Оғамуҳаммадхондин ол. Ул оқ отини баланд ерга чиқариб, йўлга қараб турди. Бир-икки сониядин сўнг отлар тўзони кўринди. Ул сўради:

-Хов, юзбоши, қара, ким келаётir!

-Ҳеч нарса кўринмайди, тақsир.

-Қани, яна бир сар эт?

-Йўқ, тақsир, ҳеч зот кўринмаётir.

-Хов вазир, сен қара!

-Бир от келаётir, шоҳим, аммо таниб бўлмаётir.

-Хов, пошшоб боши, сен қара!

-Сал тағофул этинг, шоҳим, хали мен ҳам таниб билмаётirman.

Оғамуҳаммадхон кимдин сўраса, балли жавоб ола билмади.

Шовқин осмонга чиқди. Шул бодда Сарқуш от устида Саидмусо бирлан оқ жайроннинг боласидай бўлиб, ҳориллаб, бўкчиб-ўйнаб, баллиланган чизиқдин ўтиб кетди. Шоҳ:

- Энди танидингизму, деб сўради.
 - Турган аёнларнинг дами ичига тушиб жим қолдилар. Охири шоҳ айтди:
 - Хов, меҳмон яхши отингиз бор эркан, отнинг насли қаердин келган?
 - Хўжакелди сардор айтди:
 - Хов, Давлатёрбек, шаҳаншоҳ отингизнинг наслини сўраётир, деди.
- Шунда Давлатёрбек отининг наслини баён қилиб, бир мухаммас ўқиди:
Бодовнинг аслини сўрсанг, боғи жаннат гулидур,
Онаси ҳур паридур, фасли баҳорнинг елидур,
Отаси осмондин энган ўшал дулдулнинг **дўлидур**,
Ёл, қуируғи, кокили, райхоннинг сунбулидур,
Қамиш қулоқ, олма, кўз, ул тиши дурдана бедов.

Йўлга тушса, йўрға сургай каклик янглиғ бўкиши,
Йилдиримдай ўт чиқурким, дузда туёқ қоқиши,
Соллонар, секин босар, қиздин адоли боқиши,
Мисли тоғнинг селидур, бир табассумдир оқиши,
Шоҳлар ёнига лойик, хуш ёқар бу жона бедов.

Сотмам, эй шоҳ, ўндин-ўндин минг бўлак пул бўлмаса,
Хизматига лойик эрмас, ўндин-ўндин гул бўлмаса,
Нали олтин, тилло юган, қуйлакча шар жул бўлмаса,
Остига оқ **чага** тўшаб, хўрагига гул бўлмаса,
Баҳосига етмак йўқдур бермам буни кона бедов.

Давлатёр дер, бул жаҳонда кўрмак ўлмас тенгини,
Юриш бўлса бошлаб чиқур улуғ йигин **ўнгини**,
Билдирмас баландни-пастни, билмас уруш жангини,
Хайқирганда садо берур, қўрқитадур мингини,
Таъриф этсам муносибдур, шуҳрат била шона бедов.

Давлатёрбек сўзини тамом этди. Оғамуҳаммад шоҳ айтди: -бул бадбаҳт отини ўзидин ҳам яхши кўурур эркан-ов!

Ўйин-томуша тамом бўлди. Хўжакелди сардор, Давлатёрбек йигитлар бирлан карвонсаройга бориб, шод-хурсандлик қилабердилар.

Эртаси куни полvonлар кураши бошланди. Тонг отиши бирлан одамлар майдонга ошиқдилар. Бир вақт шоҳнинг боққидаги полvonлари ҳам якка уйнинг хўроизидай олпанг-талпанг оёқ босиб келабердилар. Бирларини кўрсанг, яғирниси ош тахтадай, болдирлари кўзадай, наърасидин ер сорсийди. Яна бирларининг кўзлари косадай, қоринлари **олонгдай**, билаклари кўша тўқмоқдай, яғирнисида хирмон айлантиrsa бўлади. Буларга син солиб, Хўжакелди сардор Оғамуҳаммадхоннинг келганини ҳам билмай қолдилар. Шоҳ тилла тахтини баланд қурдириб, чиқиб ўлтириди. Шоҳ рухсатидин сўнг кураш қизиб кетди. Шоҳ полvonларининг йиқилгани орадин чиқа бериб, охирида

иккитаси қолди. Алар кеч пешингача курашиб, охири бири иккинчисини ерга ағдарди. Гёё тоғ ағдарилгандай бўлди, ер ларzon берди.

Шоҳнинг ғолиб полвони оёғини масти нарнинг оёғидай кериб, теварагига қараб тураберди. Шоҳ айтди:

-Хов меҳмон, навбат сизларга!

Хўжакелди сардор бул сафар Абдибекни курашга солди. Ул тўни, телпаги, этикини чиқариб, қўш боғини **салки** боғлаб, ўртага чиқди. Кўрсанг полвон сифат бир пиёда! Бул иккиси сен-мен йўқ тутишиб ўта кетдилар. Шоҳнинг полвони қанча полвонларни енгиб, ҳориган одам. Абдибек буни яхши билади, шул сабаб курашни чўза берди. Полвонни **тотолошиб** у ёкка қув, бул ёққа қув, ҳоритиб ташлади. Охири шоҳнинг полвони икки оёқда туриб билганига ҳам ичидин севиниб турибди. Абдибек ани яна орқадин қувиб, оёғини чалиб юбарди, полвон тантираклаб, боши ошоқ йиқилди, калласи рошга кўмилди. Ани тўрт киши зўрға кўтариб олдилар. Оғамуҳаммад шоҳ буни кўриб, ҳеч нарса демай, ўрнидин туриб ора очди. Хўжакелди сардор ҳам йигитлар бирлан яна карвонсаройга қайтди. Яна йигитлар даврани кенг олиб шодиёналик бирлан бўлабердилар.

Эртаси эрталаб жарчилар айтишувни эшитишга чорлаб чақирабердилар. Майдон оломонга тўлиб кетди. Ўртада баланд бир супа қурдилар, икки одам бўйидин юқори. Шоҳ шоирлари баҳмал кўрпача устида қўлларидаги созини тингирдатиб ўлтирибдурлар. Шул маҳал шоҳ ўз аёнлари бирлан келиб ўлтиридилар. Икки шартда ҳам одамлари енгилган Оғамуҳаммадхоннинг кайфияти ўта паст, қовоғидин қор ёғадур, ҳеч ҳам индамайдур. Рухсат берилгандин сўнг Давлатёрбек ҳам супага чиқиб ўлтириди.

Исо Али бирлан Мусо Али кўрпачанинг устида **боғдошни шикирдақдин** қуриб, виқор бирлан ўлтирибдурлар.

Асо Али айтди:

-Меҳмон отангдин улуғ, сиз бошланг: Давлатёрбек-меҳмон уй эгасининг қули, деганлар, сиз бошланг.

Вазирлар боши айтди:

-Хов, исо Али, сен олий ҳазратнинг кўшкида шоирлар боши амалига эгасен. “Улли бошлар, киччи ишлар”, деганлар, сен бошла, бари сўзингни тўқ, қиблай олам олдида мартабанг улуғ бўлсин!

Бул сўздин сўнг, гап тамом эрканини сезиб, Исо Али савол берди, Давлатёрбек жавоб қилди:

Исо Али:

Танишмоқ фаслидур, шоҳнинг қошинда,
Магар билсанг, манго мундин хабар бер.
Кимлар пинҳон эрур, кимлар аёнда,
Магар билсанг, манго мундин хабар бер.

Давлатёрбек:

Тақдири азалдур танишмоқ мунда,
Биздин хабар сўрсанг, жавоб шундайдур.
Куффор қоронгуда, биз ҳам аёнда,
Биздин хабар сўрсанг, жавоб шундайдур.

Исо Али:

Не кун Расул она қорнида қолди.
Не кундур пайғамбар кемага тўлди,
Ул ким эрди шайдо тили лол ўлди,
Магар билсанг, манго мундин хабар бер.

Давлатёрбек:

Душанбада она қорнида қолди,
Барс йили пайғамбар кемага тўлди.
Жабройилнинг шайдо тили лол ўлди,
Биздин хабар сўрсанг жавоб шундайдур.

Исо Али:

Ул не қушдур пару болсиз учадур,
Ул не маъни гўё гавҳар сочадур,
Ул не бўйдур тенгаб бир тўн бичадур,
Магар билсанг, манго шундин хабар бер.

Давлатёрбек:

Кўнгил қуши пару болсиз учадур,
Ул адолат элга гавҳар сочадур.
Малик ул мавт ажал тўнин бичадур,
Биздин хабар сўрсанг, жавоб шундайдур.

Исо Али:

Исо айтур, ул не шайхдур хосасиз,
Ул не китоб, ёзилмишдур сиёҳсиз,
Уч юз олтмиш қаноти бор гувоҳсиз,
Магар билсанг, манго шундин хабар бер.

Давлатёрбек:

Давлатёр дер, шайтон шайхдур хосасиз,
Ёзилмиш зул-ал-мот ифор сиёҳсиз,
Бир йил уч юз олтмиш кундур гувоҳсиз,
Биздин хабар сўрсанг жавоб шундайдур.

Алқисса, Исо Али бирлан Давлатёрбек айтишувларини тамомладилар.

Шоҳ деди:

-Бул ошиқларнинг қайси бири яхши айтди: Ўлтирган жамоа беклари айтдиларки, Исо Али сўради, Давлатёрбек жавоб берди. Эмди Давлатёрбек сўрасин Исо Али жавоб берсин. Буларнинг қайси устун келганини шундин сўнг айтurmиз.

Андин сўнг шоҳ, Давлатёрбекка қараб:

-Хов, бадбаҳт, эмди сен сўра Исо Али жавоб берсин, деди. Шул замон Давлатёрбек Исо Алига қараб айтди:

Давлатёрбек:

Исойи, Мусойи ошиқсиз мунда,
Ошиқ бўлсанг бизга сари хабар бер.
Одамдин бариси барча аёнда,
Гар билсанг Одамдин нари хабар бер.
Исо Алини бирдан тер босди. Ул ўйланди:

Ё Худойим-эй, бул бошимизга бир бало бўлди. Одам Атодин бери бизга аён, ундин наридаги зотлардин хабар бер, дейди. Бундай зотни инсон ўғли билурму? Давлатёрбек бўлса андин жавоб кутиб, қараб турибди. Исо Алининг таъби тирриқ бўлди. Бошини ошоқ солиб ўлтира берди.

Не қиласини билмай созини тинғирлатиб ўйнай берди, аммо жавоб йўқ. Анинг бул ҳолига шоҳ дарғазаб бўлиб айтди:

-Хей падари сўхта, не диралишмага чиқдинг, жавоб топмай ўлтиурсен, бошинга тупроқ сенинг!

Бахши бечоранинг қўл-оёғида исқин қолмади. Бул дағдағадин сўнг тамом бўлди. Давлатёрбек бул нарсаларга бефарқ қараб, ўзи савол бериб жавоб қайтариб, давом этаберди. Бир қараса Исо Али созини ҳам қўйиб, қўрпачани тирмалаб ўлтирибдур. Ул саросимаға тушиб қолди. Шоҳ айтди: Бул бадбаҳт сенинг саволингга жавоб берди, сен эса ялпайиб ўлтирибсен, олинг, буни зинданға ташланг! Қайтиб ёхти жаҳонни кўрмасин, падарлаънат!

Навбат эмди Мусо Алига етди. Оға Мухаммад шоҳ:

-Бул андин бадтар бўлур, Исо Али ҳам бундин яхши эрди. Бул унингча ҳам бўлмас. Шул боис буларнинг томошаси қурсин, кўзидин йўқотинг, деди.

Аммо вазир-вакиллар таваллосидин сўнг, шоҳ сал юмшаб анга рухсат берди.

-Синасангиз синанг, аммо бул ҳам бизга обрў келтирмас, шул боис буларнинг томошаси ҳам ўйини ҳам қуриб кетсин, иккисини ҳам қўзимдин йўқотинг, яххиси ана бу бадбаҳтнинг томошосини қўрайлик, деди.

-Хов, қиблайи олам Исо Али бошқа, Мусо Али бошқа. Ул Усмонли подшосининг баҳшилари бирлан айтишиб, енгган, қанча саруполар кийган, дедилар вазир-вакиллари. Шоҳ зўрға рози бўлди. Бу гаплар Мусо Алини анча довдиратиб қўйди. Ул илм-маърифат, одоб-ахлоқдин сўз очмай, терс бир йўлни танлади. Яна ул Давлатёрбекнинг ким эрканини ҳам билмай: “Шул олача тўнли ўзбексан-да”, деб ўзини баланд тутиб, гудурдаб, бир нома айтаберди:

Мусо Али:

Бизни кўргач асил бўлмас мазаси,
Саваш куни қўрқиб қочар ўзбеклар.
Тўзон кўрса шул дам етар қазоси,
Эси кетиб тупроқ қучар ўзбеклар.

Давлатёрбек:

Асли шер боласи –қуриб жангини,
Кувиб етиб, санчиб йиқар ўзбеклар.
Эллидин-олтмишдин чатиб бегини,
Кокил қўйган бошинг қоқар ўзбеклар.

Мусо Али:

Бизнинг беклар от ўйнатиб турганда,
Айрича бир шер жангини қурганда,
Қалқон тутиб, найза, қилич урганда,
Лалай-лалай дейиб қочар ўзбеклар.

Давлатёрбек:

Битта йигит мингинизга тай бўлур,

Гүрӯғлидек ўқ-яроғи шай бўлур,
Душман қўрқиб катагина жой бўлур,
Уриб-йиқиб, санчиб қочар ўзбеклар.

Мусо Али:

Мен Мусо Али, сен не иш этурсен,
Ўлим роҳи бирлан ўзинг кетурсен,
Бурнинг кесиб едирсалар нетурсен,
Ўз-ўзига бир тўн бичар ўзбеклар.

Давлатёрбек:

Давлатёр ҳақ йўла боғладим, белим,
Қоядек орқамда тебранмас элим,
Дўзахга эврилур сенинг манзилинг,
Энгсанга мушт бирла ёпар ўзбеклар.

Алқисса, Мусо Али бирлан Давлатёрбек сўзларини тамом этдилар.
Номанинг охирини кутиб ўлтирган Оғамуҳаммад шоҳ:

-Хов, Мусо Али, айтсанг яхши нома айт, йўқса, **арват** гапини айтиб турмай кўзимдин йўқол, деди. Шунда беклардин бири айтди:

Эй, қиблай олам, эмди ул айт, десангиз ҳам айтмас. Қани бир меҳмонни тингласак, қалай бўлур эркан.

Шоҳ айтди: Керак эрмас, буларнинг гапи ҳам қуриб кетсин, ўzlари ҳам, деди. Кейин вазирга деди:

-Эй, вазир, ҳар не бўлса ҳам кулли Эроннинг шоҳи деган отимиз бор. Лафзимизни ютмайлик, бул бадбахтга қўлим бирлан бир нарса бериш истагим йўқ. Сен эрсанг не қилсанг қил, икки қўлинг бўш. Вазир айтди:

-Эй, қиблай олам, ундан бўлса яхши бўлмас. Шоҳларнинг қадимдин келаётган расм-русумлари бор, не берсангиз ҳам ўзингиз беринг. Шоҳ барча гап ўзига қолганини англаш айтди:

-Эй, меҳмонлар, Худо сиз томонда бўлди. Ҳар биринга бир сарупо берайин. Ул бадбахтга биздин совға бир эгар юганли от бор эрди, шуни бағишладим. Давлатёрбек қоида учун ўрнидин туриб, қуллук қилди: -Қиблай олам омон бўлсин, деб ўрнига чўқди. Шоҳ айтди:

-Эй Давлатёрбек, неча вакт бизда меҳмонда бўлдинг. Балки Худонинг буйруғи шулдур, қисмати азалдур, ҳеч нарсани қўнглингга келтирмагайсен. Дилинг оғриган бўлса, рози бўл. Аввал бошда фикрим сени қатл қилиш эрди, аммо яхши бир йигит дедилар, отармон-чопармонликда баробари йўқ дедилар, суханвар дедилар. Алғараз, аёнларим ул қабиҳ ишни раво кўрмадилар. Оллоҳ менинг ҳам қалбимга илиқлик бахш этиб ул йўлдин дўндириди. Бугун бўлса мана насибанг чекиб, ўз бекларинга қўшилдинг. Мен сени ҳаргиз бермаяжак эрдим, аммо “Юз ўтдин иссиқ”, деганлари рост эркан. Сўзларини рад этмоқни услиб билмадим. Аммо санго бир сўзим бор. Давлатёрбек айтди:

-Ул не сўз эркан?

-Сўз шул. Сени яхши шоир демишлар, эмди сенинг номангни ҳам бир эшитсан, Давлатёрбек. Давлатёрбек ўйлади: Ё раб, подшоларда ақл бўлмас, деганлари рост эркан. Неча йиллар зинданбанд қилиб қўйиб, бугун мендин

шоду хуррамлик, нома талаб этиб турур. Эй ақли чошган шоҳ мен нимамга нома айтиб, соз чалайин...

Аммо ҳар ҳолда Давлатёрбек шоҳнинг раъйини йиқиши истамади, ўз дилидагилардин хабар бериб бир нома айтди:

Булбул хуррам бўлиб нечук сайрасин,
Богин хазон олиб, гулдин айрилса.
Бир ғўч йигит ғамгин бўлмай наиласин,
Фалак ситам айлаб элдин айрилса.

Ёз, ёмғирсиз кўрки бўлмас ерларнинг,
Чошиб ётса қадри бўлмас зарларнинг,
Ярашиғи бўлмас ҳаргиз нарларнинг,
Қатордин узилиб, сондин айрилса.

Йигитнинг давлати бўлса бошинда,
Отаси-онаси, ўғлин қошинда,
Йигитнинг қудрати тенгу тушинда,
Йигитда не сон бор андин айрилса.

Қўллари мухрли хону бекларнинг,
Магар Жамшид ўлур, ё Искандаринг,
Ярашиғи бўлмас ёлғиз бир нарнинг,
Қатордин адашиб, йўлдин айрилса,

Зулфлари зарафшон, тили саноли,
Юзи занахдонли, али хиноли,
Оқ гарданда тилло тумор миноли,
Алифдек қоматли ёрдин айрилса.

Давлатёрбек ҳақиқатдин май ичиб,
Ҳаққа восил бўлиб, саридин кечиб,
Шариат, тариқат маъносин очиб,
Шояд нафси шайтон мендин айрилса.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Оғамуҳаммад шоҳ айтди:
-Эй, Давлатёрбек, сенинг инжилган ҳолатларинг кўпга ўхшайдур. Эрса кел, сипоҳийларим сени иззат-хурмат этсинлар, амал берсинлар, яхши бир қиз ҳам олиб берсинлар.

Давлатёрбек, сира ҳам қолажакми, индамай ўлтира берди. Шоҳ давом этди:

-Хов, Давлатёрбек, жавоб бермайсен, не яна кўнглингда иккиланиш борму? Мен ёлғон **мират** этаётганим йўқ, не дединг, қолурмисен?

Давлатёрбек айтди: -Эй қиблайи олам, қол-қолни кўп айтдингиз. Мен сизнинг элда не нарсага қувониб қолайин. Сипоҳийларни менга ўтказган зуғумлари учунму, неча йиллаб зинданда ётганим учунму?

-Ха, нега қолмайдурсен, юрт берсам, покиза қыз олиб берсам, амал берсам, яна сенга не керак. Не сенинг юртинг мундин аълодурму, ҳалиям қолақол, Давлатёрбек.

Оғамуҳуммад шоҳнинг бир қайғуси шул: Давлатёрбек мундин борур, дам-тинчини олур, ўзини ростлар, янада бир тўпор жангарилари атрофига тўплаб, тинчимни бермас. Бул ерда бўлса, кўз олдимда бўлур, сал оёғини қийшиқ босса, бошини олурмен...

Давлатёрбек шоҳнинг бул ўй-фиқрларини ичидин ҳис қилур эрди.

-Мен қолмайдурмен қиблайи олам! Сабабини сизга айтдим. Эмди соз бирлан баён этурмен, деб Давлатёрбек қўлиға созини олиб, бир нома айтди:

Шарҳ айласам шоҳим, бизнинг диёри,
Кўр, қандай таажжуб эллари бордур,
Булбулни маст этур боғи-чор боғи,
Фирдавс Райхонли гуллари бордур.

Лашкарлари бордур дастама даста,
Юлдуз каби чақнар баланду пастда,
Юз туман харж этур ҳар бир мажлисда,
Султон Ҳусайндек беклари бордур.

Улуғ кичик томошага чиқурлар,
Болалари юриб **бўка** тутурлар,
Дорбоз ўйнаб, олтин қовоқ отурлар,
Минг туман байроқли тўйлари бордур.

Урганч бирла Хива, Кўнғирот эллари,
Ахалу Гургону Чандибеллари,
Мева-мастон тўла **отиз-челлари**,
Хотамдин сахијроқ эрлари бордур.

Орқа доғи Шоҳимардон пирлари,
Така, йўмит, гўкланг, солир эллари,
Қиличидин қон оқизур шерлари,
Гўрўғлидин **ўқта** нарлари бордур.

Қиз жувони турфа, бодом қабоқли,
Юзи менгли, қизил олма янокли,
Лаъли-маржон, ақиқ янглиғ сақоқли,
Қандай асал ширин тиллари бордур.

Подшосин десам ажаб шаҳзода,
Нўширавон Одилдин **сад** зиёда,
Бахромдин ҳайбатли, Рустам сифатда,
Ҳазрати Юсуфдай хонлари бордур.

Шоҳим, Давлатёрнинг асли Қўнғиротдур,
Гўрўғлидин, Юсуфбекдин зиёддур,
Иқболи йироқдур, толеъи ётдур,
Жисмида сад ҳазор армони бордур.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Оғамуҳаммад шоҳ шеърнинг маъносини англаб ўлтириди. Ул айтди:

-Поҳ-поҳ, қум босиб ётган бир юртини шунча таъриф этди. Юртинга ихлосинг юқори эркан, элинг ўзинга насиб этсин.

Шундин сўнг Хўжакелди сардор, Давлатёрбек, Абдибек, Маъруфий, Сайдмусо ва барча йигитлар карвонсаройга келиб, кўч-кўлонларини йигиб, зинданбон бобога ҳам кўп совға-саломлар, саруполар бериб, хўшлашиб, қалъадин чиқиб қайта бердилар. Алар неча манзил йўл юриб Боло кўхи тоғига етиб келдилар. Шул ерда дам-тинчини олишга ўтираётганда бир тўзон кўринди. Кўрсалар қизилбошларнинг Ўткирхон деган бир хони от қувиб келаберди. Бориб кўрсалар ул:

Давлатёрбек Сарқуш отини, енгиб олган олтин-кумуш, саруполарини бериб, кетсин, йўқса майдонга чиқсин, деди. Йигитлар бундин Давлатёрбекни хабардор қилдилар: Давлатёрбек: -Ўткир хонга от сарупо керак бўлса берайин, деб отини миниб олдига чиқди. Ўткирхон ҳам саф тортиб турибди. Бунга Давлатёрбекнинг қахри келиб, бир нома айтди:

Қизилбошнинг Ўткир хони,
Кўришали сизинг бирла.
Алининг ола майдони,
Турушали сизинг бирла.

Майдонда қоровул боши,
Мушкул бўлур анинг иши,
Бўри бирла қўй уруши,
Бўлғай бугун сизинг бирла.

Неча вактдур лоф этдингиз,
Кўрмай ботирлик сотдингиз,
Отни хорлатиб етдингиз,
Санчишали сизинг бирла.

Келсин шоҳнинг хон-тўраси,
Кўринмас бурун қораси,
Кескир қиличнинг яраси,
Тушсин боша сизинг бирла.

Давлатёр ўйинин кўринг,
Юз бўлиб юзма-юз туринг,
Келинг, қўрқманг, отни суринг,
Савашали сизинг бирла.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Шу турган жойидин қизилбош устига от суриб ўта кетди. Азал ҳам қони қайтаб юрган Давлатёрбек қиличини ҳар сармаганда каллалар юмалаб кетиб турибди. Кимни урди, кимни санчди, кимни отдин ағдарди. Шул боришида Ўткирхон юзма-юз келди. Буни кутмаган Ўткирхон отини изига буриб қочмоқ бирлан, Давлатёрбек Сарқуш отида қувмоқ бирлан бўлди. Сарқуш йилдиримдай суниб, анинг изидин етди.

Давлатёрбек анинг орқасидин қилич солди, **топ монғилдоқ** отиб ерга парч бўлди. Бир тошни қучоқлаб ёта берди. Давлатёрбек айтди:

-Эй йигитлар хонни адашмайдиган этиб юртининг йўлини кўрсатиб юбаринг!

Йигитларга бул сўз тушунарли. Шул боис улар югуриб бориб, Ўткирхонни тутиб, қулоқ-бурнини кесиб, отига терс миндириб, узатдилар.

Йигитлар яна йўлга равона бўлдилар, йўлда ов-шикорни ниятлаб, тоза бир дарбандин ўтдилар. Йўлда Давлатёрбекнинг яхши қўрадиган бир тоғи бор эрди. Отиға Саман тоғи дер эрдилар. Ул тоғ узоқдин қора бериб қўрина берди. Давлатёрбек Саман тоғини қўриб, илло ўз элати, дўсту ёрлариға қувушгандай бўлиб, кўнгли жўшиб, тўлиб-тошиб бир нома айтур бўлди, кўр боқ, неларни деди:

Неча вақтлар кўришмадик,
Эмди кўришайлик, тоғлар.
От солишиб юришмадик,
Эмди юришайлик, тоғлар.

Неча йил душман алинда,
Тоғ-дуз тамом бўш қоланда,
Ғаним устунга келанда,
Яна довушали, тоғлар.

От солиб давронлар этдим,
Ғанимларнинг қўлин чатдим,
Соянгда салқинлаб ётдим,
Булоқ, сарчашмали тоғлар.

Омон-эсон мундин борсам,
Қараб томошани кўрсам,
Устингда мажлислар қурсам,
Сен айла, томоша тоғлар.

Юз ғаним юзма-юз турса,
Тўп отиб қалъа-а урса,
Давлатёр бир саваш курса,
Кўз келар қамаша, тоғлар.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Йигитлар Саман тоғи салқинида дам-тинчини олиб. Ов-шикор қилиб, яна ўтиб юра бердилар. Юра-

юра бир майдонга чиқдилар. Бу ерда катта йўл бор бўлиб, андин бозиргонлар ўтур эрдилар.

Шул вақт қибла тарафдин бир карвон кўринди. Теварагида 360 отлик навкарлари бор. Улар шу ерда туриб, бу ёққа бир отлик юбардилар. Отликлар келиб Давлатёрбекка:

-Хов, бек йигит, бозиргон бошимиз айтдики, биз ўтиб кетгунча ўрнингиздин қимирламай туур эркансиз, агар бирингиз қимирласангиз, барингизни қиличдин ўткарур эрканлар. Колган гапни ўзингиз ўйлаб кўринг, деб шул заҳоти отини буриб суриб кетди. Давлатёрбек Хўжакелди сардорга:

-Бизни булар йўл тўсар, қароқчи деб ўйладилар-ов, деди. Булар шундай деб турганда карвон тарафдин яна бир тўп отлик келаберди. Улар яқин келгач, қарасалар от устидаги одамлар беўхшов, баҳайбат бир тоифалардур. Мўйловлари бир қарич, ўзлари қоп-қора. Биттаси аниқ ҳабаши бўлиб, қора бир маҳлуққа менгзайди. Ул буларнинг бошчиси бўлса керак, келиб салом йўқ, алик йўқ, йигитларнинг ташқарисини халқа қилиб айлана берди. Давлатёрбек буларга бир-икки оғиз сўз айтай, тушунсалар тушунарлар, йўқса “Танимасни сийламас” йўнинда бир иложини кўурмиз деб:-Хов, араб ўғли, тингласанг, бир-икки оғиз сўз айтаман, агар тўғри туриб тингласанг айтурмен йўқса ўйин-томошани бошлайверамиз, деди.

Араб ўғли Давлатёрбекнинг сўзларидин унинг **ўсал** одам эмаслигини сезди ва сал юмшади ва айтди: -Ха-ха, фойдали сўз бўлса айт, деди.

Анда Давлатёрбек қўлига созини олиб, араб ўғлига қараб бир нома айтди:
Сен ўйлаган кишимасмен,
Араб ўғли, араб ўғли.
Ғаним кўрсам шердек мастмен,
Араб ўғли, араб ўғли.

Олурмен тандин жонингни,
Тўкурмен қизил қонингни,
Билмирам бешу ўнингни,
Араб ўғли. Араб ўғли.

Эмди мендин сабр кетди,
Даврон ўтди, вақт етди,
Айтган сўзинг жондин ўтди,
Араб ўғли, араб ўғли.

Шамширни олсам алима,
Имонинг келур тилинга,
Қилич солурмен белинга,
Араб ўғли, араб ўғли.

Давлатёр дер, рози бўлдим,
Бугун мен ҳам ғозий бўлдим.
Ё сен ўлдинг, ё мен ўлдим,

Араб ўғли, араб ўғли.

Давлатёрбек сўзини тамом қилди. Араб ўғли буни эшитиб, отдин тик ташлаб, югуриб келиб айтди:

-Эй, оға! Гуноҳимдин ўтинг хато қилдим. Мен сизни йўл уриб юрган қароқчи гумон қилдим. Аммо янглишибмен. Бул газик мени бағишланг, қайтиб бул ерда қорамни кўрсатмаймен, тилингизга қурбон бўлайин, оға, урсангиз уринг, сўксангиз сўкинг, ўлдирмасангиз бўлди, деб ер ялаб ёта берди, зангар.

Бозиргон тоифасида юрак йўқлигини Давлатёрбек билганидин, буни хўрламайин, деган ўйга борди ва: -Эрса, кўзимдин йўқол, деди. Араб ўғли зингиб бориб отига минди ва изига қараб ўта кетди.

Алғараз, андин сўнг йигитлар яна йўлга равона бўлдилар. Шул кетишида Арқачга икки кунлик йўл қолганда, йигитлардин бирини суюнчилишга юбардилар. Ўзлари бўлса, манзилма-манзил, салқинма-салқин, ов-ишкор қилиб, мажлис қуриб, ўйин-томушалар бирлан келабердилар. Икки кун ўтиб, учинчи кун деганда Арқач қалъасига яқин бир баланд тоғ бор эрди, шул ерга етиб келдилар. Кўрсалар, Арқач тарафдин бир тўзон пайдо бўлди.

Йигитлар ўйладилар: Ё раб, бул не бўлди, қизилбошларму, ё Хива хони қўшиниму, ё ёмғир ёғиб дўл келдиму? Кўрсалар оқ от устида Маматжон сардор, изида эл-улус одамлари етти яшардин етмиш ёшгача ер сушгандек сушиб келаётир. Шул ерда Давлатёрбек элнинг оқсоқол-катхудоларига, лашкару саркардаларга қараб, қайнаб-жўшиб бир нома айтди:

Неча йил зинданда ётдим,
Келинг, жонлар, кўришали.
Дўсту ёрни орзу этдим,
Келинг, жонлар, кўришали.

Узун бармоқ, тилло узук,
Ҳар қўлда қўш билак узук,
Бўйи узун, бели нозик,
Келинг, жонлар, кўришали.

Сурмали ул қора кўзлар,
Қора холли, норинж юзлар,
Парисифат келин-қизлар,
Келинг, жонлар, кўришали.

Сизни кўриб қўп куйганлар,
Ишқа тушиб ёр суйганлар,
Бахмал, зарбофлар кийганлар,
Келинг, жонлар кўришали.

Ўтди, неча муддат ўтди,
Нечалар мурода етди,
Давлатёрбек истак этди,
Келинг, жонлар, кўришали.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Арқач элининг барча эл-улуси келиб, бир-бир Давлатёрбек бирлан кўришиб, “кўз ойдин” айтишиб, соғлик-омонлик сўрашдилар. Сўнг барчаси қўшилиб Арқач қалъасига равона бўлдилар.

Қалъага бир манзил юрганда Арқачнинг боғ-роғлари думондай қўзга ташлана берди. Давлатёрбекнинг юраги гупиллаб уриб, севинчдин кўзига ёш энди. Давлатёрбекнинг келгани барчага аён бўлгандин сўнг, қалъада тўй дабдабаси бошланиб кетаберди. Эл-улус жўшиб, этми, бурунчми, ёғми, нуқул-новвотми, чой-чилимми, топган нарсасини келтириб уя берди. Қиз-келинлар безангунчаbezаниб, кийингунча кийиниб, тақингунча тақиниб, соchlарини ўриб, ўзини ойнада кўриб, тароқ бирлан тараб, бир-бирига қараб, зулфларини ёғлаб, йигитлар кўнглини доғлаб. Бошларида олтин қубба, эгнида зарбоғ жубба, аравак, сирғалар осиб, бир-бир қадам босиб тўй остонасига келабердилар. Йигитлар ҳам отларини пардозлаб, қуйруқларини туғиб, тилла қошли эгар солиб, олтин сув берилган юганни уриб, шайдана бердилар. Ўзлари бўлса, кайфни чоғлаб, қўшбоғларни боғлаб, этикларни ёғлаб, телпакларни силкиб-қоқиб, белларига ханжарни тақиб, бир ёқни эгалладилар. Оқ уйларни баланддин тиклаб, ғоли-палосларни қатма қат тўшаб, ёстиқларни қўшадин қўйиб, қиз-келинлар уй теварагига сув сепиб, уй тўрини сал тиклаб, шамолга йўл очиб, тайёрладилар. Сўнгра ишларни саранжомлаб, тепага чиқиб қарасалар, Давлатёрбек теварагида сардор-саркардалари, оқсоқол-катхудолари, пир уламолари, ёр-дўйстлари бирлан йўлга сиғмай келаётir. Олдинда Сарқуш отнинг устида кенг эйинли, қотма бўйинли, фаришта юзли, нуроний кўзли, сарвдай қоматли, боқишлиари кароматли Давлатёрбек келаётir, кўрмоққа кўз керак, оти Сарқуш бўйинни тикиб, ёлларини силкиб, туёқларини бир-бир ташлаб, отларни олдинга бошлаб, ҳар замон кишинаб, жўшиб-қайнаб, юганини чайнаб, бўкиб ўйнаб келаётir. Алар то келгунча соз чалиб, айтим айтиб, от чопиб, милтиқ отиб, ола шовхум бирла келиб, қалъага кирдилар. Шул замони жарчилар устма-уст қичқира бердилар:

-Кўзингиз ойдин, эллар, Давлатёрбек келибдур. Маматжон сардорнинг кўз ойдин учун етти кунлик тўйи бор, сахардин туриб келаве-е-е-ер!

Эртаси тонг сахардин меҳмонлар кела бошлади. Бул тўйга етти иқлимдин одам йигилиди. Бовард, Сарахс, Мари, Хоразмнинг барча қалъаларидин, Туркистон, Ҳиндистон, Қошғар, Хўтан, Балху Бадаҳшон, Рум-Арабистон, Усмонли подшолиғидин меҳмонлар изи узилмай келаберди. Астрободу Манғишлоғу Кўнгиротдин танишлар ташриф бујордилар.

Қалъанинг ичи-деши тўлиб кетди. Сар этсанг оқсоқоллар бир тараф, мурти тоб берганлар бир тараф, қиз-жуонлар чўғ бўлиб ёниб бир тараф, тўпор-тўпор бўлишиб, тегишиб-кулишиб, халқа-халқа, давра-давра бўлиб ўтирибдурлар. Маматжон сардор етти кеча-кундуз тўй берди. Ноn дегана ноn, тўн дегана тўн, танга дегана танга берди, от чопдирив, олтин қовоқ оттириб, кураш тутдириб, бахши айттириб, дорбоз ўйнатиб элга хизмат қилди. Ким тўн пойласа, ким телпак пойлаётir, ким этик, ким қўшбоғ, алғараз ҳар ким бир ишда. Давлатёрбек ҳам ўз йигитлари бирлан оқ уйда ўлтириб, даврани кенгдин курдилар, еб –ичиб, шовхум осмонга чиқаётir.

Ўлтирганлардин бири айтди:

-Эй, Давлатёрбек, еган-ичганинг ўзингники, кўрган-кечирганларингни айт!

-Мен не гулинг берайин?

-Ахир сен неча юртларни кездинг, ул ерларнинг гўзаллари бизникидин ўқтадурму, не яхши, не ёмон шуларни айт. Давлатёрбек:

-Эй йигитлар мен буни соз бирлан айтай, деб дуторини алина олиб бирғазал айтди:

Эй ёронлар халойиклар,
Чин гўзал қизлар қандадур?
Кун кўрмаган малойиклар,
Урганч бирла Хўтандадур.

Устига баҳмал ёпдирган,
Юзина парда тутдирган,
Ҳар на деганин этдирган,
Нозли марал Бухордадур.

Ола куйлак тўни балли,
Сочи қора, узун талли,
Баланд бўйли, сужи тилли,
Мулойимлар ўзбекдадур.

“Алай-шулай” дейиб сўзлар,
Йўрға миниб, йилқи кўзлар,
Сағриси беш қарич қизлар,
Қозоқ бирлан қалпокдадур.

Давлатёрбек дер, сўймали,
Ёқаси қўша туймали,
Боши тиллодин эймали,
Чин гўзаллар туркмандадур.

Давлатёрбек сўзини тамом этди. Йигитлар Давлатёрбекнинг ҳазил айтимларидин хушвақт бўлиб, шовқин солиб, кулишиб, тўй дастури давом этди. Уч ҳафтадин кейин узоқдин келган меҳмонларга рухсат берилди. Маматжон сардор меҳмонларга совға-салом, сарупо бериб, хуш келдинг, сафо келдинг айтиб узатди. Давлатёрбек ҳам Арқач элида йигитлари бирлан овшикор этиб, кайфу сафода юра берди.

Орадин бир қанча йиллар ўтиб кетди. Кунлардин бир кун Давлатёрбек уйқудин туриб, элдин чиқиб, саргардон юрган йилларини ҳисоблаб кўрса, топпа расо 30 йил бўлибдур. Қўнғиротнинг қанча катхудолари, ўзининг онаси боқий оламга кетди. Ўчоқ бошида икки букилган Ҳумойхон қолиб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб Давлатёрбекни йўлига кўз тикиб ўлтирибдур. Давлатёр Арқач элига бир назар ташлаб кўрса, на Маматжон сардор, на Хўжакелди сардор, на Абдибек бариси боқий дунёга сафар қилибдурлар. Ўзининг ҳам

аввалги куч-қудрати йўқ. Тиздин қувват, белдин мадор кетган. Кўздин нур кетиб, юрган йўлини зўрға кўради. Давлатёрбек ўйлаб-ўйлаб ёнига Сайдмусони чақирди:

-Эй, Сайдмусо, менинг шу кунлар **урим** йўқ.

-Не бўлди, оға!

-Ётсам йигитлар тушимга киради.

-Не қилурмиз, шунда.

-Агар маъқул топсанг, авлиёга бориб, йигитларнинг қабрини зиёрат этайлик. Сайдмусо тездин отини чиплоқ эгарлаб келди.

Давлатёрбекни хам бир отга миндирди. Яна бир-икки йигитларни олиб, қалъадин чиқиб кетабердилар. Сайдмусо Давлатёрбекнинг изидин бораётиб, анга син солди. Аввалги Давлатёрбек эрмас. Авваллари Сарқушни миниб, бошини баланд кўтариб, тоғларга виқор бирлан боқиб: отини бўқдириб-ўйнатиб кетур эрди. Эгнида зарбоф тўн, бошида силкма телпак, белида қўшбоғ, камарида ханжар, қилич, эгнида садоқ, қўлида найза. От устида ғоли хўржин, бир кўзи тўла озиқ, бир кўзи олтин-кумуш эрди.

Хозир эрса, остида девонанинг эшагидай бир ёби, зўрға қадам босади. Давлатёрбекнинг ўзи бир қисм бўлиб қолган, соқоли оппоқ, бели букилган, кўзи маъносиз боқади, индамай ўй суриб бораётир.

Сайдмусо буни кўриб: “Эй фалак, сенинг сўнгинг пуч экан-ов”, деб қўйди.

Давлатёрбек шериклари бирлан авлиёга борди. Ана Маматжон сардор, сал орида Хўжакелди сардор, Абдикеқ, тупрокқа қоришиб ётибдурлар. Давлатёрбек аларнинг ҳар бирининг мозорига бориб, оят ўқиди. Сўнг туриб отланмак бирлан бўлди. Икки кўзидин мунчоқ бўлиб, ёш тўкилди. Йигитларини изига солиб, отни хайдади. Йўл бўйи секин овоз бирлан бир номани айтиб бора берди.

Аввалда йўқдин бор бўлиб,
Одам жисми жона етди.
Қатрадин вужудга келиб,
Бу фоний жаҳона етди.

Бир ёшида кўзни ёшлаб,
Икки ёшда қадам ташлаб.
Сўз тингламай ғавғо бошлаб,
Оғзи оша-нона етди.

Уч ёшинда ширин тилдир,
Тўртида шайдо булбулдир,
Беш ёшинда қизил гулдир,
Олтида ҳар ёна етди.

Етти ёшда мактабхона,
Кезар гўё бир парвона,

Китоб ўқиб қона-қона,
Бир ажойиб сона етди.

Саккизда тиши тушиб,
Түккиз ёшда куйиб-пишиб,
Қашдек қанот қоқиб-учиб,
Гүёки осмона етди.

Үнда ўқ-ёйни отишиб,
Үн бирда кураш тутишиб,
Үн түртда ишқа туташиб,
Бир тоза достона етди.

Үн саккизда отлар миниб,
Жисмига күч-қудрат эниб,
Үн түккизда ўқдай суниб,
Қўли тир-камона етди.

Йигирмада обрў топиб,
Ўзига оқ ўтов ёпиб,
Тўрт томона бедов чопиб,
Бир олий макона етди.

Йигирма беш балли ёшдир,
Тамом ишда кўнгил хушдир,
Дили Жайхун каби жўшдир,
Тоза бир ҳангома етди.

Ўттизида фил кучинда,
Қон қотмайди қиличинда,
Не кўтарса ал учинда,
Бир қуввати кона етди.

Йигитдир ўттиз бешинда,
Ўғли-қизи бор дошинда,
Коса тўлиб қирқ ёшинда,
Бир ақли камола етди.

Энар қирқдан қирқ бешина,
Оқ тушар соқол-сочина,
Орайиш бериб ишина,
Эллида ҳайрона етди.

Одам эллик беша келди,
Эл учун югурди-елди,

Супра очди, балли бўлди,
Магар давлат-сона етди.

Олтмишда тиши тўкилиб,
Етмишда бели букилиб,
Кўзина ғубор чекилиб,
Маънисиз даврона етди.

Ох урар саксон ёшинда,
Охират хавфи бошинда,
Ҳаловат йўқдир хушинда,
Умри бир гумона етди.

Тўқсон ёшда чиқди сондин,
Умиди узилди жондин,
Тилак тилади иймондин,
Фонийда зиндана етди.

Магар юзга кирса инсон,
Ажал ели эсар пинҳон,
Давлатёрбек топшириб жон,
Охирги макона етди.

Алқисса, Давлатёрбек мунгли номасини айтиб тамом қилди ва кўзидин милт-милт ёш оқди. Аста бориб қалъага кирдилар.

Кунлардин бир кун Давлатёрбек қаттиқ шамоллади. Аммо, тез ўтиб кетмади, бир ойдин ошса ҳам касал танани тарк этмади. Давлатёрбек айтди:

-Эй йигитлар, бул касаллик авваллари бир-икки кунда от устида ўтиб кетур эрди. Бул газик шамоллаш неча муддат ўтса ҳам мени тарк этмади. Агар маъкул топсангиз мени тоғ-дарага олиб чиқинг, балки тоғ ҳавоси даво бўлур. Йўқса кўнглимни ғам босаётир, деди.

Йигитлар тезда отларни тайёрлаб, Давлатёрбекни отга миндириб, тоғлар томон олиб бордилар. Ул жойда шикор этиб, қулай бир жой топиб, даврани кенгдин қуриб, еб-ичиб, майшат қуриб ўлтиридилар.

Давлатёрбек атрофни тамоша қилур эркан, йигитлик даври ёдига тушди. Хаёлида ов-овлагани, оқ уй тикиб ўлтиргани, чашма-булоқлар, булбулларнинг чаҳ-чаҳ уриб сайраб турганлари кўз олдидин бир-бир ўтди. Бирдан хушига келди қараса, йигитлар даврасида ўлтирибдур. Шунда Давлатёрбекнинг кўнгли бузилди, ичидаги дардини тоғларга баён қилиб, бир нома айтди:

Эгри-эгри жилғалардин йўл ясад,
Ошур эрдим неча-неча тоғлар, ҳей.
Жубба, **жавшон** кийиб бедов хорлатиб,
Чиқур эрдим сўлу бирла соғлар, ҳей.

Шикор айлаб кийик, қулон тутардим,
Ёйни тортсам хут кўзидин отардим,

Майса узра майлар суниб ётардим,
Даврон ўтди, хазон бўлди тоғлар, ҳей.

Баҳор кетиб, гуллар фасли сўлонда,
Ёш айланиб, паймонаси тўлонда,
Тиш тўкилиб, беллар буқр бўлонда,
Эсга тушур ўшал ёшлик чоғлар, ҳей.

Давлатёрбек неча давронлар сурдим,
Яхшини –ёмонни кездим-да кўрдим,
Қаридим, букилдим, йиқилдим, турдим,
Биздин даврон ўтди дилни доғлар, ҳей.

Алқисса, Давлатёрбек сўзини тамом этди. Йигитлар айтди:

-Эй Давлатёрбек оға! Маъюслик тортманг, кўнгилни чўқтирманг!

Аммо, Давлатёрбек ҳеч индамади. Ўз фикри бирлан бўлиб, ўйга чўмиб ўлтириди. Йигитлар ҳайрон бўлиб, турли фикрларга кетдилар. Шул ўлтиришда Давлатёрбек туш кўрди. Тушида пири келиб айтди:

-Хов, Давлатёрбек, не маълул бўлурсен, ўлмак, қаримоқ тақдири азалдур. Сенинг қиёмат, охират ҳақида ўйлашинга ҳали вақт бор. Сен эмди эл-юртинг ҳақида ўй-фикр юрит. Киндик қонинг томган Қўнғиротга бориш ниятинг йўқму? Отанг онанг қабрини зиёрат қилмайсанму?

Ҳумойхонинг ул ерда бетобдур, анга раҳм-шафқатинг йўқму? “Товшанга туғилган тепаси”, демишлар, деб пири қўздин ғойиб бўлди. Давлатёрбек тискиниб уйғонди. Қараса ҳеч ким йўқ. Йигитлар ов-шикордин қайтиб келаётирлар.

Давлатёрбек айтди:

-Эй йигитлар пиrimiz тушимизга кирди!

-Эй, оға жуда яхши бўлибдур, эгиликка буюрсин!

-Эмди йигитлар, хайрлашсак ҳам бўлур, мен ўз элимга кетайин. Ота-онам мозорини зиёрат этайн. Ҳумойхон ёримфа, эл-улусимга қовушайин. Ким бор, ким йўқ, бориб билайн. Менинг бул ерда умрбод қолишим ақлдин эрмас.

Йигитлар айтдилар: -Эй оға, биз сизни бул аҳволда юбаришга қўрқурмиз.

-Йигитлар, қўрқманг. Аҳли олам ўзгарди. Иссиқ жонни сақлаб бўлmas.

Ажал истаса мени бул ерда ҳам топади, сиз мени йўлдин қўйманг, деди Давлатёрбек.

Йигитлар айтдики, бизга бир панд-насиҳат қилиб кетинг, дедилар.

Давлатёрбек йигитларга ўгит-насиҳатлар бериб бир нома айтди:

Мен сизга насиҳат айлай,

Доимо соғ-омон юринг.

Ўгит бериб сухбат айлай,

Ғанимга беомон юринг.

Номарда тушмасин ишинг,
Билдирмай синдирур тишинг,

Яхши одам кўнгил хушиңг,
Мудомо ёнма-ён юриңг.

Яхши киши фариштали,
Ҳар бир иши сариштали,
Ёмонларнинг иши балли,
Андин мудом дешон юриңг.

Уйингизга келса меҳмон,
Анга очинг кенг дастурхон,
Муханнасга оғритманг жон,
Қочиб андин пинҳон юриңг.

Йигитнинг бўлмаса оти,
Осмон йироқ, замин қатти,
Ботилдур этган нияти,
Отни миниб мардон юриңг.

Мард меҳмона юзин читмас,
Яхшилик йўқолмас, йитмас,
Муханнасдин бир иш битмас,
Андин қочиб, хандон юриңг.

Бахил емас тўйиб нони,
Уйга чақирмас меҳони,
Бир пул чиқса чиқар жони,
Ёнида безабон юриңг.

Яланғочга ёз яхшидур,
Кўп душмандин оз яхшидур,
Қари бўлсин, қиз яхшидур,
Килиб аҳду паймон юриңг.

Яхшилардин яхши дўрар,
Ўғри доим дошин карап,
Бир иш бўлса дўстдин кўрар,
Андин қочиб **комрон** юриңг.

Бошга бало тилдин келур,
Пинҳон сириңг ошкор бўлур,
Писмиқ ўзин кўздин солур,
Тилни тийиб, омон юриңг.

Шоҳларда адоват чўхдур,
Ишиндаadolat йўқдур,

Мард йигитнинг кўнгли тўқдур,
Анинг бирла даврон суринг.

Хайрингизни берсин Худо,
Бўлсин сизга жоним фидо,
Давлатёр дер, сўзим-адо,
Ҳамиша беармон юринг.

Давлатёрбек номасини тамом этди. Йигитлар анинг ўгит-насиҳатларини қалбига жо қилдилар. Йигитлар айтдилар:

-Давлатёрбек оға, бул панд-насиҳатларни то қиёматгача унутсак биз номард бўладурмиз. Давлатёрбек: -Омин, иншоолло, деди. Йигитлар шундин сўнг соз-сухбат бирлан Давлатёрбекни ҳам отга миндириб қалъага қайтдилар.

Давлатёрбекнинг Кўнғиротга кетиши хабари бутун Арқач элларига тарқаб кетди. Шул куни барча эл-улус Давлатёрбек бирлан хайр-хўш қилиш учун келдилар, анинг кетишини эшишиб хафа бўлдилар. Аммо эмди Давлатёрбекни қолдириш иложи йўқ эрди. Келган ҳар бир одам қўлида бир совға тутиб келди. Ким от, ким, тую, ким қўй-мол, яна кимдир саруполар келтирдилар. Совғалар тоғдай бўлиб кетди. Давлатёрбек бул совғаларни кўриб халойиққа айтди:

-Хов, жамоат, мендин яхши-ёмон ўтган бўлса рози бўлинг, бул иззат-сийлағингиз учун сизни Тангри ёрлақасин! Эмди сиз менга оқ фотиха беринг. Ўз эл кунимга бориб қовушайн, сизга юрт, бизга йўл насиб қилсин, деб ўрнидин турдилар. Ани йигитлар то қалъадин чиққунча қўлларида кўтариб бордилар. Шундай қилиб, халойиқ ўйин-кулгу бирлан, соз-сухбат бирлан қалъадин чиқдилар. Шул ерда Давлатёрбекни бир оқ бедовга миндирдилар. Яна 44 тўпни бирдан отдилар, ер ларзона келди. Давлатёрбекнинг бул ҳурматга кўнгли кўтарилиб, бул катта жамоа ва дўстлари бирлан хайрлашиб, бир нома айтди:

Армонли дузларим, ола майдоним,
От сурган жойларим, эмди қол эмди.
Кўнглимнинг суйгани ороми жоним,
Чашмалиchoхларим, эмди қол эмди.

Мунгли кунда бўлган менинг йўлдошим,
Рафиқим, маҳрамим, яқин қўлдошим,
Гўв шутгир, ҳамдамим, яна Сарқушим,
Таъсирсиз, хийласиз, эмди қол эмди.

Бор эрди тоғларни титратган кучим,
Олурдим лаҳзада ғанимдин ўчим,
Сенсен ёвни адo қилган қиличим,
Бекларга топширдим, эмди қол эмди.

Оқ киравка, совут ожиз ёнинда,
Юз туман қиммати бордур қининда,

Аждархонинг захри бордур танинда,
Йитти тилли ханжар, эмди қол эмди.

Алқисса, Давлатёрбек номани тамомлаб, Арқачнинг эл-улуси бирлан хайрлашмоққа тутинди. Ҳар бири бирлан хўшлашиб, отига минди. Ёнида Сайдмусо ва 40 йигит қўшилиб йўлга равона бўлдилар. Давлатёрбек қараса, катта карвон, туя, мол, қўй, йилқи сури-сури бўлиб йўлга тушибдур.

-Хов, йигитлар, шул карвондин хабар олинглар. Балки Кўнғиротға борса, қўшилиб кетайин, деди Давлатёрбек. Анда йигитлар акобири айтди:

-Эй, Давлатёрбек оға, ул карвон эрмас.

-Эрса, недур?

-Ул Арқач элларининг сизга хурмат-иззат йўнинда берган совға-саломларидур.

-Йигитлар, бул сўз ўйинми, чинми?

-Чиндур, Давлатёрбек оға.

-Тез бориб карвонбошини бул ерга чақириб келинг. Кўзим бирлан кўриб, қулоғим бирлан эшитмасам, ҳаргиз ишонмайдурмен.

Тезда йигит ёбини миниб бориб, карвонбошини олиб келди. Ул икки чўпонни ҳам олдига солиб келди.

Давлатёрбек айтди:

-Хов, йигит, сенга ким дерлар?

-Манго Мирали дерлар.

-Коринг не?

-Чўпонлик.

-Нера бораётиран?

-Кўнғиротға, оға.

-Эрса, моллар кимники?

-Давлатёрбекники оға.

-Чинингму ё алдаб турибдурмисен?

-Волло чиним.

-Давлатёрбек ўйлади: туркман”Волло” дедими унга ишонмай бўлмас. Демак, моллар бизга аталмиш. Сўнг чўпонга қараб айтди:

-Хов, Мирали, ростини айтдинг, яхши бўлди. Санго менинг бир гапим бор. Сен бир сидқи тамиз йигит эркансен, шунинг учун шул сурининг ичидин 100 қўй сеники бўлсин.

-Эй оға, ҳазил-мазах қилманг, сиз буларни бериш учун Давлатёрбекдин рухсат олинг.

-Мун шул Давлатёрбекнинг хут ўзимен.

-Ундан бўлса, қуллуқ, оға қуллуқ! Умримиз қуму тоғда кечгандин сўнг сизни кўрмабмиз, хизматингизга қуллуқ! Эрса, буларнинг қолганини не қиласийн?

-Қолганининг teng ярми Сайдмусоники, қолганини етим-есирларга тарқат!

Сайдмусо айтди:

-Давлатёрбек оға, бундай қилманг, эл-кўп гап қилур.

-Эй Саидмусо, мен бул ерга мол-туя, қўй-қўзи учун келмаганмен. Агар сен мени хафа қилишни истамасанг, буларни ол!

Буни эшитиб, Саидмусо жим қолди.

Давлатёрбек айтди:

Эй, Мирали, мол-қўйнинг бошини изга бур, Карвонбоши, сен ҳам эшит, орқага қайтингиз! Сал ўтмай карвон Арқач тарафга энди. Сўнгра Давлатёрбек отини Кўнғирот томонга бурди. Хуросондин Хоразмга бораётган карвонга қўшилиб йўлга равона бўлдилар. Неча манзил йўл юриб, Ўрта қуи деган ерга бориб етдилар. Бул ерда бир кечা ётиб, эртаси **тонг соз берган** вақтда яна йўлга тушдилар. Шул ерда Давлатёрбек оти бошини буриб тураберди.

Йигитлар айтдилар:

-Не бўлди, Давлатёрбек оға!

-Гап шул. “Узатгандин йўлдош бўлмас”, сиз эмди қайтинг.

-Йўқ, бўлмас, оға!

-Шуни бўлдирайлик!

-Асло бўлмас, оға. Биз сизни Кўнғирот қалъасига киритмагунча қайтмайдурмиз. Шунда Давлатёрбек йигитларига қараб бир нома айтди:

Фалак бизни айролиққа солибдур,
Висол қайси ҳижрон қайси билманам.
Иқбол нишонаси ғайри дўнибдур,
Фойда қайси, зиён қайси билманам.

Рақиб иддаоси келиб етибдур,
Энди бошдин ошиб жонга ўтибдур.
Дўстлардин шафоат буткул кетибдур,
Яхши қайси, ёмон қайси билманам.

Мард ёвдин орини олмасдан қолмас,
Савашда муханнас майдона бормас.
Мардлар жангга кирса ҳеч тенги бўлмас,
Замин қайси, замон қайси билманам.

Майдон ичра Рустам каби ҳайбатли,
Филдай шижаатли, арслон сифатли,
Эл-куннинг ичиди иззат-хурматли
Эҳсон қайси, иймон қайси билманам.

Кўнглимни боғладим йўрға от билан,
Ишим бўлмас олтин-кумуш, зот билан.
Душманни қайратиб енгдим, мот билан
Сайрон қайси, вайрон қайси билманам.

Олдимдан учибдур кўлнинг сўнаси,
Бола не хаёлда, билмас онаси,

Шикорда қувладим кийик подасин,
Марал қайси, жайрон қайси билманам.

Ғанимни ўлдирдим Сарқуш от учун,
Қилич урдим дўстлар учун ёт учун,
Давлатёр дер, беш кун омонат учун
Давр қайси, даврон қайси билманам.

Давлатёрбек бу сўзларни айтгандин сўнг йигитларига қараб айтдики, Қўнғиротдин мени сиз олиб келмагансиз, андин сўнг айтсак, Давлатёрбекнинг отда ўлтиришга, ўз йўлини ўзи топишига мажоли етади. Қолаверса, мен якка эрмасмен. Йигитлар атрофига назар солдилар. Бирдан кўзлари олдида, тоғ бағридаги эгнида оқ тўн, оқ салла, оқ от минган бир кишининг тургани маълум бўлди. Ул киши Давлатёрбекка бир ишорат қилиб, аста орқасига томон юра бошлади. Йигитларга бир нима аён бўлгандек бўлди. Сўнгра йигитлар отдин тушиб, бир-бирдин келиб, Давлатёрбек бирлан хайр-хўш қилдилар.

Шундан кейин, Давлатёрбек отни суриб, оқ отли кишига қўшилиб, юзларини қибла томонга буриб, кўздин ғойиб бўлдилар.

ГУЛ ВА БУЛБУЛ

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор, муҳаддисони достони бўстон, сухани қўҳан ва хушчинони хирман, суханро бесухан зам кунед, порайи аз хуни жигар кунед.

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда Турун заминида Носир отлиғ бир подшо бор эрди. Одилликда анга олам подшоси баробар келмас эрди. Аниг фарзанд нишонаси йўқ эрди. Бу армонли дунёдин бефарзанд кечдим, деб нолаю афғон қилур эрди.

Кунлардин бир кун подшоҳ ҳарамхонасиға кириб кичик аёли бирла машварат қуриб ўлтириди. Биз бул молу дунёни ким учун йиғдик, молу мулким, тожу тахтим бегоналарга қолғуси, деб авлиё-анбиёларга ёлбориб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, аёлининг тиззасиға бош қўйиб кўзи иркилди. Эрса ухлаб ётиб сахар вақти бир туш кўрди. Тушида бир боғ ичида ўлтириб эрди. Кўрса, бир қизил гул очилиб, аниг бутоғида шакли хўб, хуш мунаққаш, **хуш алхон**, хуш овоз тонг булбули чаҳ-чаҳ уриб, сайраб турур эрди. Подшо ул булбулни қўриб, вахти хуш, қўнгли чоғ бўлиб, аниг завқу томошосидин шоду хуррам бўлиб, сасидан **тискиниб** уйғонди.

Анда аёли: Эй подшоҳим тушингда не аҳвол қўрдинг, хабарингни бергил, деди. Шунда подшоҳ зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб қўрган тушини баён этди:

-Ногоҳ бир туш кўрдим. Бир боғнинг ичида ўлтуриб эрдим. Бир қизил гул очилиб, ул гулнинг бутоғида хушсурат, хуш овоз, хуш забо тонг булбули сайраб туриб эрди. Аниг завқу томошосиға ақли ҳушим хайрон бўлиб ётиб эрдим. Ногоҳ ул булбулни тутиб олиб қўйнимға солдим. Аниг сасига тискиниб уйғондим, овози ҳануз қулоғимдин кетмас.

Анда аёли айтди:

- Эй подшойи олам, яхши туш эркан. Қора тоғнинг кавагида бир тарки дунё қилғон **пирмарди-обид** бор туур, анга бориб тушинг таъбирини баён қилдиргайсен. У тушингнинг баёнини бир-бир айтур. Эрса подшоҳ бу сўзни эшишиб, намози бомдодни ўқиб, қирқ туюга молу дунё юклаб, ўн отға симу зар босиб, қаршидаги қора тоғга қараб равона бўлди.

Алғараз подшоҳ оз-юриб, кўп юриб, ул тоғ **канориға** бориб етди. Отдин тушиб тоғ кавагиға кирди. Кўрарким, анинг ичинда бир Обид ўлтурмиш эрди. Подшоҳ анга рўбарў бўлиб:

-Ассалому алайкум, эй валиулло, деди. Обид алик олди. Соғлик-омонлиқдин сўнг Обид деди:

-Эй подшоҳ сен киму бу қоронғу ғамхона ким, не мақсадда келдинг, хабарингни бер.

-Эй валиулло, деди подшо, олиб келган инъомларини анинг олдиға қўйиб, сахар вақти бир туш қўрибмен, анинг таъбирини сўрайин деб келдим. Эрса Обид:

-Кўрган тушингни баён этгил, деди. Подшо тушини бир-бир баён қилди. Анда Обид:

-Ҳай-ҳай, подшо, тушинг муборак бўлсин, бир ғаройиб туш қўрибсен, тушингнинг таъбири бул туур:

-Сен эмди бу ердин дарҳол вилоятинга борғил, кичик аёлинг бирла кечани ўтказ, иншоолло Худойи таоло сенга бир ўғил ато этгай, отини Булбул қўйғайсен. Ул ўғлон етти ёшиға борур. Шул ёшида бир пари қизға ошиқ бўлур, кўп йиллар анинг изида кезур, машаққатлар бирла муродига етур, бундин зиёдасини Худо билмаса, ўзга одам билмас, деди.

Анда подшо:

-Эй валиулло, шу тушим, шу таъбиринг тўғри келиб, ўғлим бўлса, санго 40 от-байтал ниёз қилдим, деди. Сўнг обиддан фотиҳа олиб, подшо уйига равона бўлди. Йўл юриб, мўл юриб саройиға келди, гулгун ҳарамиға кирди. Ул кеча кичик аёли бирла суҳбат қурди. Эрса аёли ҳомилали бўлди. Алқисса тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа ўтиб, подшонинг бир ўғли дунёға келди, гулгун юзли, кора қўзли, боқишилари хуршиди ховар, жуссаси симу зарга баробар. Подшо вақти хушлик бирла етти иқлимга от, яқинларга хат йўллади, **дабарали** тўй яроғин тутди. Қирқ кеча-кундуз тўйға одамлар келиб турди. Элнинг соҳиби ихтиёрлари бари зотни саранжом этдилар. Кўп жамоат йифилди. Очлар тўйдирилди, яланғочлар тўн кийди. Элу ҳалқ шод-хуррам бўлди. Андин сўнг подшо уламоларни ўз ўтағига чорлаб, ўғлимга от қўйинглар, деди. Эрса уламолар маслаҳатлашиб шоҳ ўғлига Булбул, деб от қўйдилар.

Алқисса, халойиқ подшодин рухсат тилаб уйига қайтдилар. Эрса подшо тушини таъбир қилған Обидга 40 от-байтал пешкаш қилди. Аниг фотиҳасини олиб қайтди.

Алқисса, андин сўнг бир неча муддатлар ўтиб, Булбул етти ёшиға кирди. Подшонинг Залили отлиғ бир ўғлон қули ҳам бор эрди. Ул мислсиз хушрӯй, хушқилиқ, хушмуомала қул эрди. Подшо ани Булбулга хизматкор қилиб қўйди.

Арғараз, андин сўнг Булбул бирлан Залилини муллага бердилар, алар бирга ўқиб бошладилар. Подшо вазирининг ҳам бир ўғли бор эрди. Отиға

Салабек дер эрдилар. Ани ҳам муллага бердилар. Аларнинг мулласига мулла Қаландар деб от берур эрдилар.

Алқисса, Булбул, Залили, Салабек учави дўст бўлиб, мактабда бирга ўқир эрдилар. Булбул китобни шундай хушвоноз бирлан ўқир эрдиким, ҳар кимса эшитса аниг хуш овозидин ҳайрон бўлур эрдилар.

Барча халойиқлар:

-Подшо ўғлининг оти ҳам Булбул, овози ҳам булбулга мангзаш, дер эрдилар.

Алқисса бир жума куни мулла болаларни ўқишидан озод қилди. Эрса Булбул дўстлариға деди:

-Эй Залили, Салабек дўстларим, отамнинг сайилгоҳ учун қурилган сўлим боғи бор турур, гўёки беҳиштға мангзар. Анда унноб, хурмо, олма, нордунёдаги беҳисоб мевалар бор турур. Келинг, биз ҳам шу боғ сари бориб, меваларидин тотиб, томоша қилиб қайтайлик:

Эрса Булбул, Залили, Салабеклар ул боқға қараб равона бўлдилар. Кўрдиларки боғнинг дарвозаси қулфлоғлик эрди. Булбул Залилига боғбондин қалитни олиб келишни буюрди. Ул олиб келди. Боғни очиб ичкари кирдилар. Кўрдиларки гуллар очилғон, мевалар алвон-алвон пишган, турна кўз булоқлар шарқираб оқиб турғон, булбуллар чаҳ-чаҳ уриб сайрашиб турғон, қушлар оғочдин-оғочға учиб қўниб юрғон, оводон бир боғ.

Боғнинг бул завқу сафосига ақлу ҳушлари ҳайрон бўлуб, ҳар бири ўзи истаган томонга юрдилар. Ширин-шарбат мевалардан тотдилар. Алар бир-биридин узоклашганларини сезмай қолдилар. Аммо, Залили бирлан Салабек бир-бирини излаб топдилар. Булбулдин эса ном-нишон йўқ эрди. Ҳар неча фарёд уриб изласалар-да, ани топа билмадилар. Мактабга борар вақт бўлди, Булбулнинг ўзи изимииздин келур, деб икки бола боғдин чиқдилар. Залили дархол подшо олдиға бориб, қўл қовуштириб:

-Эй подшохи олам ва эй султони бокарам, сизнинг олдингизда тилимиз қисқа, уятлик бўлдик. Булбулбек, Салабек учовимиз боғ сайриға бордик. Бир замон кўнгил хушлиғ қилдик. Боғ хуснига маҳлиё бўлиб, бир-бирииздин узоқ кетибмиз. Булбулбек узоқ кетиб қолибдур, ани излаб топа билмадик. Охир сизга хабар бермакка келдик, деди. Шул вақт подшо ериндин туриб бир оҳ чекди.

-Во вайло, Булбул ҳеч нарсани кўрмаган норасида ўғлондур, ул яшил ёғочлар соясида ухлаб жин-арвоҳға дуч бўлмасин, юринг ани излайлик, Булбулни топайлик, деб ўрнидин чусту чобук турди. Буни эшитиб Булбулнинг онаси ҳам югуриб чиқди. Буларнинг изидин Залили, Салабек ва **дигар** кишилар ҳам югуриб кетдилар.

Эмди сўзни Булбулдин эшитинг.

Булбул ҳам Залили бирлан Салабекни кўп ахтариб топа олмади. Сўнг боғни томоша этишга тушди. Кўрса бир сарховуз, олтин-кумушдин безалган, ажаб **мунаққаш** манзил, аргувонлар кўкка бўй чўзган. Булбул сарховуз бўйида сарви оғоч тагида, теграси лолазор шосупага тўшалган зар тўшакларда ўлтирур эрди. Ногоҳ кўзини уйқу тортди. Ул замон тушида бир аҳвол кўрди. Қўли яшил хосали, боши сабза саллали, эгни дарвеш либосли, мошибиринч соқолли

бир киши боғни томоша қилур эрди. Ул киши Булбул ёниға келиб :-Эй Булбул, ерингдин турғил, деди. Булбул ериндин **бўқчиб** турди. Кўлидағи китобини қўйниға солиб:-Ассалому алайқум! Деди. Ул киши:

-Ваалайкум ассалом, деди ва андин сўнг:

-Ҳай-ҳай подшозода, бу сенинг отангнинг боғи не боғ бўлибдур, мен сени Дилором боғиға олиб борайин, ани ҳам бир томоша қил, андин сўнг билурсен, деди. Бу сўз Булбулга хуш ёқди: Ажаб бўлғай, деди. Эрса ул киши хосасининг учини Булбулга узатиб:-Тут учиндин, деди. Булбул тутди. Кўзингни юм, деди. Юмди. Бир дамдин сўнг кўзингни оч, деди. Булбул кўзини очди. Кўрса бир боғнинг ичинда ўлтирибдур. Боғ эмас, жаннатнинг худ ўзи. Ул киши Булбулнинг илгидин тутиб бир иморатга олиб борди, боши осмону фалакка бўй чўзған. Булбул иморатнинг панжарасидин ичкари боқди. Кўрса офтоб чараклаган яли гул-гул яшнаб бир пари қиз ўлтирмиш, юзининг шуъласи тамом боғни мунааввар қилмиш эрди. Булбулнинг кўзи анга тушгач ошиғи шайдо бўлиб, бошидин ҳуши учеб йиқилди. Бир неча муддатдин сўнг ҳушиға келди. Эрса ул кишига боқиб:

-Эй бобо, бу кимнинг қизидур, кун туғандай бўлиб, менинг ақлу ҳушимни олди, деди. Анда Бобо: -Эй болам, бул олам икки порадур, бир порасиға Турон дерлар, бир порасиға Эрон дерлар. Эрон вилояти подшосиға Шоалижон дерлар. Анинг уч қизи бор турур. Кенжасиға Гул деб от берурлар. Бул анинг суврати турур. Бул боғга Дилором боғи дерлар. Истанбул шаҳрининг боғи эрур. Бул шаҳарнинг подшоси Гулга ошиқ бўлиб, Дилором боғини солдириб, иморатға анинг сувратини чекдирмиш эрди. Ҳар хафтада келиб подшо Гулнинг сувратига боқиб, томоша қилиб, юрагини яралаб, бағрини поралаб, қайнаб-жўшиб, ёниб-пишиб юрибдур. Ул: Гул паризода бўлса, мен одамзод бўлсам анинг васлиға етишмак мұяссар бўлурми эркан, деб ноумид бўлиб, қайтиб кетадур. Аммо сен-Булбул, ул Гулдур. Сен ошиқ, ул маъшуқадур. Сен Гулни олурсен. Энди оғзингни оч, деди. Булбул оғзини очди. Бобо анга туф-туф деб туфлади. Кўлингни кўтар, деди. Булбул кўтарди. Омин, дегил, омин деди, Булбул. Бобо анга оқ фотиха бериб, орқасига уч марта қоқди. Бор эмди Худо ёринг бўлсин, бизга Ҳожа Ҳофиз дерлар, деб кўздин ғойиб бўлди. Шул вақт Булбул ошиқи сармаст бўлиб, Гул ишқида шайдо бўлиб, юраги жўш уриб, уйқусидин уйғониб бир оҳ чекди. Оғзидин ол-яшил тутун чиқиб, жаҳонни куйдирди. Булбул ўзига келса сайилгоҳ, боғида турур. Ақли ҳуши ҳайрон бўлиб, ишқ асаридин бир ерда туро билмай чор тарафға кезур эрди. Шул вақт отасининг, онасининг, барча одамларнинг кўзи Булбулга тушди. Халойиқлар югуриб, анинг ёниға келдилар. Отаси ани қучоғлаб, бағрига босиб, юз-кўзидин ўпиб:

-Эй ўғлим, Булбулим, не воқеа, не қисмат бўлди, деб савол қилди.

Булбул қўлиға созини олиб, отасиға қараб, бўлған воқеани бир-бир баён қилиб, беш калима сўз айтар бўлди. Кўр, боқ, не деди:

Дўстларим, бир қомати зебоя ошиқ бўлмишам,
Сочи сунбул, юзи гул, хўб рўя ошиқ бўлмишам,
Кўрк ичидан бемисл, **бетоя** ошиқ бўлмишам,
Тўлған ул ўн тўрт кеча-бир оя ошиқ бўлмишам,

Охи кўп, афғони кўп савдоя ошиқ бўлмишам

Туғди Зухро юлдузи, шамси қамардур юзлари,
Қасд ила олди менинг жонимни жаллод кўзлари,
Лаблари қанду асал, шаҳди шакардур сўзлари,
Сурма қилсам кўзларимға ҳоки пойин тўзлари,
Киприги ўқ, қошлари ул ёя ошиқ бўлмишам.

Туғмамиш бу нозанин бир тарзи инсон фаржидин,
Одам эрмиш, туғмамиш ул турку, курду гуржидин,
Кун туққан янглиғ қизарив чиқди осмон буржидин,
Оғрамин олтинга берса, қочмағайман харжидин,
Ёр юзина ёқти солған шуъляя ошиқ бўлмишам.

Изласам, кезсам топилмас тойи барча эллари,
Кўрдим, айрилдим дағи қон оқди чашмим селлари,
Қомати зебо ёзилмиш, қилдин инжа беллари,
Оху зор айлаб юрумен қанча ою-йиллари,
Қадди зебо чекилган **сурая** ошиқ бўлмишам.

Қўйнида битмиш магар, Боғи эрамнинг норидур,
Ул жамолидин яратмиш шамъи олам норидур,
Ё пари пайкардур ул, ё саккиз уч моҳ хуридур,
Ё асалдур ё новот, ё-ҳо аларнинг биридур,
Айла, бил ким, жаннат ул маъвоя ошиқ бўлмишам.

Ул Халилулло киби, ишқида нора отсалар,
Манжанаққа боғлайиб, қўлу оёғим чатсалар,
Ё тутиб Жиржис киби юз пора-пора этсалар,
Истарам Юсуф киби ишқида “қул” деб сотсалар,
Ишқ бозорида бир савдоя ошиқ бўлмишам.

Бир асар тегди бошимға, ўсди ул ишқнинг ели,
Сурмалидур кўзлари ҳам хиноли нозик қўли,
Тар очилған ғунчагул, боғ ичра савсон сунбули,
Оғзима туйкурди беклар, Ҳожаи Ҳофиз вали,
Булбулам, бир тар гули раъноя ошиқ бўлмишам.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Подшо аёлиға боқиб: -Эй заифам, бояги кўрган тушимнинг таъбири тўғри чиқди. Булбул Гулга ҳақ ошиқ бўлибдур, эмди бунга не чора бор, деб кўзларидин қатра-қатра ёшлар тўқди.

Алқисса, Булбулни кўшкка олиб бордилар. Эрса отаси Булбулга:

-Эй кўзимнинг чироғи, бағримнинг пораси, юрагим яроси, бошимнинг тожи, ўғлим, сенинг бу жаҳонда ҳар не матлабинг, ҳар ҳожатинг бўлса, топгаймен, деб ани мулласиға равона қилди.

Алқисса, Булбул шул ҳол бирла мактабхонаға борди. Эрса Булбулнинг аввалги тарзининг йўқлигини, бошқа хаёлга оғсанлигини мулласи сезди, англади. Ул: -Эй Булбул, не сабаб сабоққа кеч келдинг, деб сўради. Булбул шул вақт қўлиға созини олиб, мулласига қараб, зор-зор, чун абри навбаҳор йифлаб, беш калима сўз айтур бўлди:

Илм сарварим, ширинахан устозим,
Хабар бергил, севар ёrim қайдадур?
Аршдин ошди менинг оҳу фарёдим,
Шул чекканим, оҳу зорим қайдадур?

Жон олур ғамзаси, нозик шеваси,
Тоза бир келтирмиш олма, **хейваси**,
Дилором боғининг турли меваси,
Ангурим, анжирим, норим қайдадур?

Ошиқ жонин берур маъшук ерина,
Не кулфатлар келмиш Мажнун сарина,
Дарсимиз етишди Гул дафтарида,
Тоза тар боғчали борим қайдадур?

Шул мушкул ишларим кел, кушод айла,
Кўлдин келса магар яхши от айла,
Ёки ўлдир мени ё озод айла,
Ё хабар бер зулфи торим қайдадур?

Тарқ айлаб ишқида бу тоҷу тахтим
Мен чиқмишам боғлаб асбобу раҳтим,
Шод кезсам очилғай бу қора баҳтим,
Мен билманам номус-орим қайдадур!

Ошиқларнинг будур йўли-ёдаси,
Ёр йўлинда жон бермақдур қодаси,
Паризод аҳлининг аслзодаси,
Лаълу гавҳар, зарнигорим қайдадур?

Устодим, айрилдим бошда тилимдин,
Айрилик ожидур балки ўлимдин,
Ман Булбулам айро тушдим Гулумдин,
Дарди дилим ғамгусорим қайдадур?

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса мулласи англадиким, Булбул Гулга ҳақ ошиқ бўлибдур. Анинг сўзи муллага ҳам таъсир этди. Мулла Қаландарга ҳам ошиқлик касали етишди, кўнгли кўтарилиб, юраги жўш урди. Қўлиға тилла созини олиб, ани баланд пардадин созлади. Булбулга мардана бўлғил, деб, насиҳат бериб бир беш калима сўз айтур бўлди:

Бўлуб ошиқи ёр илгидин ичдингми майи ноб,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.
Васли маҳбуб айламишдур хотирингни маству тоб,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.

Ёр учун юрса кўнгил куйида ғамхона бўлиб,
Оҳ уриб куйса бу жон шаъмина парвона бўлиб,
Етти ошиқ кечди, ёр ишқида девона бўлиб,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.

Ёр учун Юсуфни кўр, юз минг балоға чўлашиб,
Ул Халил топди мурод оташи норға улашиб,
Май ичиб, маston юриб, моҳи тобонга дўлашиб,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.

Гар керак деса бу жон, биз ёра малҳам бўлоли,
Кўрубон нурли жамолин маству бегам бўлоли,
Ушбу йўлдин биз ҳам сиза ёру ҳамдам бўлоли,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.

Булбулим, сарф этавер сен умринги бода била,
Бодани ичма бу дам асли ҳаромзода била,
Ошиқу маъшук ўлуб сен гул паризода била,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.

Соқиё, тут бодаи гул, маству хуммор айлагали,
Маст ўлуб май хоналикни ихтиёр айлагали,
Ўзимизни ҳамроҳи ул номудор айлагали,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.

Гулшан ичра сайр этибон бўлдинг ошиқ Гула сен,
Бандивон ўлдунг ҳамиша шахду шакар тила сен,
Дардимандингман сенинг эмди Қаландар била сен,
Беш кундур бу жаҳон, маст ўлуб асрак кезавер.

Алқисса, мулла Қаландар сўзини тамом этди. Эрса вазирнинг ўғли Салабекнинг ҳам юраги жўш уриб, Булбулга қараб бир ғазал айтди, кўрайлик не деди:

Бугун сен маст ўлуб, маston кезарсен,
Ул Гулнинг ишқида шайдо, Булбулим!
Васфин ўқиб дилда дурлар тузарсен,
Бошингда бир чўх-чўх ғавғо, Булбулим!

Бир қаро кўзлининг дурдона тиши,
Оҳу зоринг чекиб, ул ёзу қиши,

Шундай мушкул бўлар ошиқлик иши,
Келди боша сонсиз савдо, Булбулим!

Йўлга тушиб ишқ нағмасин чалибсен,
Бошингни хатарли йўлга солибсен,
Ёр дейиб изида сабил қолибсен,
Эй асл бекзода, марда Булбулим!

Отамдур отангнинг отли вазири,
Кетсанг мен бўлурмен ҳамроҳнинг бири,
Сен эмди бўлубсен бир ёр асири,
Ўнгарсин ишингни Мавло, Булбулим!

Ишқ майдин тўла бода ичибсен,
Шу қўхна манзилдин қўниб қўчибсен,
Ёр йўлида ёниб, сардин кечибсен,
Ул ошиқ Мажнуну Лайло Булбулим!
Сабринг кетиб ҳам қароринг олибдур,
Тожу тахтинг ҳарна боринг олибдур,
Ақлу хушинг, ихтиёринг олибдур,
Боғ ичидаги битган раъно Булбулим!

Шул ёрнинг изида сабиллик этсанг,
Чўлу жазирани сен маскан тутсанг,
Гулузоринг излаб ҳар ёна кетсанг,
Сенинг бирла ҳамроҳ Сала, Булбулим!

Алқисса, Салабек бу сўзини тамом қилди. Андин сўнг Залилиниг ҳам бу сўзларга юраги жўшиб, бир мухаммас айтур бўлди:

Келди Наврўз булбули, сайри гулистон айлади,
Ёйди Гулнинг васфини оламга достон айлади,
Кўргузиб ёрнинг жамолин масти ҳайрон айлади,
Навҳаи оҳин тузиб кўп зору афғон айлади,
Соқий бир май **суиди**, кўнглим дали-мастон айлади.

Очилиб Гул ғунчадин ўт солди Булбул жонина,
Қасд этибдур ул, магар рангин бўятмиш қонина,

Ул бегим бўлди кўриб ошиқ парилар хонина,
Элтди Сала бизни, борди Гул пари бўстонина,
Ўзи Гул сайрига кетди, бизни боғбон айлади.

Сайр этибон боғ аро, ул кетди биздин адашиб,
Кўргач ул ёрнинг жамолин масти ўлуб қайнаб-тошиб,
Шаъмина парвона бўлди ўртаниб ёниб-пишиб,
Ул Дилором боғи ичра бир парига учрашиб,

Гул била Булбул икиси аҳду паймон айлади.

Нола тортиб дамба дам ким, зулфи сунбул тор учун,
Кўзлари жон оловчи, бир ғамзаси хунхор учун,
Жонини берса керак ошиқ ўлғон дилдор учун,
Англа устозим сўзимни кўрмадингму ёр учун,
Ҳазрати Ислом ширина қурбон айлади.

Қўрқарам қаҳбо фалак, билмам не қотмоқ ишина,
Рахми келмас ҳеч аниг кўзлардин оққан ёшина,
Дўнмас эмди, келса ул юз минг балолар қошина,
Ошиқнинг маъшуқ учун келмиш не ишлар бошина,
Масканин Лайли учун Мажнун биёбон айлади.

Анча ошиқлар ўтандур ёр учун қўп жон чекиб,
Ким кечибдур дунёдин ёр меҳнатин осон чекиб,
Оғзидин сачраб ёлин, оқди жигардин қон чиқиб,
Ёзди ширина тил била тун кечалар афғон чекиб,
Ёйди Гулнинг васфини, оламга достон айлади.

Гар буюрса Гул учун ҳар ёна мен чопсам керак,
Чарх уриб, олам кезиб, мен ахтариб топсам керак,
Қанча душман келсалар, мен белларин **эпсам** керак,
Чиқса юз минг лашкар олдимдин дағи тепсам керак,
Дер Залили, ким аниг дардига дармон айлади.

Алқисса, Залили бу сўзни тамом қилди, эрса Булбул аларга қараб:

-Эй устодим, Мулла Қаландар, эй жўражонларим Салабек ва Залили,
сизлар менинг ҳолимни билган дўстларимсиз, жоним билан баробар
биродарларимсиз. Худой таоло Гулнинг ишқини менинг бошимға солди. Эмди
албатта ани излаб, оламни кезиб топсам керак ёки ширина жонимни аниг
йўлида берсам керак, деди. Эрса улар:

-Эй Булбул, бизлар ҳам сенинг ҳамроҳинг бўлуб, сенинг бирла сабил-
саргардонлик чекиб, Гулнинг сўроғинда юрсак керак. Сен ўлган жойда ўлик,
сен тирик жойда тирикмиз, деб тўрт дўсти биродар аҳду паймон қилдилар.
Андин сўнг дарвеш жандасини кийиб йўлға тушмоқчи бўлдилар. Бу хабар
подшонинг қулоғига етди. Подшо бу хабарни эшитиб:

Вой эмди менинг ўғлум Булбулнинг ҳоли не кечур... Гул паризод бўлса,
сен одамзод бўлсанг ани нечук топгайсен, топганда ҳам нечук олғайсен, ул
санго нечук **илг бергай**. Аниг вилояти ва маскани қайдга. Агар маълум бўлса,
анга бир илож қилур эрдик, деди. Яна ўйга ботиб:

-Мен ҳамма лашкарларимни, фолчи-ромчиларимни, куррадўз,
толеъчиларимни, тарихчилар, илми нужум соҳибларини, муллалар, охунларни
йигайин. Шояд улар Гулнинг манзил-маконини билсалар, деб чор тарафга от
йўллади.

Алқисса, 40 кунда етти иқлимдин сонсиз минглаб одамлар жам бўлдилар. Подшо аларға қараб: -Эй халойиқлар, уч кун муҳлат берурмиз. Шоалижоннинг қизи Гулнинг манзил-маконини билиб, хабар беринглар. Ҳар ким Гулнинг маконини топса, бир шаҳарни суюнчига берурмен, йўқ эрса бириңизни қатлиом қилурмен, деди. Эрса фолчилар фолига, ромчилар ромиға, қуррачилар қуррасиға, толеъчилар толеъига, мулла-охунлар китобиға, мунажжимлар юлдузларга боқиб машғул бўлдилар. Уч кун тамом бўлди. Тўртинчи куни подшо жар чекдириб: Гулнинг хабарини билдингизму, деб сўратди. Сонсиз лашкар кўриниш майдонида саф тортди. Эрса мунажжимлар, фолчи, ромчи, толеъчи, қуррадўз, мулла, охунлар: -Вой эмди бизнинг умримиз охир бўлди, деб юраклари ларzon уриб турди. Нечукким ГУл парилар подшосининг қизи бўлса, эрса анинг манзил-маконини ким ҳам билур?-дедилар. Алқисса, Гул парининг маконини ҳеч ким билмади. Халойиқ орасида бир тарихчи киши бор бўлиб, энг охирида ул ўрнидин туриб:

-Эй подшоҳи олам, менинг тарих китбларимда ўқишимча, Гулнинг суратини Истанбул подшоси Дилором боғида бир иморатнинг девориға нақш қилиб қўйибдур. Аммо анинг манзил-макони Эроннинг Исфаҳон шаҳаридадур. Бул ердин беш юз йиллик йўл турур. Гул шул ерда бўлур, деди. Алқисса, бу сўздин сўнг подшо жамоатға рухсат берди. Ҳаммалар **доғишиб**, уйли-уйифа кетдилар. Эрса подшо Булбулга қараб:

-Эй кўзимнинг нури, жигаримнинг пораси, жон ўғлим, бу дунё бошдин-оёқ икки порадур: бир порасиға Эрон, бир порасиға Турон дерлар. Дунёнинг бул бошидин ул боши беш юз йиллик йўлдур. Ҳоло бизнинг вилоятимиз Турон порасининг ичидаги турур. Бу ердин ким билсун Эроннинг бошдин-оёғи неча кунлик йўл турур. Гулнинг вилоятиға етмак кўп мушкул турур. Анга етишгунча умринг ҳайф бўлур, етишганда ҳам ола билмассен, номурод ўлурсен, мени бефарзанд қўярсен, болам! Гул паризод бўлса, сен одамзод бўлсанг, ул санго илг бермас, одам фарзандини парилар кўзига илмас. Бул ишдан дўнмак лозим турур. Гулнинг ишқини тарқ қил. Йўқ эрса гумдон бўлиб кетурсен, номнишонинг қолмас, деди. Одамзод ахлидин кимнинг қизини хоҳласанг олиб берурмен, хоҳ ул подшоҳ бўлсун, хоҳ ул **раъият** бўлсун, деб подшоҳ зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлади. Эрса Булбул отасиға жавоб ўрнида бир ғазал айтди. Кўрайлик не айтди:

Жон бобом, таваллонг ола билманам,
Кетурман бир ёна, кетмасам бўлмас;
Тақдир, қисмат недур била билманам,
Киурман майдона, кирмасам бўлмас.

Ошиқ ўлан турур мудом сўзинда,
Оlam кўрки шул парининг изинда,
Менинг кўнглим Шоалижон қизинда,
Берурман бу жонни, бермасам бўлмас.

Ёrim кетди, қолдим мен зеру залил,
Чорам йўқ, буюрди ул раббим-Жалил,

Қанча кунлар кезиб саргардон сабил,
Юруман изида, юрмасам бўлмас.

Ғам чекмагил мундин кетсам келурмен,
Ёр йўлида бош этага солурмен,
Ё пари олурмен ёки ўлурмен,
Туурмен шу сўзда, турмасам бўлмас.

Гирёндур кўз ёшим дўниб селлара,
Мен кезурмен сўроғ солиб эллара,
Ёр излаб анча кун тоғу чўллара,
Уурмен бошимни, урмасам бўлмас.

Истарам, шу жоним ўртанса, ёнса,
Бориб ёрнинг ширин лабидин қонса,
Эшит, шул ёrima ким **ёмон сонса**,
Сарурмен хомини, сармасам бўлмас.

Тутурмен яроғин тоғу чўлларнинг,
Чекурмен жафосин узоқ йўлларнинг,
Булбулам, боғ ичра ғунча-гулларнинг,
Терурмен хирмонин, термасам бўлмас.

Алқисса, Булбул бу сўзни тамом қилди. Эрса подшо: Булбул Гулга ҳақ ошиқ бўлибтур. Оlam йигилиб келса ҳам сўзидин қайтмас, мунга ҳеч бир илож, чора йўқ туур, деди. Андин сўнг подшо Булбулга **бир лак** лашкар саранжом қилиб, олмос қиличини, Шосувор отини берди. Мулла Қаландар, Салабек, Залилиларни йигин сардори этиб тайинлади. Нечукким, бу уч киши пахлавонликда машҳур эрдилар. Булбулга подшо айтдиким:

-Эй беклар, Булбул бирор қийинчилик кўрмаган ёш ўғлондур. Уни сизларга, сизларни Худоға топширдим. Барчангизнинг йўлингизни Ҳақнинг ўзи очсин, деб кўзларидин қатра-қатра ёшларини тўкиб, оқ кўнглидин фотиҳа берди. Булбул ҳам ота-онаси, қариндош-туғишганлари бирлан **хўшлашиб-аллаёрлашиб**, йўлга равона бўлди. Подшо зор-зор йифлаб изига қайтди.

Алқисса, Булбул ва анинг йўлдошлари анча чўллар босиб, тоғлар ошиб, йўлларини тай қилиб беҳисоб вилоятлардин ўтдилар. Шу кетишда етти йил йўл босдилар. Саккизинчи йили Истанбул шаҳриға дохил бўлдилар. Бу шаҳарнинг 40 дарвозаси бор эрди, **дегра-доши** 40 кунлик йўл эрди. Уч кунлик йўлда бир чаманзор бор эрди, отига Сарчаман дер эрдилар. Ул маскан ўтлоғлик, сувлоғлиқ ер эрди. Дегра-доши ўн кунлик йўл эрди. Ул Сарчаманинг ўртасида бир **бейик** минора бор эрди. Боши осмону фалакка бўй чўзиб эрди. Ул минораға Булбул, Мулла Қаландар, Залили, Салабеклар чиқиб атрофга **сар солдилар**, Истанбул қальясига кўзлари тушди. Қалъа девори минорадин кўп баланд эрди. Ани кўриб кўп таҳсин ва оғаринлар айтдилар.

-Бизлар бундай бейик шаҳарни умримизда кўрмаганмиз, деб чор атрофга қоровул қўйдилар. Хатарли ер эркан, мабодо **ғофил қолиб** бул шаҳарнинг

лашкари қўлига тушиб қолмайлик, деб хавф қилдилар. Атрофни кезиб бирор хабар топиб келинглар, деб отлиқ йигитларни юбардилар. Ўзлари 5-6 кун бу жойда роҳат қилиб ётали, деган фикрга келдилар. Булбул бирлан йўлдошлари минорадин тушдилар. Миноранинг ошоқида бир ҳовуз бор эрди. Анинг бўйида бир сарви оғочи осмону фалакка бўй чўзган эрди. Соясининг деграсина кун тушмас эрди. Отларни маҳрамларга топшириб, яроқларини сарвининг бутогидин осдилар. Сарвига **такъя қилиб**, голи қўрпача тўшаб, шоду хуррам бўлдилар. Эрса қоровуллар бир йигитни тутиб олиб келдилар. Ул отли, эгнибоши безакли, қўлида олтин ранг дутор, юзлари нурона яхши йигит эрди. У йигит Булбулнинг олтиндай симу зар кокилини, яхши шакли шамойилини кўриб таҳсин айтди. Андин сўнг кўнглига келтирдики, билайн, қайси вилоятнинг подшозодасидир, деб оёқ устида туриб, одоб-икром бирла қўл қовшириб салом берди. Ваалайкум жавобидин сўнг, Булбул ул йигитга ўлтири, деб ишорат қилди. Ул йигит чўккалаб ўлтириди. Дуторини ерга қўйди, соғлик-саломатлик сўрашганларидин кейин, Булбул: -Хуш келибсен, сафо келибсен деб марҳамат қилди:

-Эй дуторий йигит, аслинг недур, не корасен, қайси подшонинг элидин бўлурсен, қайдин келиб, қайға борурсен, хабарингни бергил, деди. Ул йигит:

-Аслим туркий, ўзим Деҳистонданмен, бу шаҳар подшосининг созанда шоириман, деди. Эрса Булбул: -Андоғ бўлса, дуторингни қўлинга олғил, яхши сўзинг бўлса бизга ҳам бир фасл айтиб бергил, деди. Ул йигит ажаб бўлғай, деб жавоб берди. Ўзи ҳам зўр нақлчи эркан. Аввал нақл келтириб, андин сўнг шеър айтмоқ анинг одати эрди. Айтдиким, Истанбул шаҳарида бизнинг подшомизнинг Гул отлиғ маъшуқи бор турур. Ул Эрон парилари подшоси Шоалижоннинг қизи турур. Анга ошиқ бўлғон кўпдур, аммо отаси Шоалижоннинг уч шарти бор эрмиш. Ҳар кимса ул уч шартни битирса, Гулни анга берурмен, йўқ эрса ўзини дорға осиб ўлдирурмен, дер эрмиш. Анга беҳисоб ботир, полвон йигитлар бориб, шартларни битира билмай, ширин жонларини жаллодға топширубурлар. Бизнинг подшомиз ҳам Гулга ошиқ бўлуб, анинг ишқида бир боғ бино қилдирди, гўёки беҳишт сифатлиғ, ҳарна беҳиштда бор, шул боғда ҳам бор турур. Боғнинг ҳаддини ҳеч ким билмас. Ул боғнинг ичида бир иморат солдирмиш лаъли-жавоҳир, олтин-кумуш ва зумураддин безак бермиш, боши осмонға улашған, баландлиғига кўз етишмас. Ул иморатга Гулнинг сувратини нақшларга чекдирмиш. Анга подшо тўққиз лак-тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз тилло харж этмиш. Подшо айтур:

-Агар менинг мунга харж этганимни Гул эшитса ё кўрса ҳайрон қолур эрди. Подшо ҳар ҳафтада ул сувратни томоша қилиб, оху фарёд чекиб жигарини поралар эрди. Нечук ким, Гул паризод бўлса, мен одамзод бўлсам, **қанда** сенинг васлиға етмак мұяссар бўлур, деб умидини узур эрди. Ўзидин бошқа хоҳ подшо, хоҳ раъият бўлсун, ул боғга кира билмас эрди. Подшо: -Ҳар ким ул боғга кирса, ва Гулнинг сувратини кўрса, ошиқу шайдо бўлур, лекин мен анинг рашкидин ўлурмен деб сувратни кўришни ғайри одамларға кўришни манъ қилиб эрди.

Алқисса, бул сўз шул-ерда турсин, эмди хабарни Гулдин эшитинг. Мен бирордик эшитиб эрдим. Гул ҳам кунлардин бир кун боғ сайлиға борур эрди.

Сарховузнинг бошида ғунча гулнинг ичида бир замон сайр этиб юур эрди. Охири ҳориб бир ерда ётиб эрди, кўзи уйқуға ғолиб бўлди. Булбулни тушида кўрди. Анга маству шайдо бўлуб, агар шул тушимда кўрган маъшуқимга тушмасам дунёдин номурод кечурмен, деб оҳ уур эрди. Гул қиз тушида кўрган маъшуқ йигитини таътиф этиб, шул ғазални айтибдур:

Очилиб, гулгун бўлиб, бир кун **сарафрозим** келур,
Олғирим, боз шунқорим, бир новча шаҳбозим келур,
Айланиб гулшан аро, ҳар дам наво созим келур,
Бир муносиб сирри пинҳон ичра ҳамрозим келур,
Асли одамзодадур-ул ишқи парвозим келур.

Баҳс ила отин-яроғин чиқди ёрим шайланиб,
Хону монин тарқ этиб, чиқмиш ватандин сайланиб,
Ўртаниб ёр ишқида, кўнгли, жигари доғланиб,
Ул **муарраб садоқин**, олмос қиличин боғланиб,
Бошида бўрки сиёҳи, пўсти шерозим келур.
Тутган ишинг жон отам, бил бир бузук **тандур сенинг**,
Олғали қасдинг магарким, бу ширин жондур сенинг,
Рухсатин бергил қайтсин, лашкаринг кондур сенинг,
Матлабинг охир тўкурсан, бир ҳовуч қондур сенинг.
Бир баҳодир, шер юракли лашкари азим келур.

Ишқ савдоси анинг бўлди бу **жоннинг мосили**,
Йўқ туурур бул дунёда ўзга умрингнинг ҳосили,
Май ичиб, сармаст ўлан бир **дали ишқнинг** комили,
Лаълу гавҳар, симу зардин бор бошининг кокили,
Қадди шамшод, қомати ул сарвдек нозим келур.

Чиқди ёр йўлиға боғлаб, белларин мардона ул,
Элу кундин, қавму қардошдин ўлуб бегона ул,
Айланиб ёр кўчасида май ичиб мастона ул,
Шаъм узра ёниб, туташиб, мисли бир парвона ул,
Васл учун жондин кечиб, жонона парвозим келур.

Ёр қурибдур ул Дилором боғи ичра сұхбатим,
Ошиқ ўлмишдур кўриб анда чекилган сувратим,
Йўл қараб мунда менинг бўлди зимистон навбатим,
Ёр бўлур парвардигорим боқса бахтим, давлатим,
Айрилиб қиши кунларимдин, навбаҳор ёзим келур.

Кўргали бир бек йигит бўлмиш юзимга зор менинг,
Анингсиз бул кенг жаҳон бўлмиш кўзимга тор менинг,
Билмишам қизлар, нечук ишлар бошимда бор менинг,
Йўқ бу Эроннинг ичида бир муносиб ёр менинг,
Мен Гулам, сармаст ўлуб, Булбул хуш овозим келур.

Алқисса, Холли шоир бу сўзни тамом қилди. Булбулнинг бу сўзга бағри ёниб, ичига оташ тушиб, қаҳри келиб, ишқи баланд келиб

-Нечук бул Истанбул подшоси менинг маъшугимға ошиқ бўлуб, илг етириб билур. Дилором боғининг ичида анинг ишқи бирлан иморат солдириб, сувратини чиздирив, анга қараб ўлтуриб билур, деди. Залилига: -Менинг дуторимни қўлимға бергил, мен бул шоир бирлан айтишурмен, деди. Залили дуторни келтуриб қўлига берди. Булбул дуторини зил-бам қилиб созлаб, Холли шоирга қараб, бир беш калима сўз айтурсабад. Холли шоир ҳам Булбулга жавоб берди:

Булбул: Шоирим, шу жона солдинг жафони,
Кимдур тил етирган ёрима менинг,
Аршдин оширмишам нола-фиғони,
Фалаклар титрашар зорима менинг.

Шоир: Бегим, хаёл этма, ул гўзал шоҳим,
Ясов тутиб келур ёнинга сенинг.
Тўғри сўзим бордур, чўхдур гуноҳим,
Қолур қардош, ноҳақ қонинга сенинг.

Булбул: Йиқдириб қалъасин, тутиб хонларин,
Оқдириб сел каби қизил қонларин,
Олурмен майдонда ширин жонларин,
Нечук қўл узатмиш норима менинг.

Шоир: Қирқ минг беги бордур майдон азбари,
Қирқ минг баҳодири, қирқ минг раҳбари,
Дах, деса чиқадур юз минг лашкари,
Ҳайфим келур ширин жонинга сенинг.

Булбул: Чиқмишам дарбадар ҳар ён солмақа,
Қалъасин йиқдириб, тахтин олмоқа,
Ким қўймиш гадони боғбон ўлмоқа,
Тоза тар боқчали борима менинг.

Шоир: Сўзинг нодурусттур, **кетма илофа,**
Хўкмин юритадур ул Кўҳи қофа,
Оҳингни эшитмас, қарамас лофа,
Боқмас ул оҳ ила зоринга сенинг.

Булбул: Менинг шул паримга ҳар ким қувонса,
Магар жондин тўйиб, саридин тонса,
Сарар мен хомини, ким **ёмон сонса,**
Сиё зулфи сунбул торима менинг.

Шоир: Майдонда даст бермас Рустам, Золинга,
Донодур, тушмас ул макру олинга,
Эй бегим, келмасин хом хаёлинга,
Түр қуурсен тушмас доминга сенинг.

Булбул: Насиб этмас бўлди анга ширин жон,
Пуркитиб тўкармен майдонда ол кон,
Нечун ошиқ ўлмиш олма занахдон,
Товланмиш зулфлари **морима менинг**.

Шоир: Кел эшит, сен анинг улуғ ҳолини,
Оғзидин **ошоға тортар** тилини,
Бир сомона олмас одам ўғлини,
Боқмас ул бегинга, хонинга сенинг.

Булбул: Нечук кеча тегмиш отган тонгима,
Бу ишлар келмагай ҳаргиз ёними,
Тўр қуарар деб менинг бўз тарлонима,
Боқа билмас эрди сарима менинг.

Шоир: Амалдор, ҳийлагар ёнида кўпдур,
Ҳаммозлари сансиз мисли чор-чўпдур,
Бермакка жодули таоми кўпдур,
Бегим, оғу қотар ошинга сенинг.

Булбул: Беклар белга боғлаб шу ҳиммат қўрин,
Отланинг душманим тутмасин ўрин,
Булбул дер, тез етинг шомдан ҳам бурун,
Шугун етар кундур оrima менинг.

Шоир: Олло деб отлансин майдон азбаринг,
Шоҳимардон Али бўлсин раҳбаринг,
Холли дер, ҳиммат қўп, будир лашкаринг,
Мавлон қувват берсин шонинга сенинг.

Алқисса, иккиси бу сўзларни айтиб тамом қилдилар: Булбул лашкарига буюрди:

-Истамбул қальасига от солинг Олло таоло дастгир бўлса, ани олурмен, деди.

-Эй Залили, менинг “Шоҳсуйган” отимни эгарлаб кел деб, ўзи совутини кийди, чор-ойнасини белига боғлаб, дубулғасини бошига кийди. “Дамбермас” отли олмос суви берилган қиличини белига тақди. “Сулув” отлиғ найзасини қўлиға олиб тайёр бўлди. Шул вақт Залили “Шоҳсуйган”ни безаб, қуйругини тугуб олиб келди. Булбул уни минди. Сардорларга юzlаниб:

-Эй Мулла Қаландар, Салабек, Залили, отланинглар! Деди. Сардорлар отларга минди, лашкарлар ҳам от устида жам бўлдилар.

Булбул сардорлари бирлан қўшин бошиға чиқиб, шаҳарга қараб юриш қилди. Шунда Холли шоир: -Эй Булбул, бугун жума кунидур, подшонинг Дилором боғига чиқиб Гулнинг сувратини томоша қилур кунидур. Подшони изласанг бугун Дилором боғидин топурсан, деди. Эрса Булбул уч сардори бирла қўшин олдиға тушиб юриш қилдилар. Булбул, Салабек, Мулла Қаландар, Залили тўрттаси “Олло”, деб ғаним устига от қўйдилар. Боғ дарвозасини очиш учун минг йигит бирлан чоповул қилдилар. Қўшиннинг қўпини майдонда қўйдилар. Булбул шоҳсуйган отиға бир қамчи урди, от қанотли қушдай учиб боғнинг ичига ўтиб кетди. Қолган уч сардор ҳам анинг изидин от қўйиб боғ ичига кириб кетдилар. Йигитларнинг бири дарвозада эга бўлиб қолди. Кўп йигитлар боғ ичига кириб кетдилар. Алқисса, Булбул олдиға чиқкан **газанфарларга** назар қилмай Гулнинг сурати чекилган иморатга етди. Гулнинг суратини томоша этиб турғон подшонинг қўзи Булбулга тушди. Анинг заҳраси ёрилғондай бўлуб, қаршилик қилмай қочмоқ бирлан бўлди, ташқари чиқиб отиға минди. Аммо Булбул чусти чобук қўзғалиб анинг изидин етиб, қилич урди. Эрса подшо икки пора бўлди, ер қучди. Шул замон Мулла Қаландар, Залили, Салабеклар эниб келдилар. Андин сўнг улар шул иморат томон бордилар. Гулнинг нақш бирлан безатилган сувратига қўзи тушиб Булбул беҳуш бўлуб йиқилди. Сал замондин сўнг боз хушиға келди. Ул: -Эмди юринг қалъаға кирайлик, деди. Алар боғ дарвозасидин чиқиб, қальянинг ичига кириб кетдилар. Булбул бирлан уч сардор қўшин олдиға чиқиб, минг лашкар бирлан юриш қилдилар. Пешиндин намоздигарга қадар уруш қилдилар ким, бундай уруш Афросиёб давридин бери бўлғон эрмас эркан. Ғаним лашкарлари ўма-тўма пароканда бўлуб, қалъа катхудолари ал-омон тилаб шаҳарни топширдилар. Булбулга бош эгиб, ани иззат-икром бирла шоҳнинг тахтиға чиқардилар ва ҳамма вилоятларға соҳиби ихтиёр қилдилар. Андин сўнг Булбул улуғ юртни сўради.

Алқисса, ул шаҳид бўлғон подшонинг Ойжамол отлиғ бир соҳибжамол қизи бор эрди. Хўб рўйлиқда олам анга баробар кела олмас эрди. Қора қўзли, қалам қошли, инжу тишли, узун бўйли, инжа белли, ширин тилли, мўрчамиён, писта даҳон, оқ оппок, бодом қовоқ оводон бир қиз эрди. Ани Мулла Қаландарга никоҳлаб бердилар. Булбул:

-Мулла Қаландар илм ўргатган отамдур, ҳаммангиздин унинг ҳурмати азиздир деб 40 кеча-кундуз тўй бошлашға изн берди. Алқисса, Булбул шоҳ тахтида ўлтуриб, уч ой одиллик қилди. Ҳар кун кўринишдин сўнг ул Мулла Қаландар, Залили, Салабеклар бирлан Дилором боғига бориб, Гулнинг сувратини томоша этиб қайтур эрдилар. Шул дастур бирла уч ой ҳам ўтди. Эрса бир куни Булбул Мулла Қаландар, Залили, Салабек ва Истанбулнинг барча бекларини ҳузурига чорлади. Айтдики:

-Эй менинг биродарларим, жон бирла баробар ҳамроҳларим, бизлар вилоятларимиздин чиққали етти йил бўлубдур, кўп вилоятларни кўрдик. Аммо Истамбул вилоятидай улуғ жойни кўрмадик. Эмди бу шаҳарни ихтиёрли бир кишига топшириб, ани ҳоким қилиб, биз Гулни сўроғлаб кетайлик нечукким, бу жаҳонда Гул бўлмаса, манга ҳар на дунё керак эрмасдур, жисмим ичра ширин

жоним ҳам керак эмасдур. Ҳа, Гул паримни топсам керак, йўлида жонимни берсам керак деб бир мухаммас айтур бўлди:

Оғалар, ёр бўлмаса, мен бу жаҳонни найларам,
Тожу тахту молу мулқу хону монни найларам,
Зебу зийнат, тахти давлат, ганжи конни найларам,
Бу қурилмиш ёрсиз бўм бўш дўконни найларам,
Улсиз бул жисмим керакмас, балки жонни найларам.

Излаюб кетсам керак, мулки Хўтандин айрилиб,
Шул паримни ё топиб ё жону тандин айрилиб,
Чиқмишам бир ёр учун хуббул ватандин айрилиб,
Бу араб, ахли ажам **хукми ўтандин** айрилиб,
Мен бугун Истанбулу Рум Исфаҳонни найларам.

Тиллашиб созим бирла чун тори зили бамдадур,
Тонгла ишқнинг оташи мен ошиққа бадномдадур,
Соқий бир май сунди, ичдим кўзларим шул жомдадур,
Дедилар ёринг сенинг ким, шаҳри Исфаҳондадур,
Манзилим йўқ, масканим ўзга маконни найларам.

Кўрқарам қаҳбо фалак, чун оғу қотмиш оshima,
Етти ёшда суйдим, эмди бордим ўн тўрт ёshima,
Ёр йўлида розиям гар қўнса курт-қуш лошима,
Дўнманам мен қанча юз минг келса ғавғо бошима,
Бу фароғат, ғавғосиз дорул омонни найларам.

Ёр била будур муродим сурсам ул завқу сафо,
Истарам ёр васлинини мен, ё топам дарди шифо,
Анча йиллар чўл кесиб, мен истарам ёрдин вафо,
Ошиб-ошиб, доғлар ошиб, чўх чекиб жабру жафо,
Топмасам ёр васлинини, ўзга шифони найларам.

Лайли Мажнун кечдилар қанча чекиб жабру жафо,
Ул ширин, Фарҳодни кўр, бир-бирига айлаб вафо,
Варқа Гулшоднинг йўлида истаюб завқу сафо,
Ёр васлидин топилғай ҳар неки дардга шифо,
Етсам ул ёр васлиға, ўзга жинонни найларам.

Дўнманам ёр йўлида, беклар шу жоним бермасам,
Ё бориб ёр боғига гул хирмонин мен термасам,
Май ичиб маston ўлуб, ёр кўчасида юрмасам,
Ул менинг ақлим олган ёрнинг жамолин кўрмасам,
Берсалар жаннат ул минг аргувонни найларам.

Бандивон бўлди тушуб, кўнглим қуши ёр оғида,
Суратин кўргач, тулашиб қолди дарди доғида,
Навбаҳор айёми тез кечди хазоннинг чоғида,
Қанча кунлар сайр этиб, келдим Дилором боғида,
Булбулам гул бўлмаса, гайри жононни найларам.

Алқисса, Булбул бу сўзини тамом қилди. Эрса тўрт дўст кенгашиб Мулла Қаландарни Истанбул шахрига ҳоким қилдилар. Андин сўнг Булбул, Залили, Салабек учиси Гулни излаб кетиш тарааддудига тушдилар. Шул вақтда Булбул:- шахарнинг катхудолари келсин, деб буюрди. Шахарнинг ҳамма катхудолари келиб, бош эгиб турдилар. Булбул аларга қараб: -Эй жамоат, эй оғаю беклар эшитинглар, Мулла Қаландарни Истанбул шахрига ҳоким қилиб, ҳамма тахт дастгохини анга бағишиладим, деди. Оға беклар бош эгиб:-Соҳиби ихтиёrsиз, ҳар не буюрсангиз сизнинг хизматингиздамиз, дедилар. Андин сўнг Булбул ҳамма халойиқларга рухсат берди. Алар доғишиб кетдилар. Булбул Мулла Қаландарга: -Сен хуш қол, бизлар кетайлик, албатта дийдор насиб этса бир-биримиз бирлан яна кўришурмиз. Аммо бу Дилором боғини, мен кетсам, шоҳнинг хос мулки дегайсан, деди. Андин сўнг Булбул, Залили, Салабек сафар раҳтини кийиб, йўл яроғин тутдилар.

Булбулнинг лашкари бир лак эрди. Аларнинг икки ҳиссасини Мулла Қаландарга қолдирди, бир ҳиссасини ўзи олиб, Салабек ва Залили бирлан қўшиннинг олдиға тушди. Мулла Қаландар ва Истанбул шахрининг ҳамма одамлари бирлан хайр-хўшлишиб, йўлға равона бўлдилар.

Қанча чўлу қанча тоғлар ошиб, неча кун неча ойлар йўл босиб, бир дарёға дохил бўлдилар Анга Нил дарёси деб от берур эрканлар. Ул бениҳоят улкан дарё бўлуб, уни қирғоғи кўринмас эрди. Ул дарёнинг тубиға етиб бўлмас, канорига хоҳ қанотли, хоҳ қанотсиз жонли зот бора билмас эрди. Булар дарёдин кечиб, билмай ноилож тўхтадилар. Дарё лаби ўтлок, сувлоқ чаманзор бир манзил эрди. Булбул, Салабек ва Залили бирлан маслаҳатлашиб, усталарга: Ҳар қирқ кишига бир сол тузатгайсиз, эмди йўлимиз сувга тушди, бир неча кун сув юзида сол бирла юргаймиз: деди. Эрса усталар сол тузатишга машғул бўлдилар. Бир неча кундин сўнг соллар тайёр бўлди. Булбул:

-Субҳисабо солга ўлтуриб, дарёға тушурмиз, шайингизни саранжом қилингиз, деб жар чектириди. Булбулнинг бул хабари қўшин орасига қайғу солди. Лашкарларнинг бир нечаси йиғлаб:-Булбул шахзода бўлса, анга нечук ўз вилоятидин лойиқ қиз топилмас. Ул вилоятидин чиқиб етти йил бизни овораи жаҳон қилди. Бехисоб улуғ вилоятлар устидин кечди, ҳеч бирида қарор топмади. Хусусан, Истамбул шахрини олди, бу шахарнинг подшоси қизи Ойжамолни ўзига тенг кўрмади. Анингдек сулув, раъно қизга паризод ҳам тенглаша олмас. Шоалижон Эрон париларининг подшоси бўлса, ким билсин анинг вилояти қайси жаҳаннамададур. Анинг қизи Гул паризод бўлса, Булбул одамзод бўлса, анинг васли Булбулга қайдин мұяссар бўлғай, эй одамлар, Булбул бир девона, агар ул девона бўлмаса, Гулнинг паризод, ўзининг одамзод эрканлигини билур эрди. Сабода бизни Нил дарёсиға солажакдур, мунинг боши-оёғи маълум бўлмаса, ул бул йўлдин дўйнmas, одам сўзига кирмас, масту ҳайрон бўлубдур. Келинг биз бу кеча қочайлик, дарёға ғарқ бўлуб ўлгандин

қочмоқ афзалдур. Истанбул шаҳариға етишсак, андин сўнг бир маслаҳат топурмиз, дедилар.

Алқисса шул кечанинг ўзида Булбулнинг ҳамма лашкарлари қочиб кетди. Булбул бундин бехабар эрди. Эртаси Салабек, Залили ерларидин турдилар, эрса лашкарлардин ном-нишон қолмабдур. –Эй лашкарлар қайға кетдингиз, деб фарёд қилдилар. Бундин ғоғил қолиб ухлаб қолган барча кишилар саксон бўлди. Булбул аларга: -Сизларга ҳам руҳсатдур, боринг, қайтинг, бизлар Салабек, Залили учимиз Гулни излаб кетурмиз, деб бир беш калима сўз айтур бўлди, эшитайлик не деди:

Мен чиқмишам, беглар, дўнмам йўлимдин,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.
Кўнглим совутмишам бошу молимдин,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Савдосида бошни этака солсам,
Жавлон уриб ишқин жомини чалсам,
Ёр йўлида дарё узра ғарқ бўлсам,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Мен бу йўлда тоғда-тузда қолмасам,
Излаб бориб шул паримни олмасам,
Ёр йўлида бошим дорга солмасам,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Ёрни излаб гул ғунчадек сўлсам ҳам,
Тубсиз дарё бўйлаб ғарқоб бўлсам ҳам,
Гул паримни истаб йўлда ўлсам ҳам,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Отам-онам ул ватанда зор қолди,
Мен билманам қайси ерда ёр қолди,
Саксон минг лашкардин саксон эр қолди,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Хеч бир муханнасдин чекманам миннат,
Яратган эгамдин истарман ҳиммат,
Қайтинг беклар, сизларга бердим руҳсат,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Душман қаллоб келса дегра-дошима,
Қаҳбо фалак оғу қўшса оshima,
Мен дўнманам ҳар иш келса бошима,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Ёд айларман ул Иброҳим Халилни,
Кечди Исмоилдин, йўқдур далили
Ҳамроҳ бўлса Сала бирла Залили,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Булбул дер, сифиндим эркли Худома,
Таянчим, суюнчим пушти панома,
Саломим етиринг отам-онама,
Ё ўлурмен, ё олурмен паримни.

Алқисса, Булбул бул сўзни тамом қилди. Андин сўнг қолган йигитларга қараб:

-Эй йигитлар сизларга ҳам рухсатдир, кўнглингиз қайтишга мойил эрса, қайтинг. Сизлар ухлаб аларнинг қочғонини билмай қолибсиз, агар билсангиз сизлар ҳам қочур эрдингиз. Анда саксон йигит бошларини ошиқ солиб:

-Эй Булбул, бизлар сенинг яхши, лаззатли кунларинга ёнингда бўлуб, қийнчилик чиққанда қочиб қолсак, жонимиз жаҳаннамда бўлур, деб зор-зор йигладилар ва яна:

-Эй шахзодамиз, Булбул, бизлар сен ўлик ерда ўлик, тирик ерда тирикмиз, сен ўтга урсанг ўтга, сувга урсанг сувга урамиз, дедилар. Эрса бул сўздин Булбул хушнуд бўлди. Анинг саксон йигити орасида Файзулла деган бир баҳодир саркарда бор эрди. Булбул анга юзланиб:

-Эй Файзулла сардор, бу саксон йигитнинг қирқига сени сардор қилдим. Сен булар бирлан изинга қайт, Истанбул шаҳрига бор. Бизнинг хабаримизни Мулла Қаландарга етказ. Андин сўнг, омон-соғ элга борсанг, бизнинг шу ерга кетган хабаримизни, бўлган ҳамма воқеаларни, лашкарларнинг қочганини ота-онамга, барча эл кунимизга етказгайсан, деди. Эрса Файзулла сардор ажаб бўлгай, деб шайи-шаймонини тутиб, оллаёрлашиб 40 йигит бирлан изига қайтди. Булбул, Салабек, Залили қолган 40 йигит бирлан от-яроғларини солга юклаб Нил дарёсиға тушиб кетдилар.

Алқисса, андин сўнг 40 кеча-кундуз сув юзида юрдилар. Эрса сувдин бошка ҳеч нимарсани қўрмадилар. Яна неча кунлар юрдилар, аммо йўлнинг охири бўлмади. Кунлардин бир кун аларнинг кўзи бир тоғга тушди, зиёда баланд турур. Ўшал тоғ дарё канорасидур, деб солларни шу тоғ томон назарлаб сурдилар. Яқин бордилар. Эрса, қўрдиларким, ул тоғ ажаб бир сафоли, чаманлик, ўтлоғлик, боғ-боқчалик ер эрди. Солларини сув юзида боғлаб, ўzlари отлари бирлан ул тоғ бағриға чиқиб, ҳар турли мевалардин тановул қилдилар, отларини ўтлоққа юбардилар.

-Умримизда мундоғ шарофатли, оғочли, мевали тоғ қўрмаган эрдик, бешолти кун шу ерда бўлайлик, дедилар. Улар эмди орқайин бўлиб, яроғасбларини ҳам ечиб, дам-тинчини олишга ўзларини бағишлаб, уйқуга кетдилар. Ухлаб ётганларида устларига думли-душдин номаълум пиёда лашкар тўкила берди. Ҳар ким ҳар ёна пароканда бўлиб, бош-боша, жон-жона кетди.

Алқисса, Булбул, Салабек, Залили учиси бир кавакка ўзларини ташлаб буқиб қолдилар. Ул 40 йигитдан пиёда чериклар ўлдирганини ўлдирди, ўлдирмаганларини тирик тутиб, қўлларини орқаларига боғлаб, олиб кетдилар.

Булбулнинг “Шоҳсуйган” оти, олмосдан ишланган “Сулув” қиличини ҳам олиб, қайдасан, Ғунчабий, деб юрабердилар.

Андин сўнг чериклар төғнинг тепасига чиқдилар. Уч йигит уларнинг изидин боқа-боқа қолдилар.

Алғараз, лашқарнинг кетганини билиб, Булбул, Салабек, Залили учиси саваш ерига келиб қарасалар, 15 одам ўлубдур, қолган йигитларни олиб кетибдурлар. Субҳонолло, биз бундай қиличили черикни кўрганимиз йўқ эрди. Бу не жамоат эркан, ҳар бири кўзимизга шердай кўринди, деб ўлганларни дафн қилиб, кўмиб, минг ғам-ғусса бирлан бир соат ўлтурдилар. Булбул, Салабек бирлан Залилига қараб: -Эй йигитлар, минг қайғу бир иш битирмас, келинг бу черикларнинг изини излаб кетайлик, ул йигитларни излайлик, ўлганларнинг қонини, тирикларнинг жонини ҳимоя этайлик, оримизни олайлик ёки мардлик билан ўлайлик, деди.

Андин сўнг уч йигит аларнинг изидин изарлаб кетдилар. Тоғ бошиға 15 кун деганда чиқдилар. Кўрдиларким, тоғнинг устида бир шаҳар бино бўлмиш, олтиндин ишлангани учун ўтдай қизариб, осмону фалакка шуъласи барқ уриб турур эрди. Буни кўриб ҳайрон бўлдилар. Айтдиларким, биз шахри Истанбулни кўриб тонг қолғон эрдик, бул шаҳар андин ҳам зиёда эркан. Бул шаҳарни одамзод солғон эрмасдур. Эмди биз хуфия ёна бир хабар олайлик. Бул нечук шаҳардур, нечук махлуқотдур, деб ўзларига сўз этдилар ва пинҳона юришни давом эттиридилар.

Алқисса, бир овлок ерда нотаниш кишига дуч келдилар, ани пинҳон тутдилар. Андин сўрадилар:

-Эй одам, тўғри сўзлагил, бу не тоғдур, бул не шаҳардур, нечук одамлари бор турур, подшоси кимдур, хабар бергил! Анда ул одам:

-Бу тоғга Кўҳисалор дерлар, шаҳарни одамзод бино қилғон эрмас, Худой таолонинг қудрати бирла пайдо бўлған эрур, анинг дурмуши олтиндандур. Отиға шахри Талос дерлар, одамлари қалмиқ, подшоси бир қиз турур. Анинг отига Ғунчабий дерлар. Одилликда анга ҳеч бир подшо баробар келмас турур, оводонликда аниг тайи йўқдур. Сулувликда, хўблиқда анга ҳеч бир паризод ето билмас. Аммо айттурким, ўзимга муносиб киши бўлса, анга тақдиримни бағишлармен, йўқ эрса дунёдин шундоқ кечурмен.

Бу тоғ Нил дарёси ичиди бир оролдур, аммо унда қирқ минг қалъа бор турур. Девларга, афритларга, париларга бож бермас, ҳаммаси Ғунчабийнинг раъиятидир, деб бир-бир баён қилди. Эрса Булбул: Аниг чериклари менинг 40 кишимдин ўлдирганини ўлдирди, ўлдирмаганини тирик тутиб кетди. Эмди ўлганининг қонини олурмен, тиригининг ўзини олурмен, эй йигит, сен эмди бизга йўл бошла, ул шаҳарга олиб бор. Қалъанинг дегра-дошиға разм сол, андин сўнг санга рухсат берали, деди. Эрса ул киши буларнинг олдиға тушиб йўлға равона бўлди.

Эмди бул сўз бул ерда турсин, эмдиги сўзни ул 40 кишининг бир қисмини ўлдириб, бир бўлагини олиб кетган чериклардин эшитинг. Ул 40 кишидин 15 киши ҳалок бўлди, 25 тасини чериклар Ғунчабийнинг олдиға олиб келдилар. Ғунчабий:-Бул одамларни қайдин тутиб келдингиз, деб сўради. Анда чериклар тоғ устига бориб саваш қилғонликларини айтдилар. Эрса, Ғунчабий 25

кишидин: -Эй одамлар, қайдин келиб, қайда борурсиз, қайси шаҳарнинг, қайси вилоятнинг одамлари бўлурсиз, не иш учун бу ерга келибурсиз, сардорингиз ким туур, деб сўроғ қилди. Анда улар:

-Бизлар Турон вилоятининг одамлари бўлурмиз, подшомизнинг отига Носир подшо деярлар. Анинг Булбул отлиғ бир ўғли бор туур. Ул Гул деган бир паризодға ошиқ бўлуб, ани излаб чиқди, бизни бу ерга олиб келди. Кечган вилоятларимизда кўплаб мамоликларни забт қилиб, Истанбул шаҳариға етди. Ул шаҳарнинг подшосини ўлтуриб, лашкарларини енгиб шаҳарни олди. Шул подшонинг Ойжамол отлиғ оводон бир қизи бор эрди. Ани ўзига қабул қилмай, ўз мулласи Мулла Қаландарга никоҳ қилиб 40 кеча-кундуз тўй берди. Андин сўнг Мулла Қаландарни Истанбулга ҳоким қилди. Яна ўзи Гулни излаб чиқди. Биз бир ерда тўхтаб уйқуға кетдик. Сенинг черикларинг шул вақтда устимизга тўкилиб, ўн бешимизни ўлтуриб, йигирма бешимизни сенинг ҳузуринга олиб келдилар. Булбул, Салабек, Залилилар қочиб тоғнинг кавагига кириб қутилдилар. Алар ғофил қолдилар. Агар ғофил ўлмасалар сенинг лашкарингдин бирин ҳам омон қолдирмас эрдилар. Ҳали ҳам бўлса, бизни излаб тезда келсалар керак, дедилар. Эрса Ғунчабий ўтирган ерида бармоғини тишлаб, ҳайратга тушиб: -Бул нечук одамзоддир, Гулга ҳақ ошиқ бўлуб, мунча ишларни бажариб келур. Анча йўлларда баҳодир паҳлавон йигитлар битира олмаган ишларни битириб келибдур. Гул паризод бўлса, Булбул одамзод бўлса, нечук Гул анга муюссар бўлғай, деб ўйланиб қолди. Мен ани топиб келтирай деб қалъаға жар чекдирди. Шаҳардаги бари лашкарларни жам этиб:

-Булбул, Салабек ва Залилига яроғ чекмай, азият етказмай, тиф солмай тирик тутиб, ёнимға олиб келинг, деб буюрди. Эрса сардорлари қуллук айтиб, 500 черик бирлан Булбулнинг қаршисиға чиқдилар. Улар тоғ устига чиқиб, қарасалар тош орасидин бир тўзон кўтарилиди. Бир **солим** вақт кечгандин сўнг, ул тўзон ичидин уч отлиқнинг ўzlариға қараб келаётганини кўрдилар. Ғунчабийнинг сардорлари ҳам аларға қараб от қўйдилар. Шул вақт Булбулнинг буларга кўзи тушди. Ул йўлдошлариға қараб:

-Эй Салабек ва Залили бил келган қўшин оғзи таом таъмини тотган қўшиннинг хут ўзидур. Бугун ўлим кунидур, уларнинг то биттаси қолгунча қириб ўчимизни олурмиз, деб қилич-яроғларини қинидин суғуриб ғанимға қарши от қўйдилар. Ул қўшиннинг орасига қотишдилар. Шундай қилич урдиларки, кўкда йилдирим чаққандай бўлди. Шул вақт Ғунчабийнинг сардори дод этиб:

-Эй Булбул, эй Салабек, эй Залили, бизнинг сизларга ёмонлиғимиз йўқ туур, тўғри келаверинг. Биз сиз бирлан уруш этмакка келмадик, фақат Ғунчабий подшонинг буйруғи бирлан келдик. Ғунчабий сизларни ҳузуриға таклиф қилиб юбарди. Анга кераксизлар хизматиға борғайсизлар, деди. Аммо уч йигит бу сўзларга қулоқ қўймади. Булбул “Дамбермас” қиличи билан ураберди. Салабек ва Залилилар ҳам ҳеч кимни аямадилар. Ғаним бошларини тугмадай ўзиб ташлайвердилар. Кўплаб лашкар қирildi. Охири қўшин бу уч одамга тоб бера олмай босилиб, ўзини тоғу тошга уриб доғишиб кетди. Бир нечасининг боши ёрилган, бир нечасининг қўли йўқ, абир-забир, бор-бедод бўлиб қалъага қочиб кирдилар. Ғунчабий аларни кўриб, ҳайрону саросима бўлуб:

-Не балоға дуч келдингиз, деб сўради. Алар:

-Эй Ғунчабий, сиз бизни уч йигитни олиб келишга юбардингиз. Алар аввалги савашда ахмол қолғон эрканлар. Агар алар уйғоқ бўлсалар, лашкарларингиздин бири ҳам бу ерга қайтиб келмас эркан. Бу йигитларнинг қиличи одамни иккига бўлиб ташлаб туур, алар бирлан уруш қилмоқ бизга мұяссар бўлмас, деб зор-зор йиғлаб хабар бердилар. Эрса Ғунчабий чеरикларига боқиб:

-Неча киши ҳалок бўлди, деб сўради. Алар:

-Беш юз киши эрдик, уч юз киши қайтдик, ўзгамиз шахид бўлди, дедилар. Ғунчабий деди:

-Уч киши бир урушда икки юз кишини ҳалок этса, булар анойи одамлардин эрмас, албатта. Алар бир эр назари тушган одамлардур. Сардорлар: -Биз ўн беш чеरикни ўлдирдик холос, алар ўкта йигитлардур. Булар билан муросага борилмаса, куч бирлан енгиб бўлмас, дедилар. Анда бир йигит:

-Эй Ғунчабий, аларнинг ўз одамлари бирлан бизнинг одамларни қўшиб юбарсанг, балки ул уч сардорни бу ерга келтириш мумкин бўлур. Алар бориб: Ғунчабий ўзини Булбулга бахш этур, келиб никоҳ қилиб олсун, десангиз балки келур, деди.

Алқисса, бу сўзлар Ғунчабийнинг қалбиға маъқул тушиб, асир олинған 25 киши ёнига 4 эътиборли ўз кишисини қўшиб элчиликка юбарди.

Ул уч кишини сужи тил бирла юмшатиб, олиб келгайсиз. Менинг муносиб кишим Булбул бўлғай, ўзимни анга бағишларман, тахтимға миндириб, ўрнимда ўтиргизурман, деди, Ғунчабий.

Алғараз ул 25 киши 4 киши бирлан бирга кетдилар. Булар Булбул, Салабек ва Залилини излаб борур эрдилар. Ногоҳ аларга дуч келдилар. Булбул, Салабек, Залилилар ҳам буларни қўриб, яроғларини тайёрлаб, яна чеरик келди керак, деб ўйлаб турдилар. Эрса ул 25 киши фарёд қилиб дедилар:

-Ҳай-ҳай Булбул, биз ўз йигитларингизмиз, бизга Ғунчабийнинг ўзи рухсат берди, совчи бўлиб келдик. Тўрт элчи ҳам юбарди, дедилар. Эрса Булбул қурол-яроғларини йиғишитирди. Аларга пешвоз чиқди. Ул 25 киши бирлан 4 элчи қўл қовуштириб, бош эгиб тик турдилар. Булбул ишорат қилди, ўлтурдилар. Соғлик –саломатлик сўрашгандин сўнг Булбул:

-Эй биродарларим, Ғунчабийнинг элчилариға нима учун бош бўлуб келдингиз, не сўзингиз бор, деб сўради. Анда ул йигитлар:

-Эй Булбул, бизларни Ғунчабий юбарди. Бизнинг Булбулга хиёнатимиз йўқ. Ул 15 одамимизни ҳам билмасдин ўлдирибдурлар. Ул биздин қонини, хунини зиёда олди. Ўн беш одами учун 200 одамимизни ўлдириди, 5 одамни ярадор этди. Кўнгли жой бўлсин, эмди биз Булбул, Салабек, Залили бирлан эл бўлдик, ўзимга муносиб йигит топмай юрур эрдим. Эмди билдимким, Булбул менинг муносиб йигитим эркан. Танимни анга бағишлаб тахтимни берурмен, ўрнимда ўтқизиб, ўзим хизматин қилурмен. Булбул, Салабек ва Залилини олиб келинг, уруш, жанжал бўлмасин, деб юбарди. Эй Булбул юринг, борайлик, дедилар. Эрса Булбул, яхши борсак борайлик, подшонинг сўзини синдириб бўлмас, деб уларга қўшилиб равона бўлди.

Алғараз, булар қалъа дарвозасидин ичкари кирдилар. Дарвоздаги соқчилар Булбул келди, деб Ғунчабийга хабар бериш учун югуриб кетдилар. Эрса Ғунчабий бул хушхабарни эшитиб, шоҳона либосларини кийиб, қадди қоматига зеб бериб, кўриниш майдониға чиқиб, тахтиға равона бўлди, бориб анга ўлтурди. Бул уч йигитга ҳам бир тахт келтирдилар. Эрса улар ҳам келиб Ғунчабийга салом бердилар. Ғунчабий аларга ишорат қилди, йигитлар ҳам тахтга ўлтурдилар. Ул 25 навкар такъяда ўлтурдилар. Соғлик-саломатлик сўрашдилар. Шул вақт Ғунчабий:

-Эй Булбул, не мақсадинг, не матлабинг бор, қайдин келиб, қайға борурсен, йўлинг бехатар бўлсин, деди. Эрса Булбул дуторини қўлиға олиб, ани баланд пардадин созлаб, Ғунчабийга қараб, бир мухаммас айтди, қаранг неларни деди:

Ул ватандин айладим азми гулистоним керак,
Келмишам васфин ёйиб, оламга достоним керак,
Тар очилмиш навбаҳорим, тоза бўстоним керак,
Бор гўзаллар сарвари, ул шоҳи хўбоним керак,
Мақсадим булдур менинг дунёда жононим керак.

Оҳи-афғоним ёқибдур арши курси ал-саро,
Шамъина парвона бўлдум, ўртаниб бу ишқ аро,
Гул юзи бир моҳи тобон соchlари шаб ранг қаро,
Ханжари ҳижрон чекиб, сийнамни айлабдур яро,
Жумла олам кўрки бир ҳусн ичра султоним керак.

Ул хазинам, ганжи коним, дурри гавҳар маъдани,
Топмадим Эронни кездим, қайда манзил-маскани,
Боғ ичининг гулузори, тар бинафша гулшани,
Жумла оламни яратган ёхти дийдам равшани,
Тўлған ул ўн тўрт кечалик моҳи тобоним керак.

Бул менинг ошуфта кўнглум куйида ғамхонадур,
Айрилиб синмиш биноси, бир бузук вайронадур,
Бул ширин жоним менинг шамъина чун парвонадур,
Лаъли ҳинжудек тизилмиш, тишлари дурдонадур,
Сочи сунбул, юзи гул, олма занахдоним керак.

Оҳу зорим ингратибдур, тоғу тошу Дузлари,
Кўрсатиб ойдай жамолин, маст этибдур бизлари,
Овламиш кўнглим қушин, шаҳду шакардур сўзлари,
Қабоги қотиланинг, жон олғувчиидур кўзлари,
Қоши ёй, киприги ўқ, ғамзаси пайконим керак.

Айрилиб ғам созими, кўп бўлди боми зиллари,
Нола-фарёдим уйғотмиш, барча ётғон эллари,

Ёр учун бошим солиб кечдим шу дарё Ниллари,
Йиғламоқдин баҳри уммон бўлди чашмим селлари,
Арши аълодин ўтан бул охи-афғоним керак.

Соқий бир май сунди, кўрдим кўзларин жом ичра мен,
Ишқида шайдо бўлуб, қолдим бул бадном ичра мен,
Ҳасратидин солмишам ўтларни сийнам ичра мен,
Ошиқ ўлдим, сувратин кўргач Дијором ичра мен,
Булбулам, Гул бирлан этган аҳду паймоним керак.

Алқисса Булбул бул сўзини тамом қилди. Эрса Ғунчабийнинг юрагига ўт тушиб, Булбулга **махри** кетиб, юзини кўриб, сўзини эшитиб, ошиқи сармаст бўлди. Дуторини қўлиға олиб, тўшига босиб, баланд пардадин созлаб, бир абёт айтди, Булбул ҳам жавоб берди:

Ғунчабий: Тозадин, ўтларни солдинг жонима,
Кўрмагайдим, куймагайдим, мен сени.
Не ҳайрон боқурсен менинг шаънима,
Кўрмагайдим, куймагайдим, мен сени.

Булбул: Истадим, султоним, келдим ёнинга,
Қўйма, жоним, ҳижолата сен мени.
Беҳуда ўт солма ширин жонинга,
Қўйма, шоҳим, ҳижолата сен мени.

Ғунчабий: Икки жаҳон ошиқ эрди ўзима,
Мойил эрди ширин-шакар сўзима,
Оlam йигитини илмам кўзима,
Кўрмагайдим, куймагайдим мен сени.

Булбул: Келгану кечгандин, барча ўтандин,
Анбардин, афшондин, мулки Хўтандин,
Ёр учун айрилдим она ватандин,
Қўйма, шоҳим, ҳижолата сен мени.

Ғунчабий: Ишва бирлан кўзу қошим сузардим,
Сўна киби сут кўлинда юзардим,
Бир муносиб ёр излаюб кезардим,
Кўрмагайдим, куймагайдим мен сени.

Булбул: Ғам уйида ғам хоримни изларман,
Қора кўзли дилдоримни изларман,
Ёлғончида ўз ёримни изларман,
Қўйма, шоҳим, ҳижолата сен мени.

Ғунчабий: Сен келдинг айрилдим күнгил қушимдин,
Сендейни топмадим, тенгу тушимдин,
Сени күриб кетдим ақлу ҳушимдин,
Күрмагайдим, куймагайдим мен сени.

Булбул: Мен солмишам ўта шириң жоними,
Ё топам, ё тўқам қизил қоними,
Тарқ этиб чиқмишам хону моними,
Қўйма, шоҳим, ҳижолата сен мени.

Ғунчабий: Сен ета билмассан күнгил шодинга,
Гул ҳаргиз тушмасин сенинг ёдинга,
Мен аввалдин ошно эрдим отинга,
Кўрмагайдим, куймагайдим мен сени.

Булбул: Насимийдай сўйдирсалар терими,
Дўнманам чақиринг хайюл-Карими,
Ё олармен, ё ўлармен парими,
Қўйма, шоҳим, ҳижолата сен мени.

Ғунчабий: Бўйин эгсанг яхши йўла бошлармен,
Эгмасак сўйдириб, теринг ошлармен,
Ё ўлдириб, ё зиндана ташлармен,
Кўрмагайдим, куймагайдим мен сени.

Булбул: Бир боша бир ўлум гумоним йўқдур,
Ажал етса дардга дармоним йўқдур,
Ўлсам ёр йўлида армоним йўқдур,
Қўйма, шоҳим, ҳижолата сен мени.

Ғунчабий: Бу йўлдин чўх келиб кечди сенчаси,
Ёр истаб жонини берди қанчаси,
Мен ҳам шу бўстоннинг тар гул ғунчаси,
Кўрмагайдим, куймагайдим мен сени.

Булбул: Қутулмадим ҳасрат бирлан зулмдин,
Айрилик аччиқдур, балки ўлумдин,
Мен Булбулам, айро тушдим Гулимдин,
Қўйма, шоҳим, ҳижолата сен мени.

Алқисса, алар бул сўзни тамом қилдилар. Эрса Ғунчабий: -Буларни меҳмонхонага олиб боринг, хўб парвариш қилинг, ошоқлариға ғоли тўшак тўшаб, андин сўнг чой, турли таом беринг, дам-тинчин олсинлар, деди. Хизматкорлар буларни меҳмонхонага элтдилар. Иззат-хурмат бирлан аларға чой-наҳор, турли таомлар олиб бордилар. Андин бир неча кун кечгандин сўнг Булбул Залилига: -Бор, Ғунчабийдин менинг “Шоҳсуйган” отим бирлан “сулув”

қиличимни тилаб, олиб кел, деди. Залили ажаб бўлгай, деб кетди. Ул Ғунчабий хузыриға яқин борди. Дарвозадин киришда кўрдики, қўлида яроғли **маҳосиллар** йўл устида турмушлар. Алар:

-Эй киши қайда борурсен, дедилар. Залили:

-Мени “Шоҳсуйган” оти бирлан “сулув” қиличини олиб келиш учун Ғунчабийнинг олдиға Булбул юборди, шунга борурмен, деди. Маҳосиллар:

-Бу ҳозир бемаҳал чоғдир, сенга анинг олдиға киришга рухсат бермасмиз, дедилар. Андин сўнг сен кимки Ғунчабийга арз этмоққа келибдурсен? Изинга қайт, бизга Ғунчабий танбех берур, дедилар. Эрса Залилининг бунга қахри келиб, сиёsat қилиб, **ҳовой-хайбат** бирлан бир байт калима сўз айтур бўлди, қани не деди эркан. Айтувчи Залили, тингловчилар маҳосиллар.

Бегим амр айлади қочғил йўлимдин,
Киурмен сизларни, қирмасам бўлмас.
Барингни бир ўткир қилич дамидин,
Суурмен сизларни, сурмасам бўлмас.

Мавлон бўлур ғўч йигитнинг дастири,
Гўё мен бўлмишам тоғларнинг шери,
Шул майдонда бўйнингиза шамшири,
Урурмен сизларни, урмасам бўлмас.

Кезмишам дунёни икки порада,
Қиличлар бўялсин қонли ярова,
Сизлар бирлан гурт ўйини орада,
Қуурмен сизлари, курмасам бўлмас.
Ўтум чўхдур, мен ёқармен ўт киби,
Қорайиб қолурсиз кўчган юрт киби,
Барингизни қўйни олғон гурт киби,
Сўйюрмен сизларни, сўймасам бўлмас.

Бўлмас ширин жонни кимдин қарз этиб,
Чиқмишам ўлимни бўйна фарз этиб,
Ҳожатимни Ғунчабийга арз этиб,
Туурман сизларни, турмасам бўлмас.

Сизлар ҳам бир банги, носкаш, ароқчи,
Бож берманам келса юз минг қароқчи,
Сизлар бир **хўшачи**, мен бир ўроқчи,
Ўрурмен сизларни, ўрмасам бўлмас.

Залили дер, кесгум узоқ ёшингиз,
Қутулмисиз қариб дегра-дошимиз,
Бу майдонда сизнинг оғир лошингиз,
Сарурман сизларни, сармасам бўлмас.

Алқисса, Залили бу сўзини тамом қилди. Маҳосиллар күркіб, Ғунчабийга киши юбардилар. Ул киши Ғунчабийнинг ёниға бориб:

Эй Ғунчабий, Булбулнинг Залили деган бир кишиси келиб, маҳосилларга сиёсат бирлан сўз айтурким, менга йўл беринг, Ғунчабийга арзим бор, йўқса сизларни қилич дамидин ўткарурмен, деб ҳовой-сиёсат этиб турур, деди. Эрса Ғунчабий:

-Боринг, йўл беринг, мунда келсин, арзи бўлса айтсин, деди. Андин сўнг маҳосиллар:

-Бор, арзинг бўлса, айтабер, деб Залилига йўл бердилар. Залили Ғунчабийнинг ёниға кирди. Ғунчабий тахтга чиқиб ўлтурди. Залили:

-Ассалому алайкум, деб Ғунчабийга салом берди. Ғунчабий алик олиб:

-Эй Залили, не иш бирлан келдинг, деди.

Эрса Залили одатий дастур бирлан оёқ устида туриб, тоғ устидаги урушда черикларининг ғофилликда от-яроғларни олиб кетганликларини айтиб, уларни қайтариб беришни сўраб, Ғунчабийга арз этиб, бир беш калима сўз айтар бўлди:

Кел эшит мендин бугун, бор сўзим, хоним санго,
Тўғри келдим топшириб, мен бу ширин жоним санго,
Хожатимни биткариб, ўлдир, **бихил** қоним санго,
“Шоҳсуйган” бирлан “сулув” эй шоҳи хўбоним санго,
Бер буларни, арз этай, давлатли султоним, санго,

Қайтариб иқболимизни чархи каж рафтор бугун,
Ул чериклар солдилар чўх бўйнимизга ор бугун,
Шоҳимардон қўлдади-бўлди аларга ёр бугун,
“Шоҳсуйган” бирла “сулув” тушди қўлида бор бугун,
Бер буларни арз этай, давлатли султоним санго.

Дўнманам бул кўчалардин қонлар оқса мисли сув,
Бош кесилса дуйма-дуйма, кессалар мисли **каду**,
Бир замон тингла сўзимни, сен эшит арзимни бу,
Бермасанг сингмас санго ул “шоҳсуйган” бирла “сулув”,
Бер буларни, арз этай, давлатли султоним санго.

Айрилиқда ул бегим қолди замони қоврилиб,
Юрмади мастан ўлуб, ёр кўчасида **ўврилиб**,
Ишқида ёниб-пишиб, қул бўлди, куйди соврилиб,
Ғам босибдур “Шоҳсуйган” бирла “сулув”дин айрилиб,
Бер буларни, арз этай, давлатли султоним санго.

Етти дўзах ўтидин ким қутулуб жону танинг,
Хожатим қилсанг рано, жаннатда бўлсун масканинг,
Кўхи салордин ўтуб, қирқ минг қалъа ҳукминг санинг,
От-яроғнинг рухсатидин бошқа йўқ арзим менинг,
Бер буларни, арз этай, давлатли султоним санго.

Ғунчабийдин дер бегим, Гулнинг сўроғин истарам,
“Шоҳсуйган” отлиғ ёлғончининг буроғин истарам,
Ул “сулув” отлиғ **жизом**-қўнглим чироғин истарам,
Дейди: Бу қирқ лашкаринг оти-яроғин истарам,
Бер буларни, арз этай, давлатли султоним санго.

Дер Залили, келдим анча ўткариб рўзи шаби,
Бир кўнгил қилсанг иморат шод ўлур руҳи наби,
Жумла оламда топилмас шоҳи хўбон сен каби,
Ҳам “сулув” ҳам “шоҳ суйган”, ҳам рухсатим эй Ғунчабий,
Бер буларни, арз этай, давлатли султоним санго.

Алқисса, Залили бул сўзларни тамом қилди. Эрса Ғунчабий:

-“Шоҳсуйган” бирлан “сулув”ни, ул 40 йигитнинг от-яроғини ҳам
Залилига бағишладим. Ясовуллар боринг, Булбулнинг сўраган отларини,
яроғларини беринглар, деди. Эрса Залили одоб сақлаб, тура келиб, қуллук
қилди. Эрса Ғунчабий:

-Эй Залили, бул от-яроғларни сенга бағишладим.

Аммо сизларга рухсат йўқдур. Мен сенинг бегинг Булбулга ошиқ
эрурмен. Токи мени никоҳ қилиб олмаса **бош-боша бормас!** Бориб бегинга
айтгайсен, ё менинг сўзимга қулоқ тутур, ё ўлур, ё зиндонга тушур. Гул ҳам
мендин зиёда киши эрмасдур. Ул паризод бўлса, мен одамзод туурмен, бегинг
менга муносибдур. Булбулдин ортиқроқ йигитлар бориб, Гулнинг отаси
Шоалижон шартларини бажара олмай, ширин жонларини жаллодларга
топширибдурлар. Бул битмас хаёлардин фориғ бўлсун. Гул дейиб мени тарк
этмасун. Булбул Ғунчабийни олса, Кўхи салорнинг 40 минг қалъасиға подшо
бўлса, бундин ортиқ яна нима керак, деди. Эрса Залили от-яроғларни олиб
бориб, Ғунчабийнинг айтғон сўзларини бош-оёқ Булбулга баён этди. Булбул
бул сўзларни эшитиб: Мен ул сўзни ҳаргиз қабул қилмасмен, агар Салабек
қабул қилса, Ғунчабийни дўстимга никоҳ қилуб берурмен. Агар ул рози бўлса,
Кўхи Салорнинг 40 минг қалъасиға Салабекни ҳоким қилсун. Салабек ҳам
Ғунчабийга эр бўларлик йигит, Кўхи салорнинг 40 минг қалъасиға ҳоким
бўларлик йигит. Йўқ эрса, қиличимнинг дастаси қолғунча чопишурмен. Кўхи
салорнинг қалъасиға ҳамда вилоятиға хоҳ ул эга бўлсин, хоҳ биз эга бўлайлик,
деди. Ногоҳ бир маҳосил келиб дедики.

-Булбулни подшомиз Ғунчабий сўраб, тезда келсун, деди. Эрса Булбул
қуллук, дея Ғунчабий тарафға равона бўлди. Кўриниш майдонига бориб, анга
салом берди. Ғунчабий саломдин сўнг Булбулни тахтга таклиф этди. Ул бориб
ўлтурди. Иккиси бир неча хуш сўз айтишди. Андин сўнг Ғунчабий дуторини
қўлиға олиб, ани баланд пардадин созлаб, Булбулга қараб бир ғазал айтди,
Булбул жавоб берди. Саволи Ғунчабий, жавоби Булбул бул турур:

Ғунчабий: Ҳеч бир паризода бормудир менча,
Муносибман, никоҳ қилиб ол мени.
Сен Булбулсен, мен бир очилған Ғунча,
Муносибман, никоҳ қилиб ол мени.

Булбул: Мен бошдин бир шириң тила ошиқам,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени!
Боғ ичинда битган гула ошиқман,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени!

Ғунчабий: Ногоҳон бир йўлинг тушди устимдин,
Тутмасмусен тархиноли дастимдин.
Кел бўса истасанг чашми мастиимдин,
Муносибман никоҳ қилиб ол мени.

Булбул: Париларнинг шоҳи, хўбларнинг хўби,
Шул дали кўнглимнинг тоза матлуби,
Мен истамам Гулдин ўзга маҳбуби,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени.

Ғунчабий: Бир мард боша солса ёрнинг хаёлин,
Қайтурмас йўлида ул бошин, молин,
Истасанг бир тоза дилбар жамолин,
Муносибман никоҳ қилиб ол мени.

Булбул: Тушибдур устингдин менинг гузарим,
Ўзим ғариб, аммо чўхдур озорим,
Гул бўлмаса, ўзга ёрдин безорам,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени.

Ғунчабий: Ошиқлик савдоси бошда бор ўлса,
Чекдигинг ёр учун оҳу зор ўлса,
Кўнглингда орзуинг севар ёр ўлса,
Муносибман никоҳ қилиб ол мени.

Булбул: Айрилиб эл-кундин, кўрқмай ўлимдин,
Ватаним-юртимдин, соғу сўлимдин,
Мен бир бечора мен, қўйма йўлимдин,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени.

Ғунчабий: Шахри Талус юрти тамом сенингдур,
Тингла сўзим, десам даврон сенингдур,
Айриммам, ол мени, эрким сенингдур,
Муносибман, никоҳ қилиб ол мени.

Булбул: Мен шахри Талусда ҳаргиз турманам,
Ёрсиз маскан ичра сафо сурманам,
Ёримдин ўзгага кўнгил берманам,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени.

Ғунчабий: Бехуда ёр учун ёниб-пишарсан,
Ўтсиз қозон ичра қайнаб-жўшарсан,
Ё ўларсан, ё зиндана тушарсан,
Муносибман, никоҳ қилиб ол мени.

Булбул: Қочди боз шунқорим, кетди қўлимдин,
Сабилам изинда, кўрқмам ўлимдин,
Ошиқ ўлан қочмас қанча зулмдин,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени.

Ғунчабий: Ҳеч бир паризода бормудир менча,

Оламда ғүч йигит кўрмадим сенча,
Сен Булбулсан, мен бир очилғон Ғунча,
Муносибман, никоҳ қилиб ол мени.

Булбул: Салабегим бордур, сенга муносиб,
Баҳодир истасанг бўлғуси насиб,
Ўтмас Булбул Гулнинг устини босиб,
Назар этма, шоҳим, кўздин сол мени.

Алқисса, Ғунчабий бирлан Булбул сўзларини тамом қилдилар. Эрса Ғунчабий:

-Эй Булбул, энди билдимки, сен Гулга ҳақ ошиқ эркансен: Ё Гулни олурсен ё анинг йўлинда ўлурсен. Агар олсанг қўлтиғифа кириб базми даврон қилурсен. Эй Булбул, Салабек, Залили учунгиз бир назаркарда туғилган эр йигитлар экансиз. Сизга эр назари тушгандур. Эр назари тушган йигитнинг қиличи ҳеч нарсадин қайтмас, айтган сўзи хато кетмас, сўзи битар, қиличи ўтар.

Эй Булбул, сен менинг деганимни этмадинг. Албатта насиба бўлса, “Ёзилған бузулмас, ёзиқли ювулмас”, деганлар. Эмди санго бир муносиб хизматим бор. Шуни битириб берсанг, санго рухсат берайин, ихтиёrimни санго бағишлайн. Салабекка бор, десанг борайин, хазинамда ҳар не керак зотинг бўлса баҳш этайин, ҳарна қилсанг қил, деди. Анда Булбул: -Эй Ғунчабий, не хизматинг бўлса, айтғил, иншоолло бир соатда битиурмен, деди. Ғунчабий.

-Эй Булбул бу Кўхи салорнинг минг жулгаси бор, анинг бирига Калезав дерлар. Ул Калезавнинг ичидаганжи хазинадин: олтин, кумуш, лъял, жавохир, дур, маржон тўладир. Аммо анинг оғзида бир қора аждарҳо бордур. Ул жулга оғзини қўриқлаб ётибдур, анинг олдиға ҳеч бир парранда, дарранда бора билмас, борганни кўйруғи бирла супуриб ташлайдур. Магарам сен ани ўлдира билсанг ҳарна ганжи хазинаси борки, ани олиб тугатиб бўлмас. Агар шу ишимни битирсанг, ҳар иш бўлса мен битиурмен, ҳарна айтган сўзингни бажарурмен, деди. Булбул қуллук деб тура солиб меҳмонхонасиға бориб, ҳамроҳлариға Ғунчабийнинг сўзларини баён қилди. Айтдики, эй йигитлар, қайси бирингиз Кўхи салорға бориб, Ғунчабийни буюрган ишини бажарасиз, деди. Анда Салабек: -Эй Булбул, иншоолло бу ишни биз битказурмиз, деди. Булбул деди: Эй дўстим Салабек бул сўзингни Ғунчабийга ҳам баён қил, деди. Андин сўнг Булбул Салабекни олиб Ғунчабийнинг олдиға кетди. Ғунчабий аларни қабул қилди. Чой-нон, наҳор-биринж, эт-кабоб келтириб аларнинг кўнглини хушлади. Ғунчабий бир фаслдин сўнг Салабекка юzlаниб:

-Эй Салабек, Калезавнинг аждарҳоси бирлан саваш қуриб билурмисен, деб сўради. Шул вақт Салабек таъзим қилиб бир беш калима айтар бўлди:

Таваккал айларман, Ҳақа дуз туриб,
Кетарам йўлларнинг **роси билани**.
Кучли ғаним бирла юзма-юз туриб,
Чопишам Эроннинг **шоси билани**.

Довушса оғаси, хони, султони,
Ол қона бўялса дала майдони,

Саваш куни бегим, бул ширин жони,
Олишмам ҳар етган **саси билани**.

Ҳар **гурлавик** чоҳлар тўлуб оқмади,
Ҳар **калпаза** аждар бўлуб чақмади,
Ҳар киши лоф бирлан **ботмон** чиқмади,
Чекканда ҳақ дошиング роси билани.

Расводур ул киши, ўз ҳолин билмас,
Бўлурми ҳар ётғон тошлардин олмос,
Майдонда бир одам баробар келмас,
Сўзда teng бўлурсен **каси** билани.

Бегим шул золима зулфиқор чалсак,
Эллардин ҳар ёна дарбадар солсак,
Оллоҳим даст берса, Талусни олсак,
Кўхи салор, бари қальаси билани.

Жанг куни қисқарур номарднинг бўйи,
Писиб қолар ердин қазилса ўйи,
Ғўч йигита гурлар савашнинг тўйи,
Муханнаслар қолур ёси билани.

Эр керакдур Калезавга етмака,
Йигит керак устин босиб ўтмака,
Салабек дер, кетгум саваш этмака,
Тоғнинг шери аждарҳоси билани.

Алқисса, Салабек бул сўзини тамом қилди. Эрса Ғунчабий: -Менинг кўнглим, сўзим битди, деди ва Калезавға чиқурмен, аждарҳо бирлан Салабек жангини томоша қилишға юринг, деб жар чақириди. Бир соатда 100 минг лашкар йигилди. Булбул, Салабек, Залили ул 25 ҳамроҳи бирлан Калезав томонга равона бўлди. Алар Калезавга етишдилар. Эрса Ғунчабий лашкарига қараб: -Эй лашкарлар, саф-саф бўлиб туринглар, деди. Лашкарлар саф-саф бўлиб турди. Ғунчабий жар чектириди:

-Эй йигитлар, орангизда Калезавнинг аждарҳоси бирлан уруш қиласман деган борми, агар шундай девталаб, баҳодир йигит бор бўлса, майдонга чиқсин! Бул сўзга лашкарлардин ҳеч бири жавоб бермади. Шул вақт Салабек майдонға чиқиб, қўл қовшириб, мен чиқадурмен, деб бир беш калима сўз айтур бўлди:

Кўринг бугун майдон ичра чиқмишам,
Чиқдим аждар бирлан саваша, беклар!
Калезав оғзида бориб турмишам,
Сиз этинг олисдин томоша, беклар!

Саваш куни ғўч йигитнинг азбари,
Қўллар Шоҳимардон-Оллоҳнинг шери,

Қилич уриб икки бўлсам аждари,
Бўз майдон ол қона булаша(р), беклар!

Шоҳим ҳукм айлади, чикдим бу йўла,
Беш бўлиб чиқмишам шу юз минг қула.
Обрўли отлари оламга тўла,
Чови бориб аршга улаша(р), беклар!

Калезав оғзида чошириб лошин,
Устига бостириб ул қора тошин,
Шу гун обрў олиб мен кесай бошин,
Ё аждар бўйнима дўлаша(р) беклар!

Ор учун чиқмишам, кечдим ўзимдин,
Қайтманам юз душман келса юзимдин,
Кетарам дўнмасман айтган сўзимдин,
Шугун ҳар иш келса бу боша, беклар!

Шер киби майдонда бориб туурмен,
Оллоҳим даст берса бўйнин буурмен,
Шугун шомор бирлан саваш қуурмен,
Ўлсам, эга бўлинг, сиз лоша, беклар!
Айрилиб маскандин, тоғдин, элимдин,
Чоҳлар бўлиб оқсин қонли селиндин,
Салабек дер. Бориб чопсам белиндин,
Сиз юринг изимдин қараша, беклар!

Алқисса, Салабек бу сўзини тамом қилиб, от солиб, аждарҳога қарши кетди. Изидин Булбул, Залили, ул отлиқ йигит ҳам ҳамроҳ бўлуб кетдилар. Аммо Ғунчабийнинг 100 минг лашкари ҳайрон-саросима бўлуб турдилар ва ўзларига:

-Булар бир бўлак ақлсиз одамлардур, бири ўлган жойда барчаси ўлур. Бул 28 киши Калезавнинг аждархосига бир лукма ҳам бўлмас. Уларни аждарҳо қуйруғини бир сармаганда жаҳаннамга юбарур. Ул сонсиз қўшинларни ҳам еб тамом қилғандур, дедилар. Анда Ғунчабий аларга қараб: -Буларнинг ҳар бири минг кишига баробар келади. Қиличлари тоғларни иккига бўлади. Булар сизлар ўйлаган одамлардин эмасдурлар, деди.

Шул вақт Салабек аждарҳога қараб **тўпилди**. Эрса қилич ўтдай порлаб, қизил ёлинг бўлди. Аждарҳо буни кўриб заҳраси ёрилди, беҳуш бўлиб, қоча билмай йиқилди. Эрса Салабек аждархонинг қоқ белидин қилич солди. Аждархонинг бош тарафи жон аччиғида лашкарга қараб тўкилди. Буни кўриб қўшин қоча бошлади. Булбул: -Эй Ғунчабий лашкар қочмасин, мен мунинг жонини олурмен, деб “Дамбермас” қиличини солди, аждарҳо яна икки бўлак бўлди. Яна бир бўлагига Залили қилич солди. Аждарҳо тўрт бўлак бўлиб, қони селдек бўлиб лашкарга қарши оқди. Эрса ул 100 минг лашкар қочиб бир ёнга чекилди. Бир соатдин сўнг булар аждарҳони ўлдирдилар, юринг томоша

қилайлик, деган хабар келди. Бориб кўрсалар аждарҳо тўрт бўлак бўлиб ётиби. Буни кўриб ҳамма ҳайрон бўлиб, қараб турдилар. Эрса Ғунчабий Булбулга қараб:

-Эй Булбул, сизларга Оллоҳ қувват берсин, офарин санго, бу ишни нечук қилдингиз, деб ҳайрон қолиб вақтлари хуш бўлди. Андин сўнг лашкарга буюрдиким:

-Калезавнинг оғзига тушиналар, олтиндин, кумушдин, лаъл-жавоҳирдин, зумурраддин бир қалъа солинг, деди. Алардин бир қалъа солдиларким, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. Ғунчабий қалъа ичида бир иморат солдирди. Шундай бир оводон қалъа, оводон иморат солдириб ҳамма фарогатда бўлдилар. Бир куни Ғунчабий ҳамроҳлари бирла келсун, деб Булбулни ҳузурига чорлади. Булбул ҳамроҳлари бирлан бориб, салом берди. Савол-жавобдин сўнг, Ғунчабий аларни ўлтиришға ишорат этди. Сўнгра айтди: -Эй Булбул сизлар менинг буюрган барча хизматларимни адо этдингизлар. Эмди сизларнинг не тилақ, не орзу мақсадларингиз бўлса айтинг, мен ҳам ани битказурмен, деди. Булбул хушвақт бўлуб:-Менинг тилагим мақсадим бул туур: ўзингни Салабекка бағишлагайсен, Кўхи Салорнинг 40 минг қалъасиға ҳоким қилгайсен. Андин сўнг мен бирлан Залилига Гулни излаб кетишга рухсат бергайсен, деди. Эрса Ғунчабий: -Эй икки жаҳон чироғи Булбул, сенинг бир оғиз сўзингга жоним фидо бўлсун, ўзимни Салабекка бағишладим, ани Кўхи Салорнинг 40 минг қалъасиға ҳоким қилдим, деди. Андин сўнг Ғунчабий етти кеча-кундуз тўй қилиб, иқди никоҳ қилдируб, Салабек бирлан сухбатға машғул бўлди. Тўй тамом бўлғандин сўнг, Булбул Ғунчабийдин рухсат тилади. Эрса Ғунчабий аларға рухсат берди. Булбул Салабекка айтди:

Эй Салабек, сиз мурод-мақсадингизға етдингиз. Бу 25 навкар ҳам сизнинг ёнингизда қолсин. Залили бирлан мен Гулни излаб кетурмиз, деди.

Алқисса, Булбул бирлан Залили иккиси отларини миниб, Салабек, Ғунчабий, ул 25 навкар, шаҳар аёнлари бирлан аллаёрлашиб, йўлга равона бўлдилар.

Алқисса, Булбул бирлан Залили бир неча манзил йўл юриб, неча тоғлардин ошибб, неча чўллардин кечиб, бир доғистонликка етдилар. Кўрдиларким, бир оқ аждарҳо тоғ жулгаси атрофида яна бир қора аждарҳо бирлан бошларини олҳавоға тиклаб бир-бирига ҳамла қилур эрдилар. Бу икки йигит уларга қараб ҳайрон бўлиб турдилар. Аждарҳолар икки тоғ бир-бирига қоқишигандек чарманиб кетдилар. Йигитлар отлари бошини тортиб, бир замон аларни томоша қилиб турғонларидин сўнг. Булбул Залилига қараб: Буларнинг қайси бирига ҳимоят бергаймиз, деди. Залили: -қай бири ожиз келса, анга ҳимоят қиласи, деди. Эрса қора аждарҳо оқ аждарҳога қараганда ўқтароқ кўринди. Шул вақт Булбул бирлан Залили қиличларини чекиб от қўйдилар. Аждарҳолар ёnlарига қарамай, урушни давом эттирдилар. Булбул ва Залили аларнинг ёнига бориб етдилар. От устидин қора аждархонинг гарданига қилич солдилар. Аждарҳо уч пора бўлуб ерга тушди, қони селдек равона бўлиб оқди. Шул замон оқ аждархонинг кўзи йигитларга тушди. Уларга ҳурмат бирлан таъзим бажо келтириб салом берди. Сўнгра: -Эй йигитлар қайдин келиб, қайда борурсиз, не ишларнинг изида юурсиз, деди. Залили бори ҳайвонлар тилига

тушунар, алар бирла сўзлашур эрди. Аждархонинг сўзларини ҳам илғаб олди. Ул ҳар на бошдин бошларидин ўтган воқеаларни аждархоға бир-бир баён қилди. Аждархо таъзим бирла буларга деди: -Эй йигитлар, сизлар менинг душманимни йўқотиб, манго кўп яхшиликлар қилдингиз, биз ҳам алимиздин келган яхшиликларни қилурмиз. Дунёда ҳарна мақсадингиз бор бўлса, мен битиурмен. Келинг эмди менинг масканимға борайлик. Саруполарингизни олиб кетурсиз.

Андин сўнг аждархо йигитларни бир тоғ кавагига олиб борди, йигитлар ҳам ичкари кирдилар. Аждархо аларни бир жойға олиб борди, кўрдиларким беҳиштдин зиёдадур. Булбул ва Залили аждархонинг уйини кўриб, ҳайрон ва таажжубда қолдилар. Йигитларни ғоли тўшаклар устига ўтқазиб аждархо айтди:

-Менинг отим Зўвхумор туур, 400 йил бўлди, бул масканни эгаллаб туурмен. Менинг хазинамнинг ҳадди ҳисоби йўқ туур. Анча уйлар дуру ёқутдин, гавҳару олмосдин, олтину кумушдин, лаълу зумуррадин, қимматбаҳо тошлардин тўлиб туур. Олмос суви берилган яроғ асбобларим ҳам беҳисобдур. Дунёда ҳарна истасангиз, мунда бор туур. Агар мунда яшасангиз кеча-кундуз хизматкорингиз бўлурмен. Агар кетур бўлсангиз, ҳарна керак зотингиз бўлса, отингизға юклаб, кўтарабилганингизча олинглар, деди. Энди бир кечали меҳмон бўлинглар деб аларни меҳмон қилди. Шундай ноз-неъматлар келтириди, булар умрларида бундай ноз-неъматларни кўргани йўқ эрди. Бул кечани яхши сўзлар айтишиб, хушвақт кечирдилар. Эртаси аждарходин рухсат тиладилар. Аждархо айтдиким, менинг уйларимни бир айланинг, не кўрарсиз, андин сўнг рухсат берурмен, деди. Аввал бир эшикни очди, кўрдиларким, олтин-кумушдин лиқ тўла. Андин кўтара билганча олдилар. Яна бир эшикни очди. Кўрдиларким, лаълу зумураддин, гавҳару олмосдин тўла туур. Мундин ҳам кўтара билганча олдилар. Яна бир эшикни очди, кўрдиларким, олмос суви чекилган яроғ-асбоблардин тўлиб туур. Яна бир эшикни очди. Кўрдиларким, икки бедов от туур. Аждархо: -Бул отға “Йилдирим” от дерлар, буни Булбулга бағишладим. Бул отға “Ел” деярлар, ани Залилига баҳш этдим, деди. Яна бир эшикни очди, кўрдиларким, бир пари қиз ўлтурмиш. Анга йигитларнинг кўзи тушиб, онг-тонг бўлиб қолдилар. Иккиси ҳам беҳуш бўлуб йиқилди. Бир соатдин сўнг булар хушиға келдилар. Шул вақт Булбул пари қизни васф этиб, бир ғазал ўқиди:

Безанибсен, не сифат сен, ажаб зот!
Олдинг ақлу ҳушим, эй пари пайкар.
Жамолинга ҳайрон кулли одамзод,
Хижилдур ҳуснинга шамс ила Қамар.

Чиқдинг ол безаниб гулгун қабодин,
Сенинг каби дилбар туғмас анодин,
Гўёки чиқибсен буржи самодин,
Безаниб қуёшдай моҳи мунаvvар.

Кўзгу олиб чексанг зулфинга шона,
Холинг хўп ярашар оқ юзда дона,
Келмамиш бир пари олам-жаҳона,
Сендек ширин тилли тўти-суханвар.

Сарпди юз пардасин ул боди сабо,
Биз бугун жамолин кўрдик марҳабо!
Сен бир нозик бадан, қомати зебо,
Бўйларинг мисоли сарви санобар.

Кўнгил қушларина бўлубсен сайёд,
Ғамзаларинг эрур қотили жаллод,
Ёrim қоқмоққа бўлубсен устод,
Кўзинг имламакка бўлубдир азбар.

Гул ғунчаси етмас писта даҳона,
Жамолинг ўт солди бу ширин жона,
Юзинг шуъла солмиш жумла жаҳона,
Сочар сиё зулфинг мушк ила анбар.

Кўнглим истар бир май ичмак дастингдин,
Бир бўса тиласак чашми мастингдин,
Булбул дер, йўлимиз тушди устингдин,
Бўлди бугун бизга васлинг муюссар.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса Залили ҳам ошиғи бекарор бўлуб, ул парининг шаънига бир мухаммас бағишлади. Эшитинг, мухаммаси Залили:

Ёр учун олам кезиб, юз минг жафога учрадик,
Зўв хумор отлиғ илон-бир аждархога учрадик,
Айланиб келдик бугун, андоғ балоға учрадик,
Сочи сунбул, юзи гул, гулгун яноға учрадик,
Сийнам устига тугун, доғ узра доға учрадик.

Там-там ўлмуш дона-дона қўюбон оқ юзда хол,
Ғунча лаб, писта даҳан, ул қошлари мисли ҳилол,
Лаъли маржон тақиниб, чиқди безаниб яшил, ол,
Туғмамиш андоғ паризод аҳлида соҳиб жамол,
Сочлари **валлайли**, юзи **ваззихоға** учрадик

Бор гўзаллар сарвари, маҳбубларнинг сultonидур,
Ол бўятмиш дастига ушбу жигарим қонидур,
Мен бугун ҳуснин кўруб, ақлим анинг ҳайронидур,
Иси мушк, анбар мисол, бу кўлларнинг жайронидур,
Бир марал кўзли пари, қоши қарога учрадик.

Ишқида аршдин бугун бул нола-фарёдим ўтар,
Гул юзин күрганча дардим ортадир, андин батар,
Харна деса, айласам ҳукмин бошимға тожисар,
Зулмат ичра мен кезиб, ойсиз қоронғу кечалар,
Күзларим равшан этан шамъи чироға учрадик.

Топмишам холли паримни эшик-эшик оралаб,
Ақлу хушим олдириб, боктим олисдин қоралаб,
Сийна чок айлаб, күнгил-күксимни тилдим яралаб,
Илгина ханжар олиб, бағрим-юрагим поралаб,
Солди сийнам ичра чўх турлук яроға учрадик.

Ул паримнинг билмасдим, борми биз ила улфати,
Лайлидур ул яриминг, Мажнун бошида кулфати,
Маст этиб кўнглим анинг зебо чекилган суврати,
Лабларидур жаннат ичра **хавзи Кавсар** шарбати,
Мавж уриб оби асал оққан булоға учрадик.

Анча манзил чўл кесиб, келдик шу ерга қистаниб,
Ёв билан айлаб саваш, отим-яроғим **бестаниб**,
Дарду ҳолим арз этиб, шоҳ хизматида истаниб,
Дер Залили, биз бу кеча эшигингда ястаниб,
Ҳоки пойи кўзларимга тўтиёға учрадик.

Алқисса, Залили бу сўзини айтиб тамом қилди. Эрса аждарҳо айтди: -Эй Булбул, бу қизнинг отига Ойсулов дерлар. Мунингдек соҳибжамол қиз ер юзида бўлмас. Муни анча подшолар истади, аммо етиша билмади. Анча йигитлар мунинг йўлида жонидин кечди муроди ҳосил бўлмади. Муни мендин олиш учун ҳар хили ҳийлалар этдилар, аммо ола билмадилар. Муни сизга бағишладим. Аммо мунинг бир афсуни бордур. Бу дуони ўқиб Ойсуловуга дам солсангиз тош бўлиб қотур. Оғочга айлан десанг, оғочға айланур. Яна бир афсуни бордур. Бу дуони ўқиб дам солсанг қизға айланур, деди.

Алқисса, бу икки йигит олтин-кумушдин керагини олдилар. “Йилдирим” отни Булбул, “Ел” отни Залили олди. Аждарҳо буларга сочининг бир торини бериб айтди: -Агар мен керак бўлсам шу сочни тутататурсизлар, шул дамда 100 минг аждарҳо бирлан ҳозир бўлурман. Бу тоға Хоркелан тоғи дерлар. Оламда мундоғ улуғ тоғ бўлмас. Ўшал тоғлар аждарҳоларнинг подшоси туурман. Ҳукм айласам бир соатда юз минг лашкар йигилур, деди.

Андин сўнг Булбул ва Залили “Ел” отни симу зардин безаб, Ойсуловни миндириб, аждарҳо бирлан хўшлашиб, йўлға равона бўлдилар. Анча кунлар йўл юриб, бир неча манзиллар кечиб, чўл-биёбонлар босиб борур эрдилар, ногоҳ кўзлари кўпдин кўп лашкарларга тушди. Дархол афсун ўқиб, Ойсуловни тош қилдилар. Булбул Залилига қараб:

-Бу лашкарлардин биримиз хабар олайлик, деди. Залили: -Рухсат бўлса мен кетурмен, деди. Анда Булбул: -Эй Залили сен бу ерда туратур, ул

қүшиндин ўзим хабарлашамен, деб “Йилдирим” отни миниб равона бўлди. Кўрдиким, бул қўшин бир кийикнинг изидин қуш солиб, този йўртдириб, қувиб келур эрди. Булбул отига бир қамчи уруб, қущдин, тозидин ўтуб, дархол кийикни тутиб олди. Ани қувиб келаётғон йигитлар муни кўруб, ҳайрон-саросима бўлуб:

-Эй йигит, сен нечук одамсен, отинг нечук от турурки, бизнинг овимизни қущдин олдин илиб олдинг, сен қайга борурсен, ўзинг ким турурсен, бизнинг овни бергил, дедилар. Булбул:

-Мен сизнинг овунгизни олмадим, мен бу овни “Йилдирим” отим бирлан қувиб тутиб олдим. Ов қувиб тутғонникидур, деди. Шул вақт овчилар орасиндин Норинбек деган бир йигит Булбулга қараб, бир ғазал айтди. Булбул ҳам анга жавоб берди.

Норинбек: Йигит, қайдин келиб, қайда борурсен,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.
Нечук отdur, нечук одам эрурсен,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.

Булбул: Турондин Эронға чиқиб келурмен,
Ҳеч кимга берманам олан овимни.
Отим “Йилдирим”дур, ўзим олурмен,
Ҳеч кимга берманам олан овимни.

Норинбек: Мен бокманам йигит, бундай сўзинга,
Таянма кучинга, бокма дузинга,
Ишонмагил отинг бирла ўзинга,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.

Булбул: Майдон ичра мен манманлик этурмен,
Бошдин ўйинчиям, ўйнаб ютурмен,
Қочсам қутилурмен, қувсам етурмен,
Ҳеч кимга берманам олан овимни.

Норинбек: Санго лойиқ эрмас, кўп жадал қилсанг ,
Ишлар хато бўлур, фаразлик этсанг,
Йиқсанг ол сўз бирлан ёки йиқилсанг,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.

Булбул: Тўғри танишайлик, биз ҳам сиз бирлан,
Эшитган тенг бўлмас, кўрган кўз бирлан,
Ов овлаганники, йиқсам сўз бирлан,
Ҳеч кимга берманам олан овимни.

Норинбек: Бор одамни бир оёқдин осмағил,
Ожизга куч қўллаб, оёқ босмағил,
Йигит, ўз иқболинг ўзинг кесмагил,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.

Булбул: Бир кимса куч бирлан осиб олмаса,
Ё бир кучли ғаним босиб олмаса,
Берманам калламни кесиб олмаса,
Хеч кимга берманам, олан овимни.

Норинбек: Яхши сўз сўзлагил, тўғридин дўнма,
Майдон ичра қизил қона бўянма,
Манманлик айлама, кучга таянма,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.

Булбул: Мен бир олис ердин келган элчиям,
Тоғларнинг бағрида кезган овчиям,
Етакчиям, сўроқчиям, совчиям,
Хеч кимга берманам, олан овимни.

Норинбек: Бир дамда келадур шоҳимдин **мосил**,
Ким билур кимсанинг муроди ҳосил,
Ҳукм айласа шоҳим Шоҳабbos Одил,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.

Булбул: Жаллод мосил бўлиб келса бу жона,
Қўрқмам Одилингдин, келмам омона,
Сахройи мен, боқмам султона-хона,
Хеч кимга берманам, олан овимни.

Норинбек: Етмадинг сен менинг кўнгил шодима,
Шоҳима арз этсам, етар додима,
Кел эшит:-Норинбек дерлар отима,
Бериб кетгил, менинг олан овимни.

Булбул: Отим “Йилдирим”дир, сайлаб олмишам,
“Сулув”, “Дамбермас”ни бирга чалмишам,
Булбул дер, овимни қўла солмишам,
Хеч кимга берманам, олан овимни.

Алқисса, Булбул бирлан Норинбек иккиси бу сўзларни тамом қилдилар.
Эрса Норинбек айтди:
-Эй Булбул, кел иккимиз подшомизнинг олдиға борайлик, отиға Шоҳабbosхон Одил дерлар. Одилликда бир қилни тенг иккига бўлур. Анинг ёнида подшо-
гадо бир туур.

Иккимизнинг давомизни ечиб берур. Сен бир жаҳонгашта йигит
эркансен, ул сенинг не мақсадинг бўлса биткариб берур. Булбул бирлан
Норинбек подшо хузуриға жўнаб кетдилар. Бориб рухсат сўрадилар, подшо
аларни хузуриға чорлади. Икки йигит подшо олдиға бориб салом бердилар.
Подшоҳ алик олди. Булбулга қараб: -Эй йигит, қайдин келиб, қайда борурсен,
деди. Шул вақт булбул дуторини қўлиға олиб, ани баланд пардаларда зилубам

қилиб созлаб, бошидин кечирганларини подшоға бир-бир баён қилиб бир ғазал айтур бўлди. Қани кўрайлик нелар деди:

Гашт этиб чиқмишам Турондин бари,
Эрон ўлкасига сайрон айладим,
Етти ёшда суйдим нозли дилдори,
Оlamни ишқима ҳайрон айладим.

Ироқ, Хуросонда қолди улус-эл,
Бизга тақдир этмиш ул раббим Жалил,
Тўққиз йил ёр учун саргардон сабил,
Дунёни ўзимга зиндан айладим.

Ёр қўлида ичдим бир тўла жоми,
Унутдим мен қавму қардош тамоми,
Қўйдим оҳу зора ота-онами,
Йиқдим хотирасин, вайрон айладим.

Айрилиб ватандин, ҳарна боримдин,
Ишқида кечмишам номус-оримдин,
Инграшар фалаклар оҳу зоримдин,
Тўкиб кўз ёшимни **борон** айладим.

Бир ёр учун сабил, саргардон бўлдим,
Қанча йиллар ишқин бошимга солдим,
Эрон вилоятин забт этиб олдим,
Шоҳларин ер бирла яксон айладим.

Ётурдим тискиниб турдим еримдин,
Бир ёрнинг хаёли кечди саримдин,
Соқий бир май сунди шул дилбаримдин,
Бир май ичиб кўнглим мастан айлади.

Очилиш тар гулим новча чоғинда,
Ўртаниб, куймишам дарди доғинда,
Шайдо бўлуб тар чаманли боғинда,
Булбулам, Гул учун афғон айладим.

Алқисса, Булбул бул сўзни айтиб тамом қилди. Эрса Шоҳаббосхон Одил айтдиким:

-Эй Булбул, сенинг бул ишинг зиёда улуғ ишдур. Сенинг маъшуқинг Гул бўлса ул Шоалижон деган подшонинг қизи туур. Шоалижон Эрон париларининг подшоси эрур. Сен одамзод бўлсанг, ул паризод бўлса, анинг васли санго нечук мұяссар бўлғай?

Отаси Шоалижоннинг уч шарти бор эрмиш. Сени ани нечук биткарурсен? Бул кулли Эрон йигитларидин анинг уч шартини биткарурмен деган йигит йўқ туур. Анинг йўлида қанча йигитлар жонини жаллодға топширдилар. Сенинг

бул ишинг битмас ишдур. Кел, андин кечгил, Гулнинг ишқини тарк эт, бул раъингдин қайт. Санго пари қиз керак бўлса, Хоркелан тоғида Зўвхумор деган аждарҳонинг қўлида бир пари қиз бор туур. Отиға Ойсулув дерлар. Анга ҳеч бир паризод баробар келмас. Анингдек соҳибжамол қиз рўйи заминда бўлмас. Ул Зўвхуморнинг Сусумор отлиғ бир қора аждарҳо душмани бор туур. Сен бир назаркарда йигит эрурсен. Ҳар на лашкаримни, паҳлавон, баҳодир йигитларимни йигайин. Хоркелан тоғига бориб Сусумор бирла савашайн. Сенинг иқболинг учун Худо бизга дастгир бўлса, Сусуморнинг калласини кесиб, Зўвхуморға пешкаш олиб борсак, бизга Ойсулувни, балки бахш айлагай. Ани санго никоҳ қилиб берумиз, деди. Эрса Булбул Шоҳаббосхон Одилға қараб бир беш калима абёт айтди:

Бир ёрнинг ишқида сардин кечмишам,
Бўлмишам куйида дали, Шоҳаббос!
Тожу тахтим, симу зардин кечмишам,
Тарк этиб дунёнинг моли, Шоҳаббос!

Ёр ишқин тарк этиб, йўлда қолманам,
Бир бошқа садони бошга солманам,
Оlam париларин кўзга олманам,
Айламагум хом хаёли, Шоҳаббос!

Истарам ул ёрнинг куйида юрсам,
Ё олсам паримни, ё жоним берсам,
Ё ул Исфаҳонда жамолин кўрсам,
Бўлсам қайғу ғамдин холи, Шоҳаббос!

Кимса билмас менинг баландим-пастим,
Эшит, Қодир Мавлон ўнғаргил дастим,
Солдим “Дамбермас” им-калласин кесдим,
Озганмиш Сусумор феъли, Шоҳаббос!

Эрон париларин олманам кўзга,
Кўзимга кўринмас ёrimдин ўзга,
Ойсулувни берди Зўвхумор бизга,
Кийдирибон яшил-оли, Шоҳаббос!

Сусуморнинг лошин майдонга ташлаб,
Элтди ул бизларни ғазнага бошлаб,
“Йилдирим”, “Ел” отни бизга бағишлаб,
Берди дурри гавҳар, лаъли, Шоҳаббос!

Айрилиқда йиғлаб, кўз ёшим тўкиб,
Келдим жабру жафо уруғин экиб,
Булбулам, Гул учун оҳу зор чекиб,
Ўткармишам моҳи соли, Шоҳаббос!

Алқисса, Булбул бул қиссасини бир-бир баён қилди. Аммо Шоҳаббосхон Одил таҳсин қолиб, ҳайрон-саросима бўлуб, бармоғини тишлаб турди. Ул айтди:

-Олло таоло қўлинга қудрат берсин, ишингни осон қилсин! Андин сўнг Шоҳаббосхон Одил етти кеча-кундуз тўй бериб, Ойсулувни Залилига никоҳ қилиб берди. Кунлардин бир кун Булбулни ғам босди, қўнглиға келдиким, илм ўқитғон отам Мулла Қаландарни, дўстларим Салабек ва Залилиларни Худойи таоло муродига етирди, менинг ҳам муродимни берурмикан, деб Гулнинг ишқини тоза қилиб, аввал Худони, андин сўнг ғойиб эрканларни ёд этиб бир мухаммас ўқиди:

Ошиқнинг ё раб, эшитмак орзу ҳолин бормудир?
Рост қилмоқ бу букилган қадди домин бормудир?
Ул паримнинг кўрмакка қоши ҳилолин бормудир?
Аввал-охир ҳеч онинг топмоқ висолин бормудир?
Билманам мен, Гул юзин кўрмак жамолин бормудир?

Ёлбориб аввал бир Олло, ё Муҳаммад севгили,
Жону дилдин севмишам боғ ичра савсон-сунбули,
Чориёрдир ул: Абубакр, Умар, Усмон, Али,
Ҳиммат айлаб етти султон, бер хабар, етти вали,
Билманам мен, Гул юзин кўрмак жамолин бормудир?
Бер мадад, чилтан, эранлар, тўғри йўл кўрсат манго,
Ё Баҳовуддин вали, дўндим, сигиндим мен санго,
Қул Сулаймон, тағи қил бир мадад мандин янго,
Хожаи Ҳофиз вали, сен яна қил илҳом манго,
Билманам мен, гул юзин кўрмак жамолин бормудир?

Етти ёшдин бери ошиқ бўлмишам ул ёра ман.
Истасам ҳиммат эранлардин, етам дилдора ман,
Эл-куну қавму қариндошдин тушмишам овора ман,
Севдигидин айро тушган ошиқи бечора ман.
Билманам мен, гул юзин кўрмак жамолин бормудир?

Лайли-Мажнун кечдилар, анча чекиб жабру жафо,
Ул Ширин –Фарҳодни кўр, бир-бирига айлаб вафо,
Варқа –Гулшод, Вомик–Узро, истайиб завқу сафо,
Ёр васлин истарам мен, бўлса деб дардга шифо,
Билманам мен, гул юзин кўрмак жамолин бормудир?

Ул Қаландар, Салабек бирлан Залили ҳамдамим,
Етдилар барча мурода, минг шукур ҳар бир дамим,
Қўлдаса ғойиб эранлар, бошқа андин йўқ камим,
Шул паримнинг васлиидир топсан ярамга малҳамим,
Билманам мен, гул юзин кўрмак жамолин бормудир?

Шоҳимардон ул Али бизга етиrsa Дулдулин,
Элтса ёр бўстонига, кўрсатса савсон-сунбулин,
Лабларидин бўса айлаб, ҳам қучиб инжа белин,
Ҳақ етиrsa ёриға саргашта, шайдо Булбулин,
Билманам мен, Гул юзин кўрмак жамолин бормудир?

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Шул кеча ётди, бир туш кўрди. Тушида Гулни излаб юрган замонларида адашиб, қайси **урга** борарини билмай, кўнглини ғам босиб, зор-зор йифлаб, саргардон бўлиб кезур эрди. Шул вақт қора тўнли, қора отли, яшил асоли бир киши келиб, Булбулга: -Эй Булбул, кўлингни бер, деди. Булбул кўлини берди. Ул киши Булбулнинг кўлидин тортиб, отға миндирди. Кўзингни юм, деди. Булбул кўзини юмди. Бир фурсатдин сўнг, кўзингни оч, деди. Булбул кўзини очди. Кўрдиким, бир улуғ боғда туур. Шул боғда булбуллар сайраб, тўтилар чаҳ-чаҳ уриб, гуллар очилиб, мевалар пишиб туур. Ул боғнинг ичида лаъл-жавоҳирлардин солинган бир иморат бор эрди. Булбул ул иморатнинг панжарасидин қараб кўрди. Эрса ичида офтобдек бир қиз ўлтирмиш, жамоли жаҳон-оламни равшан қилур. Бошлари **мужалла**, кўзлари шаҳло, зулфлари халқа-халқа, бир офтоб, киприклари **пайкон**, лаблари хандон, юзлари гўё моҳи тобон, зори гирён, бағри бирён, сийна **сўзон**, юзининг шуъласи бу боғни кун туқсан янглиғ мунаvvар қилур эрди. Булбул ани кўруб, беҳуш бўлуб йиқилди. Бир замондин сўнг ўзига келди. Кўрса, отлиғ киши ҳануз туриб туур. Булбул анга қараб: -Эй бобо, бу не ҳикмат дур, менинг ақлу ҳушимни олди, бул не боғ туур, кўп зиёда эркан, деди. Ул киши айтди: Эй Булбул, қўзим, бул боғ Гулнинг сайр боғидур. Бул шаҳарга Исфаҳон деярлар. Бизга Ҳазрат Али деярлар, деб кўздин ғойиб бўлди. Шул вақт Гул томдин чиқиб Булбулнинг ёнига келиб: -Эй йигит, хуш келибсен, сафо келибсан, қайси боғнинг Булбулисан, деди. Булбул айтди:

-Мен сенинг Булбулинг туурмен, сени излаб кезурмен, эмди ҳеч ерга кетмасмен, деди. Анда Гул айтди: Тўғридур, мен Гул туурмен. Аммо ҳозир менинг васлим сенга етишмас. Шоҳаббосхон Одилнинг шаҳрида 80 минг мадраса бор, бирига шоҳ Амир Аъзам дерлар. Менинг хабаримни шундин топурсен. Шул мадрасада менинг жияним Салим одамзод орасида ўқиб юрибдур. Ул сени манго еткуур, деб кўздин ғойиб бўлди. Шул вақт Булбул тискиниб уйғонди. Кўрса тушидур. Булбул бир оҳ чекди, оғзидин ўт чиқиб Гулнинг фироғида куйиб –пишиб, юраги жўш уриб, бир мухаммас ўқиди:

Оға-беклар, севдигим жонони кўрдум бу кеча,
Ул пари –пайкар малак сиймони кўрдум бу кеча,
Хўб чекилган қомати зебони кўрдум бу кеча,
Ғамзаси ўқ, киприги пайкони кўрдум бу кеча,
Хаста жоним-дардима дармони кўрдум бу кеча.

Билмадим мен, бул уйғонмиш, ётган иқболиммудур,
Ёки хо ул кўзлари жон олғувчи золиммудур,
Ё очиб **мусхоб** юзин, кўнглимга хуш фолиммудур,
Бўйлари зебо алиф ё қомати долиммудур,
Бор парилар сарвари-султони кўрдум бу кеча.

Бир кўришда билмадим уйқу-уйғоқлик ораси,
Шул замон кўргач, кўнгил ортди юрагим яраси,
Ёнмоқ-ўртамакдин ўзга ошиқнинг йўқ чораси,
Билмадим, кун шуъласидур ё бир ойнинг пораси,
Бир ёзилмиш зийнати-осмони кўрдум бу кеча.

Хуснинга боққанча кетдим, ақлу ҳушдин **ўзларим**,
Қанча айтсам васфини асло туганмас сўзларим,
Панжарадин ким боқиб, чиқди мунаvvар юзларим,
Ёнғон ул шамъ ўтиға тушгач, очилди кўзларим,
Равшан ўлмуш бир шаби ялдони кўрдум бу кеча.

Шахри Исфаҳонда бўлғай, дейди ёзим-яйлоғим,
Сайлгоҳим боғидур, ул тарчаманли сувлоғим,
Ошиқ кўнглидадур ул дейди овим ҳам овлоғим,
Мадраса шоҳ Амир Аъзамдин топурсан сўроғим,
Этди бўйла аҳдни ул, паймони кўрдум бу кеча.

Шоҳимардон қўлдади, ул бизга берди бўйла жой,
Элтди боғ ичра, иморат буржидин тўғри бир ой,
Туғмамиш андоғ паризод аҳлида ҳусн ичра бой,
Сочи шабранг, тишлари дурдона, қоши мисли ёй,
Шаҳду шаккар, лаблари хандони кўрдум бу кеча.

Кўргузуб моҳи жамолин, кетди жононим менинг,
Айрилиб қолдим, яна ёнди ширин жоним менинг,
Қайда борди билмадим ул шоҳи хўбоним менинг,
Ёнди бағрим, куйди жоним, ортди афғоним менинг,
Булбулам, бир тар гули-रаъони кўрдум бу кеча.

Алқисса, Булбул бул сўзини тамом қилди. Андин сўнг Залилига қараб: -
Эй Залили, кел, иккимиз шоҳ Амир Аъзам мадрасасини излаб топайлик, деди.
Залили ҳам: -Хўп бўлур, деди. Эрса Булбул бирлан Залили шоҳ Амир Аъзам
мадрасасини топмоқ учун йўлға равона бўлдилар. Шаҳарни бир-бир кезиб,
охири 80 минг мадрасанинг ичидин шоҳ Амир Аъзамни топдилар. Кўрдиларки,
мадрасанинг охуни дарс бериб ўлтурибдур. Булбул ва Залили охуннинг ёнифа
бориб салом бердилар. Ул алик олди, омон-эсонлик сўрадилар. Сўнг охун
аларга юзланиб: -Эй йигитлар, қайдин келиб қайда борурсиз, қайси вилоятнинг
одами бўлурсиз, хабарингизни беринг, деди. Булбул охунга қараб, қўлига
созини олиб, юқори пардадин созлаб, Гулнинг хабарини сўраб, бир сўз айтди.
Кўрайлик, не деди:

Йироқдин ёримни излаб келмишам,
Кўран борму, билан борму ёронлар.
Эрон вилоятин кўзлаб келмишам,
Кўран борму, билан борму ёронлар.

Фалаклар инграшур оху зоримдин,
Хеч хабар топмадим зулфи торимдин,
Ошиқам, айрилдим севар ёримдин,
Кўран борму, билан борму ёронлар.

Нозик лабларининг майдидин ичдим,
Ишқида мастилуб, қайнадим-тошдим.
Бир кўриб сувратин саримдин кечдим,
Кўран борму, билан борму ёронлар.

Шу манзилга келиб, йитирдим йўлин,
Кездим шу Эроннинг дарёсин, кўлин,
Топмадим сўнамнинг мен кезган кўлин,
Кўрон борму, билан борму ёронлар.

Қадди шамшод эрур, сарви мисоли,
Шакардин ҳар сўзи балки, мазали,
Кўлида тасбехи, зикри саноли,
Кўран борму, билан борму ёронлар.

Изладим, кўринмас, ул ёри ҳамдам,
Ярамга топмадим ҳеч ерда малҳам,
Мадрасалар тожи шоҳ Амир Аъзам,
Кўран борму, билан борму ёронлар.

Бу дали кўнглимнинг мастона чоғи,
Ногоҳон етишди ғамзанинг ўқи,
Илм шарофати, қаломнинг ҳақи,
Кўран борму, билан борму ёронлар.

Анча сўроғ этдим яқин-йироги,
Шоалижон қизи-ул паризоди.
Мен Булбулам, Гулдир ёримнинг оти,
Кўран борму, билан борму ёронлар.

Алқисса, Булбул бул сўзини тамом қилди. Шул вақт шоҳ Амир Аъзамда узун бўйли, хушрой, Салим отлиф бир ўғлон ўқир эрди, ўзи Гулнинг жияни эрди. Анинг қулоғига Булбулнинг Гулга ошиқмен, деган овози эшитилиб эрди. Ул шул замон еридин сичраб туруб, бориб Булбулни ўз хужрасига чорлаб, қўлига созини олиб, мен санго Гулдин хабар берурмен, деб бир беш калима сўзни шеърга солиб айтди:

Ишқа парвоз этган, мастона Булбул,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.
Шамъ ўтиға куйган парвона Булбул,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.

Манзилин, масканин, топурмен йўлин,
Чор атрофни кезиб ҳам соғу сўлин,
Бошлармен парилар дарасин, кўлин,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.

Ёд айласам оқур кўзимдин ёшим,
Яқин, ўба-қўшни ҳам орқа –белим,
Анинг бирла бордур уруғим, элим,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.

Ошиқ маъшуғини кўздин солмоғи,
Шартларин битириб, ани олмоғи,
Уч юз йиллик йўлдур, бориб-келмоғи,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.

Гулга ошиқ бўлғон кўпдир сенчалар,
Бошин дора берди, бориб қанчалар,
Етишмас васлина тоғда ғунчалар,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.

Шоалижон деяр-бизга ҳам болам,
Онам-ла туғишган Гул-менинг холам,
Бориб келгум қирқ кун етиrsa Мавлом,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.

Пинҳон сўз яхшидур хайдра-шарда,
Ошкор этсанг сиринг сўзла бир марда,
Салим дер, учрашиб бир хилват ерда,
Сен Гулдин сўрасанг, мен хабар берам.

Алқисса, Салим сўзини тамом қилди. Андин сўнг Булбул бирлан Залилини хужрасига олиб борди. Чой-нон еб-ичиб, вақтларини хушлагандин сўнг, Булбул Салимга қараб: -Эй Салим, сенинг асли зотинг недур, бизга хабар бер, деди. Ул вақт Салим: -Мен ҳануз ҳеч кимга сиримни очганим йўқ. Менинг асли зотим паридур. Гулнинг хурмати учун буни факат сизларга аён қилаёттирман: Менинг пари зотидин эрканимни бул мадрасада ҳеч ким билмас. Вилоятимиз Исфаҳон шахридур. Шоалижон кулли Эрон париларининг подшоси туур.

Шоалижоннинг уч қизи бор туур, улуғига Нигор дерлар, ул менинг онамдур, ўрганжисига Узор, кичигига Гул дерлар. Эй Булбул, Гул менинг **дайзам** туур, ул онам бирлан туғишгандир. Мендин ҳарна битур иш бўлса, биткаурмен, деди. Булбул Гулнинг отини эшитган замони бир оҳ тортди ва бир беш калима абёт айтур бўлди, Салим ҳам анга жавоб берди. Саволи Булбул, жавоби Салим бул туур:

Булбул: Салим сен атадинг ёримнинг отин,
Сўзла қурбон ўлам, ширин тиллара.

Келтирдинг жўш бериб, кўнглимнинг шодин,
Сўзла, қурбон ўлам, ширин тиллара.

Салим: Эшит бул достонни, мастона Булбул,
Бандавон ўлубсен боғда гуллара.
Гулшан ичра суйиб, савсони сунбул,
Бандивон ўлубсен боғда гуллара.

Булбул: Сен бўлдинг маҳрами оҳу зоримнинг,
Кўнглимнинг маҳбуби зулфи торимнинг,
Кўрибсен жамолин севар ёrimнинг,
Сўзла, қурбон ўлам, ширин тиллара.

Салим: Ёр васлин истарсен шошиб-қистаниб,
Йироқдин келибсен ўртаниб-ёниб,
Май ичиб, маст ўлуб, майдин қониб,
Бандивон ўлубсен боғда гуллара.

Булбул: Сен бугун атадинг ёrimнинг исмин,
Билурсен, баён қил, **қодасин**, расмин,
Кел, эй Салим қардош, сўнамнинг васфин,
Сўзла, қурбон ўлам, ширин тиллара.

Салим: Сармаст ўлуб, ишқнинг майдин ичиб,
Қаддинга маҳбублик либосин бичиб,
Хонумон тарқ этиб, сарингдин кечиб,
Бандивон ўлубсен, боғда гуллара.

Булбул: Сўймишам оқ юзда паримнинг холин,
Муяссар бўлғайму топмоқ висолин,
Бизга кўрмак борму моҳи жамолин,
Сўзла қурбон ўлам, ширин тиллара.

Салим: Масканинг олисдур, манзилинг йироқ,
Ёқибдур жонини ҳам дарду фироқ,
Умид бирлан бўлуб, дийдорга муштоқ,
Бандивон ўлубсен, боғда гуллара.

Булбул: Паримнинг бир неча ширин сўзидин,
Ҳусну жамолидин, гулгун юзидин,
Бодом қабоғидин, марал қўзидин,
Сўзла, қурбон ўлам, ширин тиллара.

Салим: Ул ширин сўzlари жона ёқишли,
Иси мушк-анбарли юпор **қоқишли**,

Бўз тарлон сифатли, тўти боқишли,
Бандивон ўлубсен, боғда гуллара.

Булбул: Мен билманам анинг йўли-ёдасин,
Сен яхши билурсен расмин, қодасин,
Бер, сен бизнинг бирла кетмак вадасин,
Сўзла, қурбон ўлам, ширин тиллара.

Салим: Минибсен “Ел” отни-ишқинг буроғин,
Тутубдурсан олис йўлнинг яроғин.
Келиб мунда топиб ёринг сўроғин.
Бандивон ўлубсен, боғда гуллара.

Булбул: Кел, сен бизга бергил, май қуиб жомдин,
Бир дам халос айла, қайғудин ғамдин,
Булбул дер, бир неча Гул қиссасидин,
Сўзла, қурбон ўлам, ширин тиллара.

Салим: Қабул этдим сўзинг, мен бўлам йўлдош,
Ҳақиқат ростимдин мен бўлам йўлдош,
Салим дер ўт қўйма жонинга қардош,
Бандивон ўлибсен, боғда гуллара.

Алқисса, бул иккиси сўзларини айтиб тамом қилдилар. Андин сўнг
Салим:

-Эй Булбул, шул ердин Гулнинг вилояти шахри Исфаҳон от бирлан
юрсанг юз эллик йиллик йўл турур, деди. Анда Булбул: -Боргунча умримиз
охир бўлажак ўхшайдур, деди. Салим: -Пари халқи анга 20 кунда етур, деди.

Булбул Салим бирла кетар вақтин белгилади. Андин сўнг Салим йўл
анжомини тутиб, бир тахт ясад қўйди. Булбул бирлан Залили шоҳ
Аббосхондин кетиши рухсатини тиладилар. Шоҳаббосхон Одил деди:

-Эй Булбул, кетмагил, менинг юртимдин кўнглинг хоҳлаган қизни олиб
берайин, ҳарна мақсадинг бўлса, мен битирайин, кел, сен Гулнинг ишқини
тарк эт. Аввало Гулни топмоқ мушкул ишдур, андин сўнг Шоалижоннинг
шартларини битирмак андин ҳам мушкул турур, ҳалок бўлурсен, беармон
ўларсен. Яхвиси сен менинг тавалломни ол, Гулдин кеч, деди. Эрса Булбул
шул вақт:

-Ёримнинг хабарини топдим, кетурмен, ошиқлик бир дарддур, анинг
дармони ёрнинг жамолини кўрмакдур, деб юраги жўш уруб, қўлиға созини
олиб, бир беш калима ғазал айтди:

Шоҳим таваллонгни ола билманам,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.
Келиб ёт элларда қола билманам,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.

Турманам, тутмишам йўлнинг яроғин,
Эмди сўндириманам кўнглим чироғин,
Минмишам шу йўлда ишқнинг буроғин,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.

Шаҳду шакар лаби-болдин кечманам,
Тўтидек ул ширин тилдин кечманам,
Саримдин кечурмен, Гулдин кечманам,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.

Тангрим берса шартин осон айларам,
Исфаҳон шаҳрина сайрон айларам,
Оlam маҳбуларин ҳайрон айларам,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.

Ётдим ахвол ичра кўрдум ул ёри,
Қолмади кўнглумнинг сабру қарори,
Ошиқларнинг ёрсиз бўлмас мадори,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.

Ишқида кечмишам хону монимдин,
Ҳукми султонимдин, ганжи конимдин,
Кечурмен Гул дейиб азиз жонимдин,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.

Ошиқдур, эй шоҳим, бўстона Булбул,
Қўл узатмиш анча достона Булбул,
Ёрим Гулдир, мен ҳам мастона Булбул,
Ёрим дарагини топдим, кетурмен.

Алқисса, Булбул бул сўзини тамом қилди. Эрса Шоҳаббос Одил чора топмай рухсат этди. Айтдики, эй Булбул санго рухсатдур, ошиқ маъшукиға етмагунча тинчимас!

Анда Булбул айтди: Эй Шоҳаббосхон Одил, Залилини санго топширдим, сени Худоға топширдим! Шоҳаббосхон: -Сен Залилидин ғам ема, ўз ғамингни егил, деди. Булбул қуллуқ айтиб, туриб кетди. Залили бирлан Хўшлашиб, Салимнинг ҳужрасига бориб, бир замон ўлтуриб эрди, ул дўстлари бирла кириб келди. Булбулни тахтга миндуриб, девларга қўтаририб, анча вилоятларни тай қилиб, бир неча тоғлардин, дарё, кўллардин, чўлу биёбонлардин ошиб, 20 кечакундузда Исфаҳон шаҳриға етдилар. Эмди шу ерга тушайлик, деб тушдилар. Эрса Булбул айтди:

-Шул шаҳар Гул парининг шаҳримудир?

Анда Салим: -Бале, Гул парининг шаҳри шул туур, деди.

Салимнинг олдиға отаси Зоҳирбек, онаси Нигор ва қариндошлари пешвоз чиқдилар. Алар кўрдиларким, буларнинг орасида бир одамзод бор, бир назаркарда, юзида Худонинг нури зоҳир бўлубдур, қадди қомати зебо

чекилган, зарли кокилининг учи икки эгни устига ёйилмиш, анинг қадди камолини кўриб ҳайрону лол қолдилар.

Алқисса, Булбул ва париларни меҳмонхонага элтдилар. Зари Зарбоф тўшаб ўлтурдилар. Салимнинг ота, она, қариндошлари сўрадилар:

-Эй Салим, бул одамзод кимдур, не ишлар бирлан келибдур? Анда Салим:

-Бул Булбул деган одамзоддур, холам Гулга ошиқ бўлуб, 500 йиллик йўлдин келибдур, деди. Ва яна Булбулнинг бошидин кечирган бори саргузаштларини баён этди. Эрса ҳайрон қолдилар. Одамзод ҳам мундоғ ғайратли бўлур эрканми, дедилар. Анда Нигор: -Гул Булбул деб оху зор чекиб, ғам-ғусса бирлан сарғариб юрур эрди, анга нечук хабар берумиз, деб шоду хуррам бўлдилар. Анда Салим: Бу кеча меҳмонга рухсатдур, тонгла бориб холамга хабар берумиз, деди.

Эмди сўзни Гулдин эшитинг. Шул кеча Гул туш кўради. Тушида сайилгоҳ боғида кезур эрди. Ногоҳ хурдек йигит қаршисида пайдо бўлди. Назар қилди, дарди зиёда бўлди, бокқанича ишқи сарбаланд бўлди. Охири Гул йигитнинг юзига боқа билмай бехуш бўлиб йиқилди. Бир соатдин сўнг боз ҳушиға келиб:

-Эй йигит, қайдин келиб, қайда борурсиз, отингиз ким туур, деб сўради. Анда ул йигит: -Турон подшосининг ўғли эрурмен, отим Булбул туур, Гулни излаб келурмен, деди. Гул: -эрса Гул деганлари мен туурмен, деб дарҳол Булбулнинг бўйнига қўл солди. Булбул ҳам Гулнинг бўйнига қўл солди. Иккиси боғда лабма-лаб, дудоқма-дудоқ бериб, ўпишиб-қучишиб ўлтурдилар, тол чивикдай дўлашиб ётдилар. Эрта Гул тискиниб уйғонди. Қараса, туши эркан. Гул оҳ уриб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлади, оғзидин ўт чикди, ёр ишқида маству мастона бўлиб, ишқи мавж уруб, қўлиға созини олиб, ани баланд пардаларда созлаб, канизларига қараб, таъбирини топинг, йўриб беринг тушимни деб бир ғазал айтди:

Ёронлар, ётурдим хушмидир, недур,
Ёромнинг жамолин кўрдум бул кеча.
Билмам, уйғоқмидим, тушмидур, недур,
Ёримнинг жамолин кўрдум бул кеча.

Уйғонмиш иқболим, ё баҳтим эрмиш,
Билмадим хаёлму ё кўзим кўрмиш,
Сайр этиб сайилгоҳ боғида юрмиш,
Ёримнинг жамолин кўрдум бул кеча.

Бир ажиб, зоти пок келубдур, билдим,
Бордим қарши олиб, зиёрат қилдим,
Ўпишдим, кучишдим, ўйнадим кулдим,
Ёримнинг жамолин кўрдум бул кеча.

Ул дермиш: қурулмиш ёримнинг тахти,
Мен дерман: очилмиш ошиқнинг баҳти,

Күрган тушим айни тонг сахар вақти,
Ёримнинг жамолин кўрдум бул кеча.

Демангиз ботилдур, кўрганинг пучдур,
Билдим шайтониймас, раҳмоний тушдур,
Йўрдигин сиз қўринг, бул нечук ишдур,
Ёримнинг жамолин кўрдум бул кеча.

Яқиндир ёр бирла сафо суришмак,
Сайлгоҳ боғида бирга юришмак,
Умидим, йўрдигим, кўрмак, кўришмак,
Ёримнинг жамолин кўрдум бул кеча.

Демишам, анча сўз келди тилимга,
Йироқдин муродим тушди элимга,
Мен Гулам, учрашдим ул Булбулимга,
Ёримнинг жамолин кўрдум бул кеча.

Алқисса, Гул бул сўзини тамом қилди. Салим ва Нигор тонг сахар ўрнидин турдилар. Андин сўнг Салим Булбулнинг келганин холамға хабар берайин, деб кетди. Бориб Гулнинг эшигини қоқди. Анда Гул:

-Хай-хай, ким эрурсен, деди. Салим:

-Мен, мен Салиммен, эшикни оч, деди. Гул эшикни очди. Салим салом берди. Гул алик олиб, соғлик-омонлик сўрашдилар. Андин сўнг Гул Салимга: -Эй Салим одамзод ичида кўп ўқидинг, бугун мана келибсан, сендин сиримни **гизламасман**. Менинг одамзод наслидин Булбул деган бир маъшуғим бор туур, тушимда кўрдум, эмди сабру қарорим йўқ кечакундуз оҳ урармен, ҳеч бир чора топа билмасмен, сен бир чора этиб билмасмусен, йўқса мен бу дард бирла ўлурмен, дардимни ҳеч кимга баён қила билмасмен, бир санго сиримни аён қилдим. Сен менинг Булбулимни ҳеч жойда кўрмадингму ёки кўрганлардин эшитмадингму, хабар бергил, деди. Анда Салим:

-Одамзод орасида бир одам кўрдим, ул ҳар нафасида “Гул”, деб оҳ уруб юур ёркан. Мен анинг ёнига бориб, бул не деганинг, Гул ким, деб сўраганимда ул: Гул менинг маъшуқамдур, ўзим Булбулмен. Агар ани топмасам, ўлурмен, дунёдин номурод кечурмен, деди. Анинг оводон, соҳибжамол йигит дунёда топилмас, жаҳонга келмас. Анинг юзининг шуъласи қоронғу кечани мунавар қилур. Мен ул йигитни Шоҳаббосхон Одил шахрида кўрдум, деб сўзини тамом қилди. Шул вақт Гул бир оҳ тортди. Оғзидин тутун чиқди. Исфаҳон шахри ларзона келди. Гул Салимга: -Сен ани нима учун олиб келмадинг, деб юраги жўш уруб, қўлиға созини олиб бир беш калима сўз айтар бўлди. Салим ҳам анга жавоб берди. Саволи жавоб бул туур:

Гул: Айланиб-ўргулай айтган сўзингдин,
 Салимжон, Булбулим сен қайда кўрдинг?
 Шул жоним дўлансин қаро кўзингдин,
 Салимжон, Булбулим сен қайда кўрдинг?

Салим: Холам, биздин ёринг хабарин сўрсанг,
Шоҳабbos Одилнинг шахрида кўрдум.
Етишмас қароринг, агарда кўрсанг,
Мен ани Одилнинг элида кўрдум.

Гул: Қўлим ёқамдадур, ҳолим харобдур,
Ҳамиша чекканим дарду фироқдур,
Олисдур маскани, йўли йироқдур,
Салимжон, Булбулим; сен қайда кўрдинг?

Салим: Шоҳлар бермиш анга анча **мувожиб**,
Йироқдин келмишдур ул **ориф-ажиб**,
Хабар этмак бўлди бўйнимга **вожиб**,
Мен ани Одилнинг шахрида кўрдум.

Гул: Ёр васфин айладинг, тилингда азбар,
Ўт солдинг жонима, тўғри хабар бер,
Кўрдигинг яқинми, ё бир олис ер,
Салимжон, Булбулим сен қайда кўрдинг?

Салим: Фидойи ошиғинг мен ғамин есам,
Тез олиб келурмен, жонима қийсам,
Яқиндадур ёринг, тўғрисин айтсам,
Ани Шоҳабbosхон шахрида кўрдум.

Гул: Кўрдигим демишам тенгу тушима,
Бугун ўз йўрдигим келди хушима,
Ётурдим бир кеча кирди тушима,
Салимжон, Булбулим сен қайда кўрдинг?

Салим: Кўурсен ёрингни қўнгил чоғинда,
Етурсен муродға бошинг соғинда,
Сен тушда кўрубсен, мен уёғликда,
Ани Шоҳабbosхон шахрида кўрдум.

Гул: Билманам иссиқда, совукда кўрдинг,
Ё мастиликда ёки **айикда** кўрдинг,
Билмасмен яқинда, йироқда кўрдинг,
Салимжон, Булбулим сен қайда кўрдинг?

Салим: Келдим париларга фармон айлаюб,
Шу дардли жонинга дармон айлаюб,
Тун кеча ёрингни меҳмон айлаюб,
Ани Шоҳабbosхон шахрида кўрдум.

Гул: Қани сенда дўстлик, кулиб келмадинг,
Ул тожни бошимға солиб келмадинг,
Кўрдинг яхши, аммо олиб келмадинг,
Салимжон, Булбулим сен қайда кўрдинг?

Салим: Холам, тожинг боша солиб келмишам,
Ҳиммат қўрин белга чалиб келмишам,
Ғам ема кўнглингни олиб келмишам,
Ани Шоҳаббосхон шаҳрида кўрдум.

Гул: Олиб кел, ёрими тонг-саҳар чоғи,
Эшит: ваъда бўлсун сайилгоҳ боғи,
Мен Гулам қолибдур жигарда доғи,
Салимжон, Булбулим сен қайда кўрдинг?

Салим: Салим дер, саргардон кезиб анча кун,
Айрилиқда чекиб доғ узра тугун,
Шоҳ Амир Аъзамда учрашдим бир кун,
Шоҳаббос Одилнинг шаҳрида кўрдум.

Алқисса, Гул бирлан Салим иккиси бул сўзни айтиб тамом қилдилар. Андин сўнг Гул Салимга қараб:-Эй Салимжон, ҳақиқат ростини дегил, бул сўзларинг бирлан менинг кўнглумни паришон қилдинг. Бир сўзингда кўрдим дейсан, бир сўзингда олиб келдим, дейсан, мен қайси бирига инонишимни билмай кўзларим гирён, бағрим бирён бўлди. Тўғрисини айтғил, кўнглим бир ёнли бўлсун, деб ох уриб йиқилди. Эрса Салим Гулнинг қўзёшиға тоқат қила билмай: -Эй Гул жаҳоним, азиз холам, кўнглинга ғам келмасин, бошингни кўтаргил, булбулдек шайдо бўлуб, гулдин гулга қўнғил, тўтидек чаҳ-чаҳ уруб, шовқин бозориға тушгил. Мен Булбул ёрингни Шоҳаббосхон Одил шаҳридин парилар бирлан бир тахтға –миндириб 20 кеча-кундузда бул масканга олиб келиб, тун кеча уйимда меҳмон қилдим. Сен эмди ҳеч ғам ема, Булбул ҳозир менинг уйимдадур. Ўзи ҳам мени сенинг ёнинг хабарчи қилиб юборди. Ва лекин Булбул айтди: -Мен шунча йиллик йўлдин Гулни деб келибмен, эмди Гул мени истамаса, ҳам мен бул ердин бошқа томонға бир қадам урмасмен, деди. Гул бул сўзни эшитиб, ишқи аввалгидин ҳам зиёда, кайфияти юксак, вақти хуш бўлуб:

-Эй Салимжон, андоғ бўлса, мен анинг ҳузуриға бошим бирлан юриб борурмен, деди. Анда Салим: -Эй Гул, иккингиз ҳам ҳақиқат ошиқ эркансизлар, эмди билдим. Эмди ўзинг борсанг айб бўлур, яхиси бир канизагингни юбаргил, деб маслаҳат берди. Анда Гул:

-Эй Салимжон, андоғ бўлса, тонг саҳарда бир неча **қорабошларим** бирлан, тенг-тушларимни олиб сайилгоҳ боғига борурмен Шул замонда бир канизни юборурмен, сен ҳам Булбул бирлан бирга борғил, ошиқ бирлан маъшуқни муродига еткуриб, висол уйида бир-биримизни дийдоримизга мушарраф қилгайсен, деди. Андин сўнг Салим уйига қайтди, Гул ҳам ўз кўшкига равона бўлди. Салим уйига келиб, Булбулнинг ёниға ўлтурди. Эрса Булбул:

-Эй Салимжон, нега кечикиб кетдинг, Гулимдин не хабар келтирдинг, деб бир ғазал айтур бўлди, Салим анга жавоб қайтарди. Саволи-жавоб Булбул ва Салимжон бул туур:

Булбул: Сен кетдинг, қолибдур кўзларим йўлда,
Не жавоб келтирдинг Гулимдин, қардош?
Айт, кўрдингми ёrim, ул нечук ҳолда,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Гул чекмиш анчайин кўп дарду фироқ,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.
Деди: мен бўлмишам дийдорға муштоқ,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.

Булбул: Эй Салим, шул замон етгач, хабарим,
Хабар бер, не пеша айлади ёrim,
Сен кетдинг қолмади сабру қарорим,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Бир оҳ тортди шул дам эшигтгач отинг,
Ўт берди жонина яқининг-ёдинг,
Боға сайла чиқиб, ул паризодинг,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.

Булбул: Бўлуб хизматингда бир замон туриб,
Шул замон сўнамнинг жамолин кўриб,
Сен бориб ёнина арзим еткуриб,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Деди: менинг ёrim сен қайди кўрдинг,
Не жавоб келтирдинг, не хабар сўрдинг,
Етурдим арзингни, сўйладим дардинг,
Сайилгоҳ боғини ваъда айлади.

Булбул: Сен бутун ўт бердинг жонима **бейла**,
Ёрға дуч бўлишға бир ҳийла айла,
Айтуринг яширма, тўғрисин сўйла,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Чўх чекиб, айролик дарду фироғи,
Деди: тугун қўйди, устига доғи,
Ҳуснин кўргузга тонг сахар чоғи,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.

Булбул: Гул юзин кўрмоққа анча зор ўлдум,
Сен кетдинг, мен мунда интизор ўлдум,

Йўлида мен мунча бекарор ўлдум,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Деди: мен бу кеча ғамгусор била,
Тушимда учрашдим севар ёр била,
Жамолин қўрмака оҳу зор ила,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.

Булбул: Мен мунда ғам била сарғариб, сўлиб,
Не хабар келтурдинг, не жавоб олиб,
Сабо хизматиға сен бориб-келиб,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Суюбон ошиқинг жон бирлан танда,
Кўнглининг орзуси-армони сенда,
Сабо олиб кел, деб ёримни шунда,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.

Булбул: Гашт этиб келмишам Рум, Истанбули,
Суймишам боғ ичра савсон сунбули
Мен ҳам сайилгоҳнинг шайдо булбули,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Бу йўлда анча сўз келтирдим тила,
Келибдур ошиғинг, дедим ул Гула,
Сабо сайрга чиқиб, парилар била,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.

Булбул: Бердим ихтиёrim сен каби марда,
Тилим сайрап, юрак қолибдур дарда,
Булбул дер, Гул қўниб, гули гулзорда,
Не жавоб келтирдинг, Гулимдин, қардош?

Салим: Салим дер, рост хабар сўрасанг мендин,
Гул деяр, жоним бор айрилмам сендин,
Саҳар қўндарурмен совчи изингдин,
Сайилгоҳ боғига ваъда айлади.

Алқисса, Булбул ва Салим иккиси бул сўзларни айтишиб бўлдилар. Эрса Салим: -Эй Булбулжон, сенинг ҳам бул ерга келганингни бир-бир айтдим. Шул сабаб кечга қолдим, менинг хабаримни эшитиб Гулнинг вақти хуш бўлди. Ул ҳақиқат сенинг бирла ошиқ-маъшуқ эркан, ўзи ҳам саҳар вақтини ваъда қилиб қолди. Саҳар вақти бир канизни юборур мен, анинг бирла Булбулни қўшиб юбаргайсен, деб қолди. Эрса Булбулнинг бул хабарни эшитиб, кайфияти кўкка етди, вақти хуш бўлиб, юраги жўшиб, бир муҳаммас ўкиди:

Эй кўнглум эшитдингму, ёримдин келди хабар,

Нома ёзибон бизга күндарибдур ул дилбар,
Ёд айламиш ул бизни жонимға бўлуб раҳбар,
Жўш айлабон бул кўнглум ишқида уруб ламбар,
Келдики Гулнинг иси – сочилиб мушку анбар.

Мен оҳ уруборон кездим, нола қилибон тилдин,
Етди бошим осмонга бул чарх чекибон қўлдин,
Дийдорга назар айлаб бир газ сочи сунбулдин,
Булбул ўлуб ул боғда **ис исқасам** ул гулдин,
Етмакка умид айлаб, ишқина тушуб азбар.

Бўлдики бир равшанлик гўёки чирой ичра,
Гул юзини очмишдир, рашк айламиш ой ичра,
Шуъла бериб ўлтурмиш юз турли сарой ичра,
Эмдики юрак **хўвлар** турмоққа бу жой ичра,
Етмоқчун гўзал ёрга қанот қоқиб, урсам **пар**.

Ёндири гўзал ёrim, хусн ичра гирифторим,
Арзимни эшитгандур ул севгили дилдорим,
Ғойибона ғамхорим, ул шоҳи жаҳондорим,
Ваъда бериб юбармиш манго ул вафодорим,
Ул боғи сайилгоҳда гул яроғи бўлмиш тар.

Май ичибон ул жомда, жўш айлади сийнамда,
Дедики бул айёмда ёр ишрати Исфаҳонда,
Гул очилмиш ул боғда, иззат бирлан икромда,
Қурмиш тузогини ул боғи сайилгомда,
Булбулки каманд айлаб, Гул зулфини чирмабдур.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса ул кун Булбул учун гўёки бир йилга дўнди, асло кун ботиб, охир бўлмади. Анинг қўзига уйқу келмади, ул бедор бўлди. Охир ул амир тонг оқарди. Булбул канизнинг келишини кутиб ичи ҳавлга чулғанди, юраги жўш уриб, йўлга қараб, қўлиға созини олиб, ани баланд пардадин созлаб, бир ғазал айтар бўлди:

Юрагим ҳавл айлаб йўлга боқармен,
Нега Гул ёримдин хабар келмади?
Оҳ уруборон маҳал-маҳал чиқарман,
Нега Гул ёримдин хабар келмади?

Фалак заҳм айлаб бағримни тилғон,
Мен каби бормикан сарғариб сўлғон,
Билманам бул хабар чинми ё ёлғон,
Нега Гул ёримдин хабар келмади?

Турондин бул ерга ёр дейиб келдим,
Бу ерда ёримдин бир хабар билдим,

Кеча-кундуз йиғлаб саргардон бўлдим,
Нега Гул ёримдин хабар келмади?

Парим **сайд** этгайму отган камандим,
Гулдур менинг вафодорим, дилбандим,
То сахар бўлғунча ўртандим, ёндим,
Нега Гул ёримдин хабар келмади?

Неча ерда учрашдим мен **шомора**,
Ишқ йўлида ўзим солдим бозора,
Булбул сайрап қўнмоқ учун гулзора,
Неча Гул ёримдин хабар келмади?

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эмди сўзни Гулдин эшитинг. Салим уйига кетгандин сўнг, Нигор Гулнинг ёнида қолди. Ул Гулга қараб: -Эй Гул, ошиғинг Булбул тун кеча парилар бирлан меҳмон бўлди. Салим Шоҳаббосхон Одил шаҳридаги шоҳ Амир Аъзам мадрасасида йўлиқишиб Булбулни мунда олиб келмиш. Эмди отамға не деб жавоб берурмиз, деди. Анда Гул: -Булбулни қўрайлик, сўзини эшитайлик. Одамзоднинг ақли бизникидин устун туур. Анинг мунда келганини ўзингиздин бошқа билмасун.

Анда Нигор айтди:-Отамнинг уч шарти бор, бу шартлар битмас ишлардур. Булбул аларни нечук биткарур? Ул шартларни Эрон йигитлари биткара билмадилар.

Анда Гул:-Эй кўзимнинг чироги, бошимнинг тожи опам! Булбул манго ҳақ ошиқдур, мен анинг маъшуғи. Худой таоло ошиқ бирлан маъшуқни бирбирига мұяссар қилса, бизга қайғу-ғам бегонадур. Булбул бир назаркарда бўлиб туғилган йигитдир. Унга ҳеч ким бас кела билмас. Ул мени излаб ўз элини тарк айлаб, қанча мен-мен деган полвон йигитларни бажариб билмайдиган ишларини бажариб, бул ерга етиб келибдур. Менинг ҳақ ошиғимдур, мен анинг маъшуғидурмен.

Шахри Талусни эгалламоқ, Калезавнинг аждарҳосини ўлдуриб, анинг хазиналарини тортиб олмоқ, Хоркелан, тоғининг Сусморини ўлдуриб, Зўвхуморға бошини пешкаш қилиб, андин Ойсуловни олиб, Залилига бермак ҳар кимнинг ҳам қўлидин келмас. Шунча ишларни битирган киши, шартларни ҳам биткарур, маъшуғини ҳам қўлиға киритур, деди. Андин сўнг Нигор ҳам уйига қайтди. Эрса Гул 40 канизи бирлан Сайилгоҳ боғига чиқди. Сарҳовуз бўйига бориб, сувға тушдилар. Бироз **солимдин** сўнг ҳовуздин чиқиб, кийиниб, тараниб безандилар. Нигор ҳам бир неча канизлари бирлан етишди. Опа –ука иккиси сўзлашиб турдилар. Гулнинг София отлиғ бир соҳибжамол канизи бор эрди. Ул отлиғ одамдин тез юрур эрди. Агар уруш қилса ўн одамга баробар келур эрди. Ани Булбулга элчи этиб юбардилар. Борғил, Салимнинг уйида менинг маъшуғим Булбул бор туур, Салим бирлан Булбул иккисини Хўшимуродға олиб кел, бизлар ҳам шул жойға борурмиз, дедилар. Андин сўнг ўзлари ҳам шул масканга равона бўлдилар. Ул иморат сайилгоҳ боғининг ичидаги эрди. Иморат Гулнинг ўзи учун солдирилғон эрди. Безаклари лаъл-жавохир, олтин-кумуш, зумурад ва ёқутдин қилинғон эрди. Карвичлари дурдин эрди.

Алқисса, Булбул канизнинг келишига сабри чидамай Салим бирлан сайилгоҳ боғиға қараб равона бўлди. Бориб бир хурмо оғочининг тагида ўлтурдилар. Шул вақт София Салим бирлан Булбулнинг ёниға яқин борди. Эрса Булбулнинг кўзи ўзлари томон келаётган Софияга тушди. Салимга боқиб, сўради:-Эй Салим, бул кимдур?

-Бул Гулнинг канизи София отлиғ қиз туур, Гул ошиғини истаб ани санго элчи қилиб юбарибдур, деди. Шул вақт София келиб, бу йигитларга салом берди. Алар саломга жавоб қайтардилар. Салом: -Эй София, не ишга келдинг, хабарингни бергил, деди. Шул вақт София Булбулга қараб, бир ғазал ўқиди:

Сайилгоҳ боғида кезган соқчиям,
Кўндарди гул бизни Булбулга қарши.
Маъшуқдин ошиққа келган элчиям,
Кўндарди Гул бизни Булбулга қарши.

Гул очилди бугун бўлди баҳор-ёз,
Жон қуши ишқида қилибдур парвоз,
Бўлсун деб ошиғим олдимда пешвоз,
Кўндарди Гул бизни Булбулга қарши.

Ёр ишқида ёнди Юсуф чоҳ ичра,
Лайли дейиб Мажнун юрди оҳ ичра,
Ўзи сайрга чиқиб сайилгоҳ ичра,
Кўндарди Гул бизни Булбулга қарши.

Деюр: анча кездим оҳу зор бирла,
Соташсам орзуим бугун ёр бирла,
Сўзлашиб, тиллашиб ул Нигор бирла,
Кўндарди Гул бизни Булбулга қарши.

Сайилгоҳда кезди анча кун йиғлаб,
Хижрон ўти бирлан юрагин доғлаб,
Неча парилардин сени сўроғлаб,
Кўндарди Гул бизни Булбулга қарши.

Шоалижон қизи Гул паризода,
Кўп чекибсан ранжу меҳнат орада,
Гул бирлан етабер мақсад-мурода,
Кўндарди Гул бизни Булбулга қарши.

София неча йил кезди Гул била,
Гулни етказибмен энди Булбула,
Сени келсин дейиб чиқмиш сайила,
Кўндарди Гул бизни Булбулга қарши.

Алқисса, София бул сўзни тамом қилди. Эрса Салим: -Эй Булбул, ошиқмаышуқнинг учрашув куни яқинлашганга ўхшайди, деди. Булбул мисли қўчкор каби тўрут томонга талпиниб бир жойда туро билмас эрди. Андин сўнг София: - Эй Булбул, ва эй Салим, сизларни келтургил, деб Гул фармон қилуб бизни юбарди. Ўзлари ҳам сайилгоҳдаги Хўшимурод иморатига равона бўлди, деб хабар берди. Андин сўнг учиси тиркашиб, Хўшимуродга кетдилар, бориб анга дохил бўлдилар. Анда София: -Эй Салимжон, Булбулни бул жойда гизлаб қўюб, иккимиз бориб Гулга хабар берайлик, деди. Андин сўнг Булбулни бул ерда гизлаб қўюб, Салим бирлан София Гулнинг ёниға бордилар. София: -Эй Гул, Булбулингни боғ ичидаги фалон сарви оғочининг тагида қўюб келдик, деди. Сўнгра Гулнинг юзига қараб бир ғазал ўқиди:

Амр айладинг бизни Булбулга қарши,
Бориб келтурмишам, Гул, Булбулингни.
Сафо сайронида кўнглингнинг хуши,
Бориб келтурмишам, Гул, Булбулингни.

Келтурдим булбулинг гулга қўнмоққа,
Ишқ ўйлида буроқ отға минмоққа,
Бодом қабоқ ёр лабидин қонмоққа,
Бориб келтурмишам, Гул, Булбулингни.

Қўюб келдим сарв остида турсин деб,
Оҳу кўзли гул юзингни қўрсин деб,
То ўлгунча Гул хиромонин терсин деб,
Бориб келтурмишам Гул, Булбулингни.

Оҳ урап Булбулинг боши туманда,
Муқаддар бўлмасин кўнглинг гумонда,
Ишқинг қуши парвоз этар осмонда,
Бориб келтурмишам, Гул, Булбулингни.

Келтурдим Булбулинг, борму хабаринг,
Дўлашмоққа тол чибиқдай **шоморинг**,
Гўзал вафодоринг, суюкли ёринг,
Бориб келтурмишам, Гул, Булбулингни.

Келди Булбул ёр жамолин кўрмоққа,
Орзу чекиб, Гул хирмонинг термоққа,
София дер, келдим хабар бермоққа,
Бориб келтурмишам, Гул, Булбулингни.

Алқисса, София бул сўзини тамом қилди. Эрса, Гулнинг кўнгил қуши парвоз этиб, еридин туриб, оҳиста-оҳиста қадам босиб, **оч гурт** каби теварак-атрофига олазарак бокиб, юз минг ишва, ноз-карашма бирлан Булбул томонга юриш қила берди. Ул ён-бул ёнға қараб борур эрди. Анинг либосларию,

безакларининг ҳеч бир камчилиги йўқ эрди. Ўн бармоқда ўн юзук, ҳар юзугининг қошининг баҳосига танга тилло бирлан етиб бўлмас эрди. Тархиноли қўлларини соллантириб борур эрди. Бирдан Булбулнинг назарига дохил бўлди. Гулнинг юзи Булбулга тушди. Булбулнинг назари Гулга тушди. Шул аҳволда иккиси ҳам беҳол, беҳуш бўлуб йиқилдилар. Бир соатдин сўнг боз ҳушиға келдилар. Ул вақт Гулнинг шавқи кўкка чирманиб, юраги тўлиб-тошиб, ақли шошиб, ишқ гирдобига чўлошиб, созини баланд пардаларда созлаб, қизариб-бўзариб, ширин сухан сўзлаб бир абёт айтур бўлди:

Йироқдин келибсен, Булбул, Гул дейиб,
Келиб Булбул Гул хирмонин тер, эмди!
Ёр, айрилиқ тифи бағримдин ўтиб,
Боғу боғчаларга бориб кўр эмди!

Гўзал ёrim, чекдим дарди ҳолингни,
Мен анда қарабман туриб йўлингни,
Дол гарданга чирма, ёrim, қўлингни,
Эмди бу давронни ўзинг, сур эмди!

Келдинг яшил кийиб, безаниб гулгун,
Боқишинг қарчиғай, ўзинг **нар сулгун**,
Жамолинг барқ урап боғ ичра бугун,
Кўзларинг гавҳардур, тишиңг дур эмди.
Эшитгил дилдорим, бу орзу ҳолим,
Шодиёна бўлуб, тутғил оққўлим,
Ёр ишқина шайдо бўлғон Булбулим,
Кўнар бўлсанг Гул япроғи тар эмди.

Алқисса, Гул сўзини тамом қилди. Андин сўнг қўзини кулдуриб, қошини қиймириб, Булбулнинг бўйнига қўл солди. Булбул ҳам Гулнинг бўйнига қўл солиб, икки ошиқ шул вақт муродига етган каби сарви оғочнинг соясида, сарҳовузнинг бўйида қашмирий шол кўрпачанинг устида инжа белдин қучишиб, олма-нордин олишиб, ол ёнокдин бўсалашиб, ҳам исқашиб, толчибиқдай дўланишиб, иккиси бир одамдай бўлиб ётишди. София тушдин сўнг аларни уйғотиб:

-Эй Гул бегим, қаттиқ уйқунгиз келган экан, кўп ётдингиз, мундин аввал ҳам бир тушлик ўтган эрди, деди. Ул вақт Гул қаҳ-қаҳа бирлан кулиб, Булбулнинг юзидин, қўзидин, ўпиб уйғотди. Булбул Гулнинг қадди бўйига тикилиб андин бирорта камчилик топмади. Анинг қўзи, юзи, қоши, қабоғиға қараб ҳайратга тушди. Гўёки ани ўкта уста буюртма асосида ясагандай эрди. Мундин Булбулнинг кўнгли хуш бўлуб: -Эмди ўлсам армоним йўқ, деб, бир ғазал айтур бўлди:

Эмди ўлсам, армоним йўқ дунёда,
Шукур эмди мен ёrimга етишдим.
Ҳақнинг ами бирлан дорул фанода,
Кўнглим мулки ғамхоримга етишдим,

Бир неча йил кездим ёрим ахтариб,
Беҳуш бўлдум бугун дийдорин кўриб,
Шуъла сочар, жаҳон ичра барқ уриб,
Қамар юзли дилдоримға етишдим.

Кўрдум ёрим келар ишқнинг мастинда,
Қарши келдим сарв ёғочнинг остинда,
Бошим қўюб оқ кўксининг устинда,
Кўш чўққили аноримға етишдим.

Борму ҳеч жаҳонда жон дўсти бирлан,
Хилват ерда бир-бирига дуч келган,
Оқ юзидин нур ёғдуси тўкилган,
Сиё зулфи **зунноримға** етишдим.

Бир жонон куйида чиқдим ватандин,
Истаган муродим топдим, ҳақ сендин,
Эмди армоним йўқ жон чиқса тандин,
Оҳу кўзли маралимға етишдим.

Кўрдум дилбар, юзинг моҳи жамолинг,
Чирма ёрим дол гардона оқ қўлинг,
Чах-чах уруб Гул япроқقا Булбулинг,
Кўнмоқ учун гулзоримға етишдим.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса Гул ҳам Булбулнинг юзига
караб, бир ғазал айтди:

Сиримизни шум рақиблар билгунча,
Беш кун бул давронни сургил, Булбулим!
Ажал етиб паймонамиз тўлгунча,
Сен Гулнинг хирмонин тергил Булбулим!

Оташ ичра ёндим ёр фироғида,
Фурқат ичра айрилиқнинг доғида,
Хўшимурод, сайилгоҳнинг боғида,
Сафо сайронини қургил, Булбулим!

Ранжи меҳнат чекиб келдинг изимдин,
Жилва истаб хумор, ола кўзимдин,
Гулоб сувли, лола рангли юзимдин,
Доим даҳан қўйиб, сўргил, Булбулим!

Сенсан кундуз фикрим, кеча хаёлим,
Айтсам адо бўлмас, элда бу ҳолим,
Эмди кун кўрмаган соҳибжамолим,
Сен хўб назар айлаб кўргил, Булбулим!

Гул қирмизи кийиб чиқмиш ҳулладин,
Бу ерда севганим топдим Оллохдин,
Сенинг учун солдирибмен тиллодин,
Ул иморат ичра юргил, Булбулим!

Алқисса, Гул бул сүзини тамом қилди. Андин сўнг Булбулни ул иморатға олиб кетди. Бул иморат Гулнинг хос биноси эрди. Анинг карвичлари дурдин, ичи лаъл-гавҳар ва олтин-кумушдин безакли эрди. Гул анда Булбулнинг ишқига улуғ тўй бошлаб, канизлариға ипакдин куйлак, атласдин тўн, **турмадин қўшоқ** берди. Сўнг –Эй канизлар, менинг бул сиримни сиздин ўзга ҳеч кимса билмасин ва эшиитмасин. Агар ғайри кишига айтиб эшиитирсангиз барингни қатлиом қилурмен, деб қайта-қайта топширди. Андин сўнг Салимга: -Эй Салим, сен ҳам шул чордоғнинг теварагида қоровул бўлуб кезгил, душман туймасин, сенинг ҳам саруполарингни берурмен, деб Булбул бирлан айшу ишритға машғул бўлди. Аларнинг ёниға бормоқ кеча-кундуз **қадаған** эрди. Канизлар Булбулни бир қўришга зор бўлдилар.

Алқисса, 40 кеча-кундуз шул тариқа давру даврон сурдилар. Нихоят фалак ишрат ниҳолини қирқиб, рақиблардин подшоға хабар етди. Сенинг Гул қизинг бир одамзод бирлан неча вақтдин бери базми даврон суриб ётибдур, деб хабар бердилар. Эрса Шоалижон подшо қаҳр отиға миниб:

-Гул бирлан Булбулни тез тутуб, менинг ёнимға олиб келинг, деб ҳукм этди. Сўйиб, терилариға сомон тиқиб, бозордин бозорға айлантириб, халойиққа кўз-кўз қилиб ўлдирурмен, деб 20 ясовул ва тўққиз жаллодни юбарди. Гул Булбулнинг бошини тиззаси устига қўюб, юзини ипак рўмол бирлан елпиб ўлтурғон вақтда, алар етиб келдилар. Кўрсалар бир зебо йигит ётубдур, кўзламакка кўз керак, қараб турмоққа тоқат, юзи моҳи анвару хуршиди ховар эрди. Жаллодалар Гулга қараб: -Эй Гул, ёрингни уйқудин уйғотғил подшо сўраб туур, ани дорға осиб ўлдирурмен, деб туур. Иккингизни ҳам олиб борумиз, дедилар. Анда Гул: -Эй аҳмоқлар, сизлар учун ёримни уйқудин уйғотайинми, деб канизларини чақирди. Беш юз каниз алларида таёқ бирла ҳозир бўлдилар. Алар не хизмат, деб сўрадилар. Гул ясовулларни қўрсатди. Канизлар аларни боғдин қувиб чиқардилар. Шул воқеадин сўнг Гулни қайғу ғам босди, ваҳимага тушди. Ўлтурғон жойида зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, кўзидин томчи ёш Булбулнинг юзига тушди, эрса ул уйқудин уйғонди. Кўрса, Гул зор-зор йиғлаб ўлтурур эрди. Булбулнинг қаҳри келиб:

-Эй Гул, сенга кимдин озор етди, нечун йиғлаюрсен, мени юрагимни ўртама, деб қўлиға созини олиб, бир ғазал айтур бўлди, анга Гул ҳам жавоб берди. Саволи жавоб Гул ва Булбул бул туур:

Булбул: Қайдин етиб, бугун ғам босди кўнглунг,
Севдигим, кўзёшинг нега тўкурсен?
Магар биздин бугун қолибдур кўнглунг,
Севдигим кўз ёшинг нега тўкурсен?

Гул: Ғофил эрдим, янги бир хабар келди,
Яна бошға тушди **ожи** айролик.
Эшиздим, отамдин шум хабар келди,
Яна бошға тушди ожи айролик.

- Булбул:** Ишқида тарк этиб хонумонимни,
Юртим, масканимни ганжу конимни,
Сен ёқибсен бугун шириң жонимни,
Севдигим күз ёшинг нега тўкурсан?
- Гул:** Рақиблар аҳволни отама демиш,
Сиримни фош этиб олама ёймиш,
Шум фалак чарх уруб қорасин киймиш,
Яна бошға тушди ожи айролик.
- Булбул:** Ишқингда маст ўлуб майдон ичурмен,
Майдонда душманнинг қонин сочурмен.
Мен сенинг йўлингда сардан кечурмен,
Севдигим, күз ёшинг нега тўкурсан?
- Гул:** Рақиб сўзи кечди жондин-юракдин,
Қутулмадим сира хавфу ҳалакдин,
Қўрқарам ваҳм этиб қаҳбо фалакдин,
Яна бошға тушди ожи айролик.
- Булбул:** Кўнгилда минг шукур, тилда саном бор,
Ошиқман, сигиндим эркли Худом бор,
Белда “Дамбермас”им, кўлда **жизом** бор,
Севдигим, күз ёшинг нега тўкарсан?
- Гул:** Мен қўрқарам, отам лашкар сурар деб,
Жам этиб лашкарин бизга юрар деб,
Қайтардим жаллодин, бир кун урар деб,
Яна бошға тушди ожи айролик.
- Булбул:** Эврилди фалаклар, дўнди гардишлар,
Сабил бўлиб кездим ёз ила қишлилар,
Балки барбод ўлур бул қабиҳ ишлар,
Севдигим, күз ёшинг нега тўкурсан?
- Гул:** Отам уч шартини истаса сендин,
Қўрқарам рақиблар айирур мендин,
Айрилиқ аччиқдур жон била тандин,
Яна бошға тушди ожи айролик.
- Булбул:** Булбулам, очилмиш боғу гулларинг,
Ёқубдур жонимни шириң тилларинг,
Битирсам шартларин қучсам белларинг,
Севдигим, күз ёшинг нега тўкурсан?

Гул: Ниятим, истагим Бирубор бирлан,
Гул умрим кечирсам севар ёр бирлан,
Бири хабар берди оху зор бирлан,
Гул дер, бошға тушди ожи айролик.

Алқисса, Булбул бирлан Гул бил сўзларини тамом қилдилар. Эрса, шул вақт Салим қопуни қоқди. Гул айтди: -Сен кимсен? Салим айтди:

-Мен. Менман, Салиммен, Салиммен, Булбулни Бобом истайдур, ани олиб кетмакка келдим. Эй Булбул, иккимиз шундайига Шоалижон подшонинг олдиға салом бериб түғри борайлик, ҳақиқий, чин инсон бўлса, сенинг гуноҳингни кечур. Агар гуноҳингни кечмаса ҳам уч шартни биткарур сен, деди. Бу таклифни Булбул ҳам маъқул кўрди. Агар шартларини буюрса, бир кунда биткарурмен. Эй меҳрибоним Гул, сен соғ-омон бўлуб, кўзингни, юзингни қулдириб, юзимга қарасанг дунёда нечук қийин иш бўлса-да биткарурмен, сен ғам емагил, ғам есанг мен ҳам паришон бўлурмен, қайғу ғусса ҳалок қилур, деди. Анда Гул: -Эй Булбул, сенинг юзинга душман қаҳр-ғазаб бирлан қарап-микан деб қўрқурман, деди. Булбул Гулдин рухсат тилаб бир ғазал айтди. Гул ҳам кўз ёшларини қатра-қатра тўкиб, анга жавоб берди. Саволи жавоб бил туур:

Булбул: Бугун Салим бирлан боргум хизматга,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.
Ўргилам-дўланам қадди қомата,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.

Гул: Булбулим, мен санго рухсат берманам,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.
Сенсиз бу ерларда бир дам турманам,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.

Булбул: Ким учун чиқармиш кўринишга ўзин,
Айтарам арзимни, кўруб ўз юзин,
Беадаблик бўлур, синдирсак сўзин,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.

Гул: Қўрқарам кўнглимда анча бор ваҳмим,
Ҳайфдур жонинга чун келур раҳмим,
Бул нечук сўз эрур етишмас фаҳмим,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.

Булбул: Юракда бор ғайрат –ёр учун ўлсам,
Истарам от қолиб, ор учун ўлсам.
Не армон зулфлари тор учун ўлсам,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.

Гул: Қаҳбо фалак эгри босиб қолдирмас,
Душманни йиғлатиб, дўстни кулдирмас,

Тангрининг ҳам тутган ишин билдирилас,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.

Булбул: Калласиз бош бўлса, ул гўрда керак,
Жонсиз тана бўлса ул ерга керак,
Олмани қўкка от, дунё бир фалак,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.

Гул: Билмам, бизга нечук меҳрибонмудир,
Ё биздин истаги ширин жонмудир,
Ё бир оқил киши, ё нодонмудир,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.

Булбул: Муродимдин ғайри бир пеша қилмам,
Муханнас ишларин ҳеч режа қилмам,
Таваккал айлармен, андиша қилмам,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.

Гул: Не сўзлар келтурдим билобилмадим,
Қўрқурмен, йиғлармен, кулобилмадим,
Тақдир, қисмат недур билобилманам,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.

Булбул: Мен ўтга кирмишам, чиқам кул бирлан,
Бандивон айлама ширин тил бирлан,
Айлама сен бугун оқ кўнгул бирлан,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.

Гул: Чекибмен сийнама дарди фурқатинг,
Шул ожиз танамда қолди ҳасратинг,
Таваллом олмадинг-бердим рухсатинг,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.

Булбул: Шоҳ сари борайин тутма қўлимни,
Булбулам, кўрмишам қанча зулмни,
Шод ўлам арз этиб ғунча Гулимни,
Рухсат бер, истамиш, Гулим, шоҳ бизни.

Гул: Шум фалак эврилар дегра-дошинга.
Ё оғу, ё асал қўшар ошинга,
Ё ўлдир, ё гулинг санчғил бошинга,
Не ишга истамиш бугун шоҳ сизни.

Алқисса, Гул бирлан Булбул бул сўзларини айтиб тамом қилдилар. Эрса Гул Булбулга рухсат берди. Булбул Салим бирлан Шоалижоннинг хузурига равона бўлди. Гул ҳам қора кийиб, сиёҳ сочини ёиб, оҳу фифонлар қилиб,

чорбоғдин ташқари чиқиб аларни узатди. Эрса ул вақт Гул Олло таолоға муножаат қилиб бул ғазални ўқиди:

Мен ожизу бечораға раҳм қил, эй раббано,
Сақлағил, сен Булбулим, шоҳ зулмидин, эй раббано.
Найлайин мен, бошима тушди бугун савдойи кин,
Сен күшод айла бу савдони бугун, эй раббано.
Қатра-қатра қонли ёш оқди қўзимдин мавж уруб,
Раҳм қил чашмим сувин селобидин, эй раббано.
Қўрқувидин бул отамнинг юрагим юз порадур,
Мен ғариб бечоранинг эшиит арзин, эй раббано.
Кўнглига золим отамнинг, лутф солғил ул замон,
Раҳм қил, Гул зориға, ҳайюл карим, эй раббано.

Алқисса, андин сўнг Салим Булбулни Шоалижон золимнинг олиб борди. Булбул Гулнинг хотира-ҳурмати учун салом берайин деб подшоға икки қўлини алифлом қилиб таъзим бирлан бош эгиб салом берди. Подшо саломга аҳамият бермай ғазаб бирлан боқиб деди:

-Эй одамзод, сен ўз ҳаддинга юрмай, бул маконға нечук дохил бўлдинг, биласанму бул макон не макондур. Бу ерга қуш келса қаноти, қулон келса туёғи қуяр. Сен нечук одамзодсен, ё дали-девонамусен? Менинг қизимға беижозат қўшилишға не ҳақинг бор, жонингдин тўюб эркансан, жаллод, деб чақирди. Анда Булбул айтди:

-Эй подшоҳим, рост айтурсен, чин сўзларсен. Жаллод, деярсен. Ўлимдин ҳеч қочарим йўқдур. Ва лекин бир калима сўзум бор. Эшитсанг, айтурмен, эшиitmайман десанг ҳам анда ҳар ким қўлидин келадурғон ишини қилгайли, деди. Анда подшо:-Сўзинг бўлса ўлмасингдин бурун айтғил, деди. Анда Булбул қўлиға созини олиб бир мухаммас ўқиди:

Чиқдим ул ёр қисдина, бергай Худо деб келмишам,
Ишқи бирла ўртаниб, бўлдим адо деб келмишам,
Бўлсун ул жоним ёрсиз, тандин жудо деб келмишам,
Эшигига бўлайюн шоҳу гадо деб келмишам,
Бул шириң жон Гул учун бўлсун фидо деб келмишам.

Чиқмишам ёр истаюб, манзил макондин айрилиб,
Ул қурилган бозорим, турли дўкондин айрилиб,
Ул ватаним-масканим, ганжи кондин айрилиб,
Тожу тахтим, молу мулким, хону мондин айрилиб,
Бул шириң жон Гул учун бўлсун фидо деб келмишам.

Йўл яроғини тутуб чиқдим ватандин сайланиб,
От-яроғ асбобларим олдим, кийиндим шайланиб,
“Шоҳсуйганим”ни миниб, “Дамбермасим”ни бойланиб,
Тоғлар ошиб, чўл кесиб, Эронни кездим айланиб,
Бул шириң жон Гул учун бўлсун фидо деб келмишам.

Олдим анча чўх вилоятларни, ёрсиз бўлмадим,
Шахри Талус, шахри Истамбулда беш кун қолмадим,
Ойсуловни, Ойжамолни, Ғунчабийни олмадим,
Кездим Эрон хўбларин бирини кўзга солмадим,
Бул ширин жон Гул учун бўлсун фидо деб келмишам.

Забт этиб иқлимини олдим, анча эллардин кечиб,
Кучлига урдим қилич, ожиз-залиллардин кечиб,
Ола кўз, бодом қабоқ, чин инжа беллардин кечиб,
Кўхи салор, Хоркелан, дарёи Ниллардин кечиб,
Бул ширин жон Гул учун бўлсун фидо деб келмишам.

Шахри Исфаҳон ичида ёра учрашдим келиб,
Хўшимурод, сайилгоҳ боғида дучлашдим келиб,
Сен бағишила ёзигимни, кулдим, ўйнашдим келиб,
Шул муродим- мақсадим, ёр бирла чўлошдим келиб,
Бул ширин жон Гул учун бўлсун фидо деб келмишам.

Бир бузуқ вайронадур ёр бўлмаса гулшан манго,
Анча кунлар ётмишам, ёр қўйнидур маскан манго,
Розиям бул жон кетиб беҳуда қолса тан манго,
Булбулам ғунча, Гулимни шоҳ, бағишила сен манго,
Бул ширин жон Гул учун бўлсун фидо деб келмишам.

Алқисса, Булбул бул сўзни тамом қилди. Эрса Шоалижон Булбулнинг мардоналигини кўруб, сўзини эшитиб, меҳри эниб:-Эй Булбул, сенинг бу қилғон ишларинга таҳсин қолдим, гуноҳимнгни ўтдим, уч шартимни ҳам кечдим, Гулни ҳам санго бағишладим, борғил, ул иморатда жойи фароғатда Гул бирлан айшу ишрат, завқу сафо сургил, деди. Андин сўнг Булбулга қараб бир ғазал айтур бўлди:

Одамзод аҳлининг шайдо булбули,
Етавер мурода бугун Гул била.
Шоҳнинг бу дунёда яққадур Гули,
Сийпалаб тутавер нозик қўл била.

Олло эмди сизга узоқ ёш берсин,
Қодир Мавлон пой муродинг бош берсин,
Дўстинг яқин, шум рақибинг дош берсин,
Шакар била, шарбат била, бол била.

Ноз айлаюб, қора кўзинг сузавер,
Сўна дейиб сут кўлида юзавер,
Сайилгоҳда мастан-мастан кезавер,
Савсон била, сунбул била Гул била.

Уч шартим бор эрди асло битдирмас,
Бирни этсак, яна бири тутдирмас,
Яна бири баҳо бериб етдирмас,
Гавҳар била, ё дур била, кул била.

Кўнгилдаги тугунларни **чешайин**,
Фарзандим йўқ анга ёниб-пишайин,
Инсоф этиб Гулни санго қўшайин,
Олдингни Ҳақ очсин, кетсанг йўл била.

Тарк этибсан молу мулку тахtingни,
Отга уруб асбобингни раҳtingни,
Алижон дер, Олло очди баҳtingни,
Тақдир била, тадбир била, тил била.

Эрса Булбул еридин туриб, қўл қовуштириб, бош эгиб турди. Муни эшишиб Салим шодлигидин ўтириб билмади. Хушхабарни етказайин деб, Гул ёнига чусти чобук қадам ташлаб, анга етишди. Андин сўнг Салим Гулга қараб, “Кўзинг ойдин”, деб бир ғазал айтди:

Сўзум санго айтай келдим Гулимжон,
Булбул шоҳ олдида афғон айлади.

Ғазаб бирлан қараб бобом-Алижон,
Жаллод дебон ҳукми султон айлади.

Келди жаллод: шоҳим айтинг, не аҳвол?
Деди бобом ул кимсанинг бошин ол!
Деди Булбул: бир арзим бор қулоқ сол!
Арзинг не деб бобом девон айлади.

Деди Булбул: арзим санго султоним,
Тердим Гул япроғин, сурдум давроним,
Армоним йўқ, жаллод олса бул жоним,
Дебон, ўзин санго қурбон айлади.

Деди: етти ёшда Гулни ёд этдим,
Ўн тўрт ёшда бориб ўзига етдим,
Мақсадимга етдим, чирмashiб ётдим,
Пинҳон сўзин бир-бир баён айлади.

Деди бобом: аё, пири жувони,
Булбул ўлмуш Гул боғининг боғбони,
Деди: халқлар нечук бўлур девони,
Қаҳри кетиб, ширин забон айлади.

Деди халқлар, сўрасангиз бу иши,
Келмагай жаҳона Булбулдай киши,
Булбул Гулнинг, Гул Булбулнинг йўлдоши,
Булбулни ҳақ Гулга боғбон айлади.

Деди бобом, лабин тишлаб Булбула,
Офарин! Қўрқмайин етишдинг Гула,
Бахш айладим гуноҳингни Гул била,
Иқрор этиб аҳду паймон айлади.

Аввал Худо, қўлдадилар эранлар,
Ҳайрон бўлди Булбул юзин қўранлар,
Шоҳ олдида саф-саф бўлуб туранлар,
Булбул учун шукри субҳон айлади.

Рост кўрдум таъбирин бу аҳволимнинг,
Раҳми келди Шоалижон золимнинг,
Қадам ташлаб, суюнчига Салимнинг,
Келиб Гулга сўзин баён айлади.

Алқисса, Салим бул сўзини тамом қилди. Гул ҳам очилишиб, юзига жилва бериб, боғ ичини нур бирлан тўлдирди. Юз нозу карашмалар, ғамзаю истиғно бирлан Булбулнинг олдиға пешвоз чиқиши учун боғ олдида турди. Гулнинг юзи равшан бўлди, боғ ичини мунаvvар қилди. Шул вақт шоҳ Булбулга рухсат бериди:

-Бор, Гул бирлан айшу ишратга машғул бўл, деди. Булбул шул замон сайилгоҳ боғиға равона бўлди. Ул боғ ичиға кирганда Гулнинг кўзи Булбулга тушди. Булбулнинг кўзи Гулга тушди. Булбул иккиси тозадин дунёға келгандай бўлуб, шоду хуррамлик бирлан Хўшимуродға кирдилар. Ишқи печакдай чирмасиб, ол яноқдин бўса олишиб, айшу ишратга машғул бўлдилар. Андин сўнг подшо қирқ кеча-кундуз тўй томоша қилиб, Гулни Булбулга никоҳлаб берди. Алқисса, Булбул бирлан Гул бир неча кун айшу ишрат бирлан машғул бўлдилар. Бир кун Гул бирлан ўлтирур эркан, Булбулнинг ёдиға ота-онаси, эл юрти тушиб, ўйлади: мен ҳам бир подшонинг ёлғиз фарзандиман. Отам-онаам менинг ўли-тиригимни билмай ғам-ғуссага тўлиб, кўзида ёш, бағрида тош, алмудом йиглаб ўлтурғон бўлсалар керак.

Булбул шу ўй-хаёл бирлан Гулга деди: -Эмди рози бўлсанг, бизнинг ватанимизга кетсан, отамни мендин бошқа фарзанди йўқ. Отам ўлса, тожи тахти бегоналарга қолмасун, деди. Анда Гул айтди: -Эй Булбулим, рост айтурсен, “Товшанға туғилған тепаси” деган эрканлар ва яна “Мисрда подшо бўлғондин, Канъонда гадо бўл!” дебдилар. Эмди сен отамдин рухсат ол, агар рухсат берса, сенинг элинга кетурмиз, деди. Андин сўнг Булбул шоҳнинг олдиға равона бўлди. Подшонинг қаршисиға бориб, бош эгиб, қўл қовуштириб, салом берди. Подшо билдиким, Булбул бир муҳим иш бирлан келибдур. Анда подшо: -Эй Булбул не гап, хабарингни бер, иншооллоҳ битказурмен, деди. Анда Булбул: Эй подшоҳим, бир арзим бор, деди. Подшо: -Не арзинг бўлса,

айтғил, деди. Шул вақт Булбул:-Худойи таоло ҳаммани муродиға еткарур, әмди менинг муродим ота-онамнинг вилоятиға борсам, деб қўлиға созини олиб бир ғазал айтди:

Эшит арзим, подшоҳим,
Қара, биз меҳмона қарши.
Муруватли қиблагоҳим,
Юз тутдум девона қарши.

Мен бир шоҳнинг жигарбанди,
Мендин ғайри йўқ фарзанди,
Изимда ўртанди, ёнди,
Жигар бағри қона қарши.

Айтишурлар: ён йўлдошим,
Шоалижон кесди бошим,
Ёсим тутуб тенгу тушим,
Йиғлашур гирёна қарши.

Ўқурмен нағмайи овоз,
Қаршингда турубман пешвоз,
Кўнглум қуши қилур парвоз,
Учсан деб макона қарши.

Мен бир ёрнинг ишқин тутдим,
Охир мақсадимга етдим,
Ўз ватаним орзу этдим,
Борсам деб ул ёна қарши.

Менинг учун онам-отам,
Қора кийиб, тутди мотам,
Қанот қоқиб, урсам қадам,
Отам-онам-жона қарши.

Эй азизим, тушун тила,
Орзум булдурул Гул била,
Рухсат бер шоҳим, Булбула,
Муқим бир даврона қарши.

Алқисса, Булбул бул сўзини тамом қилди. Эрса подшоҳ:-Эй Булбул, ўзинг билурсен. Мунда қолсанг тахту тожим сеникидур. Агар кетурмен десанг, Олло ёринг бўлсун, рухсатдур, деди. Анда Булбул:

-Эй подшоҳим, Гул бирлан менинг йўл шайимни тутуб, оқ фотиха бериб, йўлға солиб юбарсангиз, деди. Алқисса, подшоҳ вазир-вузароларини йиғиб, кенгаш этиб, усталарини жам қилиб олиб келди. Подшо:

-Гул бирлан Булбулга бир таҳт тузатгайсиз. Устидаги кажава олтин ва кумушдин бўлсун. Бир устуни ёқутдин, бир устуни лаълдин, кажавасининг тўрт

халқаси зумурад ва жавохирдин. Ичида бир гавҳари шамчироқ қўйинг, деб буюрди. Усталар подшонинг айтганидин ҳам зиёдароқ этиб тахт тузатдилар.

Алқисса, подшо бир куни Гул ва Булбулни йўлга чиқариш учун келди. Аларнинг ҳар бирига беш тужа бераб, ул туяларни ҳам лаъл, жавохирдин безатди, устига гавҳари шамчироғ ва лаъл, маржонлар юклади. Гул ва Булбулга ол-яшил қимматбаҳо либослар кийдирди. Туяларни ҳайдашга ёш ғуломларни қўшди. Гулнинг ёниға бир неча каниз, Булбулнинг ёниға беш зебо йигитни қўшди. Андин сўнг подшо лашкарлари бирлан йўлға равона бўлди. Алар ҳижрон боғи деган ергача келдилар. Бул ерда бир кеча ётдилар. Эртаси тонг отди. Эрса подшо Салимни чакириб: -Эй Салим, Гул бирлан Булбулни Шоҳаббосхон Одилнинг шаҳриға соғ-саломат еткургайсен, деди. Шул вақт Салим еридин сичраб туриб: -Эй бобо, хуш бўлғай, деди. Подшо Гул ва Булбул бирлан аллаёрлашиб, қизининг изига қараб, кўзларидин ёш тўкиб, бир ғазал айтди:

Ойга монанд нур таратур Гул юзи,
Гул-ғунчали, лола зорим, хўш эмди,
Дол будоқда гул ғунчаси қирмизи,
Кеча-кундуз оҳу зорим, хўш эмди.

Бегим Булбул, Сўнам санго топширдим,
Айрилиқдин оҳим ҳаддин оширдим,
Гулим, сенсиз ақлу хушим чоширдим,
Кўнгил ичра ҳар на борим, хўш эмди.

Парилар ичида хўблар шоҳисан,
Осмоннинг нурисан, ҳилол, моҳисан,
Кавкаблар ичида равшан, тахисан,
Гул ғунчада боқча-борим, хўш эмди.

Тушуб ишқнинг дарёсиға, тошибсан,
Ошиқ ўлиб, анча қайнаб-жўшибсан,
Новчаликда узоқ йўлға тушибсан,
Қизил гулли, ғунча норим, хўш эмди.

Ёқубдин айрилди Юсуфи Канъон,
Айрилиқда кезди ул доғи ҳижрон,
Сайилгоҳ сайлида сурдинг сен даврон,
Гулшан ичра гулузорим, хўш эмди.

Мунисим, ҳамдамим, ширин жонимсан,
Дарёлар ичида гавҳар-конимсан,
Махбублар сарвари, иқлим хонимсан,
Тожу тахтим, зарнигорим, хўш эмди.

Шоалижон, ғунча Гулдин айрилмам,
Анча кездим қизил мангзим саралмам,
Кўрмак йўқдур дунё-фалак эврилмам,
Эрка қўзим, беқарорим, хўш эмди.

Алқисса, Шоалижон сўзини тамом қилди. Шул вақт подшоға қараб бир мухаммас ўқиди:

Десам, эй шоҳим, санго арзим менинг турон эрур,
Анда қолди эгасиз тахтим менинг вайрон эрур,
Қай ватанда қолди деб кабам менинг ҳайрон эрур,
Эл-куним, қардош дейиб кўнглим менинг сайрон эрур,
Бер жавобим, шоҳим эй, Турон меним даврон эрур.

Келмишам олдинга ишқим ҳалолин демишам,
Сайлгоҳим боғида Гулнинг жамолин демишам,
Оқ юзида сунбули, қоши ҳолин демишам,
Ул ватанда қолди деб, кабам висолин демишам,
Бер жавобим, шоҳим эй, Турон меним даврон эрур.

Ул отам бирла онам қолди ватанда йиғлашиб,
Бул фалакнинг ҳажридин жону жигарин доғлашиб,
Ғайрини қўрмас қўзим, деб юзга парда боғлашиб,
Тарқ этиб Эронни мен Туронга ўзим чоғлашиб,
Бер жавобим, шоҳим эй, Турон меним даврон эрур.

Мен ўзим шаҳзодаям, турли дўконим чўх турур
Анда қолган бекларим ҳам дўсту ёrim чўх турур.
Қил муруват шоҳим эй анда қарорим чўх турур,
Бул насибам билсангиз, руҳимадорим чўх турур,
Бер жавобим, шоҳим эй Турон маним даврон эрур.

Гулимсиз бул оқ ўтағ ғамхона бўлғон демишам,
Чўх баланд қўшку уйинг майхона бўлғон демишам,
Оҳ уруб фарзандларинг, бегона бўлғон демишам,
Бегларим чўх ўртаниб гирён бўлғон демишам,
Бер жавобим, шоҳим эй, Турон меним даврон эрур.

Эй шаҳаншоҳим, санго қўлим бердим мен Гул учун,
Исфаҳоннинг боғида хўб сарвари сунбул учун,
Етти иқлим Шомида бўлмас баробар хол учун,
Рухсатим арз айларам ширин забон асал учун,
Бер жавобим шоҳим эй, Турон меним даврон эрур.

Анча кундин бери мен, чўх завқи даврон айладим,
Боғда гул ғунчаларинг шаънига сайрон айладим,

Исфахоннинг хўбларин ишқимга ҳайрон айладим.

Булбулам, азми сафар ул роҳи Турон айладим,

Бер жавобим шоҳим эй, Турон меним даврон эрур.

Алқисса, Булбул бул сўзини тамом қилди, Эрса Салим яна тўрт киши бирлан Булбул, Гул ва аларнинг хизматкорларини тахтга миндириб учиб кетдилар. Булар бир неча йўлларни тай қилиб, Шоҳабbosхон Одилнинг шаҳриға яқин бордилар. Шул вақт бир одам Булбулни таниб, анинг Гулни олиб келаётганини Шоҳабbosхон Одилга хабар берди. Шоҳабbosхон шод бўлуб, шодиёна бошлишиб, Залили бирлан бир неча лашкарларни жам қилиб, Булбулнинг олдиға чиқди. Кўрдиларким, Булбул тахтнинг устида бисёр зийнатлар бирла келатуур. Подшо буни қўруб, ҳайрон бўлди. Булбул ҳам подшонинг бисёр совғалар бирлан чиққанини қўруб, ҳайрон бўлди.

Алқисса, подшо отдин тушиб, Булбулга салом берди. Ул алик олди. Булбул тахтдин тушуб Шоҳабbosхон Одил ва Залили бирлан қучоқлашиб қўришди. Булар соғлиқ –омонлик сўрашганларидин сўнг, шаҳарга кирдилар. Аларни иззат-икром бирла оқ ўтоғга туширдилар. Голи тўшак ёйиб, бир-икки соат ҳикоятлар сўзлаб ўлтиридилар. Андин сўнг Шоҳабbosхон:-Эй Булбул, мундин кетгандин бери нечук ишлар қилдинг, хабар бергил, эшитайлик, деди. Эрса шул вақт Булбул, қўлиға созини олиб, ани баланд пардаларда созлаб, Шоҳабbos хонга қараб бир муҳаммас ўқиди:

Берсам эй шоҳим, хабар ул дўст парилар келдилар,
Сарафроз бўлған дейиб, тахт узра султон қилдилар,
Туну кун учуб парилар йўлни осон қилдилар,
Анча йўлни тай этиб, ул Исфахонға елдилар,
Сайилгоҳ боғида Гул қўйнига бизни солдилар.

Кеча-кундуз оҳ чекиб, тинмай югурдим ёр учун,
Ул парилар сарвари соҳибжамол дилдор учун,
Новчаликда тар чаманли сиймосида нор учун,
Кўзлари жон олғувчи, ул ғамзаси хунхор учун,
Сайилгоҳ боғида Гул қўйнига бизни солдилар.

Ҳамдамим Сала, Залили, кўрганим йўқ сизлари,
Элтди Салим, қўйди ул манзил-маконда бизлари,
Анча тоғлар, анча дарё, кечдим анча дузлари,
Қайғу-ҳасратлар била кўнглимга олдим сизлари,
Сайилгоҳ боғида Гул қўйнига бизни солдилар.

Кўрдим ул боғни ичида моҳи тобон лолазор,
Шоҳи олам сарвари ишқида бўлмиш интизор,
Анча беклар оҳ чекибон кеча-кундуз оҳузор,
Суврати зебо чекилмиш, сийнасида қўша нор,
Сайилгоҳ боғида Гул қўйнига бизни солдилар.

Анча кунлар ётмишам ул қўшки айвон шоҳининг,
Айшу ишрат, завқу давлат кулли олам моҳининг,
Қошлари мисли ҳилол ул сийнасида ойининг,
Инсу жинсу дев-пари бўлмас Зулайҳо тойининг,
Сайлгоҳ боғида Гул қўйнига бизни солдилар.

Оҳу зоримдин менинг тўққиз фалаклар титради,
Ошиқнинг ҳолин қўруб, аршда малаклар титради,
Бегларим ёдга тушуб, тунда суюклар титради,
Сийнасини ел очиб, новча мамаклар титради,
Сайлгоҳ боғида Гул қўйнига бизни солдилар.

Сар ҳовузлик кўл бошида чўх мунаvvар юзлари,
Жилvasи қотиланинг, жон олғувчиидир қўзлари,
Лаблари шаҳду шакар, шундай мулойим сўзлари,
Булбулам, мен ошиқам жаннатда ғилмон қизлари,
Сайлгоҳ боғида Гул қўйнига бизни солдилар.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса Шоҳабbosхон Одил:-Худой таоло муродинга етирибдур, деди. Андин сўнг ул Булбул учун етти кеча-кундуз тўй бериб базми жамшид қилди. Булбул подшога қараб:

-Эй подшоҳим, сиз бизни сийладингиз, сизни Худо сийласин, деди.

Алқисса, Булбул бул шаҳарда 40 кун бўлди. Андин сўнг подшодин рухсат тилади. Подшо ҳам: -Эй Булбул, кўнглинг не тиласа ихтиёринг, деди. Бироз вақтдин сўнг Салим ҳам келиб элига кетишга рухсат тилади. Салим Гул, Булбул ва барча парилар бирлан хўшлашиб, ўз элларига равона бўлдилар.

Шоҳабbosхон Одил қирқ **мояга** зару зарбофдин, олтин-кумушдин юклади. Бир оқ мояни гулгун безаб, Гулни тахти бирлан анга миндурдилар. Ойсуловни ҳам безалган бир мояга миндурдилар. Булбул “Йилдирим” отини Залили “Ел” отини миндилар. Шоҳабbosхон Одил бир кеча лашкар бирлан буларни узатмоқ учун йўлга равона бўлди. Алқисса, булар бир неча манзил йўл юрдилар. Эрса Булбул : -Эй Шоҳабbosхон Одил, узатгандин йўлдош бўлмас, эмди Олло ёрингиз бўлсин, сиз изингизга қайтинг, деди. Подшо бирлан хўшлашиб, қўлиға созини олиб, ани баланд пардаларда созлаб бир ғазал ўқиди:

Насибамиз олис ерга чекилди,
Гулни олиб элга эндим, подшоҳим!
Сийнам узра чапроз-чапроз чекилди,
Гулни олиб элга эндим, подшоҳим!

Ғамлар босди, савдо тушди бошима,
Ақлим чошди, сўз келмади ҳушима,
Раҳм айлади кўздин оққан ёshima,
Гулни олиб, элга эндим, подшоҳим!

Чўх йигитлар ўлди, шартин битирмай,
Шоҳ олдida арzin Ҳаққа етиrmай,

Нодонлиқдур йўртган ўз ҳолин билмай,
Гулни олиб, элга энди, подшоҳим!

Совчисин юбарди ширин сўз бирла,
Бодом қабоқ, қора нарғис кўз бирла,
Софиядай каниз қулар юз бирла,
Гулни олиб, элга энди, подшоҳим!

Хўшимурод бориб, ёрға учрашдим,
Қанду новвот, хуш гуфторға дўслашдим,
Гулғунчадан қўша норға учрашдим,
Гулни олиб, элга энди, подшоҳим!

Гулим бирла ғамгин кўнглим шод айлаб,
Шоҳ олдида арзи ҳолим дод айлаб,
Саҳарларда гўзал Ҳақни ёд айлаб,
Гулни олиб, элга энди, подшоҳим!

Шоалижон шартин ўтуб бизлара,
Ул дедиким: рухсат бердим сизлара,
Булбул дер, қулоқ сол, шоҳим, сўзлара,
Гулни олиб, элга энди, подшоҳим!

Алқисса, Булбул бул сўзини тамом қилди. Ул Шоҳаббосхон Одил бирлан,
Норинбек бирлан хўшлашиб йўлиға равона бўлди.

Алғараз, кеча кунлар йўл юриб, қанча манзиллар ошиб Хоркелан тоғифа
келиб тушдилар. Ул ерда Зўвхуморға ҳабар кўндардилар. Ул Булбулнинг
келганини эшитиб, бир неча аждарҳоларни жам қилиб, олдидин пешвоз чиқди.
Кўл қовуштириб, бош эгиб салом берди. Булбул алик олди. Алар соғлик-
омонлик сўрашдилар. Андин сўнг Зўвхумор Булбулга боқиб: -Эй Булбул,
мундин кетиб не иш битирдинг, ҳабар бергил, деди. Анда Булбул қўлиға созини
олиб, ани баланд-баланд пардаларда созлаб, бир ғазал айтди:

Ишқнинг ўти савдо солди бошима,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.
Раҳм айлади кўздин оққан ёshima,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Қаҳбо фалак оғу қотди оshima,
Душман олиб келди дегра-дошима,
Мен дўнмадим ҳарна келса бошима,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Жайронни қувлаган марда дучлашдим,
Етдим овин олдим, дарда учрашдим,
Балоға дуч келиб **нарда** учрашдим,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Жанжал этди черикларнинг эгаси,
Овим бергил, бордур юртнинг эгаси.
Бориб кўрдум-чин ғариблар эгаси,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Одил шоҳим шунча этди сийлоғин,
Аҳвол ичра кўрдум ёрнинг яйлоғин,
Шоҳ Амир Аббосдин топдим сўроғин,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Шоҳ Амир Аъзамда топдим Салими,
Бир-бир айтдим анга арзи ҳолими,
Мадрасада ўқиб юрган олими,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Аввал шоҳим Залилини тўйлади,
Салим келиб, муддаони сўйлади,
Мени деб ул девга фармон айлади,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Учди девлар бизни тахтга миндириб,
Шоду хуррам бўлуб, қўнглум қондириб,
Йигирма кунда Исфаҳонга қўндириб,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Салим бориб хабар берди Гулимга,
Сайилгоҳни ваъда бермиш Салимга,
Муруват айлади Гулим ҳолимга,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Сайилгоҳ боғида сайдага чиқмишам,
Дўст шаробин Исфаҳонда ичмишам,
Хўшимурод бориб, ёрим қучмишам,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Қаҳр этмиш шоҳ эшитиб гап-сўзимни,
Булбул айтур шоҳга дедим арзимни,
Шартсиз қизин берди, кўриб юзимни,
Парилардин Гулим олдим-да келдим.

Алқисса, Булбул бул сўзни тамом қилди. Эрса бул кеча мунда ётдилар. Эртаси Зўвхумордин рухсат олиб, йўлга равона бўлдилар. Бир кеча кундуз йўл юриб шаҳри Талусга келдилар. Булбул Залилини Салабекка хабарчи қилиб юбарди. Ул бориб хабар берди.

Алқисса, Салабек бирлан Ғунчабий шоду Хуррам бўлуб, сонсиз лашкар бирлан Булбулнинг олдига пешвоз чиқдилар. Бош эгиб, қўл қовшириб салом

бериб турдилар. Булбул алик олди. Кўришиб, соғлик-омонлик сўрашганларидин сўнг Булбулни шаҳарга олиб келдилар. Ани тахтга миндириб шодиёналиқ этдилар. Шул вақт Салабек:

-Эй бегим, Булбул, бошингдин ўтган воқеаларни баён қилғил, деди ва анга қараб савол сўраб бир ғазал айтди:

Оға бегим, узоқ йўлдин,
Соғ-саломат келдингизму?
Оҳин чеккан севар ёрнинг,
Қайдалигин билдингизму?

Йўқ сендај дунёга келган,
Қизил гулга ошиқ бўлган,
Хор келанда аждар бирлан,
Бир зўр саваш солдингизму?

Сиз кетгали бул диёрдин,
Айрилдим сабру қарордин,
Ойсуловни Зўвхумордин,
Залилига олдингизму?

Етиб ул Эрон элига,
Ҳайрат солиб Шоалига,
Миниб ғайратнинг белига,
Гул парига бордингизму?

Салабек деяр, шаҳзода,
Етдингму мақсад-мурода,
Хўшимурод, сайилгода,
Гул билан дуч бўлдингизму?

Алқисса, Салабек сўзини тамом қилди. Эрса шул вақт Булбул ҳам қўлига созини олиб, бошидин ўтган воқеаларни баён қилиб, бир ғазал айтди:

Таваккал айлайиб, йўла тушмишам,
Хоркелан тоғида мора соташдим.
Ишқнинг оташига куйиб-пишмишам,
Аждарҳоли бир озора соташдим.

Гул учун айлаюб Сусмор-ла, жангин,
Солдим хаёлимга гул ғунча рангин,
Чалдим “Дамбермасим” чиқариб тангин,
Зўвхумор олдида ёра соташдим.

Сусмор калласини пешкаш айлаюб,
Ойсуловни берди бизга тойлаюб,
“Йилдирим”, “Ел” отни хўш-хўш айлаюб,
Новчаликда ғунча нора соташдим.

Юур эрдим тушди черик кўзлара,
Кўшин солмиш жайрон қувлаб дузлара,
Етиб тутдим, обрў берди бизлара,
Овин олиб, оҳу зора соташдим.

Жайронни овлайиб қолдим жанжала,
Овим бергил, дейиб, солди ғулғула,
Шоҳаббосға бориб Норинбек била,
Бошида жигали зара соташдим.

Залини Шоҳаббосға топшириб,
Худойим Салимни бизга тушириб,
Тахтиға миндириб йўллар ошириб,
Бориб анда гулузора соташдим.

Салим кетди ғунча Гулум ёнина,
Хабар айлаб ўтлар солди жонина,
Парилар сарвари, хўблар хонина,
Дўланмиш зулфлари тора соташдим.
Олиб кел, деб Софияни юбариб,
Оқ юзига қора зулфин қўй бериб,
Канизаклар ўлтурмушлар безаниб,
Зарафшон зийнатли тўра соташдим.

Булбул дер, Гул учун чекдим жафони,
Арзим тинглаб шоҳим қилди вафони,
Иморатда сурдим завқу сафони,
Қўйни жаннат гулгун ёра соташдим.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса Салабек, Ғунчабий ва яна қанча халойиқлар шод-хуррам бўлуб, етти кеча-кундуз тўй-томуша қилдилар. Андин сўнг Булбул, Салабек ва Ғунчабийга:

-Шайларингизни тутинг, сизларни ҳам олиб кетурмен, деди. Ғунчабийнинг бир яқин кишисини ул шаҳарга подшо этиб қўйдилар. Андин сўнг Булбул Гул бирлан, Салабек Ғунчабий бирлан, Залили Ойсулув бирлан ва яна бир қанча лашкарлар йўлга равона бўлдилар. Бир неча йўлларни тай қилиб, 20 кеча-кундуз дарёда сузиб, андин ўтуб, яна қанча йўл босиб, охири Истанбул шаҳриға этиб келдилар. Юз кишини Мулла Қаландарга хабар бериш учун чопар қилиб юбардилар.

Алқисса, Мулла Қаландар бул хабарни эшитиб юз минг лашкарни жам қилиб Булбулнинг олдиға пешвоз чиқди, бош эгиб салом бериб турди. Булбул алик олди. Омонлик соғлик сўрашиб, шоду хуррам бўлиб, карнай сурнай чертдириб, созу-суҳбат бирлан шаҳарга кирдилар. Оби таом еб ўлтурдилар. Шул вақт Мулла Қаландар: -Эй Булбул шул кетганингдин бари не иш битирдинг, баён қилғил, деди. Эрса шул вақт Булбул қўлиға созини олиб, ани баланд пардаларда созлаб, устозига қараб бир мухаммас ўқиди:

Эй менинг устозим эй илми **ладун**, булдур жавоб,
Йўлни қатъ айлаб, оғир лашкар била кўп беҳисоб,
Борибон қўрдик йироқдин, тушдик ул Нил баҳриоб,
Хужми ағёрлик била лашкар ўзин айлаб хароб,
Қолди саксон минг кишидин саксон эранда қараб.

Ул йигирма кеча-кундуз сув юзида ташкари,
Ўлтурибдур **ихтилотда**, келди кўп-кўпдин чири,
Истади, бизни оборди Ғунчабий отлиғ пари,
Ўзими баҳш айларам, деди ўлдирсанг аждари,
Эгнида гулгун либоси, сочи сунбул моҳи тоб.

Аввал ул этди тавалло: кетма Гулга сен бориб,
Сенданни ҳеч топмагум мен етти иқлим ахтариб,
Ҳукм этиб сурди қўшинни Калезавига бориб,
Солди Салабек қиличин, аждархони ўлдириб,
Қўлдади Ҳофизвали ҳам чориёр Али жаноб.

Айлади иқди никоҳ, савсон санобар лолазор,
Қолди Салабек ул ерда, мен Залили **рафтигор**,
Чўл кесиб, тоғлар ошиб, беҳад юридик **бешумор**,
Тўқнашар қўрдик йироқдин икки офат аждаҳо,
Ўлдириб ул сусумори, хуни жигар айлаб кабоб.

Зўвхумор ҳамроҳ бўлибон тушди ул йўлға равон,
Хор келанға элтди ул ким берди неъмати **овон**,
Дурри ёқут, “Йилдирим”, “Ел” отни берди бегумон,
Сўнgra яна баҳш этибон Ойсулувлек комрон,
Ғамзали қотиланинг чун турди зулфларин тараб.

Аждар ила хўшлишиб, тушдик йўла сармаст ўлуб,
Саҳрова ов овлаганлар овин олдим чуст ўлуб,
Килди ғовға, этди жанжал, чун биза зардаст ўлуб,
Подшоҳи Одил эрмиш, тутди бизни дўст ўлуб,
Илтифот айлаб манго ул ҳоли ахволим сўраб.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса Мулла Қаландар хушвақт
бўлуб, 40-кеча-кундуз тўй бериб, шод-хуррамлик бирлан бир неча кун
фарогатда бўлдилар.

Алғараз, андин сўнг Булбул Мулла Қаландарни, Салабекни, Залилини ва
бир неча ҳамроҳ йигитларни жамлаб кенгаш қилди, ўз элига қайтиш
масаласини ўртага қўюб, Истанбулга бир яхши йигитни подшо қилиб қўйдилар.
Андин сўнг Булбул тўрт оқмояни ол-яшил безаб, аларга Гулни, Ойжамол,
Ойсуловни, Ғунчабийни миндируб, Мулла Қаландарни, Салабек, Залилини
олиб бир неча лашкар жам этиб, халқ бирлан аллаёрашиб, соз-сухбат бирлан

йўлға равона бўлдилар. Алар бир неча йўлларни тай қилиб, тоғлар ошиб, чўллар кесиб, анча манзилларни кечиб, ўз вилоятлариға уч қунлик йўл қолғанда бир ерга тушдилар. Булбул уч юз отлиқни отасиға хабар бериш учун чопар қилиб юбарди. Алар подшоға: Жигаргўшанг келди, деб хабар бердилар. Носир подшо бу хабарни эшитиб, аларга суюнчи деб кўп инъом берди. Карнай, сурнай чалдириб, шодиёна қоқдириб, шаҳар ичи шод-хуррам бўлди. Андин сўнг Носир подшо, Булбулнинг онаси ва Мулла Қаландарнинг ота-оналари, қариндошлари бир неча лашкар бирлан Булбулнинг олдиға пешвоз чиқдилар. Йўлда боришида Носир подшо кўнгли жўшиб бир ғазал айтди:

Ол-яшил барқ уриб минг тусли тоғлар,
Тоғларнинг сафоси ёз бирлан келур.
Безаниб бир бўлак паризод-қизлар,
Соллона-соллона ноз бирлан келур.

Кўксинг устидаги недур-юмрилар?
Яхшилик кўрмасин жоҳил-жумрилар,
Баҳор фасли келса тўти ,қумрилар,
Сайрая-сайрая соз бирлан келур.

Бўйнига ярашур бир асл, доно,
Оқ қўла ярашар қирмизи хино,
Уйридин айрилғон яшилбош сўно,
Қўшилиб бир бўлак қиз бирлан келур.

Қаришмиздин соллонишиб келанлар,
Сиё зулфин чор тарафа бўланлар,
Менинг пирим Шоҳимардон, эранлар,
Хар кимнинг баҳтига ёзилан келур.

Носир айтур, бул мурода етаним,
Вайрон этиб кетдинг мундоғ ватаним,
Болам келурму деб топиб-тутаним,
Қўшилиб бир бўлак қиз бирлан келур.

Алқисса, андин сўнг булар манзилга етиб бордилар. Булбул аларни кўриб, отдин тушиб, қўл қовшириб, бош эгиб, салом бериб турди. Мулла Қаландар, Салабек, Залилиларнинг бари кўришиб, соғлик-омонлик сўрашдилар. Андин сўнг тантанаю дабдаба, соз-у суҳбат бирлан шаҳарга кириб бордилар. Кўшкка етдилар. Булбулни отаси тахтга миндурди. Булбулнинг онаси Гул, Ғунчабий, Ойжамол, Ойсулувларни ичкари олиб кирди. Андин сўнг подшо Булбулдин сўз сўради:

-Эй ўғлим, Булбул, шунча йилдин бери нечук ишлар қилдинг, не аҳвол кўрдинг, менга хабар бер, деди. Шул вақт Булбул қўлиға созини олиб, пардасини баланддин созлаб, бир мухаммас айтди:

Чиқдим ул ёр ишқина руҳи-фидодин истаюб,
Беҳисоб лашкар йиғиб, шоҳу-гадодин истаюб,

Анча элни мен кечиб, завқу сафодин истаюб,
Чориёру ҳазрати аъло **шофодин** истаюб,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Сувратин наққош этуб, Истанбули шоҳи жаҳон,
Рашк этуб шоҳин тутуб, топширдум ул пири жувон,
Қизини мулламиз олған-Ойжамол отлиғ жувон,
Ҳокими қилдим Қаландар, мен яна йўлга равон.
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Анча чўлни қатъ этуб, дарёси Нилга бормишам,
Лашкарим қочуб ўзим ул сув юзида юрмишам,
Калезав устида мен анча черикни қирмишам,
Сўнгида мен Фунчабий шоҳнинг ёнида бўлмишам,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Аждар ўлгач, Фунчабийни Салабекка бермишам,
Салани ҳоким қилиб, ўзим чўлларда юрмишам,
Икки офат аждарҳо-Сусуморға қарши турмишам,
Солдим ул “Дамбермас”им, мен Сусуморни ўлдирмишам,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Ойсулувни Зўвхумор бизларга пешкаш айлади,
“Йилдирим”, “Ел” от бериб бизга ани баҳш айлади,
Кўп чериклар оҳ чекиб бизларга дуч каш айлади,
Сўрадим ул овин олиб, сайёди **раҳшош** айлади,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Норинбек отлиғ йигит биз бирла шоҳға борди ул,
Арзи ҳолин сўз этиб, шоҳнинг қошида турди ул,
Овимиз баҳш айлаюб ҳам кўп хушомад қилди ул,
Шоҳимиз ихлос этиб Гулга тавалло урди ул,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Залилига Ойсулувни баҳш этиб, кўрдум висолда Гулими,
Пиримиз берди хабар, мен топмишам ул Салими,
Берди ул бизга насиҳат сўрашиб бу ҳолими,
Мадрасани кездим ул, чўх бир иморат олими,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Салим ул амр айлаюб, бир тахти пайдо айлади,
Миндуриб осмон сари йўлларга шайдо айлади,
Хўшимуродда бизни ул Гулимга дучор айлади.
Келди подшодин хабар ул Гулга озор айлади,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Арзим айтдим шоҳ олдида, Гул учун мен дод этиб,
Шартини **мансух** этиб, кўр ўзига бир от этиб,
Гулин берди бизга ул, ғамгин кўнглимни шод этиб,
Сарвари фахри жаҳонни ҳам Худони ёд этиб,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Салим ул бизни олиб, шоҳи Одилга еткуриб,
Ҳам Залилини олиб, Салабекка от чопдуриб,
Ул Қаландарни олиб, қошида турдик ўлтуриб,
Давлатим дохил бўлуб, сизга тўй шайин тутдуриб,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Булбулам тўрт ёр бўлуб, биз тушдик ишқнинг йўлиға,
Илмади кўзим менинг ёрсиз бул дунё молиға,
Раҳм этуб ошиқлара, боқди Худойим ҳолиға,
Гул юзидин бўса айлаб, лабда шакар-болиға,
Олдим ул ғунча Гулим, ҳиммат Худодин истаюб.

Алқисса, Булбул сўзини тамом қилди. Эрса Носир подшо хушвақт бўлуб,
40 кечакундуз тўй-томоша этиб, халойиқ умрида кўрмаган ишратини кўрди.
Ошиқ ва маъшуқлар мурод-мақсадига етдилар.

Лугат А

Арват- аёл

Худо берсин сиза дови,
Муханнасдин **арват** ғови. (Д)

Арганак-кажава

Эрса Гулчаман қизлар қўлидин **сийипиб** чиқиб, ўзини кўшкнинг **арганагига**
етирди: (Д)

Ахмал -- сезмаслик, хабарсиз қолмоқ

Сал **ахмал** бўлса, кўтариб уражак. (Д)

Айикда-хушёрликда

Ё мастилида ёки **айикда** кўрдинг,
Билмасмен яқинда, йироқда кўрдинг, (ГБ)

Ангур-мева номи

Дилором боғининг турли меваси,
Ангурим, анжирим, норим қайдадур? (ГБ)

Азбар- кучли

Булбул ўлуб ул боғда ис исқасам ул гулдин,
Етмакка умид айлаб, ишқина тушуб **азбар**. (ГБ)

Б

Бўкиб –сакраб

Бу хабарни эшитиб ериндин турди, тезда кийиниб, чодирдин **бўкиб**, чиқди. (Д)

Боди- ҳамла, шижоат, (куч)

Ғанимнинг шилинар пўсти,

Шижаати, боди бўлса. (Д)

Балли-маълум

-От оёқдин **балли**, эр қилиқдин”, дебдурлар (Д)

Бозиргон- савдогар

Эртаси куни булар Хоразмдин Хуросонга бораётган **бозиргонларга** йўлиқдилар. (Д)

Байроқ- мукофот

Байроқ учун отми, туями, кўшакми, алғараз қул-қирноқ, тўн-телпак, тилла ичак, кумуш коса тарқатаберди. (Д)

Буқиб -писиб

Шундин сўнг йигитлар пастдин **буқиб** бориб дарбанднинг оғзида писиб ётдилар. (Д)

Бир бода- бир ҳамлада

-Қизилбош қўшини **бир бода** енгилиб кетди. (Д)

Байдоқ-байроқ

Эрса йигитлар катта қўшин бўлиб, туғ-**байдоқ** кўтариб, саф-саф, санжоқ-санжоқ, байдоқ-байдоқ бўлиб, қизилбош устига отландилар. (Д)

Боғдошни шикирдақдин-чордонани баланддан қурмоқ, димоғдорлик маъносида.

Исо Али бирлан Мусо Али қўрпачанинг устида **боғдошни шикирдақдин** қуриб, виқор бирлан ўлтириб дурлар. (Д)

Борҳо-жуда

Давлатёрбек ўзининг аҳволига **борҳо** ачиниб, якка-ёлғизлиги ёдига тушиб. (Д)

Бадрак-қул

-Сўзимиз шулки, бизнинг бир **бадрак** навкаримиз чопарингизни шул ҳолга солибдур. (Д)

Бир лак-бир минг

Булбулга **бир лак** лашкар саранжом қилиб, олмос қиличини, Шосувор отини берди. (Г Б)

Бўқчиб-сакратиб

Булбул ериндин **бўқчиб** турди. (Г Б)

Бетоя-тенгсиз

Сочи сунбул, юзи гул, хўб рўя ошиқ бўлмишам,

Кўрк ичидаги бемисл, **бетоя** ошиқ бўлмишам. (ГБ)

Бейик-баланд

Ул сарчаманнинг ўртасида бир **бейик** минора бор эрди. Боши осмону фалакка бўй чўзиб эрди. (Г Б)

Биҳил-хундан кечмоқ

Хожатимни биткариб, ўлдир, **биҳил** қоним санго,

“Шоҳсуйган” бирлан “сулув” эй шоҳи хўбоним санго. (ГБ)

Бешумор-ҳисобсиз, қўп

Чўл кесиб, тоғлар ошиб, бехад юридик **бешумор**,

Тўқнашар кўрдик йироқдин икки офат аждарҳо. (ГБ)

Борон- ёмғир

Инграшар фалаклар оҳу зоримдин,

Тўкиб кўз ёшимни **борон** айладим. (ГБ)

Ботмон-ўлчов бирлиги, оғирлик

Ҳар киши лоф бирлан **ботмон** чиқмади,
Чекканда ҳақ дошинг роси билани. (ГБ)

Бейла - бундай

Сен бугун ўт бердинг жонима **бейла**,
Ёрга дуч бўлишга бир ҳийла айла. (ГБ)

Бестаниб-шайланиб

Анча манзил чўл кесиб, келдик шу ерга қистаниб,
Ёв билан айлаб саваш, отим-яротим **бестаниб**. (ГБ)

Буроқ-от номи

Жаннатда **буроқ** от демиш,
Ёлғончида оттур бедов. (Д)

В

Валлайли- ваззихо- қора ва оқ

Туғмамиш андоғ паризод аҳлида соҳиб жамол,
Сочлари **валлайли**, юзи **ваззихоға** учрадик. (ГБ)

Вожиб- шарт

Хабар этмак бўлди бўйнимга **вожиб**, (ГБ)
Мен ани Одилнинг шахрида кўрдум.

Г

Гизламоқ -яширмоқ

Ибришим кокилли ўғлон **гизлаган**,
Бир отга ошиғам, бир-да гўзала. (Д)

Газанфар- шер, жасур.

Алқисса, Булбул олдиға чиқсан **газанфарларга** назар қилмай. (ГБ)

Гурлавик-чуқур

Ҳар **гурлавик** чоҳлар тўлуб оқмади. (ГБ)

Гўв шутгир-отнинг номи

Мунгли кунда бўлган менинг йўлдошим,
Гўв шутгир, ҳамдамим, яна Сарқушим,

Гурт-бўри

Қачон дўст бўлибдур қўйлар гурт била,
Анинг учун болам тура билмади. (Д)

Д

Дуз -майдон

Гах, деганда тоғу тошлар **дуз каби**,
Бир отга ошиқам, бир-да гўзала. (Д)

Дўланиб-тovланиб, қайтиб

Кўнғиротга **дўланиб**, эл-улусга қўшилсанг, онанг хизматига борсанг. (Д)

Дуниб-ҳафа бўлиб

Ҳар ким турғон жойида минг хил ўй-андиша бирлан **дуниб** қолди. (Д)

Дўған- қардош

Мудом мардлар ўлсин ёру йўлдошинг,
Ёвуз кунда **дўған** каби қўлдошинг, (Д)

Дош-ташқари

Доғиб кетсин бойлик-бори
Үзи мандин **дош** этурмен. (Д)

Дейишма-ҳазил

-Эй йигитлар, дейишма этманглар, буларнинг орасида бизнинг от йўқقا ўхшайди. (Д)

Довушинглар-курашинглар

Тоғлар садо берсин, кўк юзи гурлаб,
Довушинглар бугун майдон ичинда. (Д)

Доғишиб-тарқалиб

Ҳаммалар **доғишиб**, уйли-уйига кетдилар. (Г Б)

Дўлидур-уруғ маъносида

Онаси ҳур паридур, фасли баҳорнинг елидур,
Отаси осмондин энган ўшал дулдулнинг **дўлидур**. (Д)

Дирҳам-пул бирлиги

Боқмас обрўнинг юзина,
Бир **дирҳам** чўх сон кўринур. (Д)

Далимен-маст маъносида

Майдонда гўёки мастмен **далимен**,
Юрагим жўш ураг юзма-юз бўлса. (Д)

Дузларим-кенглик, майдон

Армонли **дузларим**, ола майдоним,
От сурган жойларим, эмди қол эмди. (Д)

Дегра-доши- чор атроф

Бу шаҳарнинг 40 дарвозаси бор эрди, **дегра-доши** 40 кунлик йўл эрди. (Г Б)

Дали ишқ-маст қилган ишқ маъносида

Май ичиб, сармаст ўлан бир **дали ишқнинг** комили.

Дабарали- тантанали

Подшо вақти хушлик бирла етти иқлимга от, яқинларга хат йўллади,
дабарали тўй яроғин тутди. (ГБ)

Дайза-холавачча

Эй Булбул, Гул менинг **дайзам** туур, ул онам бирлан туғишгандир. (ГБ)

Доғитинг-тарқатинг

Давлатёр, кўп бўлса душманнинг сони,
Доғитинг бошларин **чотмасдин** бурун. (Д)

Дигар-бошка

Буларнинг изидин залили, Салабек ва **дигар** кишилар ҳам югуриб кетдилар. (ГБ)

Е

Елмоя-бир яшар бўталоқ (йилмоя)

Юз минг қўшин ўртасида баллидур,
Елмоя дудоқли, боши **таллидур**. (Д)

Ё

Ёмон сонса-санаса

Сарар мен хомини, ким **ёмон сонса**,

Сиё зулфи сунбул торма менинг. (ГБ)

Ёришиб-мусобақалашиб

Саваш куни беклар бирлан **ёришиб**,

Найза уриб, ғаним бирлан қоришиб. (Д)

Ёп-анхор

-кимки Давлатёрбекни тутиб, қошимға келтирса, бир **ёп** бўйига мушриф этурмен, 40 йиллик харажатини ҳам берурмен, деб. (Д)

Ёдасин-хулқ атвор маъносида

Мен билманам анинг йўли-**ёдасин**,

Сен яхши билурсен расмин, қодасин. (ГБ)

Ёғдойлари -имконяллари

Уларнинг бир ойда-икки ойда қайтажак **ёғдойлари** йўқ эди. (Д)

Ёзғит-тақдир

Пешонага ёзилган **ёзғит** бир куни ўзини кўрсатади. (Д)

Ёлинг-аланга

Эрса қилич ўтдай порлаб, қизил **ёлинг** бўлди. (ГБ)

Ж

Жавшон - кийим

Жубба, **жавшон** кийиб бедов хорлатиб,

Чиқур эрдим сўлу бирла соғлар, ҳей. (Д)

Жизо-найза

Белда “Дамбермас”им, қўлда **жизом** бор,

Севдигим, кўз ёшинг нега тўкарсен? (ГБ)

Жинон-жаннат

Ёр васлидин топилғай ҳар неки дардга шифо,

Етсам ул ёр васлиға, ўзга **жинонни** найларам. (ГБ)

Жулга-жилға, шохобча

Булбул бу Кўхи салорнинг минг **жулгаси** бор, анинг бирига Калезав дерлар. (ГБ)

З

Занғар –сўқишининг бир тури

Ул **занғар** эгарнинг устида ҳам тўғри ўлтира билмай икки ёнға ўзини ташлай берди. (Д)

Зингиб-тезлашиб, сакраб, югуриб маъносида

Ора қисқариб бораётир, оқ от ҳам анои эмас, яқинлашган сайин **зингиб** бораётир. (Д)

Зомча-хандалак

Олдинга одим отганнинг калласи **зомчадай** юмалана берди. (Д)

Зуннор- тумор

Оқ юзидин нур ёғдуси тўкилган,

Сиё зулфи **зунноримға** етишдим. (ГБ)

И

Инар - тұя

Беш минг **инарга** юкланган ўтин зўрға етди. (Д)

Илло-магар

Мард мудом айтур юзинга,
Илло тупурмас тузинга. (Д)

Ихтилот- қўшилмоқ

Ул йигирма кеча-кундуз сув юзида ташқари,
Ўлтурибдур **ихтилотда**, келди кўп-кўпдин чири. (ГБ)

Исқин-мадор, ҳол

Исқин-мадори қолмаган Давлатёрбек қизил қонга бўялиб, бир нома айтар бўлди: (Д)

Иркилмоқ- кечикмоқ

Рост ўзинг каби яхши, мусулмон йигит, чиқиб хурмат этса, ул ерда бир муддат **иркиламиз**, йўқса йўлдин тўхтамаймиз. (Д)

Имир-думон-туман

Аммо не бало бўлди, бирдан қибла томондин бир **имир-думон** пайдо бўлди. (Д)

Иршод-тўғри йўл

Ёв кўксини чокдай сўкиб,
Лашкарга **иршод** айлади. (Д)

Илг - қўл

Гул паризод бўлса, сен одамзод бўлсанг ани нечук топгайсан, топганда ҳам нечук олгайсен, ул санго нечук **илг бергай**. (Г Б)

Ис исқасам- ҳид ҳидласам

Булбул ўлуб ул боғда **ис исқасам** ул гулдин,
Етмакка умид айлаб, ишқина тушуб азбар. (ГБ)

Илофа-хатолик

Сўзинг нодурустдор, кетма **илофа**,
Хукмин юритадур ул Кўхи қофа. (ГБ)
Й

Йитти-ўткир

Аждархонинг захри бордур танинда,
Йитти тилли ханжар, эмди қол эмди. (Д)

Йитирмоқ -йўқотмоқ

Қалбим тоқат этмас, қолсам гумонда,
Йўлимни **йитирдим**, қолдим туманда. (Д)

Йўнинда-шаклида, қоидасида

Давлатёрбек буларга бир-икки оғиз сўз айтай, тушунсалар тушунарлар, йўқса “танимасни сийламас” **йўнинда** бир иложини кўурмиз деб. (Д)

К

Кулли- барча, ҳамма

Бул хабар **кулли** Хоразмга овоза бўлиб, хоннинг қулоғига ҳам бориб етди. (Д)

Кўшагим-бўталоқ маъносида

Кўзимнинг оқу қораси,
Кўшагим санго топширдим. (Д)

Кон- кўп

Кўрқоқ, номарднинг кўзина,
Беш-ўн киши **кон** кўринар. (Д)

Кунжидин- бурж

Юртнинг тўрт кунжидин эл-улус кела берди. (Д)

Киравка-уруш кийими

Оқ киравка, совут ожиз ёнинда,
Юз туман қиммати бордур қининда. (Д)

Комрон- баҳти

Бир иш бўлса дўстдин кўрар,
Андин қочиб комрон юринг. (Д)

Канорига-қирғоғига

Алғараз подшоҳ оз-юриб, кўп юриб, ул тоғ канорига бориб етди. (ГБ)

Каду- ошқовоқ

Дўнманам бул кўчалардин қонлар оқса мисли сув,
Бош кесилса дуйма-дуйма, кессалар мисли каду. (ГБ)

Калпаза-аждарсимон маҳлуқнинг номи

Хар калпаза аждар бўлуб чақмади. (ГБ)

Кас- киши

Майдонда бир одам баробар келмас,
Сўзда тенг бўлурсен каси билани. (ГБ)

Кўндарди- олиб борди

Сайилгоҳ боғида кезган соқчиям,
Кўндарди гул бизни Булбулга қарши. (ГБ)

Л

Ладун-ғайб, илохий

Эй менинг устозим эй илми ладун, булдур жавоб,
Йўлни қатъ айлаб, оғир лашкар била кўп беҳисоб. (ГБ)

М

Мор -илон

Не деган гап бўлди, не деган хийла,
Ўлдиринг шум морни, кўзим кўрмасун. (Д)

Мукаррар -такрор

Зухра бирлан Тоҳир мен-ла мукаррар,
Маълул бўлма, қоши камон, севдигим. (Д)

Мослиқ-ўлик

Он қадар уруш бўлдиким, тогу дара мослиқларға тўлиб кетди. (Д)

Мардум- одам

-Хов, мардумлар, тўхтанглар! (Д)

Мавж-павж-гала маъносида

Лашкарлар байдоқ-байдоқ, санжоқ-санжоқ, мавж-павж, товул-товул, алам-алам бўлиб, бир-бирига занжирдай қуралиб ётур эрди, юлдузларда сон бор, аммо буларда сон йўқ эрди. (Д)

Мират- таклиф

Мен ёлғон мират этаётганим йўқ, не дединг, қолурмисен? (Д)

Мунаққаш-нақш қўйилган

Кўрса бир сарҳовуз, олтин-кумушдан безалган, ажаб мунаққаш манзил, аргувонлар кўкка бўй чўзган. (Г Б)

Муарраб садок-араң ўқи

Ўртаниб ёр ишқида, кўнгли, жигари доғланиб,

Ул муарраб садоқин, олмос қиличин боғланиб. (ГБ)

Мукаддар-ғамгин

Оҳ урар Булбулинг боши туманда,

Мукаддар бўлмасин кўнглинг гумонда. (ГБ)

Моя- бўталоқ, туя

Шоҳабbosхон Одил қирқ **мояга** зару зарбоғдин, олтин-кумушдин юклади. (ГБ)

Мансух- бекор, эътиборсиз

Арзим айтдим шоҳ олдида, Гул учун мен дод этиб,

Шартини **mansuh** этиб, кўр ўзига бир от этиб,

Махри- ишқи тушиб маъносида

Булбулга **махри** кетиб, юзини кўриб, сўзини эшитиб, ошиқи сармаст бўлди. (ГБ)

Мосил- ясовул

Бир дамда келадур шоҳимдин **мосил**,

Ким билур кимсанинг муроди ҳосил. (ГБ)

Мусхоб-уйқу

Ё очиб **мусхоб** юзин, кўнглимга хуш фолиммудур,

Бўйлари зебо алиф ё қомати долиммудур. (ГБ)

Мужалла- ялтироқ

Бошлари **мужалла**, кўзлари шахло. (ГБ)

Мувожиб- шарт

Шоҳлар бермиш анга анча **мувожиб**. (ГБ)

Монғилдоқ-умбалоқ

Давлатёрбек анинг орқасидин қилич солди, топ **монғилдоқ** отиб ерга парч бўлди. (Д)

Мувожиб-ойлик йўл

Шоҳлар бермиш анга анча **мувожиб**. (ГБ)

Маҳшар-қиёмат

Гулчаманжон **маҳшар** куни йўлдошинг,

Куллуғингда қўл қовшириб турайин. (Д)

Мушриф-пул, мол сақловчи

Давлатёрбекни тутиб, қошимға келтирса, бир ёп бўйига **мушриф** этурмен. (Д)

Н

Не шарим (шар) – шариат

Сенсиз бу ерларда қола билманам,

Не хайрим, не **шарим** било билманам. (Д)

Нар- нор, туя

Балоға дуч келиб **нарда** учрашдим,

Парилардин Гулим олдим-да келдим. (ГБ)

Нал- тақа

Нали олтин, тилло юган, куйлакча шар жул бўлмаса,

Остига оқ **чага** тўшаб, хўрагига гул бўлмаса. (Д)

Нар сулгун – тустовуқнинг хўрози

Келдинг яшил кийиб, безаниб гулгун,
Боқишинг қарчигай, ўзинг **нар сулгун.** (ГБ)
О

Ошоги-юқориси-пости баланди

Қизилбошлар яrim йил тайёргарлик кўриб, **ошоги-юқорисини** жамлаб, зўр тайёргарлик бирлан келмиш эрдилар. (Д)

Ола тосирди – шовқин- сурон

Бу **ола тосирди** урушда бул йигитнинг ўқ таниганига қара! (Д)

Очилишиб – кайфияти яхшиланиб

-Эй Давлатёрбек, ҳали ҳануз тўла **очилишиб** кетмасдин бурун бизнинг хузуримизга келибдурсиз, **эгиликми?**

Оташу сўзон-ўт олов

Гул очған боғларим бўлибдур хазон,
Дунё манго бўлди оташу **сўзон,** (Д)

-Овлоқли-овга бой

-Ажаб сафоли, **овлоқли** бир жой эркан! (Д)

Орисида-нарисида

Анинг сал **орисида** онаси қўзидин ёш тўкиб ўлтирубдур. (Д)

Овон-муддат

Зўвхумор ҳамроҳ бўлибон тушди ул йўлға равон,
Хор келанға элтди ул ким берди неъмати **овон.**

Ол-йўл-макр –хийла

-Биз бир **ол-йўл** ишлатайлик. (Д)

Олонгдай-катта маъносида (майдон)

Яна бирларининг кўзлари косадай, қоринлари **олонгдай**, билаклари қўша тўқмоқдай, яғирнисида хирмон айлантиrsa бўлади. (Д)

Отиз-челлари- дала, марза

Мева-мастон тўла **отиз-челлари**,
Хотамдин сахиyroқ эрлари бордур. (Д)

Орқа доғи- таянчи

Орқа доғи Шоҳимардон пирлари,
Така, йўмит, гўкланг, солир эллари. (Д)

Ожи-аччик

Фофил эрдим, янги бир хабар келди,
Яна бошға тушди **ожи** айролиқ. (ГБ)

Ориф-ажиб- ориф киши

Йироқдин келмишдур ул **ориф-ажиб.** (ГБ)

Оч гурт- оч бўри

Эрса, Гулнинг қўнгил қуши парвоз этиб, еридин туриб, оҳиста-оҳиста қадам босиб, **оч гурт** каби теварак-атрофига олазарак боқиб, юз минг ишва, ноз-карашма бирлан Булбул томонга юриш қила берди. (ГБ)

П

Парч- зич

Давлатёрбек анинг орқасидин қилич солди, **топ монғилдоқ** отиб ерга **парч** бўлди. (Д)

Пирмарди-обид-Ибодат қилувчи кекса киши

Қора тоғнинг кавагида бир таркидунё қилғон **пирмарди-обид** бор туур, анга бориб тушиңг таъбирини баён қилдиргайсан. (Г Б)

Пайкон-ўк

Бошлари мужалла, қўзлари шаҳло, зулфлари халқа-халқа, бир офтоб, киприклари **пайкон**. (ГБ)

Пошибоб- жаллод

-**Пошибоб**, деб чакирди. (Д)

Пешкаш-олдига олиб бормоқ.

Давлатёрбек сизга **пешкаш** деб бериб,

Мирмуҳаммад шоҳнинг бошин келтирди. (Д)

P

Раъият-оддий халқ

Одамзод аҳлидин кимнинг қизини хоҳласанг олиб берурмен, хоҳ ул подшоҳ бўлсун, хоҳ ул **раъият** бўлсун, деб. (ГБ)

Рафтигор-йўловчи

Айлади иқди никоҳ, савсон санобар лолазор,

Колди Салабек ул ерда, мен Залили **рафтигор**. (ГБ)

Рахшош-югурак

Сўрадим ул овин олиб, сайёди **рахшош** айлади,

Олдим ул фунча Гулим, химмат Худодин истаюб. (ГБ)

Роси билани- тўғриси билан

Таваккал айларман, Ҳақа дуз туриб,

Кетарам йўлларнинг **роси билани**. (ГБ)

C

Сушмоқ –илгариламоқ, ўрнидан қўзғалмоқ.

Астробод деб, булут **сушгандай** бўлиб қайтабердилар. (Д)

Сайпалмоқ -сийраклашмоқ

Баҳайбат қўшин ўз-ўзидин **сайпала** борди. (Д)

Самар-мева

Боғимиза **самар** битган,

Кўчқорим санго топширдим. (Д)

Сара софли-ақлли, соф фикрловчи

Сўнгра отини сийлаб-сийпаб, шугун сенинг бир обрўй топар кунингдур, **сара софли** бўл. (Д)

Сагри-этикнинг бир тури.

Хой, халойик, навбат отларга етди, илки билан улуғ отлар қўйилади, отлар етти манзилдин қайтади, оти ўзганга 500 туман тилло, бир тўн, бир телпак, бир **сагри** этик, байроқ берилади, хов... (Д)

Сас этур-овози чиқмоқ

Ё эчкиси ўлса, ё бир қўйини,

Яқини ўлгандин бадтар **сас этур**. (Д)

Сирот-мақтовли, баҳосиз маъносида.

Ўзи асрак, таҳсин **сирот**,
Айтинглар, баҳоси борму? (Д)

Сўққан-урган, теккизган

Занаҳдонли гулгун юзи,
Мушку анбар **сўққан** яли. (Д)

Сўзон-ўт, олов

Сийна **сўзон**, юзининг шуъласи бу боғни кун туққан янглиғ мунааввар қилур эрди. (ГБ)

Солимдин- бир пасдан

Бироз **солимдин** сўнг ҳовуздин чиқиб, кийиниб, тараниб безандилар.(ГБ)

Субҳона-пок, бенуқсон

Отланинг, беклар, юринглар,
Халойик **субҳона** келсин. (Д)

Соп бўлмоқ- тамом бўлмоқ.

То чошгоҳга саваш бўлиб, қизилбош қўшини **соп** бўлди. (Д)

Суранг -шовқин

Давлатёрбек қайтиб келаётир, деб **суранг** сола берди. (Д)

Сайла-сайлга маъносида

Давлатёр дер, менинг қисматим **шўйла**,
Саваша кирмишам, бормадим **сайла**. (Д)

Салки-бўш

Ул тўни, телпаги, этикини чиқариб, қўш боғини **салки** боғлаб, ўртага чиқди. (Д)

Сад ҳазор-юз минг

Иқболи йироқдур, толеъи ётдур,
Жисмида **сад ҳазор** армони бордур. (Д)

Суиди-май қуйди маъносида.

Навҳаи оҳин тузиб кўп зору афғон айлади,
Соқий бир май **суиди**, кўнглим дали-мастон айлади. (Г Б)

Сарурман хомини-терисини шилмоқ.

Эшит, шул ёрима ким **ёмон сонса (санаса)**,
Сарурман хомини, сармасам бўлмас. (Г Б)

Сар солдилар-назар солдилар.

Ул минорига Булбул, мулла қаландар, Залили, Салабеклар чиқиб атрофга **сар солдилар**, Истанбул қальасиға кўзлари тушди. (Г Б)

Сарафроз-юксак, хурсанд, мағрур

Очилиб, гулгун бўлиб, бир кун **сарафрозим** келур,
Олғирим, боз шунқорим, бир новча шаҳбозим келур. (ГБ)

Сайд-овчи маъносида.

Парим **сайд** этгайму отган камандим,
Гулдур менинг вафодорим, дилбандим. (ГБ)

Сурая (сур)- сулув, гўзал

Оҳу зор айлаб юрумен қанча ою-йиллари,
Қадди зебо чекилган **сурая** ошиқ бўлмишам. (ГБ)

Саси билани-овози билан маъносида.

Саваш куни бегим, бул ширин жони,
Олишмам ҳар етган **саси билани**. (ГБ)

Сарпди-тиклади, очди маъносида.

Сарпди юз пардасин ул боди сабо,
Биз бугун жамолин кўрдик марҳабо! (ГБ)

Суниб- тез юриб

Айтинг беклар, **бўйин суниб**,
Келур юлдуз каби **суниб**. (Д)

Сидқи- тўғри, пок таъмиз

Шуларнинг қайси бирисини десанг сенга **сидқи** ихлосим бирлан баҳш этурмен, сен менинг бул сўзимни рад қилма. (Д)

Сарқушим-отнинг номи

Гўв шутгир, ҳамдамим, яна Сарқушим,
Таъсирсиз, хийласиз, эмди қол эмди.

Т

Тўпори – жангари

Эр-пирлар, халойиклар оқ фотиҳа берсалар, эл-юрт қўлдасалар, йигитларнинг бир **тўпори** бирлан қўшилиб бориб Хива таҳтига қилич урсак. (Д)

Тонг соз бермоқ -эрталаб, тонг саҳар

Эрса, эртаси **тонг соз** берган вақтда кулли Қўнғиротнинг улуғидан-кичиги Давлатёрбекни узатмоққа чиқдилар. (Д)

Тимтире- жимжит

Ҳамма эътибор бирлан қараб турур эрдилар, одамлар **тимтире** бўлиб, олдинга имзаниб, қалқиб борур эрдилар. (Д)

Тағофил -бепарво

Эй меҳрибон онам, бироз **тағофил** этинг, иншоолло барча ишлар ўрнига тушур, мушкуллар осон бўлур, сиз манго оқ фотиҳангизни беринг, йўлға узатиб юбаринг, деди. (Д)

Туфанг- милтиқ

Туфанг отиб, саваш қуриб,
Ғанима юзма юз туриб. (Д)

Тўқли-қўй

Ёки тўрт бедов от, тўрт **тўқли**, уч қирнок, исфаҳоний мис қилич берсан. (Д)

Тандурус- тани соғ

Соғлигинг **тандуруслашса**, Оғамуҳаммадхон қўшинлари ҳам келса, санго хабар берурмиз. (Д)

Таҳмил-чиdam

Таҳмил-таҳмил йўлни юринг,
Танимда қоним қолмади. (Д)

Товул-товул-гуруҳ-гуруҳ маъносида

Лашкарлар байдок-байдок, санжоқ-санжоқ, **мавж-павж**, **товул-товул**, алам-алам бўлиб, бир-бирига занжирдай қуралиб ётур эрди. (Д)

Таммалаб- тамба уриб

Ул масхара бўлиб, келганига пушаймон бўлиб, ҳафталаб чодирига кириб, ичидин **таммалаб**, бўридек тўлғониб ётди. (Д)

Тос- сал

Бул сафар ҳам лак-лак қўшинимизни қирғинга бериб қайтди, **tos** ўзимиз ўлишга сал қолдик. (Д)

Тотолошиб- тортишиб

Польонни **тотолошиб** у ёққақув, бул ёққа қув, ҳоритиб ташлади. (Д)

Такъя -суянчиқ, ёстиқ.

Сарвига **такъя** қилиб, ғоли кўрпача тўшаб, шоду хуррам бўлдилар. (ГБ)

Тандур - тандир

Тутган ишинг жон отам, бил бир бузук **тандур сенинг**,

Олғали қасдинг магарким, бу шириң жондур сенинг. (ГБ)

Турмадин қўшоқ-белбоғ маъносида

Булбулнинг ишқига улуғ тўй бошлаб, канизлариға ипакдин куйлак, атласдин тўн, **турмадин қўшоқ** берди. (ГБ)

Тискиниб-сесканиб.

Подшо ул булбулни қўриб, вахти хуш, қўнгли чоғ бўлиб, анинг завқу томошосидин шоду хуррам бўлиб, сасидан **тискиниб** уйғонди. (ГБ)

Тўпилди- хужум қилди, қарши юрди.

Шул вақт Салабек аждархого қараб **тўпилди**. (ГБ)

У

Урим-мазам йўқ маъносида.

-Эй, Сайдмусо, менинг шу кунлар **урим** йўқ. (Д)

Урга- томон маъносида.

Қайси **урга** борарини билмай, кўнглини ғам босиб, зор-зор йиғлаб, саргардон бўлиб кезур эрди. (ГБ)

Ч

Чизғаниб- ечиниб, кийими ни кўтариб маъноларида.

Чизғаниб, сувга тушардик,

Устингдин отлаб кечардик. (Д)

Чирпиниб-титраб маъносида.

Давлатёрбек ҳам шердай **чирпиниб** турғон бир мастона ўғлон эмасми, бул хабарни эшишиб, тинч туро билмади. (Д)

Чиплоқ - яланғоч

Эмди кетсак кетдик, деб отни **чиплоқ** эгарлаб йўл шайнини маҳкам тутиб... (Д)

Чўх ажаб – жуда яхши

-Чўх ажаб, чўх ажаб. (Д)

Чапроз-қарама-қарши маъносида.

Муханнаснинг иши бало-дард била,

Мудом сўзи **чапроз** тушар мард била, (Д)

Чор парра-тўрт бўлак.

Давлатёрбекнинг белинда табризий қилич, қўлида **чор парра** олмос суви берилган найза, эгнида совут-қалқони, Сарқуш отини ўйнатиб бораётир. (Д)

Чанли-қадар,-гача маъноларида.

То сабога **chanli** таҳсин жанг бўлиб,

Икки лашкар саваш қурди **ғожа-ғож**. (Д)

Чага-қум.

Остига оқ чага түшаб, хўрагига гул бўлмаса. (Д)

Чўсту чобук-тез-тез

Булбулни топайлик, деб ўрнидин **чўсту чобук** турди. (ГБ)

Чешайин-ечайин

Кўнгилдаги тугунларни **чешайин**,
Фарзандим йўқ анга ёниб-пишайин. (ГБ)

Чотмоқ-чатиш, боғлаш маъноларида.

Давлатёр, кўп бўлса душманнинг сони,
Дофитинг бошларин **чотмасдин** бурун. (Д)

Чоройна-уруш асбоби, қалқон.

Анинг эгнидаги **чоройнаси** найзага бош бермади. (Д)

Ш

Шемхолчи- милтиқбоз

Уларнинг отлиқ савашчилари, **шемхолчилари**, замбаракчи, тўпчи-тўпхонлари
ҳам кўп эрди. (Д)

Шомор талли, -илондек йўғон сочли

Ўзи хушталъат, инжа белли, **шомор талли**, хут ўн тўрт кечалик ойдай, сар
этганинг икки дунёсини мунаввар этиб турур эрди. (Д)

Шўйла- шундай маъносида.

Давлатёр дер, менинг қисматим **шўйла**,
Саваша кирмишам, бормадим **сайла**. (Д)

Шомор- илон.

Неча ерда учрашдим мен **шомора**,
Ишқ йўлида ўзим солдим бозора. (ГБ)

Шоси билани- шоҳи билан маъносида.

Кучли ғаним бирла юзма-юз туриб,
Чопишам Эроннинг **шоси билани**. (ГБ)

Шафодин-шафоат маъносида

Чориёру ҳазрати аъло **шафодин** истаюб,
Олдим ул ғунча Гулім, ҳиммат Худодин истаюб. (ГБ)

Шарда- шариатда

Пинҳон сўз яхшидур хайдар-шарда,
Ошкор этсанг сиринг сўзла бир марда. (ГБ)

X

Хуий-одати, феъли маъносида

Ғийбат бирлан бузар инсон ўйини,
Ҳеч кимга бермасин анинг **хуийни**. (Д)

Хомсиқиб-кўз ёши тўкиб

Бояги одам **хомсиқиб**, кўз ёши тўкиб юраберди: (Д)

Хуш алхон-ёқимли

Кўрса, бир қизил гул очилиб, анинг бутоғида шакли хўб, хуш мунаққаш, **хуш алхон**, хуш овоз тонг булбули чаҳ-чаҳ уриб, сайраб турур эрди. (ГБ)

Хўшлашиб-аллаёрашиб

Булбул ҳам ота-онаси, қариндош-туғишганлари бирлан **хўшлашиб-аллаёрашиб**, йўлга равона бўлди. (Г Б)

Хавзи Кавсар- оби ҳаёт ҳовузи

Лабларидур жаннат ичра **хавзи Кавсар** шарбати,
Мавж уриб оби асал оққан булоға учрадик. (ГБ)

Хўшачи-дайди маъносида

Сизлар бир **хўшачи**, мен бир ўроқчи,
Ўурмэн сизларни, ўрмасам бўлмас. (ГБ)

Хуруш-шовқин-сурон

Жавлон этар бул майдонни,
Кесар қилич, **хуруш** бўлур. (Д)

Хайри шари-шариат хайри

Давлатёрнинг дўсти ёри, келинглар,
Хайри шари бир Оллодин, билинглар. (Д)
Э

Эндариб-ағдариб

Шум фалак оғамдин айро солибсан,
Жисмимни **эндариб** ерга чалибсан. (Д)

Эгилик-яхшилиқ

Хов, яхши йигит, келишинг, важоҳатинг ёмонроқ, не гап, **эгиликми?** (Д)

Эйём-аллақачон

Хотам сардор аларнинг мақсадини **эйём** сезиб, бир фикрга келган эрди. (Д)

Эпсам-буксам

Чарх уриб, олам кезиб, мен ахтариб топсам керак,
Қанча душман келсалар, мен белларин **эпсам** керак. (Г Б)

Я

Янам-яна ҳам

Қайтиб ҳузуринга келурмен **янам**,
Йифлама, жон онам, каъбам, хўш эмди. (Д)

Яриш-мусобақа

-Отни **яриш** хароб этар, деганлар, сардор. (Д)

Яли-каби

Сайдмусобекни кўрдим,
Бугун кукраб чиққан **яли**. (Д)

Ў

Ўқчаси-товони

Бу гапларни эшитиб, Давлатёрбекнинг **ўқчаси** енгил тортди, ўрнидин турди.
(Д)

Ўқта-устун, кучли

Қиличидин қон оқизур шерлари,
Гўрўғлидин **ўқта** нарлари бордур. (Д)

Ўнгини-олдини

Давлатёр дер, бул жаҳонда кўрмак ўлмас тенгини,
Юриш бўлса бошлаб чиқур улуғ йифин **ўнгини**. (Д)

Ўпкалас-ҳафа бўлиб

Андин сўнг Давлатёрбек ғамгин бўлуб, **ўпкалас**, еридин туриб ўта кетди.
(Д)

Ўврилиб- айланиб

Айрилиқда ул бегим қолди замони қоврилиб,
Юрмади мастан үлуб, ёр күчасида **ўврилиб**. (ГБ)

Ўзларим-хушдин кетмоқ

Хуснинга боққанча кетдим, ақлу ҳушдин **ўзларим**,
Қанча айтсам васфини асло туганмас сўзларим. (ГБ)

К

Қибласи-отаси маъносида

Хотини, **қибласи**, барча дунёси,
Биргалашиб ўз-ўзини пес этар. (Д)

Қоптол-ёнбош

Давлатёрбек бир **қоптолдин**, Сайдмусо қоқ манглайдин от суриб сужи
уйқуда ётган қизилбошлар устига тўкилдилар. (Д)

Қорабош-чўри

Бул мол-дунё, от-асбоб, **қорабош**, барча ғаниматлар сизники бўлсин. (Д)

Қода- қоида

Сен бугун атадинг ёримнинг исмин,
Билурсен, баён қил, **қодасин**, расмин. (ГБ)

Қоқишли-ҳид маъносида

Ул ширин сўзлари жона ёқишли,
Иси мушк-анбарли юпор **қоқишли**. (ГБ)

Қадаған-таъқиқ

Аларнинг ёнига бормоқ кеча-кундуз **қадаған** эрди. (ГБ)

F

Ғўчкоқ-жасур

Аммо шунча **ғўчкоқ** йигитлар турганда қочиб қутилиб билурми эрди. (Д)

Ғожа-ғож-тинимсиз урушиб маъносида

То сабога **chanli** таҳсин жанг бўлиб,
Икки лашкар саваш қурди **ғожа-ғож**. (Д)

Ғофил қолиб-бехабар қолиб.

Хатарли ер эркан, мабодо **ғофил қолиб** бу шаҳарнинг лашкари қўлига
тушиб қолмайлик, деб хавф қилдилар. (ГБ)

Ғаммоз-гийбатчи

Амалдор, ҳийлагар ёнида қўпдур,
Ғаммозлари сансиз мисли чор-чўпдур. (ГБ)

X

Ҳақ- Худо

Давлатёрбек **Ҳақ** дилинда,
Қон томар қилич белинда. (Д)

Ҳолиқлаб-ҳаллослоб

Нафас олиши тезлашиб **ҳолиқлаб** бошлади. (Д)

Ҳазатиб-мазза қилиб

Сен бўлсанг иссик уйда юмшоқ гўштни еб **ҳазатиб** ётибсан! (Д)

Ҳукми ўтандин-ҳукм ўтказувчи, шоҳ маъносида.

Бу араб, аҳли ажам **ҳукми ўтандин** айрилиб,

Мен бугун Истанбулу Рум Исфаҳонни найларам. (ГБ)

Ҳовои-ҳайбат-дағдаға маъносида.

Эрса Залилининг бунга қахри келиб, сиёсат қилиб, ҳовои-ҳайбат бирлан бир байт калима сўз айтур бўлди, қани не деди эркан. (ГБ)

Ҳўвлар-ҳаяжон маъносида.

Эмдики юрак ҳўвлар турмоққа бу жой ичра,

Етмоқчун гўзал ёрга қанот қоқиб, урсам **пар**. (ГБ)

Ҳейва- мева номи

Жон олур ғамзаси, нозик шеваси,

Тоза бор келтирмиш олма, **ҳейваси**. (ГБ)

Ҳамдам-йўлдош.

Гўв шутгир, ҳамдамим, яна Сарқушим,

Таъсирсиз, хийласиз, эмди қол эмди. (Д)

Шартли белгилар:

Д-Давлатёрбек

ГБ-Гул ва Булбул

Луғатни доцент С.С. Рўзимбоев тузган.

МУНДАРИЖА:

1.Халқ дилидан жой олган достонлар.....	3
2.Давлатёрбек.....	11
3.Гул ва Булбул.....	122
4.Луғат.....	203